

Абу Мансур ас-Саолибий

КИТОБ  
ЛАТОИФ  
АЛ-  
МАОРИФ

*Ажойиб маълумотлар ҳақида китоб*

*Тадқиқ қилувчи, таржимон,  
изоҳ ва кўрсаткичларни тузувчи  
ИСМАТУЛЛА АБДУЛЛАЕВ*

Ушбу китоб машҳур адиб, тилшунос ва тарихчи Абу Мансур ас-Саолибийнинг ажойиб асарларидан бири «Китоб латониф ал-маориф» китобининг арабчадан қилинган таржимасидир. Унда Шарқ халқларининг X аср охиригача бўлган маданияти, тарихи, этнографияси ва адабиётига оид муҳим маълумотлар берилган. Шарқнинг, шу жумладан, Урта Осиёнинг айрим йирик шаҳарлари, бу шаҳарларнинг ўзига хос хусусиятлари, об-ҳавоси, суви, ташқи ва ички савдоси, қазилма бойликлари, ҳайвонот дунёси, деҳқончилик ва ҳунармандчилиги, халқнинг урф-одати, кийим-кечаклари ва бошқалари ҳақида асарда берилган маълумотлар муҳим аҳамиятга эга. Китобга ўртаосиёлик шоирларнинг шеърлари ҳам киритилган.

Асар шарқшунослар, адабиётшунослар, фан ва маданият тарихи билан қизиқувчи кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:  
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси  
У. И. КАРИМОВ

Тақризчилар:  
филология фанлари кандидатлари  
Б. ҲАСАНОВ, А. ПРИСОВ

Абу Мансур ас-Са'алиби

КНИГА ОСТРОУМНЫХ СООБЩЕНИИ

На узбекском языке

Ташкент, «Фан»

Ўзбекистон ССР ФА Абу Райҳон Беруний номи Шарқшунослик институти  
илмий Совети, ЎзССР ФА Тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлими  
томонидан нашрга тасдиқланган.

Муҳаррир А. Комилова  
Техмуҳаррир О. Мосина  
Рассом В. Ворохов  
Корректор М. Саидова

ИБ № 4173

Теринга берилди 11.05.87. Босишга рухсат этилди 23.06.87. P03096. Формати 60×90<sup>1/16</sup>.  
Босмахона қоғози № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 8.25. Ҳисоб-  
нашриёт л. 9.0. Тиражи 1000. Заказ 105. Баҳоси 1 с. 40 т.

ЎзССР «Фан» нашриёти: 700047, Тошкент. Гоголь кўчаси, 70.  
ЎзССР «Фан» нашриётининг босмахонаси: Тошкент, М. Горький проспекти, 79.

А 4603010201—3594  
М 355(04)—87 176—86 © Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1987 й.

**АБУ МАНСУР АС-САОЛИБИЙ ВА  
УНИНГ «КИТОБ ЛАТОИФ  
АЛ-МАОРИФ» АСАРИ**

Замонасининг машҳур адиби, та-  
рихчи ва тилшунос олими бўлган Абу Мансур Абдулмалик ибн  
Муҳаммад ибн Исмоил ас-Саолибий ан-Найсобурий (ан-Нишо-  
пурий) 350/961 йили Нишопурда туғилган. У шу ерда маълумот  
олиб, араб тили, адабиётини, Эрон ва Ўрта Осиё халқлари тари-  
hini ҳар томонлама чуқур ўрганади, ўз даврининг машҳур шоир  
ва адибларидан бўлган Абу Сулаймон ал-Хаттобий (319/931—  
388/998) ва Абу Бакр Хоразмийлардан (322/935—383/993) дарс  
олади.

Ас-Саолибий тулки териси билан олди-сотди қилгани учун  
«Саолибий» лақабини олган<sup>1</sup>. У кўпгина мамлакатларнинг дав-  
лат арбоблари, амир ва вазирлари, олим ва шоирлари билан  
танишиб, уларнинг суҳбатида бўлган. «Иатимат ад-даҳр» номли  
машҳур асаарида ёзилишича, Саолибий 382/992—993 йили Бухо-  
рога келиб, бир неча ой истиқомат қилган ва бу ернинг жуда  
кўп олим ва шоирлари суҳбатида бўлган<sup>2</sup>.

Машҳур тарихчи Абу-л-Фазл Байҳақийнинг (995—1078) маъ-  
лумот беришича, Саолибий Хоразмда ҳам бир неча вақт яшаган,  
Хоразмшоҳ Абу-л-Аббос Маъмун ибн Маъмун (1009—1017) суҳ-  
батида бўлган ва унга атаб асарлар ҳам ёзган<sup>3</sup>.

Саолибий Ибн Сино ва Абу Райҳон Берунийлар билан бир  
даврдда яшаган, лекин улар билан алоқада бўлганлиги ҳақида  
ҳозирча ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. Беруний ўз асар-  
ларида Саолибий маълумотларидан фойдаланган. Саолибий 429/  
1038 йили Нишопурда вафот этган (баъзи манбаларда 430/1038—  
1039 йил деб кўрсатилган).

Саолибий анчагина истеъдодли шоир ҳам бўлган. Замондош-  
лари ва ундан кейин яшаган олимлар унинг шеърлар девони  
мавжудлигини қайд қилганлар. Бизгача Саолибийнинг шеърла-

<sup>1</sup> Саолиб — саълаб (тулки) сўзининг кўплиги.

<sup>2</sup> Иатимат ад-даҳр. 4-ж. 171-бет. Ўзбекча таржимаси. 204-бет. (Араб  
хатидаги асарлар номи ҳозирги ўзбек имлосида қисқартирилган ҳолда берил-  
моқда. «Фойдаланилган асарлар» рўйхатига қаранг).

<sup>3</sup> Бейхаки. С. 589.

ридан айрим парчалар унинг ўз асарларида ва бошқа олимларнинг китобларида етиб келган<sup>4</sup>.

Абу Мансур ас-Саолибий асосан ижтимоий фанлар соҳасида етук олим бўлган. Унинг тил, адабиёт ва тарихга оид асарлари жуда кўпдир. Машҳур турк географ ва библиограф олими Мустафо ибн Абдуллоҳ Котиб Чалабий Хожӣ Халифанинг (1609—1687) «Кашф аз-зунун» китобида Саолибийнинг 19 та асари<sup>5</sup>, немис олими Карл Брокельманнинг «Араб адабиёти тарихи» китобида 51 та асари кўрсатилган. Саолибийнинг «Ат-Тамсил ва-л-муҳозарат» номли китобини нашр этган Миср олими Абдулфаттоҳ Муҳаммад ал-Хулув унинг 84 асарини кўрсатиб ўтган<sup>6-7</sup>.

Саолибий номини дунёга таништирган асарлардан бири унинг «Иатимат ад-даҳр фи маҳосин аҳл ал-аср» («Аср аҳлининг фозиллари ҳақида замонасининг дурдонаси») номли тўрт қисмдан иборат тазкирасидир. Бу асарнинг Хуросон ва Мовароуннаҳр шоирларига бағишланган тўртинчи қисми тадқиқот, изоҳ ва кўрсаткичлари билан ўзбек тилига таржима қилиниб нашр этилди<sup>8</sup>. Таржимага ёзилган сўз бошида Саолибийнинг таржимаи ҳоли, ижоди, асарлар рўйхати ва улардан айримларининг тафсилоти тўла ёритилган. Таржимага тузилган изоҳларда Саолибий ҳаёти ва ижодига, ўша давр тарихий воқеалари ва айрим тарихий шахсларга оид жуда кўп масалаларга тўхтаб ўтилган. Шунингдек, Саолибий ҳаёти ва ижодига бағишланган бир қанча брошюра ва мақолалар эълон қилиниб, уларда буюк олим ва унинг асарлари ҳақида муфассал маълумотлар берилган<sup>9</sup>.

Саолибийнинг *كتاب لطائف العارف* — «Китоб латонф ал-маориф» («Ажойиб маълумотлар китоби») сўз бошисида Саолибий ўз китобини Эрон ва Ироқда ҳукм сурган бувайҳийлар сулоласининг (320/932—454/1062) машҳур вазир, шоир ва олимлар ҳомийси ас-Соҳиб лақаби билан машҳур бўлган Абу-л-Қосим ибн Аббод (936 атрофида туғилиб, 995 йили вафот этган) шарафига бағишлаганини зикр қилади<sup>10</sup>. Саолибий ас-Соҳиб саройида тахминан 990—995 йилларда яшаган. Демак, шу йилларда «Латонф ал-маориф» ёзиб тугатилган. Олим асарнинг баъзи ўринларида «Иатимат ад-даҳр» тазкирасини эслатиб ўтган ва унга киритган шеърлардан намуналар келтирган<sup>11</sup>. Бизга маълумки, у «Иати-

<sup>4</sup> Саолибий шеърларидан айримларининг ўзбек тилидаги таржимаси «Абу Мансур ас-Саолибий» китобчамизда берилган.

<sup>5</sup> Кашф аз-зунун. I, 164, 350; II, 42, 420, 493; III, 134, 238, 584, 591, 641; IV, 145, 459; V, 127, 141, 217, 289, 319, 367, 485; VI, 273, 404, 508, 510-бетлар.

<sup>6-7</sup> «Ат-Тамсил ва-л-муҳозарат», 10—17-бетлар.

<sup>8</sup> Абу Мансур ас-Саолибий. Иатимат ад-даҳр/Тадқиқ қилувчи. таржимон, изоҳ ва кўрсаткичларни тузувчи Исмагулла Абдуллаев. Масъул муҳаррир У. И. Каримов. Тошкент. 1976.

<sup>9</sup> Улардан энг муҳимлари: «Бухоронинг арабийнавис шоирлари» (1965), «Абу Мансур ас-Саолибий» (1972). «Берунийга замондош шоирлар» (1975).

<sup>10</sup> Латонф. 2-бет.

<sup>11</sup> Латонф. 43, 120-бетлар.

мат ад-дахр»нинг биринчи нусхасини 384/994—390/1000 йилларда ёзган. Кейин уни 402/1011—407/1016 йилларда қайта ишлаб, тўлдирилган нусхасини ёзиб тугатган. Агар «Латонф ал-маориф»нинг ас-Соҳиб ибн Аббодга бағишлаганини асос қилиб олсак, у «Йатимат ад-дахр» билан бир даврда ёзилган, деган хулосага келамиз. «Латонф ал-маориф»нинг 58-бетида хоразмшоҳ Абу-л-Аббос Маъмун ибн Маъмун (399/1009—407/1017) ва унинг ўғли Сижистон ҳокими Маъмун ибн Маъмун ибн Маъмун тилга олинган. Бундан асар 1009—1017 йилларда ёзилган деган хулоса келиб чиқади. Бизнингча, Саолибий «Латонф ал-маориф»ни ҳам «Йатимат ад-дахр» каби қайтадан ишлаган ва унга баъзи бир сўнги воқеаларни қўшган. Асарнинг биринчи нусхаси 990—995 йилларда ёзилган бўлса, унинг қайтадан тўлдирилган нусхаси 1009 йиллардан кейин ёзилган бўлиши керак.

Саолибий «Латонф ал-маориф»ни ёзишда ўзидан олдин яшган қуйидаги шарқ олимлари — Абу Абдуллоҳ ал-Жаҳшиёрийнинг (вафоти 330/942) «Китоб ал-вузаро ва-л-куттоб» («Вазирлар ва қотиблар ҳақида китоб»), Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Аббас ас-Сулийнинг (вафоти 243/857) «Китоб ал-вузаро» («Вазирлар ҳақида китоб») ва «Китоб ал-авроқ» («Варақлар ҳақида китоб»), Абу Убайда Маъмур ат-Тамимийнинг (109/728—210/825) «Зикр ал-масолиб» («Емон ишлар зикри»), Собит ибн Синонинг (вафоти 365/975) «Тарих китоби», Абу Абдуллоҳ ал-Жайҳоний, Абу-л-Қосим ибн Ҳурдадбах (820—913) ва Абу Исҳоқ ал-Истаҳрийлардан бирортасининг «Масолик ва-л-мамолик» («Йўллар ва мамлакатлар»), Абу Усмон Амр ибн Баҳр ал-Жоҳизнинг (вафоти, 869) «Китоб ат-Табассур би-т-тижора» («Савдогарчилик ҳақида фикрлаш китоби»), Абу-л-Ҳасан Али ибн Абдулазиз Журжонийнинг (вафоти 366/976—977) «Китоб ар-руасо ва-л-жилла» («Бошлиқлар ва машҳур кишилар ҳақида китоб») асарларидан манба сифатида фойдаланган ва уларнинг номини китобида қайд қилган. Баъзан Саолибий ўз маълумотларини келтирганда юқоридаги олимларнинг тилидан ҳикоя қилиш билан кифояланиб, уларнинг асарлари номини эслатиб ўтмайди. Булардан ташқари, «Латонф ал-маориф»да яна бир қанча ривоятчилар номи Саолибий манба сифатида зикр қилинган:

Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Мусо ал-Мусавий ат-Тусий (118-бет)<sup>12</sup> ас-Саййид номи билан машҳур бўлган адиб ва шоир, замонасининг нуфузли кишиси бўлиб, Тус шаҳрида туғилган, ёшлигининг бир қисми сомонийлар саройида ўтган. Бу сулола инқирозга учрагандан кейин ал-Мусавий Нишопурга кетиб, ўша ерда яшаган. Абу Наср Утбий ўзининг «Тарих ал-Йаминий» асарида ал-Мусавий ҳақида маълумот бериб, шеърларидан намуналар келтирган («Тарих ал-Йаминий», II, 128—132). Саолибий-

<sup>12</sup> Бундан кейин «Латонф ал-маориф» бетларини қавсда кўрсатиш билан кифояланамиз.

нинг «Иатимат ад-даҳр» тазкирасида ҳам ал-Мусавий номи муншид (ровий) сифатида зикр қилинган.

Ҳозир ибн Муҳаммад ат-Тусий (124-бет) ўша давр адабий муҳтига алоқадор киши. Эҳтимол шоир ҳам бўлган. Унинг номи «Иатимат ад-даҳр»да ҳам муншид сифатида бир неча марта учрайди.

Ал-Мадоиний Али (137/754—225/840 атрофи) — тарихчи ва адиб. У ислом фатҳлари даврида Урта Осиё тарихига оид муҳим манба бўлган асарлар ёзиб қолдирган. Унинг асарларидан Табарий ва Балозурийлар фойдаланган. «Латоиф»да ровий сифатида 77-бетда зикр қилинган. Булардан ташқари, асарда ровийлар сифатида Абу Занбур ал-Мадароий (131-бет), Абу-л-Ҳасан Али ибн Аҳмад ал-Миссий ар-Ромий аш-Шоир (132-бет), Абу Мансур ал-Баридий (56-бет), Абу-л-Ҳасан ал-Мосаржисий (101-бет), Абу-л-Фатҳ Бустий (120, 121, 131-бетлар), Абу Саъд Муҳаммад ибн Мансур (122-бет), Шабиб ибн Шабиб (124-бет), Тоҳир ибн Абдуллоҳ ибн Тоҳир (126-бет) кабилар тилга олинган. Бу ровийлар ҳақида изоҳларда маълумот бердик.

Саолибийнинг «Латоиф ал-маориф» асари ўн бобга бўлинган. Муаллиф китоб охирида «Донолик билан айтилган иборалар ва ёрқин ифодалар» номли сарлавҳа остида турли мамлакатлар ҳақида машҳур кишиларнинг фикрлари ва шоирларнинг шеърларини илова қилиб келтирган. Китобда муҳим тарихий-этнографик маълумотлар берилган, шунингдек, Саолибий ва унга замондош бир қанча арабийнавис шоирларнинг шеърлари асарга киритилган. Бу ўша даврда Урта Осиё, Эрон ва Афғонистонда араб тилида яратилган шеърятни ўрганишда муҳим манба вазифасини ўтайди. Бу шеърларнинг айримлари бошқа манбаларда учрамайди.

Саолибий маълумотларидан баъзилари ҳақида тўхталиб ўтамиз. Биринчи бўлиб у ёки бу ишни ёки урф-одатларни қилган, бирор нарса ёки буюмни тайёрлаган кишилар ҳақида сўзлар экан, «меҳмон учун мажлиснинг юқори томонини расм қилган ва (меҳмонни) «меҳмон» — бу сўзнинг тафсири «уйнинг хожаси» демакдир<sup>13</sup>— деб атаган биринчи киши Баҳром Гўрдир» — дейди (6-бет). «Савик» — арпа ва буғдой ундан тайёрланган ёвғонни биринчи пиширган, пистирма қўйиш учун отларни биринчи бичма қилган, душман аскарларидаги жосусларни аниқлаб, қочаётган душманни қувлашни тўхтатиш ҳақида буйруқ берган биринчи киши Искандардир (7-бет). Темирдан найза ясаттирган биринчи киши Зу Язан ал-Ҳимярийдир, Язанийя деган найза ўшанга нисбат берилади (8-бет). «Дирҳам ва динорга биринчи арабча нақш солган киши Абдулмалик ибн Марвондир» (13-бет). «Биринчи марта касалхона қурган киши Ал-Валид ибн Абдулмаликдир (13-бет)» деб ёзади муаллиф. Шунини ҳам айтиш керакки, Саоли-

<sup>13</sup> Саолибий «Иатимат ад-даҳр»да «меҳмон» сўзини изоҳлаб, бу «меҳ» (улуғ, буюк) ва «мон» (манзил) сўзларидан ташкил топган, дейди («Иатимат ад-даҳр», 352-бет; ўзбекча таржима, 375-бет).

бийнинг у ёки бу ишни биринчи қилганлар ҳақидаги маълумотларининг ҳаммасига ишониб бўлмайди, у кўпроқ шарқ халқларида биринчи марта юз берган шундай ишларни кўзда тутган. Шунинг учун илмий томондан аҳамиятга эга бўлмаган бу биринчи бобни таржимада тушириб қолдиришни лозим топдик.

Асарнинг «Шеърлари туфайли лақаб берилган шоирларнинг лақаблари ҳақида», «Машҳур кишилар, аъёнлар ва шулар каби-ларга тегишли бошқа ислом лақаблари ҳақида» деган боблари ҳам диққатга сазовордир. Бу ерда Саолибий исломгача ва ундан кейинги жуда кўп шоирлар, арабларнинг машҳур кишилари, халифалар лақаблари ва турли мамлакатларни фатҳ этган лашкарбошиларга ерли халқлар томонидан қўйилган лақаблар ҳақида нодир маълумотларни қолдирган.

Араб босқинчилари бошқа мамлакатларни забт этганда бу мамлакатларнинг халқлари уларга нафрат кўзи билан қараганлар, ўз ерларини оёқ ости қилиб, халқ оммасини эзган фотиҳлар устидан кулиб, уларни мазаҳ қилганлар ва уларга турли лақабларни тўқиганлар: Саъд ибн Абдулазиз ибн Ҳорис умавийлар саркардаси Муслима ибн Абдулмалик томонидан Хуросон ҳокими этиб тайинланади. Самарқанд аҳли уни Хузайна (Озод қилинган чўри аёл) деб лақаблаган (30-бет). Асади ибн Абдуллоҳ ал-Қасрий биродари Ироқ ҳукмдори Холид ибн Абдуллоҳ томонидан Хуросон ҳокими этиб тайинланганда жуда қора бўлгани учун ерли халқлар унга зог (қора қарга) лақабини берган экан (30-бет).

Саолибий машҳур араб ва арабийнавис олим ва шоирлардан ал-Мубаррад, Нифтавайҳ, Жаҳза, ал-Атавий кабиларнинг лақаблари ҳақида сўз юритади. Масалан, машҳур олим Нифтавайҳ ниҳоят хунук бўлгани учун уни нефтга ўхшатиб, Нифтавайҳ деб аташган ва бу билан унинг лақабини устои Сибавайҳ номига тақлид қилишган (34-бет).

«Латонф ал-маориф»нинг тўртинчи бобида қадимги котиблар ҳақида қимматли ва нодир маълумотлар келтирилган. Бу ерда Саолибий ўзидан аввал ва замонасида яшаган машҳур котиблар номини келтиради. Бу бобда Муҳаммаднинг шахсий котиби Абдуллоҳ ибн Абу Сарҳ ҳақидаги маълумотлар диққатга сазовордир. У Муҳаммадга тангри «туширган» ваҳйларни ёзган. Кейин «йўлдан тойиб, мушрикларга қўшилиб кетади». Бунга сабаб қилиб «Муҳаммад менинг хоҳлаган нарсамни ёздираверди» деган баҳонани айтади (40—41-бетлар). Бундан чиқдики, Абдуллоҳ ибн Собит «худо юборган ваҳйлар» орасига моҳир котиб сифатида ўзидан ҳам сўзлар қўшиб ёзиб юборган ва Муҳаммад бунга қаршилиқ кўрсатмаган. Шундан кейин унда пайғамбарга ишонч қолмай, унинг ҳузуридан кетиб мушрикларга қўшилиб кетган бўлиши керак.

Бешинчи бобда Саолибий ирқ ва насаб жиҳатдан, яъни ўзи, отаси, бобоси кабилар тахт сўраб келган халифа, вазир, қози ва бошқа ҳукмдорлар, насл-насаби билан шоир бўлганлар ҳақида

сўз юритади. Масалан, подшоҳлардан насл-насаб жиҳатдан шоҳликда энг донг таратгани Нуъмон ибн Мунзир ибн Имруулқайс ибн Нуъмон ибн Имруулқайс ибн Амр ибн Адий ал-Лаҳмийдир. Унинг ўзи ва бутун номи келтирилган аждодлари юрт сўраган (44-бет). Халифаликда насб-насабдан энг машҳури Язид ибн ал-Валид ибн Абдулмалик ибн Марвондир, яъни унинг ҳамма аждодлари халифа бўлган (44-бет). Шоирлардан энг ирқлиси Ҳассон авлодлари бўлиб, олтинчи аждодигача шоир бўлган, Абу Ҳафса авлодларининг кетма-кет ўнтаси шоир бўлган. Саолибий уларнинг номини зикр қилиб, шеърларидан парчалар келтирган (47—51-бетлар).

Аёллардан энг саҳийси ва ҳаж маросимида бутун мол-мулкни тарқатиб сочиб юборгани, ислом оламида ҳеч бир подшоҳ эркак ёки подшоҳ хотин унга тенг келолмагани Жамила бинт Носир ад-Давла ҳақидаги Саолибий ҳикояси ҳам мароқлидир. У аёл уч минг қул ва икки минг чўрини озод этган, қўшниларига катта тўхфалар қилган, эллик минг кишига сарпо кийгизган. Бунни кўролмаган бувайҳийлар амири Азудуддавла Фанно Хусрав (338/949—372/983) Жамила ўз шаҳри Мавсилга қайтиб келганидан кейин, унинг мол-мулки ва қалъаларини мусодара қилади. Жамила қашшоқлашиб, жуда ночор ва ачинарли аҳволга тушиб қолади. Фанно Хусрав уни хотинликка сўрайди, лекин ўзини амирдан юқори тутиб, амир талабини рад этади. Фанно Хусрав аёлни қўлга олиб, яланғоч қилиб ечинтиради ва агар хотинликка рози бўлса, мол-мулкни қайтиб беришини, бўлмаса фоҳишахонага жўнатишини айтади. Жамила ор-номусини сақлаган ҳолда миршабларни гафлатда қолдириб қочади ва ўзини Дажла дарёсига ташлаб, ғарқ бўлади (55—56-бетлар).

Еттинчи бобда бола, ота ва бобанинг исм ва кунялари бир хил бўлиши ҳақида қизик маълумотлар берилган. Саолибийнинг ал-Жоҳиз тилидан ёзишича, бола, ота, боба ва бошқалар исмининг бир хил бўлиши фақат подшоҳлар ва ҳукмдорлардагина учрайди. Масалан, эрон шоҳларидан Баҳром ибн Баҳром ибн Баҳром; ғассоний шоҳларидан ал-Ҳорис ибн ал-Ҳорис; ислом ҳукмдорларидан ал-Ҳасан ибн ал-Ҳасан ибн ал-Ҳасан; хоразм шоҳларидан Абу-л-Аббос Маъмун ибн Маъмун, унинг ўғли Сижистон ҳокими эса Маъмун ибн Маъмун ибн Маъмун номи билан аталган (56—57-бетлар). Саолибийнинг икки хил ном билан аталган шаҳарлар ҳақидаги маълумотлари ҳам диққатга сазовордир: Макка ва Салоҳ, Мадина ва Ясриб, Миср ва Кустод, Байтулмақаддас ва Илё, Бағдод ва Мадинатуссалом, Рай ва Муҳаммадийя, Исфаҳон ва Жаййи, Найсобур ва Абу Шаҳр, Балх ва Бомин, Сижистон ва Зарнаж, Хоразм ва Кос (59—60-бетлар).

Асарнинг саккизинчи боби пайғамбарлар, қурайшийлар, турли подшоҳ ҳукмдорларнинг баданидаги нуқсонлари ҳақида жуда қизиқарли маълумотларни ўз ичига олган. Бу ерда Саолибий бир кўзли, кўр, чўлоқ, ниҳоятда новча ёки пакана ва ғайриқонуний туғилган ҳукмдорларни бирма-бир санаб ўтган: Искандар

чўлоқ бўлган, Анушервон — бир кўзли, Яздижард — чўлоқ, ғас-сонийлар шоҳи ал-Ҳорис (иккинчи) — чўлоқ, Ҳира шоҳи Жузай-ма ал-Абраш — пес бўлганлар. Умавийлар халифаси Абдулмалик ибн Марвоннинг қорни ниҳоятда катта бўлган; Язид ибн Абдулмалик — ҳаддан зиёд семиз, Ҳишом ибн Абдулмалик эса ғилай бўлган. Кейин Саолийий уларнинг энг сахий ва бахиллари ҳақида ҳикоя қилади. Айниқса ғайриқонуний, яъни чўрилардан туғилган машҳур ислом намояндалари ва халифалар ҳақидаги маълумотлар диққатга сазовордир. Булар халифа Абу Бакрнинг (632—634) набираси Қосим ибн Муҳаммад, Умарнинг (634—644) набираси Салом ибн Абдуллоҳ, Алининг (656—660) набираси Али ибн Ҳусайн кабилардир. Ҳатто пайғамбар Исмоил ҳам ғайриқонуний туғилган эмиш. Аббосий халифаларидан ас-Саффоҳ (749—754), ал-Маҳдий (775—785) ва ал-Аминдан (809—813) бошқа ҳаммаси чўрилардан никоҳсиз туғилган.

Пайғамбар қабиласи бўлмиш муқаддас қурайшийлардан чиққан фоҳишабозлар, баччалар, баччабозлар, ёлғончилар, аҳмоқлар ва ҳийлагарлар ҳақидаги маълумотлар ҳам ислом машҳур намояндалари кирдикори ва фисқу фасодларини ошкор қилади (63—64-бетлар).

Баъзи бир мусулмон давлатлари ҳоким табақалари орасида оддий тус олган бузуқлик ва ахлоқсизликлардан бири баччабозлик эди. Бунинг асли келиб чиқиши қадимги Юнонистон (Греция) бўлган. Машҳур юнон ёзувчиси Светоний (I аср охири—II аср биринчи ярми) ўзининг эрамининг 120 йили ёзган «Ун икки қайсарнинг ҳаёти» номли машҳур китобида Рим қайсари (император)ларининг ҳаддан зиёд бузуқликлари, улар орасида фоҳишабозлик ва баччабозлик ниҳоятда авж олгани ва оддий одат тусига кириб қолганини ёзиб кетган.

Ҳоким табақалар ўртасидаги бу манший бузуқлик кейинчалик қадимги Юнонистондан Шарққа тарқалиб<sup>14</sup>, халифалар, шоҳлар ва бошқа ҳукмдорлар, юқори табақа вакиллари ҳаётига мансуб иллат тусини олди. Араб, Эрон ва туркий халқлар адабиётида ҳам баччабозликни тараннум қилиб кўплаб шеърлар ёзилди. Баччабозлик ҳақида Наршахийнинг «Бухоро тарихи» китобида ҳам айтиб ўтилган<sup>15</sup>.

Исролда Муҳаммаддан кейин унинг халифаси (орқасида туврчи кишиси) ҳисобланган Умавий ва Аббосий халифалари ҳақидаги ёзилган асарларнинг кўпчилигида бу халифалар ҳаёти тасвирланар экан, улар муқаддас, ҳар томонлама пок, дин ва шариатни маҳкам ушлаган, пайғамбар ишларини давом эттирган идеал кишилар сифатида тасвирланади.

«Латоиф»да эса Саолийий Умавий ва Аббосий халифаларининг манший бузуқликлари, ёмон ва фосиқ ишлари ҳақида ёзар экан, улар ҳаётида баччабозликдай ёмон иллат кенг тарқалиб

<sup>14</sup> Крачковский И. Ю. Абу-л-Фараж. С. 187.

<sup>15</sup> Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи. Тошкент, 1966, 68—69-бетлар.

кетганини ҳикоя қилади ва бундай бузуқлик билан шуғулланган халифаларнинг номларини бирма-бир санаб ўтади (64—65-бетлар). Саолибий Аббосийлар халифалиги ҳукм сурган, халифалар забардаст ҳоким сифатида зўр куч-қудрат ва нуфузга эга бўлган бир даврда яшаган бўлишига қарамай, улар ҳаётидаги бундай жирканч камчиликларни қўрқмай китобга кўчирган. Ваҳолонки, халифалар қилмишлари ҳақидаги бундай далилий маълумотлар ўша даврнинг бошқа муаллифлари асарларида кам учрайди. «Латоиф»даги ахлоқ тарзимиэга ёт бўлган бундай маълумотларни таржима давомида тушириб қолдирдик.

Асарда муаллиф халифалар халқни эзиш ҳисобига тўплаган ҳаддан зиёд бойликлар ҳақида сўзлар экан, уларнинг ўғиллари томонидан бу бойликлар беҳудага сочиб юборилишини далиллар билан ривоят қилган (71—73-бетлар).

Муаллиф бошқа ҳукмдорларнинг меҳнаткаш халқ ҳисобига тўплаган бойликлари ва бу бойликларни беҳудага тўй-томоша ва оддий халққа ҳеч манфаати тегмайдиган айшу ишратларга сарфлаб юборилишини ҳам мисоллар асосида кўрсатиб кетган. Масалан, Аббосийлар халифаси ал-Маънун (813—833) вазири ал-Ҳасан ибн Саҳлнинг қизи Бўронга уйланганда, вазир қирқ кун зиёфат бергани, мисли кўрилмаган харажатлар қилиб, исрофгарчиликлар қилгани батафсил баён этилган. Бу ерда Саолибий вазир ал-Ҳасан ихтиёрида ўттиз олти минг денгизчи сузиб юришини ҳам айтиб ўтган (73—77-бетлар).

«Латоиф ал-маориф»нинг тўққизинчи бобида Саолибий шоҳ ва ҳукмдорларнинг касби кори, қилмишлари ва ёвузликлари ҳақида ажойиб маълумотларни зикр қилган. Подшоҳларнинг юрт сўраши ҳақида сўзлар экан, она қорнида ҳали туғилмай туриб тахт сўраган подшоҳ сосонийлар шоҳи Шопур Зу-л-Актоф (310—379) бўлган дейди. Унинг отаси Хурмуз ҳалок бўлгач, ундан воҳрис қолмабди. Хотинларидан бирининг ҳомиладорлигини аниқлаб, унинг қорнига тожни қўйишибди ва шундай қилиб Шопур она қорнида туриб юрт сўраган экан (78-бет). Сўнг Саолибий энг кўп ва энг оз юрт сўраган подшоҳлар ҳақида ҳам ажойиб воқеаларни ёзиб қолдирган. Умуман, халифа, шоҳ ва амирлар ҳаётидан олинган мароқли ва тарихий аҳамиятга эга бўлган маълумотлар асарда мужассамлаштирилган.

Бизга маълумки, исломни тарқатиш давомида араб фотиҳлари жуда кўп мамлакат ва шаҳарларни забт этиб, ерли халқларни қирғин қилдилар ва маданий бойликларни талон-торож қилиб, шаҳар ва қишлоқларни вайрон этдилар. Саолибий ислом оламида ҳар бири бир миллиондан одам ўлдирган тўрт киши: ал-Ҳажжаж, Абу Муслим, Бобак ва ал-Бурқуийлар номини тилга олган (85-бет).

Асарнинг охирига ва энг катта (92—130-бетлар) ўнинчи бобида турли мамлакат ва шаҳарларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг гўзалликлари ҳақида ҳикоя қилинади. Урта ва Яқин Шарқнинг айрим йирик ва машҳур, маданият ва савдо-сотик

ривожланган шаҳарлари ҳақида бу бобда Саолибий келтирган маълумот ва ривоятлар жуда муҳим тарихий, этнографик ва адабий аҳамиятга эга, Муаллиф бу ерда шаҳарларнинг ўзига хос хусусияти, об-ҳавоси, ташқи ва ички савдоси, фойдали қазилмалари, ҳайвонот дунёси, деҳқончилиги, ҳунармандчилиги ва санъати ҳақида нодир маълумотлар қолдирган. Саолибий халқнинг кийим-кечаги, урф-одати ҳақида ҳикоя қилиш билан бирга шаҳар ва мамлакатлар ҳақида шарқ шоирларининг араб тилида ёзган шеърлари ва айрим машҳур кишилар айтган сўзларни ҳам келтирган. Шеъринг парчалар орасида Саолибийнинг шеърлари, Хуросон ва Мовароуннаҳрда яшаган арабийнавис шоирлар асарларидан олинган парчаларни учратамиз. «Латоиф ал-маориф»да қуйидаги шаҳарлар ҳақида маълумотлар берилади: Макка, Мадина, Шом (Сурия), Миср, Басра, Куфа, Бағдод, Ахвоз, Форс, Исфаҳон, Мавсил, Рай, Табаристон, Журжон, Найсобур (Нишопур), Тус, Ҳирот, Марв, Балх, Буст, Ғазна, Сижистон, Ҳиндистон, Бухоро, Самарқанд, Хитой, Турк диёри ва Хоразм. Саолибий Ҳиндистон ҳақида ёзар экан, шундай дейди: «Денгизи — дур, тоғи — ёқут, дарахти — уд, (дарахтининг) барги эса атрدير» (124-бет). У ернинг бошқа жойларда бўлмайдиган ёки кам учрайдиган ўзига хос нарсаларидан фил, каркидон, йўлбарс, товус, тўти, курка товук, қизил ёқут, оқ сандал дарахти, фил суюғи, уд, тўтиё, қалампирмунчоқ, сунбул, жавзобобо ва бахмал либосларни қайд қилиб ўтган (125-бет).

Хитойда чинни идишлар яшаш, ҳайкалтарошлик ва рассомчиликда хитойликлар маҳорати юксаклигини ажойиб мисоллар билан ривоят қилади (127—128-бетлар). Турк диёри ўзига хос ҳайвонот дунёси жиҳатидан Ҳиндистон билан бир хил эканлигини айтиб, у ерда мушк, соболь, олмахон, оқсувсар, қора тулки, оқ қуён, хутув (каркидон шоҳи), оқ терак, оқ лочин, от, оҳу ва бошқалар бўлишини ёзган.

Саолибий Самарқанд қоғози ҳақида илк бор қимматли маълумотларни қолдирганки, бунинг бошқа манбаларда учратмаймиз. У шундай ёзади: «Самарқанднинг ўзига хос [нарсаларидан] қоғоз [бўлиб], у Миср қоғозини ва авваллари хат ёзишган териларни орқада қолдириб кетади. Чунки [Самарқанд] қоғози энг яхши, энг нафис, энг мулоҳим ва энг қулайдир. У фақат шу ер ва Хитойдагина бўлади (126-бет). Шоир Абу-л-Фатҳ Бустийнинг Самарқанд ҳақида ёзган қуйидаги шеърини ҳам фақат «Латоиф ал-маориф»да учратдик:

للمناس فى اخراهم جنه      و جنه الدنيا سمرقند  
يامن يساوى ارض بلخ بها      هل تستوى الحنظل والقند (۱۳۱)

(У дунёда одамлар учун жаннат бор, бу дунёнинг жаннати эса Самарқанддир.

Эй Балх заминини унга тенглаштирган киши, ахир итқовун билан қандни тенглаштириб бўладими?)

Хоразм қовунлари ҳозир ҳам машҳур. Саолибий сўзига қараганда бундан минг йил бурун ҳам Хоразм қовунларининг довуғи жаҳонга кетган. У Хоразмнинг боранж деган қовуни ҳақида ҳикоя қилар экан, бу қовунни қалайдан ясалган махсус қутиларга солиб, атрофига муз қўйиб, Бағдодга халифа ал-Маъмун (198/813—218/833) ва ал-Восиқ (227/842—232/847)ларга олиб боришганини ёзади. Агар қовун яхши сақланиб олиб борилса, халифалар битта қовун учун етти юз дирҳам тўлаганлар (129-бет). Саолибий Хоразмнинг кирбос номли нафис ип газламаси ҳақида ҳам ёзиб кетган. Хоразмнинг қиши қаттиқлиги, Амударёнинг қишда музлаши, ҳатто ундан фил, карвон, қўшинларнинг ўтиши ва Амударё музининг бир ойдан икки ойгача туриши ҳақида қимматли маълумотлар қолдирган. Саолибий хоразмшоҳ Абу-л-Аббос Маъмун ибн. Маъмун (399/1009—407/1017) илтимосига биноан Хоразм совуғи ҳақида ёзган ўз шеърларини ҳам илова қилган (128—130-бетлар).

Марв шаҳри ҳақидаги маълумотлар ҳам муҳим тарихий аҳамиятга эга. Саолибий Марв матолари ҳақида ёзар экан, шундай дейди: «Араблар Хуросондан келтирилган ҳамма ҳарир либосларни Марвники, у ердан олиб келинган ҳамма юпқа либосларни эса «шоҳжаҳоний» деб атайдилар. Чунки Марв улар наздида Хуросоннинг онаси ва уни Шоҳжаҳон деб атаганлар». Шундан кейин Саолибий Марвнинг мулҳам ипак либоси, муллабан номли ширинлиги, муррий ва бошқа таомлари ҳақида ривоят қилган (119—120-бетлар). Охирида шоир Абу Али ас-Сожийнинг Марв ҳақидаги қуйидаги шеърини келтирган<sup>16</sup>:

بلد طيب وما معين      و نرى طيبه يفوق البيرا  
و اذا المرء قدر السير عنه      فهو بنهاء باسمه ان يسيرا

(Ажойиб шаҳар, сувлари зилол, хушбўй ҳидининг кўплиги эса абирни қолдириб кетади.

Агар одам уни ташлаб кетишга қарор қилса, у ўз номи билан у [одам]ни кетишдан қайтариб қолади<sup>17</sup>.

«Латоиф ал-маориф»да ҳайвонот дунёси ҳақида ҳам жуда ажойиб маълумотлар келтирилган. Масалан, Миср заҳарли илонлари ҳақида ҳикоя қилинар экан, уларнинг кушандаси нимс деган ҳайвон ҳақида ал-Жоҳиз тилидан Саолибий шундай ёзади: «Заҳарли илонлар фақат Мисрдагина бўлади, у одам боласини ҳалок этишда ажойиб бир махлуқдир. Унинг душмани фақат нимсдир. Бу дунё ажойиботларидан бири. Шундайки, у қимир-

<sup>16</sup> Саолибий бу икки байтни номаълум шоир шеъри деб номлаган. Шеър муаллифини «Йатимат ад-даҳр тазкирасидан аниқладик («Йатимат ал-даҳр». 80-бет; Ўзбекча таржима. 117-бет).

<sup>17</sup> Бу байт мазмунини тўла тушуниш учун фақат араб тили эмас, форсий тилини ҳам яхши билиш лозим. Агар Марв сўзидаги «р» ҳарфини ҳаракатли қилиб, қисқа угли билан ўқисак, тожикча «Марав» феъли англашिलाди. Бу «кетма» демакдир. Саолибий шунга ишора қилиб, Марв ўз номи билан бу шаҳардан кетишдан қайтариб қолади, демоқчи.

лаб турадиган кичик бир ҳайвон [бўлиб], худди қуриган гўштга ўхшайди. Заҳарли илонни кўрганда унга яқинлашади, илон уни чақмоқчи бўлиб, унга чирмашиб олади. Нимс ҳавога тўлиб шишиб кетади ва нафас ола бошлайди, [сўнг] илонни иккига бўлиб юборади, баъзан уни бир неча бўлакка бўлиб юборади» (93-бет).

Саолибий Миср аҳромларини кўришдан мақсад фақат фиръавилар шон-шухратини улуғлаш эмас, балки улар табиат офатларидан, яъни сувда ғарқ бўлиш ва ўтга ёниб кетишдан сақланиш учун қурилганини ва керак пайтларда уларда озиқ-овқатлар ҳам сақланганини ҳикоя қилар экан, иккита аҳромнинг аниқ ҳажминин ҳам ёзиб қолдирган (101—102-бетлар).

Бағдод ҳақида ҳикоя қилар экан, халифалик пойтахти бўлган бу шаҳарда яшаш бойлар ва пулдорлар учун роҳат, камбағаллар учун эса азоб-уқубат эканини ҳам унутмайди. Бу ҳақда шоир Ибн Зурайқнинг қуйидаги шеърини келтиради:

سقى الله بغداد من جنة      عدت للورى نزهة الا نفس  
على انها منة الموسرين      ولكنها حسرة المعارس

(Тангри Бағдодни жаннатдан сероб қилган, у одамларга жон роҳати бўлиб қолган.

У пулдорлар учун орзу-умид, лекин камбағаллар учун ҳасратдир (106-бет).

Саолибий асарнинг охирига «Донолик билан айтилган иборалар ва ёрқин ифодалар» сарлавҳаси остида қўшимча илова қилган. Бу ерда айрим мамлакат ва шаҳарларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида баъзи муаллифлар ва бошқа машҳур кишилар айтган ҳаётий, афсонавий ва ярим афсонавий ривоятлар келтирилган. Булар ҳам озми-кўпми тарихий аҳамиятга эга бўлиб, ўша шаҳар ва диёрлар ҳақидаги тушунчаларни тўлдиради. Шу билан бирга, бу ривоятлар асарнинг қизиқарли бўлишида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Саолибийнинг ал-Жоҳиз тилидан ёзишча, «Ким Баҳрайнда бир муддат истиқомат қилса, қора жигари кенгайиб, қорни шишиб кетади» (131-бет). «У ерда хурмонинг хомини сиқиб май тайёрланса ва уни оқ кийимли киши ичса, ундан чиққан тер унинг кийимини худди қизил шойи қўйлакка ўхшатиб қўяр эмиш» (131-бет). Озарбайжон ва Арманистондаги бир жой ҳақида шундай афсонавий ҳикоя қилади: «Агар унинг аҳолиси минг жариб [ерга] экин экса, шу [ер] муҳтож бўлган миқдориди сув оқиб келаркан ва уларнинг экинларини суғорар экан. Агар улар бундан озроқ экин экишса, шунинг миқдорича [сув] келиб, зиёд ҳам, кам ҳам бўлмас экан» (131-бет).

Шуни ҳам унутмаслик керакки, Абу Мансур ас-Саолибий деярли ҳамма Шарқ олимлари каби ўз даври кишиси эди. У феодал синф вакили бўлгани учун ислом дини ақидаларига қаттиқ амал қилгани ҳолда асарга анчагина диний ривоятлар ва ақл бовар қилмайдиган афсоналар киритган. Бу асар ҳақида сўз юритар эканмиз, унга марксизм-ленинизм нуқтаи назаридан илмий-танқидий ёндашишимиз ва В. И. Лениннинг «...энг муҳим

нарса,— асосий тарихий боғланишни унутмасликдир, ҳар бир масалага тарихдаги маълум ҳодиса қандай пайдо бўлганлиги, бу ҳодиса ўз ривожланишида қандай асосий босқичлардан ўтганлиги нуқтаи назаридан қараб, бу нарсанинг ана шу ривожланиши нуқтаи назаридан ҳозир қандай бўлиб қолганига қарашдир»<sup>18</sup>,— деган сўзларига амал қилган ҳолда бу асарни ўрганишимиз лозим.

«Латоиф ал-маориф» Урта Осиё, Эрон, Афғонистон, умуман, мусулмон Шарқи халқларининг тарихи, этнографияси, адабиёти, умуман маданияти ҳақида муҳим ва қимматли маълумот берувчи асардир.

«Латоиф ал-маориф» қўлёзмалари жуда кам сақланиб қолган. Ҳатто машҳур турк библиографи Хожи Халифанинг (1609—1657) «Кашф аз-зунун» («Шубҳаларнинг ечилиши») номли китобида ҳам бу асар кўрсатилмаган. Карл Брокельманинг «Араб адабиёти тарихи» асарида эса Саолибийнинг 51 асари қаторида «Латоиф ал-маориф» эслатиб ўтилган<sup>19</sup>.

«Латоиф ал-маориф»ни илмий ўрганиш Европада XIX асрдан бошланди. 1867 йил Голландиянинг Лейден шаҳрида Лугдуни Батафорум кутубхонаси нашриётида арабшунос П. де Юнг томонидан бу асарнинг арабча танқидий матни биринчи марта нашр этилди. Асар лотин тилида қисқа сўз боши билан бошланади (V—VIII бетлар). Кейин қисқача изоҳли луғат—госсарий берилиб, унда айрим арабча сўзларнинг маъноси лотин тилида изоҳланган ва тегишли манбалар кўрсатилган (IX—XLI бетлар). Сўнг арабча матн (I—133-бетлар), исмлар, географик номлар ва китоблар кўрсаткичлари илова қилинган (134—158-бетлар)<sup>20</sup>. 1960 йили «Латоиф ал-маориф» Қоҳирада иккинчи марта нашр этилди.

«Латоиф ал-маориф» Қ. Э. Борворт томонидан инглиз тилига таржима қилиниб, 1968 йили Эдинбург шаҳрида нашр этилди<sup>21</sup>. Таржимада изоҳ ва кўрсаткичлар ҳам илова қилинган.

Совет олимларидан «Латоиф ал-маориф» билан биринчи марта машҳур шарқшунос В. В. Бартольд (1869—1930) қизиққан эди. У ўзининг «Мўғуллар истилоси даврида Туркистон» номли асарида бу китобни тилга олиб, унда Самарқанд қоғози ва бошқа савдо-сотиқ буюмлари ҳақида қимматли маълумотлар мавжудлигини эслатиб ўтган<sup>22</sup>. Асар таржимасини тайёрлашда уни ҳар томонлама ўрганиб чиқдик ва бу китоб ҳақида мақола эълон

<sup>18</sup> Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами. 39-том. 78-бет.

<sup>19</sup> Brockelmann, GAL I, 284.

<sup>20</sup> Lataifa l-ma'arif., Autore Abu Mansur Abdolmalik ibn Mohammed ibn Isma'il at—Tha'alibi, quem librum E. Godd. Leyd. er Goth. Edidit P. De Jong, Lugduni Batavorum E. J. Brill, MDCCCLXVII.

<sup>21</sup> At—Ta'alibi Abdolmalik b. M., Lataif at—ma'arif. Translated with introduction and notes by C. E. Bosworth, Edinburg, 1968.

<sup>22</sup> Бартольд, I, 54-бет. 1-изоҳ.

қилдик. Мақолада «Латоиф ал-маориф»нинг қисқача мазмуни ёритилиб, унинг илмий аҳамиятига тўхтаб ўтилган<sup>23</sup>.

«Латоиф ал-маориф»ни ўзбекчага таржима қилишда П. де Юнг тайёрлаган 1867 йил Лейден нашрини асос қилиб олдик. 1960 йилги Қоҳира нашрини қўлга киритиш имкони бўлмади. Асарда жуда кўп тарихий ва сиёсий воқеалар ҳақида маълумотлар берилган, Саолибийдан олдин ва унинг замонида яшаган бир қанча сиёсий арбоблар, тарихий шахслар, олимлар, шоирлар ва китоблар номи тилга олинган. Буларнинг ҳаммасига изоҳ бериш учун Саолибийнинг бир қанча асарлари, айниқса, унинг «Йатимат ад-дахр» тазкираси ва бошқа анчагина араб тилидаги манбаларни қараб чиқишга тўғри келди. Булардан энг муҳимлари: Абу Наср Утбийнинг (350/961—427/1036) «Тарих ал-Йаминий» («Йаминуддавла [Маҳмуд] тарихи»), Абу Райҳон Берунийнинг (973—1048) «Китоб ас-сайдана фи-т-тиб» (Табобатда доришунослик ҳақида китоб), Абу-л-Фазл Байҳақийнинг (995—1078) «Тарихи Масъудий» («Масъуд тарихи»), Ёқут ал-Ҳамавийнинг (1178—1229) «Муъжам ал-удабо» («Адиблар қомуси»), Жамолуддин ас-Суутийнинг (1445—1505) «Бугъайт ал-вуот» («Доноларнинг хоҳишлари») асарлардир.

Таржимани амалга ошириш ва изоҳларни тузишда Ғарбий Европа ва совет олимларининг илмий тадқиқотлари, араб ва форс тилидан қилинган таржималардан ҳам фойдаланилди.

«Латоиф ал-маориф» бундан 1000 йил муқаддам ёзилган асар. Унда ўша замонда қўлланилган, кейинчалик истеъмолдан чиқиб кетган ёки жуда кам учрайдиган кўплаб ибора ва сўзлар учрайди. Буларга араб, форс-тожик ва Европа тилларидаги изоҳли луғатлардан фойдаланган ҳолда изоҳ бериб кетдик. Саолибий чалкаштириб юборган баъзи воқеа ва у номаълум шоирники деган бир қанча шеърларнинг муаллифларини манбалардан аниқладик ва изоҳларда қайд қилиб кетдик.

«Латоиф ал-маориф»ни таржима қилишда ва ушбу ишнинг рўёбга чиқишида қимматли вақтларини аямай, доимо яқиндан кўмакдошлик қилганлари учун ЎзССР ФА мухбир аъзоси, филология фанлари доктори У. И. Қаримов, филология фанлари кандидати Ш. Шоисломов каби ўртоқларга самимий миннатдорчилигимни изҳор этаман.

*Исматулла АБДУЛЛАЕВ* —  
филология фанлари доктори.

---

<sup>23</sup> Абдуллаев И. О труде современника Ибн Сины ас-Са'алиби «Латоиф ал-ма'ориф». Ж., «Общественные науки в Узбекистане». Ташкент: 1980, № 8—9, С. 95—98.



**КИТОБ  
ЛАТОИФ  
АЛ-  
МАОРИФ**  
( كتاب لطائف المعارف )



## [СУЗ БОШИ]

Ушбу китоб латиф маълумотлар, уларнинг энг зарифлари, 2  
энг гўзаллари, энг ғаройиблари, энг нозик ва энг ажойиблари  
ҳақидадир. Тарих ва хабарлар ҳақида узоқ замонлар давомида  
[ёзилган] китоблардан териб олинган ва тангри раҳмат қилгур  
ас-Соҳиб Абу-л-Қосимнинг<sup>1</sup> буюк исми билан шарафланган бу  
[китоб] фақат подшоҳларгагина ҳадя қилинадиган ва ҳадя қи-  
лишга сазовар қулгина журъат эта оладиган китобларни ҳадя  
қилишдан юқори бўлган у ҳазратга хизмат қилувчидир. Магар  
китоблар мевалари ва адаб гўзалликларидан у [ҳазрат] учун  
тўпланадиган нарсалар Фурот<sup>2</sup> дарёсига олиб бориб ташланади-  
ган бир кўза шўр сувдай [арзимас нарса] бўлса ҳам.

Умид шуки, [бу китоб] замона соҳиби, инсонларнинг ягонаси,  
дунё яхшиликларининг жамлангани, сочилган олижанобликлар-  
нинг назм қилувчига туҳфадир. У шундай кишики, фазилати ва  
иш бошқариши билан ўтиб кетганлар ва келгусилардан устун  
туради, у қуёшнинг ойдан ва денгизнинг қатрадан устунлигидир,  
унинг сифатларини ибора билан [тасвирлаб] бўлмайди, хислатла-  
ри урфу одатлардан четдадир. Лекин «ҳар бир киши қудрати ет-  
канича ҳадя қилади»<sup>3</sup> ва тиришқоқлиги билан неъмат эгасига  
яқинлашади. Буюк исмли тангридан умид шуки, у [ас-Соҳиб]нинг  
[вазирлик] кунларини давом эттириб, шон-шухрат ва бахт билан  
ўз паноҳида асрасин, [уни] куч-қудрат ва камолат билан ўраб,  
олий фикр ва олий ҳиммат [ато этсин], эртанинг саодати учун  
бугун қайғурадиган қилсин.

Сўнгра ушбу китоб ўн бобга ажратилди — тангри ҳақиқатга  
йўлловчидир: 3

Биринчи боб биринчи бўлиб [турли ишларни] бошлаганлар  
зикрида. Иккинчи боб шеърлари туфайли лақаб олган шоирлар-  
нинг лақаблари ҳақида. Учинчи боб мансабдор ва аъёнларга та-  
аллуқли ислом давридаги бошқа лақаблар ҳақида. Тўртинчи боб  
қадимги котиблар ҳақида. Бешинчи боб жамики табақаларнинг  
энг ирқиллари ва барча ҳолларда муносиб бўлган [кишилари]  
ҳақида. Олтинчи боб инсон табақаларининг охириги чегаралари  
ҳақида. Еттинчи боб исм ва куняларда мувофиқ келишнинг зар-  
рифликлари ҳақида. Саккизинчи боб пайғамбарга, қурай-  
шийларга ва подшоҳларга тегишли турли маълумотлар ҳақида.  
Тўққизинчи боб ғаройиб аҳволлар ва ажойиб вақтлар ҳақидаги  
нодир нарсаларнинг малиҳлари ҳақида. Унинчи боб мамлакат-  
ларнинг [ўзига хос] хусусиятларидан намуналар ҳақида, уларнинг

гўзалликлари ва [бир-бирларига] муносабатлари зикри, токи шулар билан ушбу китоб тугайди<sup>4</sup>. Аммо унга эргашиб, унинг гўзаллигини зиёда қила оладиган ва унинг синиғини тузата оладиган китоблар оздир. [Бу] қул<sup>5</sup> [ушбу] китобга қандай олий ҳукм чиқишини кутиб — тангри бунин бажариш билан у [ас-Соҳиб]нинг [мартабасини] зиёда қилсин — уни ёзишга киришди. Бу [китоб]ни безаш ва тўғрилаш фақат тангри иродаси ва хоҳиши ва хожамиз [ас-Соҳиб] давлати туфайлигина мумкин бўлди — тангри унинг кунларини давом эттирсин ва авлод унга хизмат қилиш билан бахтли бўлсин.

## ИККИНЧИ БОБ

### ШЕЪРЛАРИ ТУФАЙЛИ ЛАҚАБ БЕРИЛГАН ШОИРЛАРНИНГ ЛАҚАБЛАРИ ҲАҚИДА

**АЛ-МУРАҚҚИШ**, исми Авф ибн Саъд ибн Молик<sup>1</sup>. [Шу] сўзи сабабли шундай лақабланган:

Бу манзил бир бўшлиқ, гўё қалам урф-одатларни терининг юзасига чизиб қўйган<sup>2</sup>.

**АЛ-МУМАЗЗИҚ**, у Шаъс ибн Наҳор ал-Абдийдир<sup>3</sup>, [қуйидаги] сўзи сабабли лақаб берилган:

18 Агар мен ейладиган (овқат) бўлсам, сен яхши ейдиган бўл, бўлмаса, мени тушун, токи мен ёрилиб кетмайин<sup>4</sup>.

**АЛ-МУҲАРРИҚ**, исми Аббод<sup>5</sup>, [қуйидаги] сўзи сабабли шундай лақаб берилган:

Ал-Мумаззиқ лаимларнинг шон-шуҳрати бўлишдан бош тортгани каби мен лаимларнинг шон-шуҳратини йиртиб ташловчи бўлдим<sup>6</sup>.

**АЛ-МУТАЛАММИС**, у Жарир ибн Абдулмасиҳ аз-Зубаъийдир<sup>7</sup>, [шу] сўзи сабабли шундай лақабланган:

Бу пашшаси, арилари ва урғочи қўтир<sup>8</sup> туяси мавжуд бўлган бир жой мавсимидир.

**АН-НОБИҒА**, у Зиёд ибн Муовия аз-Зубеъий<sup>9</sup>, [қуйидаги] сўзи учун ан-Нобиға лақабланган:

Бону-л-Қайн ибн Жаср<sup>10</sup> орасида улар [ишларни] ҳал этишган эди, бизга улар туфайли шон-шуҳратлар бошланди<sup>11</sup>.

19 **УФНУН**, у Сурайм ибн Маъшар ат-Тағлибийдир<sup>12</sup>, [қуйидаги] сўзи туфайли шундай лақабланган:

Эй мушкнинг мушки, бизда муҳаббат қўзғодинг, вақтларимиз ёшлик учун бир шохчадир<sup>13</sup>.

**ТААБАТА ШАРРАН**, у Собит ибн Жобирдир<sup>14</sup>, [шу] сўзи учун шундай лақабланган:

Ёмонликни қўлтиқлаб олгандан<sup>15</sup> кейин, у эрталаб ёки кечқурун йўлга отланди.

**АЪСУР**, у Мунаббих ибн Саъд<sup>16</sup>, [қуйидаги] сўзи учун шундай лақабланган:

«Бошингдаги нима, қарилик шошиб ярамас рангни олиб келибди»— деди Умайма<sup>17</sup>.

Эй Умайма, сенинг отанг рангини ўзгартириб олган эмасмиди, кунлар ўтиб, асрлар<sup>18</sup> ўзгариб кетяпти.

**АЛ-МУСТАВФИР**, у Умар ибн Рабиъа ибн Қаъбдир<sup>19</sup>, [қу- 20  
йдаги] сўзи туфайли шундай лақабланган:

Сув тошиб тўлқинлангани сутнинг қайнаб тошиб кетгани [каби]дир.

**АЛ-АСЪАР**, у Марсад ибн Абу Хумрон ал-Жўъфийдир<sup>21</sup>, [шу] сўзи учун шундай лақабланган:

Қавмим мени Саъд ибн Молик туфайли даъват этмайди, шунинг учун мен уларга қарши олов ёқмайман<sup>22</sup>, ўт ҳам чиқармайман.

**ТАРАФА**, у Амр<sup>23</sup> ибн Абддир<sup>24</sup>, [қуйидаги] сўзи сабабли Тарафа лақабланган:

Чандики иккингиизнинг амирингиз саройга келиб тўхтаган бўлса ҳам, бугунги тарк этилган<sup>25</sup> йиғига ошиқаверманг.

**АЛ-МУСАЙИБ**, у Зухайр ибн Аласдир<sup>26</sup>, [қуйидаги] сўзи учун шундай лақабланган:

Шармандалик сизларга қайтиб келмаслиги сизларни хурсанд қилган бўлса, ташлаб қўйилган [киши]га<sup>27</sup> айтинглари: «у шодлансин».

**УВАЙФ АЛ-ҚАВОФИЙ**, у Увайф ибн Муовия ибн Уқбадир<sup>28</sup>, [қуйидаги] сўзи учун шундай лақабланган:

Агар мен бирор сўз айтсам, қофияларни<sup>29</sup> яхши тўқиёл- 21  
маслигимга ишонган одамнигина алдайман.

**АЛ-МУЗАРРИД**, у Язид ибн Зирор<sup>30</sup>, [шоир] аш-Шаммохнинг<sup>31</sup> биродари, [шу] сўзи туфайли шундай лақабланган:

«Зирор уни ютиб юборди» дедим, чунки мен йиллар давомида мавлолар қўйқумини ютувчиси бўлганман<sup>32</sup>.

**АЛ-БАЪИС**, у Хидош ибн Башир<sup>33</sup>, [қуйидаги] сўзи учун шундай лақабланган:

Куч-қувватим буйруқ берадиган нарса мендан узоқлашгандан кейин ҳамма нарса мендан узоқлашди<sup>34</sup>, ваҳолонки, хоҳишим давом этаверди.

**ЗУ-Р-РУММА**, у Файлон ибн Уқба<sup>35</sup>, [қуйидаги] сўзи учун шундай лақабланган:

Тақлид ипининг<sup>36</sup> қолдиғи тарқалиб кетди.

**ЖИРОН АЛ-АВД**, у ал-Муставрид ал-Уқайлийдир<sup>37</sup>, иккита хотинига [айтган қуйидаги] сўзи учун шундай лақабланган:

Эй менинг икки хотиним, эҳтиёт бўлинг, чунки мен баракка келиб<sup>38</sup> яхши бўла бошлаганини кўрдим.

**АЛ-ҚУТОМИЙ**, у Амр ибн Шатим<sup>39</sup>, [қуйидаги] сўзи учун шундай лақабланган:

У [қуш]лар у томон, бу томонга қўнаяптилар, бургут<sup>40</sup>, у қушлар тумшуқлари яқинига қўнди.

**МУСО ШАҲАВОТ** Мавло Қурайш<sup>41</sup>, Язид ибн Муовияга<sup>42</sup> [айтган шу] сўзи сабабли шундай лақабланган:

Сен бизнинг [қавмдан] эмассан, тоғанг ҳам биздан эмас, эй шаҳватлар учун<sup>43</sup> намозни зое қилувчи!

**АЛ-АЖЖОЖ**, у Абдуллоҳ ибн Рўъба<sup>44</sup>, [қуйидаги] сўзи сабабли шундай лақабланган:

Кимки «й» ўрнида «ж» талаффуз этса<sup>45</sup>, ҳатто қўполлик билан қичқиради.

**23 АР-РУҲАЙЁТ**, у Убайдуллоҳ ибн Қайсдир<sup>46</sup>, қурайш қабиладан урта Руқайя исмли хотинга нисбат берилгани сабабли ар-Руқайёт<sup>47</sup> нисбасини олган, балки [қуйидаги] сўзи сабабли [шундай аталган] ҳам дейдилар:

Руқайя Руқайя эмас, йўқ, Руқайя бу эр кишидир.

**АЛ-АХЗАР**, у ал-Фазл ибн ал-Аббос ибн Утба ибн Абу Лаҳабдир<sup>48</sup>, [шу] сўзи сабабли шундай лақабланган:

Кимки мени билмоқчи бўлса, мен қўнғир [қорамтир] ранглиман, араблар хонадонидаги қўнғир терилиларданман<sup>49</sup>.

**ОИД АЛ-КАЛЬ**, у Мусъаб ибн Абдуллоҳ аз-Зубайрийдир<sup>50</sup>, [қуйидаги] сўзи сабабли шундай лақабланган:

Менга нима бўлдики, касал бўлсам ҳам сизлардан эне-ратчи мени келиб кўрмади, агар итингиз касал бўлса эди, мен бориб кўрган бўлардим<sup>51</sup>.

**САРИЪ АЛ-ҒАВОНИЙ**, у Муслим ибн ал-Валид ал-Ансорийдир<sup>52</sup>. [Қуйидаги] сўзи сабабли [Ҳорун] ар-Рашид унга шундай лақаб берган:

Эрталаб ёшлар билан йўлга отланилса, кечқурун косаларни айлантирса ва шаҳло кўзликлар бўлса, бу қандай яшаш бўларди!

**24** Ундан бир киши «Нимага Сарий ал-Ғавоний аталасан» деб сўраганда, жавоб бериб, [қуйидаги] шеърни айтибди:

Атиргул ёноқлар, катта чиройли кўзлар ва оғиздаги мойчечак,

Очиқ юздаги икки чакка соч қораси ва кўкраклардаги анорлар

Мени гўзаллар ҳузурида ақлдан оздирди<sup>53</sup>, шунинг учун Сарий ал-Ғавоний аталаман.

**ҒУБОР АЛ-АСКАР**, у Марвон ал-асғар, Абу-с-Симтдир<sup>54</sup>, [қуйидаги] сўзи учун шундай лақабланган:

Мендан соч оқи ҳақида сўрашган эди, уларга жавоб бердим: бу аскарлар чангидан<sup>55</sup> [қолган] чангдир.

**МУҚАББИЛ АР-РИҲ**<sup>56</sup>, исми ёдимдан кўтарилибди. Қуйидаги сўзи сабабли шундай лақабланган:

Эй бизнинг ҳиндларимиз, шундай киши ҳақида ҳукм чиқаряписизларки, унинг юрагидан қайғу шифо топди.

Шимол шамоли эсганда, шаҳардан [шундай] дейишади: «Сен бу шаҳарни ёқимли қилиб турган нарсасан»,

У муҳаббати туфайли шамолни ўпган<sup>57</sup>, ундан олдин ҳеч ким шамолни ўпган эмасди.

**ХАЙТ БОТИЛ.** Марвон ибн ал-Ҳакам<sup>1</sup> [сўзлаганда] қизиқиб кетиб, [сўзни] ҳаддан зиёд чўзиб юборгани учун Хайт ботил<sup>2</sup> лақабланган. Унинг ҳақида шоир [шундай] деган:

Тангри Хайт Ботилни халқларга бошлиқ қилиб олган  
қавми тийиб, қўйсин, у хоҳлаган кишисига [ҳадя] беради  
ва манъ қилади.

**АБУ-З-ЗИББОН.** Абдумалик ибн Марвон<sup>3</sup> сассиқ ҳиди ва бахиллиги билан машхур эди, шунинг учун Абу-з-зиббон<sup>4</sup> лақабланган. Уни Рашҳ ал-ҳажар<sup>5</sup> деб ҳам аташган. У шунинг учун Абу-з-зиббон лақабланган эдики, || пашшалар унинг оғзи ёнидан 26  
учиб ўтарди ва унинг сассиқ ҳидидан ерга қулаб тушиб ўларди. Ҳикоя қилишларича, у бир куни олмани тишлабди-да, уни хотинларидан бирига отиб юборибди. [Хотини] эса пичоққа қўл узатибди. Ундан: «Нима қилмоқчисан» деб сўраган экан, «У билан азиятли жойни кетказмоқчиман» — дебди. [Абдулмалик] уни талоқ қилибди. Бошқа [хотини] унга «Эй муъминлар амири, нима учун тишингни мисвок билан тозаламайсан» деган экан, «сенинг оғзингда тозалайман» дебди. Уни Рашҳ ал-Ҳажар деб аташларининг сабаби шуки, тош ҳеч терламайди, унинг терлаши ниҳоят нодир нарса. Тошнинг тери деганлари гўё бирор мушкул, оғир нарсага итнинг жуни, марварид мияси, қушнинг сути деганларидайдир.

**ЛАТИМ АШ-ШАЙТОН.** Ал-Жоҳиз<sup>6</sup> [шундай] деган: «Юзи палаж ва нуқсонли кишиларни сўкканда, эй Латим аш-шайтон<sup>7</sup>, дейишади». Амр ибн Саъид ибн ал-Ос ал-Ашдақ<sup>8</sup> шундай лақабланган эди. Абдумалик ибн Марвон томонидан Амр ибн Саъидни ўлдирилиш хабари Абдуллоҳ ибн аз-Зубайрга етиб келганда, у хутбасида «Абу-з-зиббон Латим аш-Шайтонни ўлдиргани хабари бизга етиб келди, баъзи золимлар бошқалари устидан «касб этган нарсалари билан» ана шундай ҳукмронлик қиладилар» — деган экан.

**АЖУЗ АЛ-ЯМАН.** Ваҳб ибн Мунаббих<sup>9</sup> [шундай] деган экан: «Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр<sup>10</sup> ўзимиздан бир кишини бизга бошлиқ қилиб тайинлади. У ниҳоят хунук бўлиб, Ажуз ал-Яман<sup>11</sup> деб лақабланарди. Яманга вакил бўлиб борганда, Ибн аз-Зубайр ҳузурига келдим, унинг олдида Абдуллоҳ ибн Холид ибн Усайд<sup>12</sup> ҳам [бор эди]. У менга: «Эй Абу Абдуллоҳ, Ажуз ал-Яманнинг [аҳволи] қалай?», — деди. Мен унга жавоб бермадим. У [саволини] бир неча марта такрорлади. Қачонки [такрорлашни] кўпайтириб юборгандан кейин, дедим: «Сулаймон билан бирга || одамлар пар- 27  
вардигори учун исломни қабул қилдим, аммо қурайшийлар Ажуз-ни бўлмадим». «Қурайшийлар Ажузи ким?» — деди у. «Умм Жа-

мил<sup>13</sup>, у [қиёматда] ўтин ташиб беради, бўйнида эса хурмо дарахти толасидан арқон бўлади». Ибн аз-Зубайр кулди-да, ибн Халидга деди: «Масалани нотўғри тушундинг, жавобни эса яхши қилдинг».

**АЛ-ҚУБОЪ.** Ал-Ҳорис ибн Абдуллоҳ ибн Абу Рабиъа<sup>14</sup> Басра ҳокими этиб тайинлангандан кейин, бир куни унинг микёлларидан<sup>15</sup> бир микёлга кўзи тушиб, «Сизларнинг бу микёлингиз Қубоъ, яъни кенг экан» дебди. [Шундан кейин] Қубоъ лақабланди, ҳатто унинг зикри ёйилиб кетди ва [бу сўз] унинг исми устидан босиб тушди. Унинг ҳақида [шундай] дейишган:

Мўминлар амири, сен яхшилик билан жазоландинг, бизни Бану Муғира<sup>16</sup> қубоъидан халос этдинг.

**БАБА.** Басрада Марвонийлар<sup>17</sup> ва Зубайрийлар<sup>18</sup> орасида фитна юз берганда, [Басра] аҳли Абдуллоҳ ибн ал-Ҳорис ибн Нўвфал ибн ал-Ҳорис ибн Абдулмутталиб<sup>19</sup> билан сулҳ тузишади ва то халифалик иши бир қарорга келгунча давлатни бошқаришни унга [топшириб], қасамёд этишади. Унинг лақаби Бабба бўлган эди. Чунки онаси Ҳинд бинт Абу Суфён ибн Ҳарб ёшлигида уни ўйинга тушириб, [шундай] дер экан:

Баббани уйлантиришади.

Хидабба деган чўри қизга,

28

У Қаъба аҳлининг ғазабини келтиради, //

Яъни у [чўри] жуда гўзал, агар уни эркаклар кўрсалар, ўз хотинларига нафрат билан қарайдилар ва уларни талоқ қилиб, маҳрларини бериб юборадилар. [Чўри қиз] уларнинг ғазабини келтиради, яъни улар орасида жанг қўзғаб юборади. Бабба деб лақаблашлари [ҳақида] шундай дейдилар: у ёшлик вақтида «бабба, бабба» дер экан, шунинг учун онаси «ё бабба» деб [чақираркан] ва доимо шу лақабни такрорлар экан, Ал-Фараздақ<sup>20</sup> унинг ҳақида [шундай] деган.

Қавмлар билан шартлашдим ва уларнинг аҳдига вафо қилдим,

Бабба билан ҳам [аҳдни] бузмайдиган киши сифатида шартлашдим.

Дунёйимиз ва динимиз учун ундан розимиз, [шундай] кишиданки,

унга ўхшашлар бахтсизлик ва фалокатлар пайтида Кучсиз раийятни кўтариб чиқиб кетувчи мард кишидир, қурайшийларнинг жанг ва шер орасидаги қаҳрамонидир.

Мусъаб ибн Зубайр<sup>21</sup> Ироқни эгаллаб, Басрага кириб келганда, у ернинг аҳли [бошқаларни] Қубоъ ва Бабба деб лақаблашгани каби уни ҳам лақаблашларидан хавфсираган экан. Бир куни у хутбасида [шундай] дебди: «Сизлар ўз амирларингизга лақаб қўйишга одатлангансиз, менга ҳам қассоб лақабини қўйибсиз. Тангри номи билан қасам ичаманки, агар бирортангизнинг менга лақаб айтгани хабари менга етиб келганда, уни худди ҳайвонни бўғизлагандек бўғизлаган бўлардим». Шундан кейин улар унинг лақабини айтишдан тийилишган экан.

**ЗИЛЛ АШ-ШАЙТОН.** Муҳаммад ибн Саъд ибн Абу Ваққос новчалиги, қоралиги ва йўғонлиги сабабли шундай лақабланган экан. Ибн ал-Ашъас<sup>22</sup> билан бирга хуруж қилган, унга муаззинлик ва имомлик қилган эди. У асирга тушиб, ал-Ҳажжож<sup>23</sup> олдига олиб келишганда, [ал-Ҳажжож] унга: «Эй Зилл аш-Шайтон<sup>24</sup>, сен кибирликда одамларнинг энг ашаддийси экансан, шунинг учун ал-Ҳоик ибн ал-Ҳоикнинг<sup>25</sup>, яъни Абдуррахмон ибн Муҳаммад ибн ал-Ашъаснинг муаззини бўлиб қолдинг. У асли яманлик, у ернинг халқи тикувчиликдан ор қилишади.

**АБДУЛЛОҲ АЛ-ФАҚИР.** У, Қутайба ибн Муслимнинг<sup>26</sup> биродари Абдуллоҳ ибн Муслимдир. Бундай лақабланишига сабаб шуки, биродари||Қутайба ҳар вақт Хуросонда қўлга киритган ўлжаларни ўз асҳоблари ва қавмига тақсимлаб берганда, Абдуллоҳ унга: «Эй амир, мен фақир кишиман, меникени кўпайтир»— дер экан. Шундай қилиб, ал-Фақир лақабланибди. Қутайба уни Самарқанд ҳокими этиб тайинлабди ва асҳобларига [қараб]: «Кўраясизларми, бу лақаб энди биродаримдан кетди, у эса Самарқандга [жўнайди]»— дебди. Улар айтишибди: «Йўқ, эй амир, тангри номи билан қасамёд қиламиз, агар у Хуросон ҳокими этиб тайинланган бўлса ҳам, унга [лақаб] энг лозим ва худди дин каби [ундан] ажралмайдиган, [унинг учун] вақти-вақти билан давом этадиган безгак ва [вақти-вақти билан] олинадиган мўйлардир.

**ЛАТИМ-АЛ-ҲИМОР.** У, Умар ибн Абдулазиз ибн Марвондир<sup>27</sup>. Унинг онаси Умм Осим бинт Осим ибн Умар ибн ал-Хаттобдир<sup>28</sup>. Ривоят қилишларича, Умар — тангри ундан рози бўлсин — шундай дер экан: «Фарзандим шундай кишики, унинг исми менинг исмим, куняси менинг куням, шу сабабданки, у бир эсдалик, ерни жабр билан тўлдиргани каби адолат билан ҳам тўлдиради». Умар эшакни тезлатиб юборган пайтда бир ғулом келиб қолади, унинг пешонасига яра чиққан экан, [ғулом]нинг биродари дебди: «Умавийларнинг мана шу энг яралангани ва улар Латим ал-Ҳимор<sup>29</sup> деб лақаблашгани хасадчи кишисининг рангини буюк тангри бошқа рангга бўяб қўйсин». Язид ибн ал-Муҳаллаб<sup>30</sup> ҳақида Умар «агар унинг бошида хоинлиги бўлмаганда эди, у ироқлик бўлган бўларди» — деган экан. Бу [гап] Язидга етиб келгач, у ғазабланиб: «Ким менга хоинлик қилса, у Латим ал-Ҳимордир»,— дебди. Муслима ибн Абдулмалик<sup>31</sup> [ранги] сариқлиги туфайли Ниначи деб лақабланарди. Язид ибн Абдулмалик<sup>32</sup> Бану Марвон [қабиласи]нинг иккита чўриси — Салома ва Ҳабобага ошиқлиги сабабли Бану Марвон ошиғи деб<sup>33</sup>, ал-Валид ибн Язид<sup>34</sup> Бану Марвон ахлоқсиз деб, Язид ибн ал-Валид<sup>35</sup> одамларга ҳадяни кам бергани учун ан-Ноқис деб лақабланган экан.//

**ХУЗАЙНА.** У Саъид ибн Абдулазиз ибн ал-Ҳорис ибн ал-Ҳаким ибн Абу-л-Осий ибн Умайядир. Муслима ибн Абдулмалик уни Хуросон ҳокими этиб тайинлайди. Дарёдан ўтади, унда хунасалик, ҳезалаклик ва нозиклик [хусусиятлари] кучли эди. Шунинг учун Самарқанд аҳли уни Хузайна деб лақаблашди. Улар [тили]да «хузайн» озод қилинган аслзода [аёл] демакдир, турк-

ларда хотун [дейилгани] каби. «Хузайн» [сўзи]га хотинлар жин-сига оид «ҳо» [ҳарфи] ёки муболаға [билдирувчи] «ҳони» қўшиб, «хузайна» деганлар.

**АЗ-ЗОҒ.** Асад ибн Абдуллоҳ ал-Қасрий<sup>36</sup>, биродари Ироқ ҳокими Халид ибн Абдуллоҳ<sup>37</sup> томонидан Хуросон ҳокими этиб тайинлангач, у ерга етиб боради. Асад жуда қора бўлгани учун қизил шойи салла ўраб, у билан юзини беркитиб олган экан. Хуросонликлардан кимнингдир унга назари тушиб, «амиримиз худди зоғга ўхшар экан» дебди. У шундай лақабланиб, оғиздан-оғизга ўтиб кетибди. Бир куни ўз хутбасида: «Мени зоғ деб атаган одамлар юрагини ёмонликка буриб ташлайман»,— дебди. Бунинг фойдаси бўлмади, [одамлар] ундан бу лақабни олиб ташламадилар.

**МУҚАВВИМ АН-НОҚА.** Қалб [қабиласи]дан бир киши — нсми [ёдимга] келмаяпти — ал-Ямомага<sup>38</sup> ҳоким этиб тайинланади. Бир куни одамларга хитоб қилиб, ўз хутбасида [шундай] дебди: «Эй одамлар, сизлар бу буюк тангрига гуноҳ қилишга журъат этишдан сақланинглар, чунки буюк тангри уч юз дирҳам турадиган бир урғочи туя сабабли умматлардан бирини ҳалок этган». Шундан кейин у Муқаввим ан-Ноқа<sup>39</sup> лақабланган.

**МАРВОН АЛ-ҲИМОР.** У ал-Жаъдий деб ҳам лақабланган. Бу Бану Марвон Умайя халифаларининг охиригиси Марвон ибн Муҳаммад ибн Марвондир<sup>40</sup>. Марвон икки сабаб билан ал-Ҳимор<sup>41</sup> лақабланган экан. Биринчиси [шуки], араблар ҳар бир юз йилнинг бошини ҳимор деб аташган. Умавийлар халифалиги тугаши яқинлашганда, юз йил [аввали]//Марвон даврига тўғри келади, шунинг учун уни ал-Ҳимор деб лақаблайдилар. Аббосийлар ҳукмронлиги даврида [буни] буюк тангрининг Узайр қиссаси ҳақидаги «сени одамларга бир нишона қилишимиз учун ўз эшагинга бир назар ташла» деган сўзига таъбир қилганлар. Сен юз йилга ўлган эдинг, кейин қайта тирилдинг, дейишдан ишора гўё буюк тангрининг «Тангри уни юз йилга ўлдирди, кейин қайта тирилтирди» деган оятидир. Иккинчи [сабаб шуки], Марвон хорижийлар ва қора [книймли]лар билан жанг қилганда, [бадан] тукининг тери қуримас эди ва кечаси эрталабгача кезиб чиқар, чопиш ва уруш азобларига бардош берарди, шунинг учун эшак лақабини олди, чунки эшак чидамлилиги туфайли «эшакдан ҳам чидамли» деган мақол тўқилган. Марвоннинг ал-Жаъдий лақабига келсак, Бану Марвон [сулоласи]нинг мавлоси ал-Жаъд ибн Дирҳам зиндиқийлардан бўлиб, ҳикоя қилишларича, у Марвонга зиндиқийликдан дарс берган ва унга нисбат берилган.

**АБУ-Д-ДАВОНИҚ**<sup>42</sup>. Абу Жаъфар ал-Мансур<sup>43</sup> бахиллиги ва шаҳарлар амалдорлари билан ер ижараси, дониқ ва ҳаббаларни ортиқча ҳисоб-китоб қилгани учун шундай лақабланган. Шу билан бирга, [юқорида] зикр қилинганидек, минг-минглаб [дирҳамни] улашиб юборарди.

**МУСО АТБИҚ.** У Мусо ал-Ҳодий ибн-ал-Маҳдий ибн ал-Мансурдир<sup>44</sup>. Унинг юқори лабида нуқсон бўлиб, оғзи фақат «итбоқ»

[сўзи]ни айтгандагина юмилар эди. Ал-Маҳдий ўзининг ходимларидан бирини кечасию кундузи хизмат қилиш учун унга боғлаб қўйган эди. Мусо унга ҳар соатда «атбиқ» деб такрорларди. Бу давом этган сари ушбу лақаб унга ўрнашиб олди ва то халифаликка ворис қолдириб, дунё мулкини [бошқага] ўтказмагунча ундан ажрамади.

**УТРУЖЖА, ШАҲМ АЛ-ҲАЗИН ВА ҚАЪБ АЛ-БАҚАР.** Довуд ибн Исо ибн Мусо рангининг сариқлиги ва//ҳидининг ёқимлиги туфайли Утружжа лақабланади<sup>45</sup>. Абдуссамий ибн Муҳаммад ибн Мансур Шаҳм ал-Ҳазин<sup>46</sup>, Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исо эса Қаъб ал-бақар<sup>47</sup> лақабини олади. Ҳар уччаласининг [лақаби] тайин бўлгач, бу Ибн ал-Муътаззга<sup>48</sup> бориб етди ва у [шундай] деди:

Ҳузуримизга келган кишиларга марҳабо, кошкниди [у] кишилар дўзахга тушмаса эди.

**ҚАРБ АД-ДАВО.** Ал-Муктафийнинг<sup>49</sup> ўз фикрича, унинг Муваффақ деб лақабланиши лақаб олишда унга муносиб бўлган. «Лақаблар осмондан туширилади», деган киши рост айтган ва шоирнинг [қуйида] айтган назми ҳам тарқалиб кетган, дер эди у:

Агар фикр юритсанг, унинг [ҳақиқий] маъноси лақабида бўлмаган кишини кўзинг кам кўрган.

Унинг вазири ал-Аббос ибн ал-Ҳасан—Қарб ад-даво<sup>50</sup>, ходими ал-Хусайн—Арақ ал-мавт<sup>51</sup>, котиби Аҳмад ибн Муҳаммад эса Жарода<sup>52</sup> лақабланган. Ал-Аббос ибн ал-Ҳасан ал-Муқтадир даврида ўлдирилганда, унинг ҳақида Ибн Бассом<sup>53</sup> [шундай] деган экан:

Балодан халос бўлдик ва Қарб ад-даво ўтиб кетди.

Тангри номн билан қасам ичаманки, у саломатлик учун оқиллар нафрати эди.

У Жарода ҳақида ҳам [шундай] деган:

Жарод табиатан фасодлик учун яратилган экан, ишнинг яхши [бўлиши] учун Жародга ишониб бўладими?

**АЛ-МУБАРРАД.** Бу Абу-л-Аббос Муҳаммад ибн Язиддир<sup>54</sup>. [Ҳамма] улардан фойдаланиб, [асарларидан] парчалар келтириданган адиб ва наҳвшуносларнинг аъёнлари орасида унинг овозаси узоқларга кетган эди. Унинг ал-Мубаррад<sup>55</sup> лақабланиши [ҳақида] икки ривоят бор: бирига [қандайдир] шоир унинг ҳақида [ёзган қуйидаги] сўз далолат қилади:

Агар жиддийлик билан ундан сўрасанг ёки у билан ўйнашсанг, ал-Мубаррад адаби туфайли жуда совуқдир.

Агар фикр юритсанг, унинг [ҳақиқий] маъноси лақабида бўлмаган кишини кўзинг кам кўрган<sup>56</sup>.

Иккинчиси: у аксинча шундай лақабланган, гўё қарға бир кўз-ли лақабланганидай — бу ҳақда Басра атрофида мақол тўқилган — гўё ал-Мутаваккил<sup>57</sup> ўғли ал-Муътаззининг<sup>58</sup> онасини Қабиха деб лақаблаганидай, ваҳолонки, у замонасининг энг гўзал хотини бўлган экан ва узугига «Мен Қабихаман ва аксинча тушунинглар» деб ёзиб қўйган экан, гўё Абу Нувос<sup>59</sup> Самиж<sup>60</sup> деб

аталган гуломи ҳақида ҳусндорлиги учун мавлоси уни Самиж деб атаган, дегани каби. Ал-Мубаррад [шундай] деган экан: «Менинг лақабим ҳақида ҳеч ким Сазоб<sup>61</sup> лақабли ал-Варрақ<sup>62</sup> каби ажойиб нарсани айтган эмас. Мен бир куни унинг олдидан ўтиб қолдим. У эса ҳовлисининг эшигида ўтирган экан. Урнидан туриб, менга яқинлашди ва саломлашиб, тайёр таомга таклиф қилди. «Ниманг бор» — дедим унга. «Менда сен [борсан], сенинг устингда эса менман», — деди. Унинг яхна гўшти ва унинг устида қир-қилган газак ўти бор экан<sup>63</sup>.//Ундан қулиб, уйига кирдим.

34 **НИФТАВАЙҲ.** У Абу Абдуллоҳ Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Арафа ан-Наҳвийдир<sup>64</sup>. Хунуклиги сабабли уни нефтга ўхшатиб, шундай лақаблашган ва лақабни Сибавайҳники<sup>65</sup> каби белгилашган. Чунки у наҳва Сибавайҳга эргашар, унинг йўлидан борар, унинг китоби шарҳидан дарс берар эди. Унинг ҳақида шоир [шундай] деган:

Агар Нифтавайҳга ваҳй келганда эди, бу ваҳй унга ғам-қайғу<sup>66</sup> бўларди.

Тангри унинг исмининг ярмини куйдириб юборсин, қолганини эса унга қарши вайҳга айлантирсин<sup>67</sup>.

Ибн Бассам [қуйидаги] сўзида бу [лақаб] «то»сини заммалик, «вов»ини ҳаракатсиз ва «йо»сини фатҳали қилиб, Нифтуяга айлантирган:

Тушда отам Одам[ато]ни кўрдим — фазилатли тангри унга саловат йўлласин —

У айтди: «Кимки қайғу ва оғирликда бўлса, етказгин, фарзандларимнинг ҳаммасига етказсин.

Агар Нифтуя менинг наслимдан бўладиган бўлса, уларнинг онаси Ҳавони талоқ қилдим.

35 Адиб ва наҳвшунослардан биринчи мисолдаги каби Мискавайҳ лақабланган кишилардан [бири] Ибн ал-Амиднинг<sup>68</sup> хазиначисидир. Уни янги қасрга кўчиб кириши билан табриклаб [Ибн ал-Амид шундай] деган:

Кўчиб кираётганинг янги қасрнинг чиройи сени ажаблантирмасин, қуёшнинг фазилати ўз манзилида бўлмайди. Қуёш ўз буржларида юз марта зиёда бўлса ҳам, бу унинг фазилатларида ҳеч нарсани зиёда қилолмайди.

Мабрамон<sup>69</sup> лақабланган наҳвшуносга келсак, Ибн Лангак ал-Басрий<sup>70</sup> унинг ҳақида [шундай] деган кишидир:

Сўзларингдан [пайдо бўлган] бош оғриғи бизга мусибат келтиряпти, уларда тингловчи учун баён йўқ.

[Уларда] қарама-қаршилик, нодонлик ва ёлғон [бор], сен бизнинг жонимизга тегдинг, эй Мабрамон.

**ЖАҲЗА.** У Абу-л-Ҳасан Аҳмад ибн Жаъфар ибн Мусо ибн Яҳъё ибн Холид ал-Бармакийдир<sup>71</sup>. Ола кўзлиги туфайли Жаҳза<sup>72</sup> лақабланган. У кўринишда тангри яратганларнинг энг хуниги, билимда эса уларнинг энг гўзали эди. Узининг қандайдир малиҳ сўзида [қуйида] айтганидай бўлган эди:

Эй мени чақирган ва мендан қочиб кетган киши, тангри номи билан қасамёд қиламанки, фикримнинг яхшилиги [масаласи]да сен хилоф иш қилдинг.

Мен рози бўлганман гуруч нони ва тузланган нарсага ёки озгина қаҳвага.

Ва умрбод хумнинг қаърида турган шинни шароби тўлдирилган [шишага].

Бу айтганларимизга муҳаддис, шоир ва хонанда ҳам ортиқчалик қилмайди.

Агар уй котибни зикр қилиш учун васиъ бўлганда эди, Жаҳзани албатта ўз ичига олган бўларди. Унинг қалами фасих, хатлари малиҳ эди. Шеър ва ашула билан бирга хабарларни эшитишдаги унинг баҳрамандлиги, сўзамолликдан хурсанд бўлишининг бениҳоялиги ва донолигининг ажойиблиги унда ғолиб эди. Унинг кезиб юрувчи сўзи:

Ҳаво [шундай] ёқимли бўлдики, ҳатто [одамлар] бу Жаҳзанинг замонга таънасиudir, дейишди.

Ибн ар-Румийнинг<sup>73</sup> унинг ҳақидаги [қуйидаги] сўзини у жуда кўп айтар ва бу [сўз]нинг нишонга келиб тегишининг чиройлилигидан таажжубланарди:

Жаҳзага олакўзликни шатранч фили ва қисқичбақадан олишни хабар қилдим.

Афсус унинг надимларигаки, қулоқлар лаззат [олиши] учун кўзлар азобланишини ўзларига олганлар.

**АЛ-АТАВОНИЙ**, У Абу Аҳмад ибн Абу Бакр ал-Котибдир<sup>74</sup>. Сомониёлар давлатининг ўрталарида Бухоронинг зариф кишиси ва Мовароуннаҳр шоири бўлган. Отаси [амир] Исмоил ибн Аҳмаднинг<sup>75</sup> вазири бўлган. Наср ибн Аҳмад<sup>76</sup> даврида ал-Жайҳоний<sup>77</sup> ва ал-Балъамийларга<sup>78</sup> хизмат қилишдан Абу Аҳмад возкечади ва худди Ибн Бассом вазирларни ҳажв қилганига ўхшатиб улар иккисини ҳажв қилади. Вазирлар ундан юз ўгирдилар, ҳатто//унинг аҳволи ёмонлашди, иши изтиробга айланди. Ал-Атавий<sup>79</sup> шеърларидан ажабланар, уларни асри шоирларининг ҳамма шеърларидан устун қўяр ва ҳаммасини ёдлаб олган эди. Уни ҳаддан зиёд мақтай бергани учун ал-Атавоний лақабини олган. Абу Мансур ал-Абдуний<sup>80</sup> унинг ҳақида [шундай] дейди:

Эй Абу Аҳмад, сен [ўз] исрофгарчилигинг билан султон ва ота-онанг сенга топширган бойликни совуриб юбординг. Сен ҳар томонлама шарманда бўлдинг ва ишинг юрмгани туфайли «ал-Атавоний» лақабини олдинг. Орқага қайтиш ҳақидаги раъинг [шундай] қарорки, сен уни қисқичбақанинг юришидан олгансан ва ундан ўргангансан<sup>81</sup>.

Абу Аҳмад деган:

Мен Омул<sup>82</sup> саҳросини кесиб ўтдим, ишонаманки, бу [менинг] халос бўлишим<sup>83</sup>.

**ФАСЛ**. [Бу ерда] бир қанча лақаблар жамланади. Иброҳим ибн Аббос ас-Сулий<sup>84</sup> биродарининг ўғли Аҳмад ибн Абдуллоҳ

ал-Котиб Тимос<sup>85</sup> лақабланарди. У ғилай бўлиб, унинг ҳақида ал-Бухтурий<sup>86</sup> [шундай] дейди:

38 У ой эмас, худди уйқуда тикилиб [қотиб] қолган ғилай кўз каби бир охирги нафасдир.

Котиблардан бир гуруҳининг исмларини уларга ишга тайинлашни сўраб ал-Мутаваккилга топширишади. Улар орасида Тимос исми ҳам [бор эди]. [Мутаваккил] унинг исми устига уриб, «У қон олишдан йиғлайди, қуёшни душман, илонни узун ва жинларни уйни обод қилувчи деб атайди»,— дебди. Бағдодда бир Ҳошимий<sup>87</sup> бўлиб, у Харо Нахл<sup>88</sup> деб лақабланган эди. Унинг ҳақида Ибн ар-Румий [шундай] деган экан:

Сени хурмонинг ахлати деб аташди, ҳеч қиси йўқ, эй нодон шайх.

Ахлатдан хурмога фойда [бор], ахир хурмони ейлади-ку. Менимча сен ачиган Абу Жаҳл тарвузидан бошқа нарса эмассан.

У ерда Лиҳят ат-тайс<sup>89</sup> лақаби билан юритиладиган бир хонанда бўлиб, у доимо «Тўхтанг бир йиғлайлик»<sup>90</sup> [шеър]ни куйлаб юрар экан. Унинг ҳақида Ибн Бассом [шундай] деган:

У тутириксиз куйлаганда айтардим: «Қисқароқ қил, эй Лиҳят ат-тайс.

«Тўхтанг йиғлайлик» ва унинг билишни тарк эт, тангри Имруулқайсни<sup>91</sup> раҳмат қилмасин».

Айтишларича, ҳеч бир шаҳар аҳлида Бағдод ва Нишопур аҳлараридаги каби лақаблар умумий тус олмаган. Уларда қадимда ҳам, ҳозирда ҳам одамларнинг кўпчилиги лақабли [бўлади]. Бағдод аҳлининг лақабларидан://Ҳошимий ҳарисаси<sup>92</sup>, котибнинг 39 бақлажони, товуснинг оёғи, ҳожатхона райҳони, ал-Муътамид алаллоҳга Куфл ал-асир<sup>93</sup>, узун бўйли совуқ кишига қишнинг совуғи [лақабини беришган]. Нишопур аҳлининг умумий лақабларидан: семиз туя, туя шарвари, ит жуни, эчки ниқоби, молнинг бешиги, шайтон югани, турпнинг турпи, ғўра олхўри, ровоч.

## ТЎРТИНЧИ БОБ

### ҚАДИМГИ КОТИБЛАР ЗИКРИ ҲАҚИДА

Ислом котиблари. Ислом пайдо бўлгач, ўндан ортиқ киши араб тилида ёздилар: Умар, Усмон<sup>1</sup>, Али<sup>2</sup>, Талҳа<sup>3</sup>, Усмон ва Аббон ибн Саъидлар, Абу Ҳузайфа ибн 40 Утба ибн Рабиъа, Абу Суфён ибн Ҳарб<sup>4</sup>, унинг иккита ўғли//Язид<sup>5</sup> ва Муовия, Ҳотиб ибн Амр ибн Абд Шамс, Ало ибн ал-Ҳазрабий, Абу Салма ибн Абдулашҳал, Абдуллоҳ ибн Абу Сарҳ<sup>6</sup> ва Ҳувайтиб ибн Абдулазолар.

Расулуллоҳнинг котиблари. Усмон ва Али ваҳй ёзганлар. Улар иккиси йўқлигида Уббо ибн Каъб ва Язид ибн Собит ёзганлар. Улардан бирортаси ҳам бўлмаганда, бошқа котиблар ёзганлар.

[Пайғамбар]нинг ҳожатларини унинг ҳузурда Холид ибн Саъид ибн ал-Ос ва Муовия<sup>7</sup> ибн Абу Суфён ёзганлар, ал-Муғайра ибн Шубъа<sup>8</sup> улар йўқлигида уларнинг ўрнини босган. Абдуллоҳ ибн ал-Арқам ва ал-Ало ибн Утба одамлар орасида, уларнинг қабилалари ва онлалари, ансорлар даврида эса эркаклар ва хотинлар орасида [юриб] ёзганлар. Ибн ал-Арқам баъзан пайғамбар [номи]-дан подшоҳларга [мактублар] ҳам ёзган. Ҳузайфа ибн ал-Ямон Ҳижоз хурмосининг япроқсиз шохларига ёзиб юборган<sup>9</sup>. Зайд ибн Собит<sup>10</sup> ваҳй ёзиш билан бирга подшоҳларга ҳам [мактублар] ёзган. Бани Асад [қабиласи] иттифоқдоши Муайқиб ибн Абу Фотима расулуллоҳнинг ўлжаларини ёзиб борган ва у пайғамбар томонидан ўлжаларга [вакил] қилинган эди. Аксам биродарининг ўғли Ханзала ибн ар-Рабиъ ибн Сайфо пайғамбар котибларининг ҳаммасига халифа эди. У ўз амалидан четлашиб кетади, лекин котиб номи унда устун бўлиб қолади. Абдуллоҳ ибн Абу Сарҳ ҳам пайғамбар котиби эди, кейин йўлдан тойиб, мушрикларга қўшилиб кетади ва «Муҳаммад//менинг хоҳлаган нарсамни ёздирди» — дейди. Маккани фатҳ этиш жанги бўлганда Усмон уни олиб келади, улар иккиси эмишишган эди. Пайғамбар уни туҳфа сифатида қабул қилиб олади-да, Усмонга туҳфа қилиб беради.

**Халифаликка кўтарилган котиблар.** Али ибн Абу Толиб пайғамбар котиби бўлган эди, кейин халифа бўлди. Усмон пайғамбар ва Абу Бакрнинг котиби бўлган эди, сўнг халифа бўлди. Муовия пайғамбар котиби бўлган эди, кейин халифа бўлди. Марвон ибн ал-Ҳакам Усмон котиби бўлган эди, сўнг халифа бўлди. Абдулмалик ибн Марвон Мадина девонида котиб бўлган эди, кейин халифа бўлди.

**Бошқа машҳур котиблар.** Абдуллоҳ ибн Авс ал-Ғассоний шом аҳлининг саййиди эди, Муовияга котиблик қилди. Саъид ибн Нимрон ал-Ҳамадоний Ҳамадоннинг саййиди эди, Алига котиблик қилди. Абдуллоҳ ибн Жаъфар<sup>11</sup> ҳам унинг котиби бўлганди, Убайдуллоҳ ибн Абу Рофиъ ҳам шундай бўлганди. Абдуллоҳ//ибн Халиф ал-Хузозий Абу Талҳа ат-Талаҳот Умар ва Усмоннинг Басрадаги девонида котиб бўлган. Зиёд [ибн Абиҳ]<sup>12</sup> ал-Муғайранинг котиби, сўнг Абу Мусонинг котиби, сўнг Абдуллоҳ ибн Омир ибн Курайзнинг<sup>13</sup> котиби, сўнгра [Абдуллоҳ] ибн Аббоснинг котиби<sup>14</sup>, кейин ироқликлар ҳокими бўлган. Хорижа ибн Зайд ибн Собит<sup>15</sup> — Абдулмалик томонидан Мадина девонига [котиб] бўлганди. Амр ибн Саъид ҳам Абдулмаликдан кейин ўша девонга [котиб бўлган], сўнгра Амр ибн Саъид, кейин Усмон ибн Анбаса ибн Абу Суфён бўлган эди. Булар ҳаммаси бир вақтда [бўлганди], бу Муовия замони эди. Омир аш-Шаъбо эса Абдуллоҳ ибн ал-Мутининг<sup>16</sup>, сўнгра Абдуллоҳ ибн Язиднинг котиби, [Абдуллоҳ] ибн аз-Зубайрнинг Куфадаги ходими бўлган. Саъид ибн Жубайр<sup>17</sup> Абдуллоҳ ибн Утба ибн Масъуднинг котиби, сўнг Абу Бурда ибн Абу Мусонинг котиби [эди], ал-Ҳажжож уни Шурайҳдан<sup>18</sup> кейин [Куфага] қозиликка тайинлайди. Ал-Ҳасан ибн Абу-л-Ҳасан ал-Басрий<sup>19</sup> Рабиъ ибн Зиёднинг<sup>20</sup> Хуросондаги котиби бўлган. Муҳаммад ибн Си-

- рин<sup>21</sup> Анас ибн Моликнинг<sup>22</sup> Форс [вилөяти]даги котиби бўлган. Маймун ибн Меҳрон [халифалик] Умар ибн Абдулазизнинг котиби эди. Равҳ ибн Зинбоъ Абдулмалик ибн Марвоннинг котиби эди. У Абдулмалик унинг ҳақида [шундай] деган кишидир: «Абу Зуръа — тоатда шомлик, хат [ёзиш]да — ироқлик, фиқҳда — ҳижозлик, котибликда эронликдир. Язид ибн Абу Муслим ал-Ҳажжожнинг котиби бўлган ва унинг эмишган биродари эди. Ал-Ҳажжож унга ҳар ой уч юз дирҳам тайинлаган эди. Ундан эллик дирҳамни хотинига берарди, қирқ беш дирҳамни гўшт харидига сарфларди, қолганини ун пули ва бошқа харажатларига сарфларди. Агар ундан бирор [маблағ] ортиб қолса, унга сув сотиб олиб, мискинларга ичирарди, баъзан узум сотиб олиб уларга улашарди. Шу билан ал-Ҳажжожга нисбатан хулқи оғир эди. Ривоят қилишларича, ал-Ҳажжож
- 43 уни касалга чалинган [пайти]да кўргани келиб, // унинг олдида лойдан [ясалган] ўчоқ ва сопол шамдонни кўрибди ва унга «Эй Абу-л-Ало, маошинг сенга кифоя қилишини кўрмаяпман» — дебди. У жавоб берибди: «Эй амир, уч юз [дирҳам] менга кифоя қилмайди, ўттиз минг ҳам менга кифоя қилмайди». Бу [зикр қилганимиз] котиблар қавнинг пешволаридир, мусаннифлар [ёзиб қолдирган] китоблар эса кейингилар учун хабарлар берувчи нотиқлардир. Улардан ал-Жаҳшиёрийнинг<sup>23</sup> «Вазирлар хабарлари китоби», ас-Сулийнинг<sup>24</sup> «Вазирлар ҳақида китоби» ва ушбу китоб муаллифининг «Замонанинг дурдонаси»<sup>25</sup> китобидир.

## БЕШИНЧИ БОБ

### ЖАМИКИ ТАБАҚАЛАРНИНГ ЭНГ ИРҚЛИЛАРИ [ЗОТЛИЛАРИ] ВА ТУРЛИ ҲОЛДАГИ МУТАНОСИБЛИКЛАР ЗИКРИ

Хусравларнинг подшоҳликда энг ирқлиси Шируя<sup>1</sup> ибн Абрвиз ибн Ҳурмуз ибн Анушервон ибн Кубод ибн Фируз ибн Яздигард ибн Баҳром Гўр<sup>2</sup> ибн Яздигард ибн Баҳром ибн Собур ибн Ҳурмуз ибн Нарсий ибн Баҳром ибн Баҳром ибн Собур ибн Ардашир ибн Бобакдир.

Халифаларнинг халифаликдаги энг ирқлиси ал-Мунтасир<sup>3</sup> ибн ал-Мутаваккил ибн ал-Муътасим ибн ар-Рашид ибн ал-Маҳдий ибн ал-Мансур ва худди шундай унинг биродари ал-Муътаззидир.

- 44 Ажойиботлардан: Хусравларнинг подшоҳликдаги энг ирқлиси // Шируя отаси Парвизни<sup>4</sup> ўлдириб, унинг подшоҳлигини эгаллайди ва ундан кейин фақат олти ой яшайди. Халифаларнинг халифаликдаги энг ирқлиси ал-Мунтасир отаси ал-Мутаваккилни ўлдириб, халифаликни эгаллайди ва ундан кейин фақат олти ой яшайди.

Араб подшоҳларининг подшоҳликдаги энг ирқлиси ан-Нўъмон ибн ал-Мунзир<sup>5</sup> ибн ал-Мунзир ибн Имру ул-Қайс ибн ан-Нўъмон ибн Имру ул-Қайс ибн Амр ибн Аддий ал-Лахмийдир.

Подшоҳлик ва халифаликда ҳар икки тарафдан одамларнинг энг ирқлиси Язид ибн ал-Валид ибн Абдулмалик ибн Марвондир. У халифадир, отаси халифа, буvasи — халифа, буvasининг отаси — халифа, амакилари ҳам халифалардир. Унинг онаси Шоҳ Фиринд Фируз ибн Яздижард ибн Шаҳриёрнинг<sup>6</sup> қизи, унинг онаси эса Шируя ибн Парвизнинг қизларидан, Шируянинг онаси Марям эса Рум подшоҳи Қайсарнинг қизидир. Фирузнинг онаси турк подшоҳи хоқоннинг қизидир. Язид ўзи [шундай] деган:

Мен Хусрав ўғлиман, отам эса Марвоннинг ўғли, Қайсар менинг бувам, бувам эса хоқондир.

Вазирларнинг вазирликдаги энг ирқлиси Абу Али ал-Хусайн ибн ал-Қосим ибн Убайдуллоҳ ибн Сулаймон ибн Ваҳб ва унинг биродари Абу Жаъфар Муҳаммад ибн ал-Қосимдир. Абу//Али ал-Хусайн ал-Муқтадирнинг<sup>7</sup> вазири, Абу Жаъфар эса ал-Қоҳирнинг<sup>8</sup> вазири. Уларнинг отаси ал-Қосим ал-Муътазиднинг, ундан кейин эса ал-Муктафийнинг вазири, Убайдуллоҳ ал-Муътазид<sup>9</sup> вазири, Сулаймон ал-Муҳтадий<sup>10</sup>, ундан кейин ал-Муътамид<sup>11</sup> вазиридир. Ал-Хусайн ва Муҳаммаддан [бўлганларнинг] ҳаммаси вазир ибн вазир ибн вазир ибн вазирлардир. Улар иккиси ҳақида шоир [шундай] дейди:

Эй вазир ибн вазир ибн вазир [бўлмиш] икки вазир, Агар [вазирлик] бўйинга тақиладиган шодаларга тизилса, дур каби кетма-кет бўларди...

Шарафли кишиларнинг кўрликдаги энг ирқлиси Абдуллоҳ ибн ал-Аббос ибн Абдулмутталибдир, бу [уч ота-бола]нинг ҳаммаси умрининг охирида кўр бўлиб қолган.

Қатл этилишда одамларнинг энг ирқлиси Умора ибн Ҳамза ибн Мусъаб ибн аз-Зубайр ибн Аввом ибн Хувайлийдир. Арабларда ҳам, ажамликларда ҳам аз-Зубайр хонадонидан бошқада олтитаси кетма-кет қатл этилгани маълум эмас. Умора ва Ҳамза ал-Ибозий<sup>12</sup> [билан бўлган] урушда Қудайд<sup>13</sup> жангида бирга ўлдирилган, Мусъаб ўзи билан Абдулмалик ибн Марвон ўртасидаги уруш жангида Дайр Жосалиқда<sup>14</sup> ўлдирилган, аз-Зубайр<sup>15</sup> Жамал жангида<sup>16</sup> Водий ас-Сибоъда<sup>17</sup> ўлдирилган, Аввом Фижжор урушида<sup>18</sup> ўлдирилган, Хувайлид эса Хузоъа урушида<sup>19</sup> ўлдирилган.

Қозиларнинг қозиликдаги энг ирқлиси Билол ибн Абу Бурда ибн Абу Мусо//ал-Ашъарийдир. Билол Басрада қози бўлган, унинг отаси Абу Бурда Куфада қози бўлган, буvasи Абу Мусо эса Умар ибн ал-Хаттобнинг мамлакатлар бошлиғи бўлган ва босқинчилик юришларидан олдин қозиси бўлган. Саввор ибн Абдуллоҳ ибн Саввар ал-Маҳдийнинг<sup>20</sup> икки шаҳар [Басра ва Куфа]даги қозиси бўлган, отаси Саввор<sup>21</sup> ибн Қудома ал-Мансурнинг у ер [Куфа]даги қозиси бўлган.

Одамларнинг фикҳдаги энг ирқлиси Исмоъил ибн Ҳаммод ибн Абу Ҳанифадир. У фақиҳ бўлган, [отаси] Ҳаммод ҳам фақиҳ бўлган, лекин отаси [Абу Ҳанифа] каби эмас, Абу Ҳанифа<sup>22</sup> эса фикҳда [шундай бўлганки], фикҳийятда кучлиликда [ҳеч ким] ҳозирга қадар унга етолмаган ва у билан тенглашолмаган.

Халифаларни қўриқлашда одамларнинг энг ирқлиси ал-Аббос ибн ал-Фазл ибн ар-Рабиъдир<sup>23</sup>. Ал-Аббос ал-Аминни<sup>24</sup> қўриқлаган, ал-Фазл ар-Рашидни<sup>25</sup> қўриқлаган ва кейин унинг вазири бўлган, ар-Рабиъ ал-Мансур ва ал-Маҳдийни қўриқлаган. Абу Нувос улар ҳақида [шундай] деган:

Учтаси подшоҳларни қўриқлади, улардан [ҳеч ким] йўқки, буюк қаҳрамонликни қўлга киритмаган бўлса.

Ар-Рабиъ бошқарди, ундан кейин Фазл бошқарди, карамли Аббос билан эса [улар] насллари авж олди.

47

Уруш—жангни ҳимоя қилар экан, Аббос аббосдир<sup>26</sup>, ал-Фазл фазлдир<sup>27</sup>, ар-Рабиъ эса рабиъдир<sup>28</sup>.

Сахийликда одамларнинг энг ирқлиси Амр ибн Абдуллоҳ ибн Сафвон ибн Умайя ибн Халафдир. [Бу ота-боболарнинг] ҳаммаси сахий бўлишган.

Хоинликда одамларнинг энг ирқлиси Абдуллаҳ ибн Муҳаммад ибн ал-Ашъас ибн Қайс ибн Маъдий<sup>29</sup> Қарбдир. Абдуллаҳ ибн ал-Ашъас ибн Юсуфга хиёнат қилди. Уни [Юсуф] шаҳар бошлиғи этиб тайинлаганда, унга қарши чиқди ва у билан саккиз мартага яқин жанг қилди, жангдан ташқари унга қарши ёмонлик доираси уюштирилган эди. Муҳаммад ибн ал-Ашъас Табаристон аҳлига хиёнат қилди. Убайдуллоҳ ибн Зиёд<sup>30</sup> уни у ерга бошлиқ этиб тайинлаган эди, улар билан ярашиб, шартнома тузади, кейин уларга қарши душманлик қилди. [Табаристонликлар] унга қарши бир гуруҳни ташладилар, ўғли Абу Бакрни қатл этдилар ва унинг ўзини қурбон қилдилар. Ал-Ашъас эса ал-Ҳорис ибн Каъб<sup>31</sup> [қабиласи] хонадонига хоинлик қилиб, уларга ҳужум қилди. Уни асир қилиб олдилар, ўзини икки юз туяга сотиб олди, уларга юз туяни берди, юз туя эса унда [қарз бўлиб] қолди, ҳали бу [қарз]ни адо этмаган эдики, ислом юзага чиқди ва нимаики жоҳилият даврида бўлган бўлса, йўққа чиқди. Қайс ибн Маъдий Қарб билан Мурод<sup>32</sup> [қабиласи] ўртасида то ажали етгунча [уруш қилмаслик] ҳақида шартнома бор экан. [Қайс] ажалининг охириги кунни уларга ҳужум қилди, бу жума кунни содир бўлганди, у яҳудий бўлганди. «Эртага шанба бўлгани учун менга жанг қилишга рухсат этилмайди» — деб, уларни қатл қила бошлабди. Улар уни ўлдириб, қўшинини парчалаб юборишган экан. Маъдий Қарб Маҳрага<sup>33</sup> хоинлик қилди. Улар ўртасида шартнома бўлган эди, шартни бузиб, уларга ҳужум қилди, улар уни қатл этдилар, қоринини ёриб, қум билан тўлдирдилар.

Шоирликда одамларнинг энг ирқлиси, ал-Мубаррад<sup>34</sup> «Қавмларнинг шоирликдаги энг наслиysi Ҳассон Хонадони»,— деб айтган эди. Улар кетма-кет олтита саналиб, ҳаммаси шоирлардир. Улар: Саъид ибн Абдуллаҳ ибн Ҳассон ибн Собит ибн ал-Мунзир ибн Ҳаром<sup>35</sup>, то Абу Ҳафса хонадони юзага келгунга қадар. [Абу Ҳафса хонадони] шоирликни буюгидан буюгига мерос қилиб берди. Улардан ўнтаси кетма-кет узлуксиз шоирликда зикр қилинган. Улар халифаларни куйладилар ва мукофотлар олдилар.

Уларнинг биринчиси Усмоннинг мавлоси<sup>36</sup> Абу Ҳафса шоир бўлган. У [шундай] дейди:

Дор жанги<sup>37</sup> куни қавмларга [у билан] ярашинглар демандим, ҳа [айтмагандим], улар ҳаётни ўлимдан афзал қўришмади.

Лекин қавмларга: «Қиличларингиз билан уринг, токи [у] ўрта ёшликка қайтиб келсин»,— дегандим.

У Жамал жанги куни [шундай] деган, бу вақтда у Марвон ибн ал-Ҳаким билан бирга аҳволни кузатиб турганди:

Мен ёмонлик ҳовузларини тўлдирувчиман, ҳужумдан кейин ҳужумни такрорловчиман.

Кейин [ўғли] Яҳё ибн Абу Ҳафсадир. У [шундай] деган:

Кошкийди, кошкийди йигитлик лаззатлари қайтиб келса, ҳайҳот, бу шундай нарсаки, ҳеч қайтиб келмайди.

Заҳарли илонлар уларнинг савлатидан қўрқадиган қанча илонларки, улар ўз тўпланган жойларини ҳимоя қилардилар, мен уларни эзиб ўтиб кетдим.

Кейин [унинг ўғли] Сулаймон ибн Яҳё ибн Абу Ҳафсадир, у [шундай] деган:

«Нега бойлигинг камайиб кетяпти, сендан бошқаларники кўпайияпти-ку?» деб сўрашади.

Уларга айтдим: «Қўлимдаги бор нарса учун мен сахийлик қиламан, баъзи қавмлар эса сахийлик қилмайди.

Кейин [унинг ўғли] Марвон ибн Сулаймон ибн Яҳё ибн Абу Ҳафсадир, у [шундай] деган:

Бану ал-банот [қабилиси] қачон амакиларнинг ворислари бўлишаркин, бу бўладиган нарса эмас.

Тангри уларнинг ўқ-ёйларига дуч келган эди, у [ёй]ларни ўқсиз отяпмиз деб қутулиб қолишди.

Кейин [унинг ўғли] Абу-л-Жануб ибн Марвон ибн Сулаймон ибн Яҳё ибн Абу Ҳафсадир.

У//Мусо ал-Ҳодий ва [Ҳорун] ар-Рашид ҳақида [қуйидагини] айтган, Мусо уни [келтиришни] талаб қилган, ҳатто у Ироқдан саҳрога қочиб кетган:

Бугунги куннинг амир ал-мўминини Мусо, сен эса эртага амир ал-мўмининсан,

Агар ҳасадчилар бурунлари жирканса, Мусодан кейин халифаликни сен ихтиёр қиласан.

Отанг уни ўғилларига мерос қолдирганини кўргандим, Сен ҳам худди шундай уни ўғилларига мерос қолдирасан.

Кейин [унинг ўғли] Марвон ибн Абу-л-Жануб ибн Марвон ибн Сулаймон ибн Яҳё ибн Абу Ҳафсадир. У ал-Маъмунга<sup>38</sup> [шундай] деган:

Агар халифаликда чегара борлиги билинганда эди, уни қўлга киритиш учун ҳаётда шон-шуҳратни қўлга киритган бўлардинг.

Ал-Муътасимга<sup>39</sup> [шундай] деган:

Тангри умматининг гуноҳсизи<sup>40</sup> унинг халифаси ҳузурига кирганида, менга яқинлашади ва мени бойитади, Худди унинг отаси менинг отамга ва буваси Мустафо ал-Маҳдий менга ҳада қилган ҳадялар каби.

Кейин [унинг ўғли] Яхё ибн Марвон ибн Абу-л-Жануб ибн Марвон ибн Сулаймон ибн Яхё ибн Абу Ҳафсадир. У ал-Маъмунга [шундай] деган ва унга ал-Жоҳиз айтиб берган:

Хайру саховат учун [уларга] айт: «Мени доим назарда тутдингиз, шон-шуҳратингиз туфайли мени нишон қилиб қўймадингиз».

Кейин [унинг ўғли] Марвон ибн Яхё ибн Марвон ибн Абу-л-Жануб ибн Марвон ибн Сулаймон Абу-с-Симт [бўлиб], ал-Мутаваккилнинг шоиридир. У шонрликда одамларнинг энг юқори кўтарилган туғи ва уларнинг энг омадлисидир. Қасидасида [шундай] деган; унинг аввали:

Жумлга салом, ҳайҳот Жумлга етиш узоқдир, у мен билан [дўстлик] ипини узган бўлса ҳам, [Жумл] қандай яхши хотин.

50 Уша [қасида]да:

Отангиз Али сиздан афзал бўлган эди, маслаҳат берувчилар унга қарши чиққан эди, улар адолатли кишилар эди. У Абу Жаҳлнинг<sup>41</sup> лаънати қизига совчи бўлиб, [пайғамбар] қизини хафа қилиш билан расулуллоҳни ҳам хафа қилди.

Тангрининг душмани қизини пайғамбар қизи устига хотинликка олмоқчи бўлди, бу қандай [ёмон] иш...

Бу [қиз] ҳақида отангиз иккита ҳакамни тайин этди, улар худди кавш кийган кавшини ечгандай уни [халифаликдан] туширишган эди<sup>42</sup>.

Алидан кейин унинг ўғли ал-Ҳасан у [қиз]ни сотиб юборди, у [ҳакам]лар сизнинг чириган ипдай даъвойингизни бекорга чиқаришди.

Сиз у [қиз]ни озод қилиб юбордингиз, чунки у ўз аҳли орасида эмас эди, у аслига қайтиб борганда, уни [яна] талаб қилдингиз.

Сўнг [унинг ўғли] Маҳмуд ибн Марвондир. У ал-Мунтасирга [шундай] деган:

Имом Муҳаммад<sup>43</sup> билан [бўлган] аҳдим чўзилиб кетди, у билан аҳдим чўзилиб кетади деб қўрқмаган эдим.

Уйим яқинда туриб, узоқлашиб қолдим. Уйим яқинда бўла туриб; ўзим узоқлашиб қолишим қандай ажабли!

Сўнг [унинг ўғли] Мутаважж ибн Маҳмуд ибн Марвондир. Ас-Сулий<sup>44</sup> ҳикоя қилиб, [шундай] деганди: «Бир куни ибн ал-Муътазаникида бўлгандим. Унинг ҳузурда Мутаважжнинг шеъри ўқилди. [Шеър] ёмон бўлиб, оққа кўчиришга арзимас эди. [Ибн ал-Муътаз]:

«Абу Ҳафса хонадонининг шеърини ва унинг вақт ўтиши билан [қиммати] камайиб борганини сизларга ташбеҳ қилиб берайми»,—

деди. Биз: «Агар амир хоҳласалар [майли]»,— дедик. У айтди: «У [шеър] гўё касалнинг косодаги илиғ суви [бўлган]. Кейин унга эҳтиёжлари тушмаган, Марвон даврига келиб, у ўз ҳароратида бўлган, кейин Абу-л-Жанубга етиб келган ва ҳарорати камайган, сўнг Марвон иккинчига етиб келган ва совиб қолган, сўнг Яҳёга 51 етиб келиб, // совуши кучайган, кейин Абу-с-Симтга етиб келиб, музлай бошлаган, кейин Маҳмудга етиб келган ва музи қалинлашган ва ниҳоят мана бу Мутаважга етиб келиб, бутунлай музга айланди, муздан кейин ҳеч нарса қолмайди».

## ОЛТИНЧИ БОБ

52

**ИНСОН ТАБАҚАЛАРИНИНГ  
НИҲОЯТДА ЮКОРИ [СИФАТГА]  
ЭГА БУЛГАНЛАРИ ҲАҚИДА**

**Инсонларнинг энг меҳрибони.** Абдуллоҳ ибн Масъуд инсонларнинг энг меҳрибони учта деган эди: ал-Азиз, Юсуф алайҳиссаломга яхши қарагани учун у хотинига: «[Юсуфнинг] ҳурматини жойига қўй, эҳтимом, у бизга фойда келтирар ёки биз уни ўғил қилиб олармиз» — деган эди<sup>1</sup>. [Кейин] Сафуро бинти Шуъайб<sup>2</sup> алайҳиссаломдир. [Отасига] «Эй, ота, уни [Мусони] ёллаб ол, чунки у сиз ёллаб олган кишиларнинг энг яхшисидир, у ишончли ва кучли кишидир»<sup>3</sup>,— деган. [Учинчи] Абу Бакр Сиддиқ<sup>4</sup> — ўзидан кейин уммат ишига Умарни халифа қилиб қолдиргани учун.

Хотин томондан қариндошликда одамларнинг энг карамлисидир. аз-Зубайр ибн Баккор<sup>5</sup> Муҳаммад ибн Саллом<sup>6</sup> [тилидан, у эса] Муҳаммад ибн Фазл ал-Жумаҳий<sup>7</sup> ва Аббон ибн Усмон<sup>8</sup> [тилидан] шундай дейди: ал-Ажуз ал-Жарашийя, бу Ҳинд бинти Ҳамотадир, одамларнинг хотин томондан қариндошликда энг карамлисидир. Унинг тўртта қизи бўлган эди: Маймуна бинт ал-Ҳорис ал-Ҳилолийя — расулуллоҳнинг/[хотини], Лубоба бинти ал-Ҳорис — ал-Аббос ибн Абдулмуталлибнинг<sup>9</sup> [хотини] ва ал-Фазлнинг онаси эди, Салмо бинт Умайш ал-Хасъамийя — Ҳамза ибн Абдулмутталибнинг<sup>10</sup> [хотини] ва Асмоъ бинт Умайш-Жаъфар ибн Абу Толибнинг, кейин Абу Бакрнинг, кейин Алининг — [хотини] бўлганди.

53

Халифалардан тўрттаси унинг [қизига] уйланган киши Абдуллоҳ ибн Амр ибн Усмон ибн Аффондир<sup>11</sup>. Унинг қизи Убадага ал-Валид ибн Абдулмалик<sup>12</sup> уйланди, Сулаймон ибн Абдулмалик<sup>13</sup> унинг қизи Ойишага уйланди, Язид ибн Абдулмалик унинг қизи Умм Саъидга уйланди ва Ҳишом ибн Абдулмалик<sup>14</sup> унинг қизи Руқийяга уйланди. Абдуллоҳдан олдин ҳам, кейин ҳам тўртта ака-ука халифа унинг куёви бўлган киши маълум эмас. Уйланишда одамларнинг энг шарафлиги Мусъаб ибн аз-Зубайрдир. Шундайки, у ал-Ҳусайн ибн Али ибн Абу Толиб қизи Сукайна, Талҳа ибн Убайдуллоҳ қизи Ойиша, Абдуллоҳ ибн Омир ибн Курайз қизи Умматулҳамид ва араблар соҳиб саййиди Райён ибн Унайб ал-Қалбий қизи Фулоналар ўртасини бирлаштирди

[яъни уларга уйланди]. У айтар эди: «Мен шарафни яхши кўраман, мендан бошқалар гўзалликни севгандай. Сукайна ва Ойишлар ҳар бирининг маҳри бир миллион дирҳамдан эди. Кимдир бу ҳақда Абдуллоҳ ибн аз-Зубайрга [шундай] деганди:

Мўминлар амирига унинг энг яқин дўстининг хатини етказ: у ёлғонни кўлайтирмасин.

Бир йигит тўла бир миллион [дирҳам]ни сочиб юборди, кўшин бошлиқлари эса оч қолмоқдалар.

54 Кейин Холид ибн Язид ибн Муовия<sup>15</sup>, у Умм Кулсум бинт Абдуллоҳ ибн//Жаъфар ибн Абу Толиб, Омина бинт Саъид ибн ал-Ос ва Рамла бинт аз-Зубайрга уйланди. Абдулмалик ибн Марвон унинг ҳузуриса юборган кишиси бу ҳақда шунда деган:

Эй мўминлар амири, Холидни маҳкам ушла, шундай Холидни, яна уни юраклар севиб қолмасин.

Агар Холиднинг хотинларига назар ташласак, қаерда бўлмасин [уларни] орзу қилиб юрган кишини биламиз.

Ҳар бири иккитадан халифа туққан учта хотин [бор], тўртинчиси йўқ. Иккитаси Марвон авлодларини ва биттаси ал-Аббос авлодларини [туққан]. Марвон авлодларини туққан иккита [хотин]нинг [бири] Абдулмўъмин ибн Марвон хотини Фулода бинт ал-Аббос ал-Аббасийя [бўлиб], Абдулмалик учун ал-Валид ва Сулаймонни туғиб берди, улар халифаликни эгалладилар, [иккинчиси] Шоҳ Фиринд бинт Фируз ибн Яздижард ибн Шаҳриёр [бўлиб], ал-Валид ибн Абдулмалик учун Язид ва Иброҳимни<sup>16</sup> туғиб берди ва улар халифаликни эгалладилар. Аббос авлодларини туққан [хотин]га келсак, бу Хайзурон ал-Жарашийя [бўлиб], ал-Маҳдий учун Мусо ал-Ҳодий ва Ҳорун ар-Рашидни туғиб берди. Унинг ҳақида Ибн Абу Ҳафса<sup>17</sup> [шундай] деган:

Яшайвер, яна яшайвер, эй Хайзурон, чунки сенинг иккита ўғлинг одамлар устидан ҳукмронлик қилмоқда.

55 Ун иккита қариндошининг ҳаммаси халифа бўлган хотин Отика бинт Язид ибн//Муовиядир. Язид унинг отаси, Муовия — буваси, Муовия ибн Язид — биродари, Абдулмалик ибн Марвон — эри, Марвон ибн ал-Ҳакам — қайнотаси, Язид ибн Абдулмалик — ўғли, ал-Валид ибн Язид — невараси, ал-Валид, Сулаймон ва Хишом — эрининг болалари, ал-Валиднинг ўғиллари Язид ва Иброҳим — эрининг неваралари. Аббос авлодларидан [Отикага] ўхшаши [Зубайда] умм Жаъфар<sup>18</sup> бинт Жаъфар ибн Абу Жаъфар ал-Мансурдир. Ал-Мансур — унинг буваси, ал-Маҳдий — амакиси, [Ҳорун] ар-Рашид — эри, ал-Амин — ўғли, ал-Маъмун ва ал-Мўътасим эрининг ўғилларидир. Абу-л-Айно<sup>19</sup> шундай деганди:

Агар Умм Жаъфар сочларини ёзиб юборса, фақат халифалик ёки вали аҳдликка илиниб қолган бўларди.

Ҳаж қилган ва на подшоҳ эркак ва на подшоҳ хотинлардан ҳеч бири у каби мурувватни ўрнига қўйиб ҳаж қилолмаган хотин Жамила бинт Носир ад-давла Абу Муҳаммад ал-Ҳасан ибн Абдуллоҳ ибн Ҳамдондир. У Абу Тағлабнинг ҳамшираси ҳам эди. У 366 йили<sup>20</sup> ҳаж қилган ва унинг ҳаж қилган йили мақолга ай-

ланиб, тарихга [кириб] қолган. Бу шундайки, у мурувватни ўрнига қўйиб, мол-мулкни тақсимлаб, ажойиб хислатларни намоён қилиб ва карамлиликни шундай ёйдикки, халифа ва подшоҳлар қизларининг ҳаж қилганларидан Зубайда ва бошқалар ёки халифа ва подшоҳларнинг ҳаж қилганларидан бирортаси у билан тенглаша олмайди. Ишончли кишининг менга хабар беришича, у [ҳаж] мавсумининг ҳамма аҳлига Табарзад<sup>21</sup> шакари аралаштирилган муздай савиқ<sup>22</sup> ичирган. У бошқаларга бериш учун катта сопол тоғораларда сабзавотлардан туяларга юклаб ўзи билан олиб борди, пиёда ҳаж қилган кишилардан беш мингтасини алоҳида улов билан таъминлади. Қаъбага ўн минг динор сочиб юборди, Маккада турган даврида ҳар вақт у ер [Қаъба]га анбар шамларини олиб бориб [ёқди]; уч минг қул ва икки минг чўрини озод этди, қўшнларини жуда катта туҳфалар билан бойитди, инсон табақаларидан эллик минг кишига сарпо кийгизди. У билан бирга тўрт юзга безатилган чодир бўлиб, уларнинг қайси бирида унинг тургани маълум эмас эди. // Унинг ҳақидаги қиссалардан: у ўз шаҳри Мавсилга<sup>23</sup> 56 қайтиб келганда, бирмунча вақт ўтиб кетган эди<sup>24</sup>. Азуд ад-давла Фанно Хусрав<sup>25</sup> унинг мол-мулки, қалъалари ва хонадони аҳлининг подшоҳлигини истило қилиши сабабли [кўп ишлар] юз беради. У жуда ночор ва жирканчли ҳолга тушиб қолади, ҳаддан ташқари қашшоқлашади. Фанно Хусрав уни ўзига хотинликка сўрайди. [Жамила] ўзини ундан юқори тутиб, унинг талабини рад этади. [Фанно Хусрав] унга нисбатан кек сақлайди. Қачонки [Жамила] унинг қўлига тушган эди, ундан қасдини олди, унга ёвузлик қилишдан тийилмади, ҳатто яланғоч ечинтириб, шарманда қилди ва уни икки нарсадан бирига мажбур этди: агар рози бўлса, [Фанно Хусрав] қўлига тушган мол-мулкнинг қолган қисмини олади, агар қаршилик қилса, фоҳишахонага [жўнатилади] ва у ерда мусодара қилинган моллари эвазига тўланадиган нарсаларни қўлга киритади. Қачонки, унинг иши танг бўлиб, шарманда бўлишини сезгач, уни пойлаб турган миршабларнинг ғафлатда қолишидан [фойдаланиб] қочади ва ўзини Дажла [дарёси]га ташлаб, фарқ бўлади.

Ҳозирги асримизда йирик подшоҳлардан тўққизтасининг мамлакатда ё фатҳ этиб ёки ворис бўлиб [юрт] сўраган ва исломда у кабиси маълум бўлмаган подшоҳ Абу Мансур ал-Баридийнинг<sup>26</sup> ҳикоя қилишича, Азуд ад-давла Абу Шужоъ Фанно Хусравдир. Тўққизта подшоҳ [шулар]: Абу Али Муҳаммад ибн Илёс, Қирмон унинг қўл остида бўлган, [Азуд ад-давла] у ерда ҳукм сурган; Юсуф ибн Важиъ, унинг қўл остида Уммон<sup>27</sup> ва унинг атрофлари бўлган; Абу-л-Хусайн ибн Бувайҳ, унинг қўл остида Ироқ, Аҳ, воз<sup>28</sup> бўлган, у ерларда ҳам [Азуд ад-давла] ҳукм сурган; Абу Муҳаммад ибн Ҳамдон Носир ад-давла<sup>29</sup>, унинг қўл остида Мавсил, Диёр Рабиъа<sup>30</sup> ва Диёр Бакр<sup>31</sup> бўлган, у ерлар ҳам [Азуд ад-давла] ҳукмида бўлган; Вушмгир ибн Знёр Абу Тоҳир<sup>32</sup>, унинг қўл остида Журжон<sup>33</sup>, Табаристон бўлган, [Азуд ад-давла] у ерларни ҳам сўраган; Абу Али ибн Бувайҳ<sup>34</sup>, унинг қўл остида Рай,

Исфаҳон, Абҳар<sup>35</sup>, Занжон<sup>36</sup>, Қум<sup>37</sup>, Қошон<sup>38</sup> ва Жабал<sup>39</sup> мамлакатининг ҳаммаси бўлган, [Азуд ад-давла] у ерларда ҳам ҳукм сурган; Али ибн Бувайҳ; унинг қўл остида Форс [вилояти] бўлган, 57 у ерда ҳам [Азуд ад-давла] ҳукм сурган; Соҳиб ал-Аҳсо ва//ал-Қаромита, булар иккиси қўл остида араб ерлари ва Жибол аш-Шурот<sup>40</sup> бўлган; Соҳиб ал-Баҳр, унинг қўл остида Ҳуз қалъаси бўлган, у ерни Фанно Хусравдан бошқа ҳеч ким фатҳ этолмаган ва у шу ерки, буюк тангри унинг ҳукмдори ҳақида [шундай] деган: «Улардан кейин бир подшоҳ бўлган эди, у ҳамма кемаларни зўрлик билан қўлга олган».

## ЕТТИНЧИ БОБ

### ИСМ ВА КУНЯЛАРДАГИ МУВОФИҚ КЕЛИШНИНГ ЗАРИФЛИКЛАРИ ҲАҚИДА

Подшоҳ ва бошлиқларда такрорланадиган ва мос келадиган исмлар. Ал-Жоҳиз айтган эди: «[Бола, ота ва боболар] исмлари фақат подшоҳ ва бошлиқлардагина бир хил бўлади. Эрон подшоҳларидан Баҳром ибн Баҳром ибн Баҳромни, Фассоний подшоҳларидан ал-Ҳорис ибн ал-Ҳорис ибн ал-Ҳорисни, ислом бошлиқларидан ал-Ҳасан ибн ал-Ҳасан ибн ал-Ҳасанни ўйлаб кўрмаганмисан». Ушбу китоб муаллифи айтади: 58 //бир куни шундай исмлар ҳақида фикр юритдим. Хоразмшоҳ Абу-л-Аббос Маъмун ибн Маъмун<sup>1</sup>. Унинг Сижистонда [ҳоким] бўлган ўғли ҳам Маъмун деб аталган ва Маъмун ибн Маъмун ибн Маъмун бўлган. Амакиваччалардан учтасининг ҳар бири бир вақтнинг ўзида Али деб аталган ва уларнинг ҳаммаси саййид, фақиҳ, олим, обид [кишилар бўлиб], имомат ва раҳбарликни бошқаришган. Улар: Али ибн Абдуллоҳ ибн ал-Аббос ибн Абдулмутталиб, Али ибн ал-Ҳусайн ибн Али ибн Абу Толиб ибн Абдулмутталиб ва Али ибн Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Абу Толиб ибн Абдулмутталиб. Сўнгра уларнинг фарзандларидан, имомлардан учтасининг ҳар бири Муҳаммад деб аталган ва уларнинг ҳаммаси саййид, фақиҳ, олим, обид [кишилар бўлиб], раҳбарлик ва имомат [ишлари]ни бошқарган: Улар: Муҳаммад ибн Али ибн Абдуллоҳ ибн ал-Аббос ибн Абдулмутталиб, Муҳаммад ибн Али ибн ал-Ҳусайн ибн Али ибн Абу Толиб ибн Абдулмутталиб ва Муҳаммад ибн Али ибн Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Абу Толиб ибн Абдулмутталиб. Ал-Жоҳиз [шундай] деган: «Бу оламда мақбул бўлмаган ва замонлар [ўтиши] билан келишилмаган ажойиботлардан ва бу шундай фазилатки, ҳеч ким унга қўшилмайди».

Ислом подшоҳларидан ҳар бири исмининг биринчи [ҳарфи] «айн» [бўлган] ва улар ҳар бири исмининг биринчи [ҳарфи] «айн» [бўлган] учтадан подшоҳни ўлдиргани иккитадир. Уларнинг би-

ринчиси Абдулмалик ибн Марвон бўлиб, Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр, Амр ибн Саъид ибн ал-Ос ва Абдурраҳмон ибн Муҳаммад ибн ал-Ашъасларни ўлдирган; иккинчиси Абу Жаъфар ал-Мансур, унинг исми Абдуллоҳ ибн Муҳаммад [бўлиб], у Абдурраҳмон ибн Муҳаммад Абу Муслимни, унинг амакиси Абдуллоҳ ибн Алини ва Хуросон ҳоқими Абдулжаббор ибн Абдурраҳмонни ўлдирган. «Айн» ибн «айн» ибн «айн» «мим» ибн «мим» ибн «мим»ни ўлдирган. Марвон авлодлари подшоҳларининг охиргиси Марвон ибн Муҳаммад ибн Марвон айтарди: «Китобларимизда учратганимиздай: «айн» ибн «айн» ибн «айн» «мим» ибн «мим» ибн «мим»ни ўлдиради, ўйлайманки, Абдуллоҳ ибн Умар<sup>2</sup> ибн Абдулазиз<sup>3</sup> мени ўлдиради, чунки мен Марвон ибн Муҳаммад ибн Марвонман». Бу [гап] Абдуллоҳ ибн//Алига бориб етганда, у шундай] деган экан: «Абу Абдулмалик<sup>4</sup> нотўғри айтибди. Менда унга [Абдуллоҳ ибн Умарга] нисбатан «айн» ҳарфлари кўпроқдир. Чунки мен Абдуллоҳ ибн Али ибн Абдуллоҳ ибн Аббос ибн Абдулмутталиб ибн Ҳошимман, [Ҳошимнинг] исми эса Амр ибн Абдулманофдир. [Марвонни] ўлдирган киши шу [Абдуллоҳ] бўлган эди.

Нодир [воқеа]. Халифаликда исми Жаъфар бўлган кишилардан фақат ал-Мутаваккил ва ал-Муқтадир юрт сўраган ва ҳар иккиси ўлдирилган: ал-Мутаваккил чоршанба кечаси, ал-Муқтадир чоршанба кундузи.

Хукмронлардан иккита ёки учта куняси [бўлганлари] ва шаҳарлардан иккита отлилари. Айтишларича, фақат хукмрон бўлганларгина иккита ёки учта куняга эга бўлган, шаҳарлар йирик шаҳарлардан бўлгандагина иккита ном билан аталган. Усмон ибн Аффонга назар ташламаганмисизлар, у Абу Абдуллоҳ, Абу Амр ва Абу Лайло куняларини олган; Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр Абу Бакр, Абу Ҳубайб ва Абу Абдурраҳмон кунялари билан аталган; Саҳр ибн Ҳарб<sup>5</sup> Абу Ҳанзала ва Абу Суфён кунялари билан аталган; Абдулуззо ибн Абдулмутталиб<sup>6</sup> Абу Лаҳаб ва Абу Утба куняси билан аталган; Қатарий ибн ал-Фужо<sup>7</sup> Абу Муҳаммад ва Абу Наома кунялари билан аталган; Ҳорун ар-Рашид Абу Жаъфар ва Абу Муҳаммад кунялари билан юритилган. Иккита номли шаҳарларга келсак, [улар]: Макка ва Салоҳ, Мадина ва Ясриб, Миср ва Қустот, Байтулмуқаддас ва Илёс, Бағдод ва Мадинатуссалом, Рай ва Муҳаммадийя, Исфаҳон ва Жайй, Найсобур ва Абу Шаҳр, Балх ва Ёмин, Сижистон//ва Зарнаж, Хоразм ва Қос<sup>8</sup>.

Иккита Хуросон подшоҳининг ҳар иккиси номи Нуҳ [бўлиб], ҳар иккиси ўз қўшини кўмондони томонидан балога йўлиққан. [бу кўмондонлар] куняси Абу Али [бўлган]. Уларнинг биринчиси Нуҳ ибн Наср<sup>9</sup>, қўшини бошлиғи Абу Али ас-Сағоний<sup>10</sup> унга қарши исён кўтарган ва у билан жанг қилган. Иккинчиси эса Нуҳ ибн Мансур<sup>11</sup> [бўлиб], қўшини бошлиғи Абу Али ибн Симжур<sup>12</sup> унга қарши исён кўтарган ва у билан уруш қилган.

## САККИЗИНЧИ БОБ

### ҚУРАЙШИЙЛАР ВА ПОДШОҲЛАРГА ТААЛЛУҚ ТУРЛИ-ТУМАН МАЪЛУМОТЛАР ҲАҚИДА

- Пайғамбарга азият берганлар Абу
- 61 Лаҳаб Абдулузза ибн Абдулмуталлиб<sup>1</sup>, ал-Ҳакам ибн Абу-л-Ос ибн Умайя, Уқба ибн Абу Муъайт ва Амр//ибн ат-Талотала ал-Хузайлардир. Улардан ал-Ҳакам ибн Абу-л-Осдан бошқа ҳеч бири исломни қабул қилмаганди. У ҳам динида мустаҳкам бўлмаганди ва қувиб чиқарилганди...
- 63 Қурайшийларнинг ёлғончилари Абу Убайда [шундай] деган: «ал-Ҳайсам менга Ибн Айёш [тили] дан ҳикоя қилиб деганди: Ҳишом ибн Абдулмалик айтардики, қурайшийларнинг ёлғончилари Айюб ибн Салма, Абдуллоҳ ибн ал-Ҳасан ибн ал-Ҳасан, Абдуллаҳ ибн Анбаса ибн Саъид ибн ал-Ос, Иброҳим ибн Абдуллоҳ ибн
- 64 Мутиъ ал-Адавий, Осим ибн Убайдуллоҳ ибн Осим ибн Умар//ибн ал-Хаттобдир. У шундай дерди: «Юқоридаги [ёлғончи]лардан бирортаси тирик экан, ад-Дажжол<sup>2</sup> чиқмайди».
- Қурайшийларнинг аҳмоқлари: Омир ибн Кариз ибн Рабиъа, Муовия ибн Марвон ибн ал-Ҳакам, Баккор ибн Абдулмалик ибн Марвон, ал-Ос ибн Ҳишом, Абдуллоҳ ибн Муовия ибн Абу Суфён, Утба ибн Абу Суфён, Саҳл ибн Амр, [бу] Суҳайлнинг биродари, ал-Ос ибн Саъид ибн ал-Ослардир.
- Уларнинг зиндиқийлари<sup>3</sup>: Абу Суфён, Уқба ибн Абу Муъайт, Убай ибн Халаф, ан-Наср ибн ал-Ҳорис ибн Калада, ал-Ҳажжож ўғиллари Мунаббих ва Набиҳ, иккита ас-Саҳмий-ал-Ос ибн Воил ас-Саҳмий, ал-Валид ибн Муғайралардир<sup>4</sup>. Зиндиқийлар ал-Ҳирра насорийларидан таълим олгандилар. Улардан фақат Абу Суфёнгина саломат қолганди.
- Қурайшийларнинг ҳийлагарлари: Муовия ибн Абу Суфён, Зиёд ибн Абиҳ, Амр ибн ал-Ос, ал-Муғира ибн Шуъба, Қайс ибн Саъд ибн Убода, Абдуллоҳ ибн Будаил ибн Варқо ал-Хузозий.
- 65 Бошлиқларнинг айблари. Абу Амр ибн ал-Ало шундай деган: «Бошлиқ бўлишликдан манъ қиладиган нарсаларни фақат бошлиқлардагина учратганмиз, холос. Булардан биринчи ёшлик: Абу Жаҳл мўйлаби чиқмай туриб қурайшийларга бошлиқ бўлди ва соқоли кўринмай туриб Дор ан-Надвага<sup>5</sup> кирадиган бўлди.
- Бахиллик. Абу Суфён бошлиқ бўлди, лекин у бахилликда энг машҳур бахил эди.
- Зиннокор бошлиқ бўлмайди, лекин Омир ибн ат-Туфайл бошлиқ бўлганди ва у маймундан ҳам ёмонроқ зиннокор эди.
- Золим бошлиқ бўлмайди, лекин Кулайб Воил<sup>6</sup> ва Ҳузайфа ибн Бадр бошлиқ бўлдилар. Улар заҳарли илондан ҳам ёмонроқ золим эдилар.
- Аҳмоқ бошлиқ бўлмайди, лекин Уяйна ибн Ҳисн бошлиқ бўлганди. У аҳмоқ [одам] бўлиб, пайғамбар унинг ҳақида «бу — итоат қилинган аҳмоқ», деганди.

Фақир бошлиқ бўлмайди, лекин Абу Толиб<sup>7</sup> ва Утба ибн Рабиъа<sup>8</sup> бошлиқ бўлишганди. Улар ниҳоятда фақир ва азиз [кишилар] бўлишганди. На арабларда ва на ажамликларда ёлгончининг бошлиқ бўлгани маълум эмас. Арабларнинг айтишича, ер юзида шижоатли [киши] йўқки, у сахий бўлмаса. Бундан Абдуллоҳ ибн аз-Зубайргина мустаснодир, чунки у одамларнинг энг шижоатлиси ва энг бахили эди. Арабларнинг айтишича, ер юзида шоир йўқки, у қўрқоқ бўлмаса. Бундан Антара ибн Шаддо<sup>9</sup> мустасно эди, чунки у одамларнинг энг яхши шоири ва энг шижоатлиси эди.

**Подшоҳларнинг муқсонлари:** Искандарнинг оёғи эгри бўлган, Анушервон<sup>10</sup> — бир кўзли, Яздижард<sup>11</sup> — чўлоқ, Ғассонийлар<sup>12</sup> подшоши ал-Ҳорис ал-Асғар<sup>13</sup> ҳам чўлоқ, Жузайма ал-Ваззоқ<sup>14</sup> — пес, ан-Нўъмон ибн ал-Мунзир қизил кўз ва малла соч, Абдулмалик ибн Марвон — қорни катта, Язид ибн Абдулмалик — ҳаддан зиёд семиз, Ҳишом ибн Абдулмалик — ғилай, Марвон ал-Ҳи- 66  
мор//малла ва кўк кўз бўлган.

Қурайшийларнинг шарафли [кишилари]дан Абу Толиб чўлоқ бўлган, Абу Жаҳл ибн Ҳишом — бир кўзли, Абу Лаҳаб, Зиёд ва Ади ибн Зайдлар ҳам шундай [бўлишган], ал-Аҳнаф ибн Қайсининг оёғи эгри, тишларининг бири иккинчиси устига чиқиб кетган, боши кичик, жағи қийшиқ бўлган; Ақраъ ибн Ҳобис кал бўлган ва шунинг учун ал-Ақраъ<sup>15</sup> деб аталган; Анас ибн Молик пес бўлган, Рабиъ ибн Зиёд пес бўлган, ал-Ҳорис ибн Ҳиллиза, Айман ибн Ҳурайм ва ал-Ҳасан ибн Қаҳтабалар ҳам шундай [бўлишган]. Убайда ас-Салмоний кар бўлган, ал-Мураққиш ал-Акбар<sup>16</sup> ҳам шундай [бўлган]. Куфаликлардан кимдир басралик фақиҳларни айблаб, шундай деган: ал-Ҳасан<sup>17</sup> — кўк кўз, Қатода — кўр, Восил<sup>18</sup> — букри, Абдулворис — пес, Яҳё ибн Саъид — бир кўзли бўлган. Басраликлардан кимнингдир айтишича, Алқама<sup>19</sup> — чўлоқ, Иброҳим ан-Нахъий — бир кўзли, ал-Муғира — кўр, Сулаймон — шилпиқ, Масруқ — фалаж ва Шурайҳ кўса бўлган. Бошқасининг айтишича, Макканинг фақиҳи ва муҳаддисси Ато ибн Абу Рибоҳ<sup>20</sup> қопқора, пучуқ, шол, чўлоқ ва бир кўзи кўр бўлиб, кейинчалик бутунлай кўр бўлиб қолган экан.

**Бир кўзи кўрлар:** Абу Суфён Тоиф жангида бир кўзидан ажралган, ал-Ашъас ибн Қайсининг бир кўзи Ярмук жангида кетган, ал-Муғира ибн Шувба ва ал-Аштар ан-Нахъийлар ҳам худди шундай [бўлган], Жарир ибн Абдуллоҳ ал-Бажлийнинг бир кўзи Ҳамадонда бўлганда кетган ва у Усмон томонидан у ерга бошлиқ қилинган эди. //Адий ибн Ҳотим ат-Тоийнинг<sup>21</sup> бир кўзи Жамал жангида кетган. Утба ибн Абу Суфён ҳам шундай [бўлган]. Ал-Мухтор ибн Абу Убайдани Убайдуллоҳ ибн Зиёд қамчи билан юзига урганда, бир кўзи кетган экан. Шоир ибн Аҳмар ҳам бир кўзли бўлган, Ибн Муқбил ҳам, Халил ибн Аҳмад<sup>22</sup> ҳам шундай бўлишган.

**Амирлардан бир кўзлилари:** ал-Аҳнаф ибн Қайс, ал-Муғира ибн Шувба, ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфра, Тоҳир ибн ал-Ҳусайн<sup>23</sup> ва Амр ибн ал-Лайс<sup>24</sup>.

**Кўр бўлиб қолганлар:** Абу Қўҳафа, [бу] Абу Бакр ас-Сиддиқнинг отаси эди; Абу Суфён ибн ал-Ҳорис ибн Абдулмутталиб, ал-Баро ибн Озиб<sup>25</sup>, Жобир ибн Абдуллоҳ ал-Ансорий, Ҳассон ибн Собит ал-Ансорий<sup>26</sup>, Абу Суфён ибн Ҳарб, Уқайл ибн Абу Толиб<sup>27</sup>, ал-Аббос ибн Абдулмутталиб, унинг ўғли Абдуллоҳ, Абу Бакр ибн Абдурраҳмон ибн ал-Ҳорис ибн Ҳишом, ал-Қосим ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр ас-Сиддиқ, бу умрининг охирида кўздан қолган, Саъд ибн Абу Воққос<sup>28</sup>, Башшор ибн ал-Бурд ал-Мураъас<sup>29</sup> ҳам шундай [бўлишган].

Подшоҳлардан кўзига «сурма суртилганлар»<sup>30</sup>. Ҳурмуз ибн Анушервон<sup>31</sup>, ал-Қоҳир, ал-Муттақий<sup>32</sup>, ал-Мустакфий<sup>33</sup>, Самсом ад-Давла Абу-л-Жор ибн Фанно Хусрав<sup>34</sup>, Абу-л-Ҳорис Мансур ибн Нуҳ ибн Мансур ибн Нуҳ.

**68 Новчалар:** Умар ибн ал-Хаттоб, [юрганда] гўё у отда, // одамлар эса пиёда юргандай бўлар экан. Адий ибн Ҳотим, агар уловда юрса, оёғи ерни чизиб бораркан, Жарир ибн Абдуллоҳ ал-Бажлий ҳам шундай [бўлган]. Қайс ибн Саъд ибн Убода энг новча ва энг гавдали бўлган, Убайдуллоҳ ибн Зиёд, новчалиги сабабли пиёда кетаётган деб ўйланмай, уловда кетаётган деб гумон қилинар экан. Али ибн Абдуллоҳ ибн ал-Аббос новча ва чиройли бўлган экан ва одамлар унинг қадди узунлигидан ажабланишар экан. Катта бир шайх [шундай] деган экан: «Субҳоноллоҳ, қандай қилиб одамлар қисқа бўлиб кетишди, Ал-Аббоснинг Байтуллони айланиб юрганида кўргандим, у худди оқ ўтовга ўхшар эди». Алига буни айтилганда, [шундай] деган экан: «Мен отамнинг елкасидан келардим, отам эса бобомнинг елкасидан келарди».

Ривоят қилинишича, Жабала ибн ал-Айҳам ал-Ҳассонийнинг<sup>35</sup> бўйи ўн икки қарич бўлган экан [тахминан 2,60 м].

**Паканалар:** Абдуллоҳ ибн Масъуд жуда пакана бўлган экан. Бўйининг калталигидан ўтирган кишилар билан баробар турар экан. Иброҳим ибн Абдурраҳмон ибн Авф жуда пакана бўлган экан, ал-Ҳусайн ибн Алининг қизи Сакина унга эрга тегиб, ундан рози бўлмабди ва ажралиб кетибди. Ҳасан ал-Басрийдан [ривоят] қилинишича, у шундай деган экан: «Фиръавннинг бўйи бир газ бўлган». Ал-Ҳутайъа<sup>36</sup> ҳаддан зиёд паст бўйли бўлган ва шунинг учун ал-Ҳутайъа деб лақабланган экан<sup>37</sup>. Зу-р-Румма ва Кусаййир<sup>38</sup> ҳам жуда пакана бўлишган. Собит ибн Синон<sup>39</sup> «Тарих китоби»/[Ўномли] асарига ҳикоя қилишича, вазир Абу Жаъфар Муҳаммад ибн ал-Қосимнинг паканалиги сабабли, у халифалик тахтини пастроқ қилишга мажбур бўлиб, ундан ёзилган тўрт бармоқ [узунлигида] қирқиб ташлаган экан. Вазир ал-Аббос ибн ал-Ҳасан ҳам жуда калта бўлган ва унинг ҳақида [шундай] дейишган экан:

**69** Ал-Аббосга паканалик юзасидан қарама, балки ундаги устун турадиган фазилат ва саховатига назар ташла. Кечаси юлдузларининг кўзга ташланишида энг кичиги ҳавода юқори туришда энг баландидир.

Она қорнида мuddатидан зиёд кўтарилиб юрганлар: аз-Заҳ-ҳок ибн Музоҳим<sup>40</sup> ўн олти ойда туғилган, Шуъба икки йилда туғилган, Ҳарим ибн Ҳайён тўрт йил [она қорнида] юрган ва шунинг учун «Ҳарим»<sup>41</sup> деб аталган экан. Муҳаммад ибн Ажлон уч йилдан ортиқ [она қорнида] ётган, Молик ибн Анас<sup>42</sup> ҳам худди шундай. Ал-Воқидий<sup>43</sup> [шундай] деган: «Зайд ибн ал-Хаттоб туғилган ал-Жаҳҳоф хонадонида [бўлган] бир хотинни эшитгандим, у айтарди: «Биздек бирор хотин [боласини қорнида] ўтгиз ойдан кам кўтариб юрмаган», Абдулмалик ибн Марвон, аш-Шаъбий<sup>44</sup> ва Жарирлар ҳаммаси етти ойда туғилишган.

Халифалардан калларининг энг машҳурлари: Умар, Усмон, Али, Марвон ва Умар ибн Абдулазиз кал бўлишган. Кейин каллик халифаларда тўхтади.

Беш оғанининг қабрлари бир-биридан ниҳоятда узоқ бўлган ва одамлар бунга ўхшашини ҳеч кўрмаганлар, булар ал-Аббос ибн Абдулмутталибнинг авлодларидир: Абдуллоҳнинг қабри Тоифда, Убайдуллоҳнинг қабри Мадинада, ал-Фазлнинг қабри Шомда, Қусамнинг қабри Самарқандда, Маъбаднинг қабри Африкада<sup>45</sup>.

Қабри бир-биридан узоқ бўлган ота-бола халифалардан, ар-Рашид ва ал-Маъмундан бошқаси учратилмаган, бу шундай: ар-Рашиднинг қабри Тусда<sup>46</sup>, Маъмуннинг қабри эса Тарасусда<sup>47</sup>. Булар ҳақида шундай дейишган:

Уни Тарасуснинг иккита майдонига халифа қилиб қўйишди, худди отасини Тусда халифа қилишгани каби.

Умавийлар подшоҳларига ғолиб келган [нарса]лар ва қўл остидагиларнинг улар ахлоқига муносабати зикри. Ал-Ҳайсам ибн Адий ҳикоя қилиб, [шундай] деган: Абдулмалик ибн Марвонда шеърга муҳаббат энг ғолиб эди. Унинг даврида одамлар бир-бирларига шеър айтишар, шоирлар хабарларидан суҳбатлашишар ва уларга ғамхўрлик қилишарди. Ал-Валид ибн Абдулмаликда эса бинога, ҳовузлар [қаздириш]га муҳаббат ва қишлоқлар [барпо этишга] эътиқод ғолиб эди. Унинг даврида одамлар биноларни тартиб билан қуришга берилдилар, [иңшоотлар] тиклаш ва барпо этишга хирс қўйдилар, чорбоғлар ва иморатларни тинмай кўпайтирдилар. Сулаймон ибн Абдулмаликда овқатга ва аёлларга муҳаббат ғолиб эди. Унинг даврида одамлар турли-туман таомларни васф қилар, уларнинг ширин ва ажойиблигини зикр қилардилар.

Язид ибн Абдулмалик отни ва ашулачи чўриларни яхши кўрарди. Одамлар уларни танлашда бир-бирлари билан тортишардилар, энг яхши ва энг чиройли [от ва чўриларни] топиш билан [Язидга] яқинлашишга уринардилар ва унга ҳадя қилардилар. Ҳишом ибн Абдулмалик кийим-кечак ва нафис либосларни яхши кўрарди. Одамлар улар билан савдо қилишда бир-бирларидан ўтиб кетишга уринардилар, уларнинг турли-туманларини олиб келардилар ва уларнинг навларини бир-бирларига тавсиф қилардилар. Ал-Валид ибн Язид ўйин-кулги, шароб, [қуй ва ашула] тинглашга ишқибоз эди. Унинг даврида одамлар ўйин-кулги би-

лан машғул бўлиб, майга рағбат билдирдилар, [куй ва ашула] тинглаш ҳақида сўз юритдилар. Агар [бирор] киши «Одамлар ўз подшоҳларидан қарздордилар, султон эса бир бозор бўлиб, унга ҳеч фойдасиз нарсалар жалб этилади» — деса, [ал-Валид] бунга ишонарди.

Аббосий халифалари ва уларнинг мол-мулклари зикри ҳақида. Айтишларича, Аббосийларнинг бошлаб берувчиси, ўртадагиси ва хотималовчиси бўлган. Бошлаб берувчиси — ал-Мансур, ўртадагиси — ал-Маъмун ва хотималовчиси ал-Муътазиддир. Айтишларича, ас-Саффоҳ<sup>48</sup>, ал-Мансур, ал-Маҳдий ва ар-Рашидлар тўплаган нарсаларни ал-Амин сочиб юборган; ал-Маъмун, ал-Муътасим ва ал-Босиқ<sup>49</sup> тўплаган нарсаларни ал-Мутаваккил сочиб юборган; ал-Мунтасир, ал-Муътааз, ал-Маҳдий, ал-Муҳтадий, ал-Муътамид, ал-Муътазид ва ал-Муктафий тўплаган нарсаларни эса ал-Муктадир сочиб юборган. Ҳикоя қилишларича, ал-Мансур ўлганда тўққиз юз эллик миллион дирҳам [қолган]. Ас-Сулий ўзининг «Варақлар китоби» [номли] китобида ҳикоя қилишича, ар-Рашид ўзидан кейин юз миллион динар қолдирган. Бошқа [киши]нинг ҳикоя қилишича, ар-Рашид шунчалик мол-мулк қолдирганки, дунё [пайдо] бўлгандан буён ҳеч ким бу каби [мол-мулк] қолдирмаган. У қолдирган нарсалар кийим-кечак, ҳайвон ва қуллар, олтин ва кумуш пуллар, жавоҳирлар, уловлар, чорбоғлардан ташқари//баҳоси бир юзу йигирма беш миллион динарга [баробар] уй жиҳозларидир. Иброҳим ибн Нуҳ<sup>50</sup> ҳикоя қилишича, ал-Муътазид тўплаган нарсалардан ундан кейин ал-Муктафийга қолганлари юз миллион динарлик бўлиб, булардан олтин ва кумуш пуллар, олтин ва кумушдан ишланган идишлар йигирма миллион динарлик; жавоҳир, атторлик буюмлари ва шуларга ўхшаш нарсалар йигирма миллион динарлик, кийим-кечак ва гиламлар йигирма миллион динарлик; от, қурол-аслаҳа ва ғуломлар йигирма миллион динарлик; чорбоқ, уй жиҳозлари ва ер-мулклар йигирма миллион динарлик экан. Ал-Мустакфий ўзидан кейин қолдирган матолар шундай ҳисоб қилинади: Хуросон, Марв либослари ва халқ кийимларидан олтмиш уч мингта, узун уст кийимлардан саккиз мингта, Марв саллаларидан ўн уч мингта салла, мақсурада кийиладиган либослардан тўрт миллион кийим, тикилмаганлари бунга кирмайди; зар билан тикилган безакли Яман ва бошқа [жой]лар ҳуллаларидан<sup>51</sup> бир минг саккиз юзта ҳулла; Қирмондан, Эрон бамбуқларидан [гайёрланган] найларда келтириладиган, унга ўхшашини тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган багоинлардан<sup>52</sup> ўн саккиз минг найдагиси. Улар Ибн Муқла даврига келиб юборилмайдиган бўлиб қолгани учун, [улардан] ҳеч нарса қолмади, бу найдагилар хазиналардан бирига ташлаб қўйилган ҳолда ётарди. Уларни сотиб юборишга зарурат пайдо бўлди. [Хазинадан] олиб чиқиб сотиб юборишди. Ҳар бир найдагининг баҳоси икки динардан бўлиб, умумий ҳисоб ўттиз олти минг динарга етди. Гилам-палослар [сақланадиган] хазинадаги нарсалар баҳосининг ҳисоби йўқ эди: катта ва ўртача арман гиламларидан

Ўн саккиз мингта гилам [бўлган]. Айтишларича, буларнинг ҳам-масини сотиб, ўғирлатиб ва ишлатиб юборишган, ал-Муқтадир ҳукмронлигининг охири вақтларига келиб йиғилишда ўтириш учун улардан қолганини сўрашганда, ҳеч нарса топилмаган экан. [Меҳмонга] даъват этишлардан иккитаси борки, // мурувват ва 73 шуҳратда буларга тенг келадиган учинчиси бўлмаган. Ал-Маъмун Бўрон<sup>53</sup> билан гўшангага кирган [кечаси] унинг отаси ал-Ҳасан ибн Саҳлнинг даъват этиши то Бараквозодаги<sup>54</sup> даъват этиш юзага келгунча ислом [олами]да даъват этишда биринчи даъвогар бўлиб келди. Одамлар унинг даъвати [Бараквозодагига] ўхшаш бўлган, деганлар. Айтишганидек, Бараквозодаги даъват этиш исломда ҳақиқий даъват этишдир. Агар ал-Маъмуннинг [қайлиғи] Бўрон билан гўшангага кириш вақтидаги ривоятлар келтирилмаганда, [Бараквозодагига] ўхшаш даъват ундан аввал ҳам, кейин ҳам бўлмаган бўларди.

Ал-Ҳасан ибн Саҳл даъватининг шуҳрати ва миқёсининг катталиги шундай бўлган эди. Маъмун Фаму-с-силҳда<sup>55</sup> яшади. Унинг ҳамма қўмондон ва асқобларига қирқ кунгача зиёфат берилди. Қиммат туриши ва тўкин-чочинлиги жиҳатидан мисли кўрилмаган тўй-томошалар қилинди. Ал-Мубаррад ҳикоя қилиб, деган: «ал-Ҳасан ибн Ражонинг [шундай] деганини эшитгандим: ал-Маъмуннинг тахтда турган кунларида ал-Ҳасан ибн Саҳл ихтиёрида ўттиз олти минг денгизчи сузиб юрардик. Бир куни ўтинимиз тугаб қолди. Мойга ботирилган бардонларни қозонлар тагига ёқдик. Келинни гўшангага кириш кечаси Бўронни ал-Маъмун ҳузурига юзини очиб киритилганда, унинг учун зарбоп пояндозларни ёзишди ва жавоҳирлар билан зийнатланган кажавани келтириб қўйишди, унда йирик марваридлар бор эди. Келган хотинлар улар орасида ар-[Рашид хотини] Зубайда ва қизи Ҳамдуна<sup>56</sup> ҳам бор эди, жавоҳирларни сочиб юборишди. Ҳозир бўлганлар дурлардан ҳеч нарсага қўл тегизмади, шунда ал-Маъмун деди: «Абу Муҳаммаднинг<sup>57</sup> мушарраф қилиб, [Бўронга] ҳурмат кўрсатинглар». Улардан ҳар бири қўлини узатиб, биттадан дурни олди. Қолган дурлар зарбоп палослар устида ялтираб турарди. Ал-Маъмун деди: «Тангри ал-Ҳасан ибн Хонийни<sup>58</sup> қатл этсин, у [қўйидагини] айтганда, худди шу [воқеа]ни кўрган:

Унинг кичик ва йирик қўзиқоринлари олтин билан зийнатланган ер сатҳидаги марварид тошчаларига ўхшайди.

Бу йиғилишда шамдон бўлиб, унинг ичида икки юз ритл<sup>59</sup> 74 анбар [бор эди]. Ал-Маъмун унинг тутунидан қичқириб юборди, чунки шам нуридан қандайдир бир тимсоҳ пайдо бўлганди. [Ал-Маъмун] ҳозир бўлган ўша кеча кундуздай ёруғ бўлганди. Қўмондонларни даъват этиш пайти келганда, уларга ер-мулклар номи ёзилган васиқалар сочиб юборилди. Кимнинг қўлига ер-мулк васиқаси тушган бўлса, ал-Ҳасан [шу ер] уники бўлди деб [одамларни] гувоҳ қилди. Айтишларича, шу даъват этишда у тўрт миллион динор сарфлаган экан. Ал-Маъмун унга мадад қилмоқчи бўлиб, бир миллион динор беришни амр қилибди ва унга [Фа-

му-с]-Силҳни ажратиб берибди. Ортиқча тантана қилиб юборгани, ўзини тойдиргани ва ҳаддан зиёд [харажатларни] ўз зиммасига олгани учун [ал-Маъмур] уни койиган экан, [ал-Ҳасан] унга дебди: «Эй мўминлар амири, бу нарсалар [менинг отам] Саҳлнинг мол-мулкидан деб ўйладингми, тангри номи билан олт ичаманки, булар фақат сенинг мол-мулкингдир, [улар] сенга қайтиб борди. Тангри сени жамики халқига фазилатли қилгани каби, [халифалик] кунларинг ва никоҳингни ҳам фазилатли қилсин деган умиддаман».

Иккинчи [даъват этиш]га келсак, бу ал-Мутаваккил ўғли ал-Муътазнинг хатна [тўйи] маросимини ўтказганда Бараквозода бўлганди. Бунинг қиссаларидан: қўмондонлар ва ақобирлар зиёфатдан фориғ бўлишгандан кейин, [Мутаваккил] ўтирибди, унинг олдига жавоҳирлар билан безатилган олтин марофиъни<sup>60</sup> келтириб қўйишибди. Унинг тепасида анбар, надд ва мушкнинг ҳар хил қорилган [навъларидан] бор экан. Узундан-узун гиламларни ёзиб юборишибди, уларга қўмондонлар, дўстлар ва мартабали кишилар ўтқизишибди. Уларнинг олдига жавҳарнинг турли навлари билан безатилган олтин идишлар келтириб қўйилибди. Тузалган икки дастурхон орасида бўш жойлар бўлиб, дастурхончилар тери билан ўралган, ярмигача дирҳам ва динорларга тўлдирилган кажаваларни олиб келиб [динор-дирҳамларни] бўш жойга тўкишди, ҳатто улар олтин идишлардан ҳам баланд бўлиб кетди. Ҳозир бўлганлар ичишга таклиф қилинди ва ҳар бир ичган киши ўша динорлардан қўлига сиққанича уч ҳовучдан олсин деб амр қилинди. Агар [динор тўкилган] жой енгиллаб қолса, ўз ҳолига келсин деб кажавалардан яна тўкиб қўйишар экан. Ғулумлар мажлис охиригача туришибди, // ва «мўминлар амири сизларга ким нимани хоҳласа, шунга олсин деяпти» деб қичқаришибди. Одамлар молларга қўл чузиб, [хоҳлаган нарсаларини] олаверибдилар. Кишилар олган нарсаларини кўтаролмай ташқарига чиқибди ва уни хизматкорларига топшириб, ўзи яна жойига қайтиб келиб ўтирибди. Маросим тугаганда, одамларга мингта чопон кийдирибдилар. Шундай қилиб, мингта уловда олтин ва кумушларни олиб кетишибди ва минг нафар қул озод этилибди.

**Чўри фарзандлари.** Муовия шундай дер эди: «Агар Язид учун мусулмонлар гарданида [итоат этишга] қасам бўлмаганда, бу қасамни ал-Қосим билан Муҳаммаддан [бирини танлаш учун] маслаҳатга қўйган бўлардим. Зоҳидлик, баён ва соддаликда Марвон авлодларининг йигитлари орасида Абдулмалик ибн Умар ибн Абдулазизга ўхшаши бўлмаган, лекин у ҳам чўри фарзанди эди. Марвон авлодлари орасида Муслима ибн Абдулмаликдан кўра шижоатлироқ, одоблироқ, мулойимроғи, фатҳларда энг кўп одам тўплаб энг кўп қатнашгани ва фикрлашда энг ишончлиси бўлмаган, у ҳам чўри фарзанди эди. Исmoil ибн Иброҳим<sup>61</sup> ҳар иккисига салом. Ҳожарнинг ўғли экани, у эса чўри бўлгани сенга кифоя қилса керак. Хусайнийлар имомларидан тўрттаси чўрилар фарзанди бўлган, улар Али ибн Ҳусайн, Мусо ибн Жаъфар<sup>62</sup>,

Али ибн Мусо<sup>63</sup> ва Муҳаммад ибн Али ибн Мусодир. Суннийлар ва мусулмон жамоаларининг халифалари бўлмиш ўша шийъалар халифалари ва аббосийларнинг ҳам кўпчилиги чўрилар фарзанди бўлган. Ушбу китоб муаллифи айтади: «Аббосийлардан озод [хотин]лар фарзанди бўлганлари фақат ас-Саффоҳ, унинг онаси Райта бинт ал-Ҳорис ибн Каъбдир; ал-Маҳдий, унинг онаси Умм Мусо бинт Мансур ибн Абдуллоҳдир; ал-Амин, унинг онаси Зубайда бинт Жаъфар ибн Абу Жаъфардир. Қолганларига келсак, мана улар сенга: ал-Мансурнинг онаси чўри бўлиб, номи Салома; Мусо ва Ҳорунларнинг онаси [чўри] бўлиб, номи//ал-Хайзурон; ал- 76  
Маъмуннинг онаси Марожил деган чўри, ал-Муътасимнинг онаси Морида деган чўри, ал-Восиқнинг онаси Қаротис деган чўри, ал-Мутаваккилнинг онаси Шужоъ деган чўри, ал-Мунтасирнинг<sup>64</sup> онаси Ҳабашия деган чўри, ал-Муътаззнинг онаси Қабиҳа деган чўри, ал-Мустаъиннинг онаси Мухориқ деган чўри, ал-Муҳтадийнинг онаси Фарда деган чўри, ал-Муътамиднинг онаси Қайнон деган чўри, ал-Муътазиднинг онаси Зирор деган чўри, ал-Муктафийнинг онаси Жийжак деган чўри, ал-Муктадирнинг онаси Шағиб деган чўри, ал-Қоҳирнинг онаси Қайна деган чўри, ар-Розийнинг<sup>65</sup> онаси Залум деган чўри, ал-Муттақийнинг онаси Зуҳра деган чўри, ал-Мустакфийнинг онаси Амлаҳуннос деган чўри, ал-Мутиънинг<sup>66</sup> онаси Мушъала деган чўри, ат-Тоийнинг<sup>67</sup> онаси Ҳазор деган чўри, ал-Қодирнинг<sup>68</sup>//онаси Димна деган чўри бўлган. 77

**Машҳур кишиларнинг хунаrlари.** Абу Толиб атирфурушлик қилган, Абу Бакр баззоz бўлган, Усмон, Талҳа ва Абдурахмон ибн Авфлар ҳам худди шундай бўлган. Саъд ибн Абу Ваққос [эйга! ўқ тайёрлаб (сотган)], ал-Аввом Абу-з-Зубайр ғассол бўлган, аз-Зубайр қассоб бўлган, Амр ибн ал-Ос ва Омир ибн Куризлар ҳам шундай бўлишган. Ал-Валид ибн ал-Муғира темирчи бўлган, Абу Жаҳлнинг биродари ал-Ос ибн Ҳишом ҳам шундай бўлган. Уқба ибн Абу Муъайт шаробфурушлик қилган, Абу Суфён зайтун ва терифуруш бўлган, Саъднинг биродари Утба ибн Абу Ваққос дурадгор бўлган. Умайя ибн Халаф сопол идиш сотган, Абдуллоҳ ибн Жудъон қул савдоси билан шуғулланган, унинг чўрилари бўлиб, уларга зино қилишга рухсат бераркан ва [Абдуллоҳ] уларнинг болаларини сотаркан. Ал-Ос ибн Воил от ва туяларни доволаган, ан-Наср ибн аб-Ҳорис ибн Калада уд чалиб, ашула айтарди, Марвоннинг отаси ал-Ҳакам ибн Абу-л-Ос ҳам шундай қиларкан. Ал-Мадоний<sup>69</sup> [шундай] деган: «Язид ибн ал-Муҳаллаб<sup>70</sup> Марвдаги ўзининг ҳовлисида боғ қилибди. Қутайба ҳукмрон бўлгач, уни туясига жой қилиб қўйибди. Марв бошлиғи унга:// 78  
«Бу ер Язиднинг боғи эди, сен эса туянгага жой қилдинг»,— деган экан, Қутайба жавоб берибди: «Отам туякаш эди, Язиднинг отаси эса боғбон бўлганди». Муҳаммад ибн Сирин баззоz бўлган, Муҷаммиъ аз-Зоҳид тўқувчи бўлган. Аюб ас-Сахтиёний сахтиён тери билан савдо қилган ва унга нисбат берилиб, [ас-Сахтиёний аталган]. Саъид ибн ал-Мусайябнинг<sup>71</sup> отаси ал-Мусайяб зайтун ёғи сотувчи бўлган, Абу Ҳанифа<sup>72</sup> ипакли газламалар билан савдо

қилган, Молик ибн Динор варроқ<sup>73</sup> бўлиб, Қуръон [нусхаларини] кўчирган. Восил ибн Ато калава ип сотувчи бўлган. Айтишларича, у чочвондаги хотинларнинг ишини ўрганиш мақсадида ип йигирувчилар орасида ўзига ажратилган жойда ўтираркан ва уларга [маош] белгилар экан. Айтишларича, Абу Салма ал-Халлол<sup>74</sup> Куфада сиркафурушлар орасида ўтираркан, шунинг учун ал-Халлол аталган.

## ТЎҲҚЗИНЧИ БОБ

**ҒАРОЙИБ АҲВОЛЛАР, АЖОЙИБ  
ДАВРЛАР ВА БИР ВАҚТДА СОДИР  
БЎЛМИШ НОДИР ВОҚЕАЛАРНИНГ  
МАЛИҲЛАРИ ҲАҚИДА**

Собур Зу-л-актофдан<sup>1</sup> бошқа онаси қорнида тахт сўраган подшоҳ маълум эмас. Унинг отаси Ҳурмуз ҳалок бўлганда ўрнига ўтказиш учун фарзанди бўлмаган экан. Бу унинг вазир ва қўмондонларини қийин аҳволга солиб қўйибди. Кейин улар унинг хотинларига мурожаат қилишибди. Улардан бири ҳомиладор экани маълум бўлибди ва бу ҳақда [вазирларга] хабар қилишибди. Тожни ана шу хотин қорнига қўйибдилар ва қоринда ниманки бўлса, улар устидан подшоҳлик қилибди. Шу алфозда кутишда давом этибдилар, токи бир ўғил туғилди ва уни Собур Зу-л-актоф деб атадилар, унинг қиссаси [тарихда] машҳурдир.

79 Ислом [дунёси]да қирқ йил тахт сўраган подшоҳ. Ислом [дунёси]даги йирик подшоҳлардан Муовиядан бошқа қирқ йил тахтда ўтирган подшоҳ маълум эмас. У йигирма йил амир ва йигирма йил халифа бўлган. Айтишларича, Наср ибн Аҳмаднинг каттаси<sup>1а</sup> Бухорода ва Мовароуннаҳрнинг бошқа [ерларида] қирқ йил ҳокимлик қилган. Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил Хуросон ва Мовароуннаҳрда ўттиз икки йил ҳокимлик қилган. Менга етказишларича, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ироқнинг<sup>2</sup> Хоразмдаги ҳокимлик қилган йиллари эллик йилга чўзилган экан.

Почта отига минган халифа. Ал-Ҳодийдан бошқа почта отига минган халифа маълум эмас. У Журжонда яшириниб ётган экан. Ал-Маҳдий Мосабозонда<sup>3</sup> ўлгандан кейин, ар-Рашид унга [бунинг] хабари ва унга қасамёд қилинганини ёзибди ҳамда элчи билан бирга муҳр, ўткир қилич ва чопон жўнатибди. У Журжонга саккиз кунда етиб боргандан кейин, Мусо [ал-Ҳодий] почта отига миниб, ал-Маҳдий вафотидан ўн уч кун ўтгач Бағдодга келибди. Салм ибн Амр<sup>4</sup> [шундай] деганди:

Ҳошим фарзандларининг энг яхшисига тангрининг халифалиги келганда, у Журжонда [эди].

У замин бўйлаб шошиб йўлга тушди ва ерни худди Сулаймон шамолидаги каби тезлик билан [ўзидан] узоқлаштирди.

Мана бу [югуриб бориш] шамолга топширилган эди, у [халифа] эса тез юрувчи хачирга итоатгўй бўлди.

Амакиси, отасининг амакиси ва бувасининг амакиси табриклаган халифа Ҳорун ар-Рашид [бўлиб], амакиси Сулаймон ибн ал-Мансур, кейин отаси ал-Маҳдийнинг амакиси ал-Аббос ибн Муҳаммад, кейин буваси Абу Жаъфар ал-Мансурнинг амакиси Абдуссамад ибн Алилар уни табриклаган.

Ўз хонадонида ҳаммаси халифа бўлган етти киши табриклаган халифа ал-Мутаваккилдир. Уни Муҳаммад ибн ал-Восиқ, Аҳмад ибн ал-Муътасим, Мусо ибн ал-Маъмун, Абдуллоҳ ибн ал-Амин, Абу Аҳмад ибн ар-Рашид, ал-Аббос ибн ал-Ҳодий ва Мансур ибн ал-Маҳдийлар табриклаганлар.

Халифанинг қўлини ўпган, кейин шу халифа унинг қўлини ўпган халифа ал-Муътасим биллоҳдир. //Иброҳим ибн ал-Маҳдийнинг<sup>5</sup> халифалиги даврида [ал-Муътасим] унинг ҳузурига келиб, [отидан] тушди ва қўлини ўпди. Сўнг [ал-Маҳдийнинг] ўғли Ҳорун унга яқинлашиб қўлини ўпди ва деди: «Эй мўминлар амири, сизнинг кулингизман, [бу] менинг ўғлим». [Ал-Маҳдий] унга ўн минг дирҳам [бериб юборишга] амр қилди. Кейин ал-Муътасим халифаликка тайинланганда, [бобаси] Иброҳим унинг олдига келиб отдан тушди ва ўша жойнинг худди ўзида унинг қўлини ўпиб, деди: «Эй мўминлар амири, [мана бу] Ҳиббатуллоҳ менинг ўғлим». Уғлини яқинлаштирди, у [халифанинг] қўлини ўпди. Ал-Муътасим унга ўн минг дирҳам [беришга] амр қилди. Ал-Муътасим бу воқеани Али ибн ал-Жунайдга айтиб берганда, у [шундай] дебди: «Эсиз, азбаройн худо, сен нима қилиб қўйдинг, эй мўминлар амири». «Нима бўлибди?» — дебди [ал-Муътасим]: «Иброҳим Ҳорунга ўн минг дирҳам берганда унинг қўлида фақат ягона Бағдод бўлган эди, сенинг қўлингда эса бутун дунё» — дебди Али. «Сен ҳақсан, — дебди [ал-Муътасим], — ва Ҳиббатуллоҳга яна ўн минг динар [бериб юборишни] буюрибди. Ас-Сулий [шундай] деган: «Халифа халифанинг қўлини ўпгани, кейин шу халифанинг қўлини ўша [халифа]нинг ўзи ўпгани ал-Муътасимнинг Иброҳим билан қилган ишидан бошқада маълум эмас». Шунга ўхшаш [воқеани] у айтганди: «Замона ажойиботларидан мен кўрганим ва шоҳиди бўлганим: чоршанба куни эрталаб вазир ал-Қосим ибн Убайдуллоҳнинг<sup>6</sup> уйига жўнадим, у қароргоҳида бўлиб, унинг Абу Али ал-Ҳусайн ва Абу Жаъфар Муҳаммад деган икки ўғли [ташқарига] чиқишган экан. Одамлар улар олдида тургандилар. Ал-Аббос ибн ал-Ҳасан улар иккисига яқинлашиб, қўлларини ўпди. Шу куни ал-Қосим ўлди ва [ўрнига] ал-Аббос вазир бўлди. Аббоснинг ал-Қосим уйига таъзия [билдириш] учун борганини ва ал-Қосимнинг қўлларини [ал-Аббос] ўпган иккита ўғли унинг ҳузурига чиққанини ва улар шу куни кечқурун унинг қўлини ўпишганини кўргандим».

Беш табақага кўчиб юрган халифа: Иброҳим ибн ал-Маҳдий халифалар авлодлари табақасидан эди, кейин халифа бўлиб қолди, кейин базм қилувчи улфатлар табақасига тушиб қолди, сўнг

хонандалар табақасида бўлди, сўнгра ҳошимийлар шайхлари орасида бўлди.

81 Халифаликдан туширилиб, ҳибсга олинди, сўнгра яна халифаликка қайтарилган халифа Муҳаммад ал-Аминдир. Ал-Хусайн ибн Али ибн Исо ибн Моҳон уни бир чопонда бош яланг ҳолда одамлар олдига олиб чиқди ва кейин уни олиб кетди. Сўнг тахтдан тушириб, // ал-Мансур шахрининг Ҳазро [қалъа]сига икки кун қамаб қўйди. Кейин аскарлар ал-Хусайнга қарши ғалаён кўтардилар ва у учинчи кун қочиб кетди. Абу Жаъфар [ал-Амин]нинг озод қилинган қули Тамим унинг кетидан қувиб бир жамоа орасида [унинг устидан] ғолиб келди. [Ал-Хусайн] бошини Муҳаммадга олиб келдилар ва Муҳаммадни [ҳибсдан] чиқардилар. У ниҳоятда сувсаган эди, унга чархпалак билан [қудуқдан] олинган обдастадаги сувдан ичирди, чунки у ўлар ҳолатига келган эди. Бу [воқеа халифаликка] унга қасамёд қилингандан уч йилу ўн беш кун ўтгандан кейин бўлган. Сўнгра уни ўз ўрнига қайтариб олиб келишди. Бир йилу олти ойгача жанг ва қамал этиш тўхтамади, оқибат у билан нимаки бўлган бўлса, бўлиб ўтди. Ал-Муқтадир бошига ҳам мусибат тушиб, ал-Амин қиссасининг худди ўзига ўхшаш ундан халос этилган эди. Бу шундай бўлган: қўмондонлар ва зодагонлар вазир ал-Аббос ибн ал-Ҳасанни қатл этиш учун тил бириктиришди ва ал-Муқтадирни биринчи марта халифаликдан тушириб, Ибн ал-Муътазга қасамёд қилишди ҳамда унинг буйруқларини қувватлашди. Лекин эртаси кун бўлиши билан Ибн ал-Муътаз иши бекор бўлди ва ҳокимият адолат юзасидан ал-Муқтадирга қайтди.

Халифалик муддати бир кундан ортиқроқ бўлган киши Ибн ал-Муътаздир. Ал-Муқтадир туширилгандан кейин унга қасамёд қилишди. Эртасига Ибн ал-Муътаз халифалик қасрига кўчиш тараддудида турганда, фалак гардиши унинг бошига мусибат солди. Ал-Муқтадир ғулومлари омманинг ёрдамида унга қарши жанг қилиб, Ибн ал-Муътаз соҳибларини қочитишга мажбур эдилар ва улар тумтарақай бўлдилар. Ибн ал-Муътазнинг иши заифлашиб, ўзи қочди ва [қавмидан] узоқлашди, сўнг унинг устидан ғалаба қозондилар ва унинг номи ўчди. [Юқорида] зикр қилинганидек, ал-Муқтадир иши яна ўз ўрнига тушди.

82 Бутун ишлари ва аҳволининг ҳаммаси саккиз бўлган халифа ал-Муътасим биллоҳдир. У «саккиз карралик» аталарди, чунки буюк тангри унинг ҳамма ишида саккиз адади бўлишини ҳукм қилган эди. Бу шундай: у ал-Аббос ибн Абдулмутталибнинг саккизинчи авлод [ўғли], [яъни] ал-Муътасим ибн ар-Рашид ибн ал-Маҳдий ибн ал-Мансур ибн Муҳаммад ибн Али ибн Абдуллоҳ ибн ал-Аббос. У Аббосий халифаларининг саккизинчиси, [яъни] ас-Саффоҳ уларнинг биринчиси, ал-Мансур — иккинчиси, ал-Маҳдий — учинчиси, ал-Ҳодий — тўртинчиси, ар-Рашид — бешинчиси, ал-Амин — олтинчиси, ал-Маъмун // еттинчиси, ал-Муътасим эса саккизинчиси эди. У бир юзу етмиш саккизинчи йили туғилган ва қирқ саккиз йил умр кўрган. У ар-Рашиднинг саккизинчи ўғли

бўлган ва саккиз йил саккиз ой саккиз кун подшоҳлик қилган. Узидан кейин саккизта ўғил ва саккизта қиз қолдирган, саккиз миллион динор ва йигирма саккиз миллион дирхам пул қолдирган. Саккиз минг ғуломи ва ўн саккиз минг от-улови қолган. Саккиз марта [юртларни] фатҳ этган ва рабиъ ал-аввал ойдан саккиз кун қолганда вафот этган.

Ўнтанинг отаси, ўнтанинг биродари ва ўнтанинг амакиси [бўлган] Марвон ибн ал-Ҳакамдир. Ундан ҳадиксираб юрган Муовия унга мактуб ёзади: Э Марвон, шоҳидманки, мен расулуллоҳдан шундай деяётганини эшитдим: «ал-Ҳакам ибн Абу-л-Осининг болалари ўттизтага етганда, улар тангри [йўлида бериладиган] молни улар ўзлари эгаллаб олишади, тангри динини бузишади ва тангри бандаларини қул қилишади». Марвон [унга] ёзибди: «Баъда [сўз шулки], эй Муовия, мен ўнтанинг отаси, ўнтанинг биродари ва ўнтанинг амакисман, вассалом». Бунинг тафсили: Марвоннинг ўғиллари: Абдулмалик, Муовия, Абдулазиз, Башар, Умар, Муҳаммад, Убайдуллоҳ, Абдуллоҳ, Аюб, Довудлардир; унинг биродарлари Усмон ал-Ақбар, Усмон ал-Асғар, ал-Ҳорис, Абдурахмон, Солиҳ, Иббон, Яҳё, Ҳабиб, Умар ва Авслар [бўлиб], булар ал-Ҳакамнинг ўғилларидир; биродарларининг ўғиллари: Абдуллоҳид, Абдулмалик, Абдулазиз ва Саъидлар, ал-Ҳорис ибн ал-Ҳакамнинг ўғилларидир; Ҳарб, Усмон, Умарлар — Абдурахмон ибн ал-Ҳакамнинг ўғилларидир; Юсуф, Сулаймон, Ҳабиблар — Яҳё ибн ал-Ҳакамнинг ўғилларидир.

Еши бир-бирига жуда яқин келган ота ва бола: Амр ибн ал-Ос билан ўғли Абдуллоҳнинг орасидаги [фарқ] ўн уч йил бўлган. Бунақаси ҳеч зикр қилинмаган.

Еши бир-биридан жуда узоқ бўлган ака-ука: Мусо ибн Убайданинг ҳақида ривоят қилинадикки, акаси Абдуллоҳ ундан саксон ёш катта бўлган, бунақаси ҳеч зикр қилинмаган.

Ҳар бири ўз биродаридан яқинлиги жиҳатидан ўн йилдан фарқ қилган тўрт ака-укалар: // Толиб, Уқайл, Жаъфар ва Али ибн Абу Толиблардир. Толиб Уқайлдан ўн ёш катта, Уқайл Жаъфардан ўн ёш катта, Жаъфар Алидан ўн ёш катта бўлган.

Умрнинг мувофиқ келиши. Расулуллоҳ, олтмиш уч йил яшади; Абу Бакр ҳам шунча, Умар ҳам шунча, Али ҳам шунча, Абдулмалик ибн Марвон ҳам шунча, ал-Мансур ҳам шунча [яшадилар]. Ал-Маъмун қирқ саккиз йил яшадди, ал-Муътасим ҳам шунча, Тоҳир ибн ал-Ҳусайн ҳам шунча, Абдуллоҳ ибн Тоҳир<sup>7</sup> ҳам шунча, ал-Ҳусайн ибн Тоҳир ҳам шунча, Тоҳир ибн Абдуллоҳ<sup>8</sup> ҳам шунча, Муҳаммад ибн Тоҳир<sup>9</sup> ҳам шунча, ал-Муваффақ<sup>10</sup> ҳам шунча, ал-Муътазид ҳам шунча, Абу-с-Сақар ҳам шунча [яшадилар].

Бир йилда туғилиб, бир йилда қатл этилган ва [ҳаммаси] қирқ саккиз ёшда бўлган уч ака-ука ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфранинг ўғиллари Язид, Зиёд ва Мудринлардир. Улар ал-Ақр [жанги] кунини ўлдирдилар, сўнг улардан каттаси Ҳиндистон заминининг Қандобил [шаҳрида] ўлдирилди. Кейин ал-Муҳаллаб хонадони йигир-

ма йил туриб қолди. Уларда фақат ўғилларгина туғилиб, фақат қизларгина ўларди.

Тобийлардан саккиз табақага мансуб бўлгани Абу-л-Асвад ад-Дуалийдир, унинг исми Золим ибн Амр ибн Кинона [бўлиб], нотиқлар, ақллилар, шоирлар, шийъалар, араб тили билимдонлари, наҳвшунослардан, бахиллар, фалажлар ва узоқ умр кўрганлардан ҳисобланиб, бунақаси ҳеч маълум эмас.

84 Исломда етмиш беш йил қозилик қилган қози. Бу Шурайҳ ибн ал-Ҳорис ал-Киндийдир. Умар ибн ал-Хаттоб уни Куфага қозиликка тайинлаган эди. Шу ерда етмиш беш йил қозилик [лавозим]да қолиб кетди. Узлуксиз қозилик қилиб, фақат уч йилгина қозиликдан бўшатилди, бу Ибн аз-Зубайрнинг фитнаси туфайли бўлиб, ал-Ҳажжож уни қозиликдан бўшатиб, кейин афв сўрайди. У бир юз йигирма йил умр кўрганди.

Исломда ҳар бирининг пушти камаридан юздадан бола туғилганлар тўрттадир: Халифа ибн Бав-с-Саъдий, Анас ибн Молик ал-Ансорий, Абдуллоҳ ибн Умайр ал-Лайсий, Жаъфар ибн Сулаймон ал-Ҳошимий. Ҳикоя қилишларича, ал-Мугаваккилдан эликдан ортиқ ўғил ва йигирмадан ортиқ қиз фарзандлар туғилган экан.

Халифа туғилган, ҳамда ўлган ва халифа унда тахтга ўтирган кеча бир юзу етмишинчи йил раби ал-аввал ойининг ўн тўртинчиси<sup>11</sup> шанба кечаси бўлиб, шу [кечаси] ал-Маъмун туғилган, ал-Ҳодий ўлган ва ар-Рашид тахтга чиққан, бунақаси ҳеч зикр қилинмаган.

Бир кунда [бутун] бойлиги сочиб юборилган ва дунё [пайдо] бўлгандан буён [ҳеч кимнинг] бойлиги бунга ўхшаш сочиб юборилмагани [халифа] ал-Маъмундир. Бир куннинг ўзида биродари ал-Муътасимни ал-Мағрибга<sup>12</sup> ҳоким қилиб тайинлаб, унга беш юз минг динор [бериб юборишни] буюрди; ўғли ал-Аббосни ас-Суғур ва ал-Авосимга<sup>13</sup> [ҳоким қилиб], унга беш юз минг динор [беришни] буюрди; Абдуллоҳ ибн Тоҳирни ал-Жабал ва Мухобит Бобакка<sup>14</sup> [ҳоким қилиб], унга уч юз минг динор [беришни] буюрди. Кейин бошқа қўмондонларга етти юз минг динор [беришни] амр

85 қилди. Умар ибн Нуҳ // бу пуллар топширилгандан кейин [шундай] деган экан: «Бу бойликлар сочиб юборилган биринчи кундир, дунё [пайдо] бўлгандан буён бойлик бундай сочиб юборилмаган».

Ислом оламида ҳар бири бир миллиондан одам ўлдирган тўрт киши ал-Ҳажжож, Абу Муслим, Бобак<sup>15</sup> ва ал-Бурқуийлардир<sup>16</sup>, булардан бошқа бешинчиси бўлмаган.

Ибратли ажайиботлардан. Ровийларнинг Абдулмалик ибн Умайр ал-Лаҳмийдан далилсиз ривоят қилишларича, у [шундай] деган экан. «Шу қасрда, — дебди у ва Куфадаги салтанат қасрига ишорат қилибди, ал-Ҳусайн ибн Али ибн Абу Толибнинг, тангри улардан рози бўлсин, бошини Убайдуллоҳ ибн Зиёд олдида қалқон тепасида турганини кўрдим, кейин шу қасрда Убайдуллоҳ ибн Зиёднинг боши ал-Мухтор ибн Абу Убайда олдида қалқон тепасида турганини кўрдим, кейин ал-Мухторнинг боши Мусъабнинг

олдида қалқон устида турганини кўрдим, сўнг Муътабнинг боши Абдулмалик ибн Марвон олдида қалқон тепасида турганини кўрдим. Абдулмаликка бу ривоятни ҳикоя қилиб берганимда у буни ёмон хабарга йўниб, ўз жойини [бошқа ёққа] кўчирди». Шунга ўхшаш [ривоят]. Ас-Сулий ҳикоя қилиб, деган эди: «ал-Хусайн ибн Яхё ал-Котиб менга ҳикоя қилиб, [шундай] деган эди: «ал-Муътаз [халифаликка] тайин этилгач, озгина ҳам муддат ўтмай одамлар ҳозир бўлдилар ва ал-Муайядни олиб чиқиб: «Гувоҳ бўлингларки, бу кишини тангри даъват этганди, унга жавобан кетди. Улдирилганлик нишонаси йўқ»,— дейишди. Кейин [бир неча] ой ўтди: Одамлар ҳозир бўлдилар ва ал-Муътабнинг олиб чиқиб: «Унинг ажали етган эди, унда [ўлдирилганлик] асари йўқ, сизлар гувоҳ бўлинглар»,— дейишди. Сўнгра оз муддат ўтмай ал-Маҳдий халифаликка кўтарилди, ал-Муътазнинг ўлик ҳолда олиб чиқиб: «Гувоҳ бўлингларки, бу ўз ажали билан ўлган»,— дедилар, ундан ҳам асар қолмади. Кейин бир йил ҳам ўтмай ал-Муътабид халифаликка кўтарилди, ал-Маҳдийнинг ўлик ҳолда олиб чиқиб: «Гувоҳ бўлинглар, бу жароҳатдан ўлди»,— дедилар. Одамлар [халифаларнинг] оз муддат ичида бирин-кетин [ўлдирилишидан] таажубланган эдилар».

Юқоридагига ўхшаш бошқа [воқеа]. Ал-Муътабим Айтохни Афшин<sup>17</sup> олдида юбориб, [шундай] дебди: «Унга айт: Эй тангрининг душмани, қилмишни қилдинг, ҳунарингни кўрсатдинг, энди тангрининг сенга ҳунар кўрсатишига қандай қарайсан». // Афшин Айтохга дебди: «Эй Абу Мансур, худди шунга ўхшаш мактубни мен Али ибн Ҳишомга олиб борганимда, у менга деганди: «Эй Абу-л-Ҳасан, шунга ўхшаш мактубни мен Ужайф ибн Анбасага олиб борганимда, у айтганди: «Шундай хатни сенга ким олиб келишини кутиб тур». Мен ҳам сенга «Шундай хатни ким олиб келишини кутиб тур» дейман. Озгина кун ўтмай Айтох ҳибсага олиниб, қатл этилди».

Бир хилда бўлган ажойиб нарсалардан яна бири. Бармакийлар<sup>18</sup> карамли, машҳур ва [тарихга] ёзилган кишилар эди. Ал-Фурот хонадони<sup>19</sup> ҳам улар замонида шунга ўхшаш [мартаба]ларга мансуб эди. Қазо шундай бўлдики, ар-Рашид халифалигининг ўн еттинчи йили<sup>20</sup> бармакийларни [вазирликдан] четлатиб, азоблади, ал-Муктадир ҳам халифалигининг ўн еттинчи йили<sup>21</sup> ал-Фурот хонадонини ҳалокатли мусибатларга гирифтор қилганди.

**Бошқа** [ривоят]. Ал-Восиқнинг касали оғирлашганда, Айтох у ўлган ёки ўлмаганини кўриш учун [олдига] кирибди. Унга яқинлашганда, ал-Восиқ кўз қирраси билан Айтохга тикилибди. У кўрқиб чиқиб кетибди ва тистарилиб, шамширининг устига йиқилиб тушибди, чунки ал-Восиқ унга қарагани туфайли уни кўрқув босиб кетганди. Бир соат ҳам ўтмай ал-Восиқ жон берибди. Ювиш учун [уни] уйнинг бир четига қўйишибди. Қаламуш келиб, унинг Айтохга қараган кўзини еб қўйибди. [Ал-Восиқнинг] қарашидан Айтох кўрқиб орқасига қайтган ва қиличига йиқилиб, уни синдириб юборган кўзини қаламуш еб қўйганини кўрган одамнинг та-

86

ажжуби ҳаддан зиёд бўларди. Бу [воқеа] қандайдир бир куни бўлиб ўтганди.

Шунга ўхшаш бошқа [воқеа]. Марвон ибн Муҳаммаднинг бошини Абдуллоҳ ибн Алига олиб келишганда, уни бир чеккага қўйишни буюрибди. Мушук келибди-да, унинг тилини суғириб олиб, чайнай бошлабди. Абдуллоҳ ибн Али ёки кимдир бошқа [киши] дебди: «Замона бизга Марвоннинг тилини мушук оғзида бўлишидан бошқа бирор ажойиботини кўрсатганда, бизни қаноатлантирган бўларди. Марвон ал-Ҳира<sup>22</sup> атрофида етмиш минг араб [лашқари]ни тайёрлаб қўйгандан сўнг [шундай] деганди: 87 «Агар [умр] муддати тугаган бўлса, // ҳеч қандай қурол-яроғ фойда бермайди».

**Бошқаси.** Убайдуллоҳ ибн Зиёд, тангри уни лаънатласин, ал-Хусайн ибн Алини муҳаррамнинг ўнинчисида<sup>23</sup> қатл этган эди. Келаси йил муҳаррамнинг ўнинчисида тангри унинг ўзини қатл этди.

**Бошқаси.** Халифаларнинг даҳшатли ўлимлари ҳақида: Аҳмад ибн Абу Дувод [шундай] деган: «Халифалар ўлимидан даҳшатлироқ ўлимни ҳеч кўрмаганман. Ал-Маъмун, ал-Муътасим ва ал-Восиқларнинг жағини қўлим билан боғлаганман, улардан ҳеч қайсисига шу пайт бир парча латта тайёрлаб қўйилмаган экан. Устимда олди очиқ чопонимдан бошқа нарса бўлмагач уни йиртиб, ўша билан [боғладим]».

Шунга ўхшаш [воқеа]. Юз миллион динар эгаси ал-Муктафий биллоҳ ўлганда, ўлиги бир кун қолиб кетди. Одамлар унга парво қилмай биродари ал-Муктадир иши билан машғул бўлдилар. Қийимлар хазинасининг соҳиби унинг [жасади] олдидан ўтиб қолди. Унинг устига зарбон чопон ёпиб қўйилган эди. [Хазиначи] чопонни олиб: «Бу менга тегишли нарса эди ва [бошқага] ўтиб кетса мендан талаб қилинишидан кўрқаман»,— деди. Шу пайт [халифанинг] хизматкорларидан бири ўтиб қолди, унинг яланғоч ётганини кўргач, йиғлаб юборди ва бошидаги рўмолини олиб устига ёпиб қўйди. [Халифа жасади] ювиладиган ва қафаиладиган уйга олиб ўтилганда, [исриқ] тутатиш учун исриқдон топилмабди. Бир бўлак наддн<sup>24</sup> унинг иш бошиси ўз уйдан олиб келибди ва чўриларга қизил сопол идишлардан биттасини олиб келишни буюрибди, [наддн] шунга солиб, уйга тутатишибди. Ваҳоланки, [ал-Муктафий] халифалиги даврида минглаб олтин исриқдонлар бўлган эди.

Халифаларнинг ҳар бир олтинчиси халифаликдан туширилиши ҳақидаги ажойиботлардан. Ас-Сулий [шундай] деган: «Исломнинг аввалидан бошлаб дин ишига бошлиқ бўлганларнинг ҳар бир олтинчисини шубҳасиз [тахтдан] туширилганлигини одамлар кўришган. Пайғамбаримиз Муҳаммад, кейин Абу Бакр кўтарилди; кейин Умар, кейин Усмон; кейин Али, сўнгра Ҳасан ибн Али [халифа бўлди] ва бу тахтдан туширилди. Улардан кейин Муовия ибн Абу Суфён [халифа] бўлганди, кейин Язид ибн Муовия, кейин Муовия ибн Язид<sup>25</sup>, кейин Марвон ал-Ҳакам, кейин Абдулмалик

ибн Марвон, кейин Абдуллоҳ // ибн аз-Зубайр [бўлиб], тахтдан 88 туширилди ва қатл этилди. Булардан сўнг ал-Валид ибн Абдулмалик, кейин Сулаймон [ибн Абдулмалик], кейин Умар ибн Абдулазиз, кейин Язид ибн Абдулмалик, кейин Ҳишом [ибн Абдулмалик], кейин ал-Валид [ибн Язид бўлиб], тахтдан туширилди ва қатл этилди. Шундан сўнг умавий подшоҳлари ададини олтинчиси билан тугатадиган киши бўлмади ва аббосийлар ҳукмронлиги бошланди. Уларнинг биринчиси ас-Саффоҳ эди, кейин ал-Мансур, кейин ал-Маҳдий, кейин ал-Ҳодий, кейин ар-Рашид, кейин ал-Амин, ва бу [уларнинг] олтинчиси бўлиб, тахтдан туширилиб, қатл этилди. Сўнгра ал-Маъмун тахтга ўтирди, кейин ал-Муътасим, кейин ал-Восиқ, кейин ал-Мутаваккил, кейин ал-Мунтасир, кейин ал-Муътаъин ва бу олтинчи бўлиб, тахтдан туширилиб, қатл этилди. Сўнгра ал-Муътаз тахтга чиқди, кейин ал-Муҳтадий, кейин ал-Муътамид, кейин ал-Муътазид, кейин ал-Муқтафий, кейин ал-Муқтадир [бўлиб] бир марта Ибн ал-Муътаз фитнаси билан тахтдан туширилди, сўнг яна қайтди, кейин қатл этилди». Ушбу китоб муаллифи дейди: кейин ал-Қоҳир тахт сўради, кейин ар-Розий, кейин ал-Муттақий, кейин ал-Мустақфий, кейин ал-Мутиъ, кейин ат-Тоъиъ [бўлиб], тахтдан туширилди. Мана булар бир-бирига тўғри келишнинг ажойиботларидандир.

**Бошқаси.** Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Тоҳир айтган эди: «Дунё ажойиботларидан: ал-Муътазид қарматийлар билан жанг қилиш учун ўн минг [аскар]га бош қилиб ал-Аббос ибн Амр ал-Ғанавийни юборган экан. Қарматийлар Ҳажарда<sup>26</sup> уларни ўраб олибди, фақат битта ал-Аббосгина қутулиб қолиб, бошқалар ўлдирилибди. Амр ибн ал-Лайс<sup>27</sup> Исмоил ибн Аҳмад билан жанг қилиш учун эллик минг [аскар] билан юриш қилганда, унинг бир ўзи қўлга олиниб, бошқалар қутулиб қолган экан».

Тўққизта ҳукмдорнинг икки йил муддат ичида, яъни уч юзу саксон етти ва уч юзу саксон саккизинчи йиллари<sup>28</sup> мутаносиб равишда ҳалок бўлгани ҳақидаги ажойибот. Булар ҳақида ушбу китоб муаллифи шундай деган:<sup>29</sup>

Асримиз подшоҳлари тахтда турганларидан буён жарчи уларни ўлим ва қатлга чорлаганини кўрганмисан?

Ҳалокат қўли Нуҳ ибн Мансурни<sup>30</sup> кўкрак қафаси ичига 89 олган ҳасратга гирифтор қилди.

Қандай бахтсизлики, Сараҳс<sup>31</sup> жанги куни у Мансур<sup>32</sup> мулкани парчалаб ташлади ва у ҳалок бўлди.

[Ҳалокат қўли] унинг ёқасини чок этди, у асир ва кўр бўлиб қолди, [унинг] яқинлари ундан четлашди.

Миср ҳокими ўз йўлига жўнади, Жибол<sup>33</sup> ҳукмдорини эса Қиличлар мағлубиятга учратди.

Журжония ҳокими надомат чекапти, ўлим кўзи унга ти- 90 килиб, кузатиб турибди.

Улар май косаларини биргалашиб кўтаришди, сўнг эса ажал косаларини бирга ичишди, қонлар оқиб турарди.

Хоразмшоҳ ноз-неъматларининг юзи ёмонлашди ва ёмонликнинг қовоғи солиқ куни унга дуч келди.

То ҳалокатлар олиб кетгунча, Абу Али [ибн Симжур] ҳам ер юзини оёқ-ости қилиб юрган эди.

91 Ёмонликнинг мустаҳкам тишлари у билан курашди ва ов вақтида овчининг чап томонидан кўринадиган шум қуш унга кўринди.

Бустнинг мана бу ҳокими чангаллари Шарқ ва Ғарбни фатҳ этган бир қуш эди.

Тақдир зарбасининг кўкраги уни тиз чуқтирди ва ундан қутулолмади, тақдир қуши чап келувчидир.

Сузувчи отлар селга ўхшарди, озод юрувчи филлар тоғларга ўхшарди.

Аскарлар майда тошлар ададидан ҳам кўп эди, у [тош]лар билан [ўша ернинг] текис ва нотекисликлари тўларди.

Ўжар бувайҳийлар давлати бахтсизликнинг ёмон одатларига гирифтор бўлди.

92 Жузжон<sup>34</sup> ҳокими ҳаёт кўприklarидан ўтиб кетган эди, // ҳалок этувчи ўлим уни ҳам тугатди.

Бичилган Фоиқнинг<sup>35</sup> умри ҳам бичилди, шундай бўлдики, йиғловчи [ҳеч] ерда унга кўз ёши тўккани ҳам йўқ.

Икки йил давомида улар ўтиб кетдилар, ваҳший қушлар учиб келганда, уларни бургут сақлаб турганди.

Уларда сенга фойдали ибрат йўқми, ҳа ибрат йўли ана шундай нурлидир...

### ЎНИНЧИ БОБ

МАМЛАКАТЛАРНИНГ [ЎЗИГА] ХОС  
ХУСУСИЯТЛАРИДАН НАМУНАЛАР,  
УЛАРНИНГ ҒУЗАЛЛИГИ ВА  
КАМЧИЛИКЛАРИ ҲАҚИДА

95 АШ-ШОМНИНГ ЗИКРИ... Шом хусусиятларидан бири унинг олмаси бўлиб, унинг чиройлилиги ва таъмлилиги ҳақида мақоллар тўқилган. Ҳар йили [Бағдодга] халифалар учун у олмалардан ўттиз мингтадини филофларга солиб, олиб боришарди. Айтишларича, олмалар Ироқда Шомдагига нисбатан хушбўйроқ бўлар эмиш. [Шом] хусусиятларидан яна унинг зайтун ёғи бўлиб, унинг мусаффолиги ва тозаллиги ҳақида мақоллар тўқилган. У шомдан туяларда олиб кетилгани учун уни узанг зайтуни деб аташган. [Шом] мамлакатларнинг зайтун дарахти энг кўп ўсадиган жойи бўлса ҳам, зайтунда барака ҳам,

манфаат ҳам йўқ. [Шом] хусусиятларидан яна унинг шишаси [бўлиб], унинг мусаффолиги ва тиниқлиги ҳақида мақоллар тўқилган: «Шом шишасидан ҳам нозикроқ ва шом шишасидан ҳам мусаффороқ» — дейдилар. [Шом] хусусиятларидан яна Дамашқ масжиди [бўлиб], у чиройиликда дунё ажойиботларидан биридир. Ер юзида унга ўхшаш масжид йўқ, сўз // унинг тавсифи ҳақида 96 чўзилиб кетади. Ал-Лаҳҳом Дамашқ аҳлидан бўлмиш унинг масжиди ёнида яшаган бир шайх [тилидан ҳикоя қилиб [шундай] деган: «Ақлимни таниганимдан буён у [масдид]да бирорта намозни қолдирмадим, қайси бир вақт унга кирмайин фақат унинг нақшларига, гўзалликларига, зийнатларига ва завқ-шавқларига кўзим тушарди, булар аввал кўзимга ҳеч илинмаган нарсалар эди». Бу сўз кифоя қилса керак. Дамашқнинг хусусиятларидан яна бири унинг манзарали жойларидир. Дунёнинг энг гўзал ва энг ёқимли оромбахш жойлари тўртта [бўлиб], булар Дамашқ манзаралари, ал-Убулла<sup>1</sup> анҳори, Баввом<sup>2</sup> тоғ йўллари ва Самарқанд суғди. Абу Бакр ал-Хоразмийнинг<sup>3</sup> [шундай] деганини эшитгандим: «Уларнинг ҳаммасини кўрганман, лекин Дамашқ кўкаламзорлари уларнинг энг чиройлиги ва энг ажойибидир. Унинг гулларга безанган боғлари билан қирғовул ва товуслардан ҳам чиройли сув қушларига тўла қўлларини бир-биридан ажратолмас эдим ва Дамашқни фақат жаннатга ёки унинг ер юзига нақш қилиб қўйилган суратига ўхшатардим. Унинг хусусиятларидан яна бири ар-Руҳо<sup>4</sup> бутхонаси, Искандар минораси ва Санжа кўпригидир. Ар-Руҳо Ҳаррон<sup>5</sup> [усталари] ишларидандир. Унинг бутхонаси ичида ажойиботлар, суратлар, завқ берувчи нарсалар ва тилсимотлар [мавжуддир], қандиллари турли-туман шуъла сочиб турадики, уни зикр қилиш жуда чўзилиб кетган бўларди. Айтишларича, иккита «то» [ҳарфи], яъни итоаткорлик ва бўйсунувчилар<sup>6</sup> Шом аҳлига хос хусусиятлардандир. Айтишларича, жамики мамлакатлар халқлари ичида султонга итоат қилишда Шом аҳли алоҳида ажралиб туради, уларнинг итоаткорлиги ва мададкорлиги ҳақида мақоллар тўқилган. Муовия [ибн Абу Суфён]нинг чақмоқтошидан фақат уларгина ўт чиқарган эдилар, чунки у шомликларнинг энг итоаткор аскарлари орасида эди. Али ибн Абу Талиб эса аксинча Ироқ аҳлидан бўлмиш энг исёнкор аскарлар орасида эди<sup>7</sup>. Абдулмалик ибн Марвон Равҳ ибн Зинбоъга ҳикоя қилиб, деган экан: // «Абу Зуръа<sup>8</sup> Ҳижознинг ислом қонуншунослигини, Ироқнинг фаросатини ва Шомнинг итоаткорлигини [ўзида] жамлаган эди. Шомда вабо кўп бўларди ва бу ҳатто тарихларга айланиб кетиб, унинг зикри ҳақида кўп гапириларди. [Вабо] у ердан Ироқ ва бошқа жойларга тарқалди, фақат икки муқаддас шаҳар [Макка ва Мадина]гагина етиб бормаганди. Аббосийлар тахтга ўтиргандан кейин, ал-Муқтадир даврига келиб вабо тугади.

**МИСР ЗИКРИ.** Унинг хусусиятларидан [бири] у ерда динорларнинг кўплигидир. «Қимки Мисрга келиб бойиб кетмаса, ундайни буюк тангри ҳеч бойитмасин», — дейдилар. Ал-Жоҳиз [шун-

дай] деган: «Абул-Хаттобнинг<sup>9</sup> айтишича, Миср еридан баъзи вақтлари [бир йилда] тўрт миллион динор бож йиғилган, бошқасининг айтишича, у ерда икки миллион динор бож йиғилган, бунга от, турли ҳайвонлар ва нозик безакль матолардан келган [божлар] кирмайди». У [яна шундай] деган: «Одамлар Хуросонга пахта ва Мисрга зиғирпоя [хос] эканини билишган. Сўнгра шу сабабдан одамларда мамлакатларни фарқ қилишда бу икки жойнинг қайси бири юқорилиги масаласида [келишмовчилик] бор. Баъзан зиғирпоядан [тўқилган] бир ҳимл<sup>10</sup> Миср нозик матосининг баҳоси юз минг динорга етган». У [шундай] деган: «Миср қоғози Мағрибда худди Самарқанд қоғози Машриқда [машҳур] бўлганидай [машҳурдир]. Миср эшаклари кўриниши чиройлилиги ва зоти яхшилиги учун тавсиф қилинган, отлари ҳам худди шундай. Баъзи мамлакатлар отнинг зотлиги ва ювошлилиги жиҳатидан Мисрникига тенг келса ҳам, Миср эшаги хослиги билан ажралиб туради, унга ўхшашлари ҳеч бир диёрда етишиб чиқмаган. Халифалар ўз турар жойлари ва боғларида фақат Миср эшакларинигина минганлар. Ал-Мутаваккил Сурраманрао<sup>11</sup> [шаҳри] минорасига Марисий эшагида кўтарилар экан. Бу миноранинг поғоналари 98 ташқаридан [бўлиб], асоси // ердан бир жариб<sup>12</sup> [баланд], узунлиги 99 газ. Марис Мисрдаги бир қишлоқ, Бишр ал-Марисий<sup>13</sup> шу ерга нисбат берилади. Ал-Жоҳиз дейди: «Заҳарли илонлар фақат Мисрдагина бўлади. У одам боласини ҳалок этишда ажойиб бир махлуқдир. Унинг душмани фақат нимсдир. Бу дунё ажойиботларидан бири. Шундайки, у қимирлаб турадиган кичик бир ҳайвон [бўлиб], худди қуриган гўштга ўхшайди. Заҳарли илонни кўрганда, унга яқинлашади, илон уни чақмоқчи бўлиб, унга чирмашиб олади, нимс ҳавога тўлиб шишиб кетади ва нафас ола бошлайдими-да, илонни иккига бўлиб юборади, баъзан уни бир неча бўлақларга бўлиб юборади. Агар нимс бўлмаганда, заҳарли илонлар Мисра яшовчларни еб битирган бўларди. У сижистонликларга типратиканнинг фойдалилигидан ҳам кўра, у ерда Миср аҳлига фойдалироқдир». Мисрнинг камчиликларидан: у ерда ёгин бўлмайди, агар ёмғир ёгса, бу ер халқи учун жуда жирканчли бўлади. Ёмғир шу халқни раҳматга кўмиб юбурувчидир, улар эса ундан жирканадилар, ёмғир Миср аҳлига тўғри келмайди, улар экинларини ҳам ёмғирга қолдирмадилар. Ас-Сулий ўзининг «Миср шоирлари китоби» [деган] китобида уларнинг қандайдир шоирининг [қуйидаги шеърини] келтирган:

«Миср бутун ер юзининг энг ҳосилдор ери»,— дейдилар,  
Мен уларга: «Бағдод Мисрдан кўра ҳосилдорроқдир»,—  
дедим.

99 Миср ҳам бошқа [шаҳар]ларга ўхшаш шаҳардир, замона уни оғирлик ва енгиллик билан алмаштириб туради. Лекин сиз уни яхши кўрганлигиз учун мақтайсиз, //замин [ўзининг] севувчиси ва мақтовчиларидан холий эмас.

Бўлмаса, у ердаги жамоа учун тўкин-чочинлик қани? Фақирликнинг турли азобларидан уларнинг беллари букилмоқда.

Ерининг ҳосилсизлиги у ер халқи учун яхшилик эмас, нимаки у ерда бўлса оламнинг фаровонликларидан бир қатрасидир.

Уларга ёғингарчиликдан башорат берилса, юракларига худди зулматда кулранг какликлар галасига ваҳима тушгани каби ваҳима тушади.

Ал-Жоҳиз [шундай] деган: «У ерда жанубий Марисийя шамоли ўн уч кун сурункасига эсганда, Миср аҳли қирғин вабосининг яқинлашганига ишонч ҳосил қилиб, кафанлик ва хушбўй нарсаларни сотиб оладилар». У деган: «Мисрнинг Нил [дарёси]даги нарсаларнинг бошқа водийларга қарама-қаршилиги сенга кифоя. Бошқа водийларда [сув] кўпайганда, [Нил суви] камаяди, уларда [сув] озайганда, Нил [суви] кўпаяди. Нил ўзаниларидан бошқа ҳеч қаерда тимсоҳлар бўлмайди. Қандай йўл билан бўлмасин уларнинг зарари тегиши маълум, ҳеч қандай фойдаси йўқ. На Дажла, на Фурот, на Сирдарё, на Амударё ва на Балх дарёсида тимсоҳ ҳеч учрамайди». Ушбу китоб муаллифи дейди: ал-Жоҳизнинг тимсоҳлар // Нил водийсидан бошқа жойда бўлмайди ва маймунлар Ямандан бошқа ерда бўлмайди, деган фикри хатодир. // Чунки Ҳиндистон заминининг Ганг [дарёси] водийсида тимсоҳлар ва баъзи бошқа жойларида маймунлар жуда кўп бўлади. Фақиҳ Абу-л-Ҳасан ал-Мосаржисийнинг<sup>14</sup> [шундай] деганини эшитгандим: «Миср хусусиятларидан [бири]: мисрликларнинг камдан камигина Мисрдан бошқа [жой]ни ўзига ватан қилишни хоҳлайди». Бошқаси деган: «Миср подшоҳлари ва зодагонларининг табриги худди Қуръонда айтилганидек: «ё Азиз». Унинг хусусиятларидан [бири] у ердаги подшоҳларнинг итоатсизлиги ва баъзилари ўзини худо деб даъво қилишидир, тангри уларни лаънатласин. Абу Маъшар ал-Мунажжимнинг<sup>15</sup> фикрича, тўфондан олдин ўтган халқларнинг энг аввалгилари осмон офатлари фарқ этиш ва ёндириб юбориш билан одамларга мусибатлар келтираётганини билишгач, ҳайвон ва ўсимликларнинг ҳаммасини қириб ташлабдилар, юқори Мисрнинг тоғлари ва баланд жойлари тепасига тошлардан кўплаб аҳромларни қурибдилар ва бу билан сув ва ўт [балосидан] сақланмоқчи бўлибдилар. Иккита аҳромни уларнинг ҳаммасидан баланд қилибдилар, ҳар бирининг узунлиги тўрт юз газ, сатҳи тўрт юз газ ва баландлиги тўрт газ бўлиб, мрамартош ва қўпол мрамарлардан қурилган экан. Ҳар бир тошнинг узунлиги ва кенлиги ўн ва саққиз газ ўртасида бўлиб, шундай тарошланган эканки, унинг чиройлигини фақат энг ўткир кўзгина ажрат олиши мумкин. У [тошлар]га ҳимярийлар хати билан йўнилган ёзувларни ҳимярий ёзувини ўқий оладиган ҳар бир киши ўқиши мумкин. Уларда сеҳрнинг ҳаммасини, табобат // ва тилсимот

100  
101

102

ажойиботларининг ҳаммасини ўқиш мумкин. Халифалардан бирига иккита аҳромга [ёзилган шу хат]ни ўқиб берилган экан: «Мен бу икки аҳромни бино қилдим, кимки ўз подшоҳлигида куч-қудратини даъво қилса, уларни бузиб ташласин, чунки бузиш бино қилишдан осонроқдир». Халифа у икки аҳромни бузмоқчи бўлибди, лекин у дунёнинг хирожига эга эмас эди. Бузишдан воз кечди. Ривоят қилишларича, Юсуф алайҳиссалом вақтида озуқ-овқат шу икки аҳромга тўпланар экан.

**ЯМАННИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.** Ал-Жоҳизнинг айтишича, Яманнинг хусусиятларидан [унинг] шамширлари, бурд [чопон]лари, маймунлари ва зирофа [жирафа]сидир, бу форсчада уштургов паланг деб аталувчи, яъни туяга, ҳўкизга ва қоплонга ўхшаш [ҳайвон]дир. «Шамширнинг [асли] келиб чиқиши Ҳиндистондан бўлиб, уни Яман ишлаб чиққани сенга кифоя қилади»,— дейдилар. Ал-Асмаъий<sup>16</sup> шундай деганди: «Дунёни тўлдирган тўртта нарса [борки], улар Ямандан бошқа ерда бўлмаган: варс<sup>17</sup>, бухўр [қундур], нил бўёғи [хитр] ва ақиқ.

**БАСРА ВА ҚУФА ЗИКРИ.** Одатда дунё — Басра, лекин, эй Бағдод, сенга ўхшаши йўқ, дейишади. Ал-Ҳажжож айтарди: «Қуфа бойлиги йўқ бир чиройли чўри қиз ва у ўзининг чиройи билан куёвга берилади. Басра эса хунук бир асир олинган кампир ва у ўз бойлиги билан турмушга берилади». Қўпчиликнинг айтишича, Қуфанинг тимсоли тилчанинг кўринишига ўхшашдир, унга сув муздай ва ширин бўлиб оқиб келади. Басра эса қовуққа ўхшайди, унга сувнинг ранги ўзгариб ва бузилиб оқиб келади. Жаъфар ибн Сулаймон айтган экан: «Ироқ дунёнинг кўзи, Басра Ироқнинг кўзи, ал-Мирбад<sup>18</sup> Басранинг кўзи, менинг уйим эса ал-Мирбаднинг кўзидир». Ал-Жоҳиз Басрадаги Води-л-Қасрни зикр қилиб, ал-Халилнинг ўша ер ҳақидаги [шу] шеърини келтиради:

103 Води-л-Қасрни зиёрат қил, Қаср ҳам, Водий ҳам қандай гўзал, ҳеч муддат кутмай уни зиёрат қилиш шубҳасиздир.

Уни зиёрат қил, агар [билишни] хоҳласанг, ўтроқ ва кўчманчилар яшайдиган манзиллардан [бирортасида] унга ўхшаш нарса йўқ.

[У ерга] келган кемалар, туяқушлар, калтакесак, наҳанг, денгизчилар ва туякашларни у гўзаллиги [билан] ҳайратда қолдиради.

Кейин у шундай деган: ким бу Водийга келса ва Анас<sup>19</sup> қасрини кўрса, у кофурга ўхшаш бир жойни кўради, ушлаб олинаётган калтакесак, кийик, балиқ ва овчиларга кўзи тушади, денгизчининг у ерда яшовчиларга айтаётган қўшиғини ва туякашнинг туяси орқасида туриб, унга далда бериб куйлаётган ашуласини тинглайди». Сувнинг кўтарилиши ва пасайиши ҳақида у [шундай] деган: «Бирор қавмга сув эрталаб ва кечқурун оқиб кел-

гани, агар хоҳласалар унга рухсат бериб юборишгани, хоҳласалар уни ушлаб қолишгани сенинг хаёлинга келмаган». Басра ҳавосининг қарама-қаршилиги ҳақида айтилганларнинг энг зарифи Ибн Лангакнинг [шу] сўзидир:

Биз Басрада зариф ҳаётнинг турли ҳолатидамиз. Агар шимолий шамол эсса, биз жаннатлар билан обод ерларда бўламиз.

Агар жанубий шамол эсса, биз ташландиқ жойда қолгандай бўламиз.

Ҳикоя қилишларича, ар-Рашид [вазири] Жаъфар ибн Яҳёга<sup>20</sup> 104 улар Куфадалигида кечанинг охирида [шундай] деган экан: «Бизни ташқарига олиб чиқ, кўпчилик ўз нафаси билан ифлос қилмай туриб, Куфанинг ҳавосида нафас олайлик». Айтишларича, Куфага хос [нарса]лардан унинг бинафшаси бўлиб, бунинг ёғи [ҳаммаёқда] оммалашиб кетган, у ернинг гуллари ҳам худди шундай. Айтишларича, одамларнинг ҳар бир мамлакат аҳли ҳақидаги деганларининг энг тўғриси «куфалик [Куфа ҳақини] адо этолмайди» деган сўзларидир.

БАҒДОД ЗИҚРИ. Айтишларича, у ер юзининг жаннати, икки қўшилувчи дарё Дажла ва Фуротнинг бирлашган жойи, дунёнинг ўртаси, тинчлик шаҳри ва исломнинг қуббасидир. Чунки у шаҳарларнинг пешонасидаги қашқа, халифалик оромгоҳи, гўзаллик ва ёқимлиликлар мажмуаси, // яхшилик ва латифликлар конидир. 105 У ерда ҳамма санъатлар соҳасида ниҳоясига етган арбоблар ва [фаннинг] ҳамма тармоқлари бўйича замонасининг ягона кишилари яшаган. Абу Исҳоқ аз-Зужжож<sup>21</sup> «Бағдод дунёнинг пойтахти, саҳро уни босиб ўтмаган»,— деса, Абу-л-Фараж ал-Баббағо<sup>22</sup> уни «тинчлик шаҳри, балки ислом шаҳри»,— деган. У ерда пайғамбарлик давлати ва ислом халифалиги уя қўйдилар, илдиэ ёйиб ва мустаҳкам жойлашиб олдилар. Унинг ҳавоси ҳамма ернинг ҳавосидан ёқимли, суви ҳамма ернинг сувидан ширин ва шамоли ҳар қандай шамолдан ёқимлидир. У [ер] курраси марказий манзилгоҳларининг муътадил иқлимлиларидандир. Қадимги замонларда у ер хусравлар ватани бўлди, ислом давлатида эса халифалар оромгоҳи бўлди. Агар ўзини олим деб юрган кишилардан бирортаси Абу-л-Фазл ибн ал-Амид ҳузурига келиб қолса, унинг ақлидроқини синаб кўриш учун Бағдод ҳақида савол берар экан. Чунки [Ибн ал-Амид] у ернинг хусусиятларини ўзлаштириб олган, гўзалликларига диққатини жалб қилган ва у ер ҳақида энг яхши мақтовларини айтган эди. Буни ўз фазлининг муқаддимаси ва ақлининг унвони қилиб олган эди. Кейин [Ибн ал-Амид] келган кишидан ал-Жоҳиз ҳақида сўрар экан. Чунки унинг китобларини мутолаа қилишдан таъсирланган, унинг лафзларини иқтибос қилган ва унинг масалаларидан ўзига қандайдир таянч топган эди. Уни илм аҳли орасидаги нур сочувчи юлдуз деб атаган эди. Агар [Ибн ал-Амид келган кишини] ал-Жоҳизга хос бўлган илмларга

нисбат бериладиган белгиларга эга бўлиши вожиб эканидан го-  
фил равишда Бағдодда фароғатда яшаганини билиб қолса, бун-  
дан кейин унга ҳеч қандай яхшилик фойда бермаслигини сезар  
экан. Абу-л-Қосим ибн Аббод Бағдоддан қайтиб келганда, Ибн  
ал-Амид ундан у ер ҳақида сўради. У жавоб берибди: «Шаҳар-  
лар орасида Бағдод устоднинг одамлар орасида туриши кабирди.  
Уни [тангри] фазл ва камолатнинг охирги чегарасида тимсол қи-  
либ [яратди]. Абу Наср Саҳл ибн Марзубон<sup>23</sup> менга [қуйидаги  
106 шеърни] ўқиб бериб // деганди: Ибн Зурайқ<sup>24</sup> менга Бағдодни  
мадҳ қилган ўз [шеърини] ўқиб берганди:

Бағдод ва унда яшовчига ўхшашни топиш ниятида [дунё-  
ни] кездим, умидсизликдан бошқа нарсани топмадим.  
Эвоҳ, Бағдод менинг учун дунёнинг бутун ҳаммаси, унда  
яшовчилар эса [ҳақиқий] инсонлардир.

У бошқа кимнингдир шеърини ўқиб берганди:

Тангри Бағдодни жаннатдан сероб қилган, у одамларга  
жон роҳати бўлиб қолган.

У пулдорлар учун орзу-умид, лекин камбағал учун ҳас-  
ратдир.

У ернинг ажойиботларидан: Бағдод халифаларнинг ўзларига  
қароргоҳ қилиб олганлари сабабли йирик пойтахт бўлишига қа-  
рамай, у ерда халифа ўлмади, худди Умора ибн Ақил<sup>25</sup> [шун-  
дай] деганидай:

Сен ернинг узунига ва энига бўлган [масофасида] ер юзи-  
нинг жаннати бўлган Бағдод каби қароргоҳни кўрган-  
мисан?

Унинг парвардигори у ерда халифанинг ўлмаслигини ҳукм  
қилди, чунки у ўз халқи орасида хоҳлаганича ҳукм юри-  
тади.

107 Шунга биноан бу амр ҳозирги бизнинг замонимизгача давом  
этиб келмоқда. Зеро ал-Мансур Маккада ўлди, ал-Маҳдий —  
Мосабазонда, ал-Ҳодий — Исоободда<sup>26</sup>, ар-Рашид — Тусда, ал-  
Амин — Таросусда қатл этилди, ал-Маъмун ҳам [шу ерда] ўлди.  
Ал-Муътасим — Сурраманраода, ал-Восиқ ҳам ўша ерда [ўлди],  
яна Сурраманраода ал-Мутаваккил қатл этилиб, ал-Мунтасир  
ўлди. Ал-Мустаъин, худди шундай, ал-Муътазз ва ал-Муҳтадий-  
лар тахтдан туширилиб, ал-Ҳасанийяда<sup>27</sup> қатл этилдилар, ал-Муъ-  
тамид ҳам [шу ерда] ўлди, ал-Муътазид ва ал-Муктафий ҳам  
шундай. Ал-Ҳасанийяда яна ал-Муқтадир ўлдирилди, ал-Қоҳир  
кўзига сурма суртилди<sup>28</sup> ва ар-Розий ўлди. Ал-Муттақий ва ал-  
Мустакфий кўзига Дайр ал-Оқулда<sup>29</sup> сурма суртилди, ал-Мутиъ  
ҳам [шу ерда] ўлдирилиб, ат-Тонъ тахтдан туширилди.

АХВОЗ ЗИКРИ. Унинг хусусиятларидан [бири]: унда учта шаҳар [бўлиб], уларнинг ҳар бири Машриқнинг бошқа мамлакатлари ишлаб чиқаролмайдиган қимматбаҳо нафис буюми билан ажралиб туради. Бу [шаҳар]лардан бири Аскар Муқрамдир. У ердаги шакарга дунёда ширинлик ва кўплиги жиҳатдан ҳеч нарса баробар келолмайди, ваҳолонки, Ироқ, Журжон ва Ҳиндистонда шакарқамиш жуда кўп [ўсади]. У [шакар] энг яхши буюмлардан ҳисобланиб, султонга хирож билан бирга эллик минг ритл аскаррий шакарини ҳам олиб борилган. [Шаҳарлардан] бири Тустар [бўлиб], у ердаги қимматбаҳо зарбоп парчалар Рум зарбоп парчалари қаторида васф этилган. Яна бир [шаҳар] ас-Сус. У ернинг подшоҳларга хос қимматбаҳо ипакли матолари [машҳур]дир. Аҳвознинг айбларидан [унинг] одам ўлдирувчи сариқ чаёнларидир. Айтишларича, ҳозирги вақтда у эътиборсиз ва хавфсиз бўлиб қолган. Аҳвоз аҳли [унга қарши] фойдали тарёқ ўйлаб топишган. У ернинг айбларидан ал-Жоҳизнинг айтгани: «Аҳвоз шакарқамиши мусофирлар учун ўлимга олиб келувчи доимий иситмаси билан ажралиб туради. У ернинг иситмаси фақат мусофирга эмас, ўз тезлиги билан яқин [киши]ларга ҳам ўтади». Иброҳим ибн ал-Аббоснинг бизга Аҳвозда яшовчи бир шайх тилидан у ернинг доялари ҳақида хабар беришича, улар кўпинча туғилган чақалоқни [қўлга] олганда // уни шу соатдаёқ иситмага йўлиққан ҳолда кўришар экан ва буни эсда сақлаб, ҳикоя қилиб юришаркан. [Иброҳим] яна [шундай] деган: «У ернинг ўғил ва қиз болаларининг ёноғи қизил бўлганини, [юзига] қон югуриб тургани ва шунга ўхшашларни ҳеч кўрмадим. Жамики мамлакатларда вабо тугатилиб, иситмага хотима берилган бир вақтда, у ерда вабо ва иситма тарқалади. У ерда туриб қолганлардан кўпчилигининг табиати ва феъл-атвори ўзгариб кетган. Ҳошимийларнинг хоҳ юзи қабих бўлсин, хоҳ чиройли бўлсин ёки ёқимли баланд [бўлсин], шубҳасиз, уларнинг юзида бир белги бўлиб, бу билан жамики қурайшийлардан ва жамики араблардан ажралиб турарди. Турар жой уларни алдаб бошқа жойга кўчирди ва ўзгартириб юборди. Уларга секин-аста зарар етказиб, дармонсизликни уларга сингдирди ва бунинг асари уларда намоён бўлди. Бошқа жинсларга у [Аҳвоз]нинг қандай хунар кўрсатганини хаёлингга келтирма». У дейди: «У ер аҳли ва [бошқа ерлардан] келиб қолганлар иситманинг кўплигини чет томонлардан, шўрхоқ ерлардан ва овқатни кўп ейишдан олиб келмаганлар, балки шаҳарнинг ўзидан пайдо қилганлар. Бу шундайки, унинг тоғида тўпланган зарар келтирувчи заҳарли илонлар у ердаги яшаш жойларига ҳам таҳлика солиб туради. Сариқ чаёнлар уйлари ва қароргоҳларида [хатарлидир]. Агар оламда заҳарли илон ва сариқ чаёндан ёмонроқ бирор нарса бўлганда эди, Аҳвоз пойтахти уни тарбия қилишни ва кўпайтиришни камайтирмаган бўларди. [Аҳвознинг] балоси шундаки, унинг орқа томони шўрхоқ ва лойқа сувлардан [ҳосил бўлган] ботқоқлик, У ерда анҳорлар [бўлиб], уларга ахлатхоналар [сувлари], ёмғир суви ва ювингандан кейинги [сувлар] тушиб туради.

108

Қуёш чиқиб, юқорига кўтарилганда ва ҳалиги тоғ рўпарасига келганда, у ердаги тошлар сариқ чаёнларни қабул қилиб олади. 109 Қачон // [тошлар] қуриб ва қизиб ёниб турган чўққа айланганда, нимани қабул қилиб олган бўлса, [аҳволикларга] қайтариб чиқаради. Ана шу шўр ерлар ва анҳорлар буғ чиқариб, ҳавони бузади, бу ҳаво эса ўзида бор ҳамма нарсани ўз ифлослиги билан бузади».

**ФОРС ЗИКРИ.** Унинг ўзига хос нарсаларидан бири гулоби бўлиб, ширинликда унга ўхшаши бошқа мамлакатларда топилмайди. Бу [гулоб]нинг [Форс] шаҳарларидан бири Журга нисбат берилган ал-Журрий [навъи] тавсифланган, унинг ширинлиги ҳақида масаллар тўқилган, Машриқ ва Мағрибнинг энг узоқ [ўлкалари]га олиб кетилган. Ас-Сарий<sup>30</sup> унинг чиройли шишасини тавсифлаб шундай деган:

Худди бокира ҳур қизлар каби ўғирлаб келинган ва кўйлакнинг шимарилган этакларининг ёзиб юборилгани каби [нарсалар].

Журда яшаган ҳар бир қиз ўзининг калта ёпинчиғи билан мақтаниб юради.

Емғир ёққандан кейин ёқимли насим шамоли каби хушбўй чарчашдан ҳасрат қилади.

Васлга етишдан ҳижрат яхшироқдир.

110 Форсдан ҳар йили халифаларга расм-русмга биноан хирожларни билан бирга // мамлакатнинг ўзига хос нарсаларидан ўттиз минг шишада Жур гулоби, қизил йўлли матолардан тикилган либослардан беш минг либосни, яна икки юзта [турли] уст кийимлардан, йигирма минг ритл қора майиз, ўн беш минг ритл анбаж<sup>31</sup> [мевалари]дан, ўн минг ритл сайрофий гилватасидан, минг ритл жуланжубин<sup>32</sup> ва бир ритл мўмиё қўшиб юборилар эди. Мўмиё Форсга хос бўлиб, унинг манбаи Доробжирд<sup>33</sup> шаҳридир. Унинг тозалигини синаб кўриш учун хўрознинг оёғини синдиришади, кейин унга арпадагини ичиришади. Агар синиқ тузалса, унинг фазилати тан олинган, агар акси бўлса, тан олинмаган. Ал-Жоҳиз деган: «Шероз бутун Форснинг [шаҳарларидан] бири бўлиб, у ерда хушбўй ҳидли ва ажойиб ёқимли шабода [эсиб туради]».

**ИСФАҲОН ЗИКРИ.** У [ер] ҳавосининг софлиги, тупроғининг тозаллиги ва сувининг ширинлиги туфайли кўп тавсиф қилинган. Бундай сифатлар камдан-кам шаҳарларда жамланган. Ҳикоя қилишларича, ал-Ҳажжож ўзининг хос кишиларидан бирини Исфаҳонга бошлиқ қилиб тайинлаб, унга шундай деган экан: «Сени тоши сурма, пашшаси асалари ва гиеҳи заъфарон бўлган бир шаҳарга ҳоким қилиб тайинладим». Бу шундайки, у ернинг сурма тоши жуда яхшиликда васф этилган, заъфарон у ерда кўп бўлади, асалари ҳам худди шундай. Али ибн Ҳамза ибн Умора ал-

Исфаҳонийнинг<sup>34</sup> Абу-л-Ҳасан ибн Таботабога<sup>35</sup> [ёзган] «Асалари ва асал васфи ҳақидаги рисола»сида ўқиганимга [кўра] асалларнинг ҳаммасидан энг афзали Исфаҳон асалидир. Унинг яхшилиги шундаки, агар ундан ерга бирор нарса томса, симобга ўхшаб юмалоқ бўлиб қолади ва тупроққа ҳеч қўшилмайди. Ҳар йили султон ҳузурига Исфаҳон хирожига қўшиб // икки минг ритл 111 [асал], шамидан йигирма минг ритл юборилар экан. Халқи туфайли Исфаҳонни ҳажв қилишдаги сўз эркинлигидан шоирнинг сўзи:

Тангри Исфаҳонни шаҳар сифатида лаънатласин ва у ерга сил ҳамда вабо [касал]ларини ёғдирсин.

У ерда ёз пайти дағал матодан тикилган чодир сотиб олдим, декабрда эса ўчоқни гаровга қўяман.

**МАВСИЛНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.** Кимки Мавсилда бир йил яшаб, ақлини синаб кўрса, ақлини ортганини билади, деган эди ал-Жоҳиз. Бошқа бир кишининг айтишича, Мавсилнинг дарпардалари Қолиқло<sup>36</sup> зилол [суви], Мийсон<sup>37</sup> кўрпалари ва арман гиламлари қатори зикр қилинган. Унинг асали яхшилиқда Аҳвон шакари ва Қумнинг заъфарони қатори зикр қилинган.

**РАЙНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.** Райнинг бурдалари<sup>38</sup> худди Яманнинг бурдалари каби тавсиф қилинган. Уларни Яманнинг Адан<sup>39</sup> [шаҳри] бурдаларига тақлид қилиб адания деб атайдилар. Ал-Муродий оқ лочинни васф қилиб [шундай] деган:

У сахийлик билан қичқирганда, бурданинг тепасига дурларни сочди деб гумон қиласан.

Райга хос [нарса]лардан мунайир<sup>40</sup> либослари, чиройли қайчилари, ажойиб тароқлари, таҳарруж<sup>41</sup> ва амлсий<sup>42</sup> номлари билан машҳур бўлган аноридир. Рай хирожига қўшиб султонга юз минг [ритл] анор ва минг ритл қуритилган шафтоли юборишар экан. У ернинг халқи туфайли Райни ҳажв қилиб [ёзилган] малиҳ [шеър]лардан Исмоил аш-Шоший<sup>43</sup> сўзи:

Тангри ғазабидан ўзингни четга ол ва ҳеч кимга суянма. 112

Райда «бирорта кишим йўқ» деган номга эга бўладиган ҳеч ким йўқ.

Ҳикоя қилишларича, Абу Убода Собит ибн Яҳё ўз хоҳишлари ҳақида хаёл суриб, ал-Маъмун ҳузурига кириб борганда, ал-Маъмун [шундай] деган экан:

Хуросонликнинг ғурури, набатияликнинг кеккайиши, ҳузистонликнинг димоғдорлиги ва миршабнинг хонлиги

Сенда жамланган. Шундай экан, сен энг кўп хатоси бўлган райликсан.

Ас-Сулий дейди: [ал-Маъмун] «Сен райликсан» деган сўзини кўзда тутиб ва шунга асосланиб, [Убодани] ўғриларга нисбат берган, чунки [машҳур] ўғри ал-Ҳозиқ Райга нисбат берилади.

ТАБАРИСТОН. Айтишларича, у ернинг фазилатларига, яъни дарахтлари, кўкатлари ва сувига ундан бошқа [шаҳар] эга бўлмаган. У ерга хос нарсалардан лимон, либослар, дағал газламалардан тикилган рўмолча, кўйлақлар ва саллалардир. У ернинг хусусиятларидан яна [бири] у ерга дирҳамлар рўмолчалар сотиб олиш учун турли томонлардан [ёғилиб] келади, лекин у ердан олиб чиқиб кетилмайди.

113 ЖУРЖОН. Пасттекислик, тоғлик, чўл [ва] денгиз [ёнидаги] жойдир. Унинг аҳолиси ҳамма учун [табиат] тўхфаси бўлмиш райҳон, кўкатлар, саҳро гиёҳлари, мевалар, текис ер ғалласи ва тоғ ғалласи навларидан юздан ортиғини [етиштириш билан] машҳур бўлган. У ерлик фақир ва ғарибларнинг қийналганлари ана шу [ўсимлик]ларнинг илдизини суғириб олиш, йиғиш ва уларни сотиш билан кун кечирганлар. У [ўсимлик]лардан яна анор доналари, // қатуно<sup>44</sup> уруғи, найсу деб аталадиган мева ва мушк наргисидир. Лекин у [ер] меваларининг энг машҳури анжир ва унубдир. Унуб у [ерга] хос бўлиб, унга ўхшаши бошқа мамлакатларда бўлмайди. [Журжон] бозорида ёзда ҳам, қишда ҳам ҳўл сабзавотлардан бақлажон, бодринг, редиска, сабзи, Миср ловияси ва шакарқамиш учраб туради. Бутун қиш давомида у ерда эчки боласи, қўзи, хушбўй ўсимликлардан лола ва гулхайри, бинафша, наргис, лимон ва апельсинга муҳтож бўлинмайди. Журжонликлар балиқ, сув қушлари, даррож ва қирғовул овлайдилар. Журжон аҳолиси тозалик, зарифлик, мардлик, сахийлик, яхши ҳаёт кечириш ва қарамликда ироқликлар кабидир. Бу [шаҳар]ни кичик Бағдод деб атайдилар, лекин у ерга вабо теккан, иссиқ бўлиб, ҳавоси бир кунда бир неча марта ўзгариб, намлигининг кўплиги мусофирларни ўлдирувчидир. Журжонни Хуросон аҳлининг қабристонини дейдилар. Баъзи бир қадимги китобларда «Хуросонда Журжон деган шаҳар бор, у ерда одамларнинг умрлари қисқа бўлади» [дейилган]. Абу Туроб ан-Найсобурий [шундай] деган: «Мамлакатлар фаришталар орасида тақсим этилганда, Журжон у ерда ўлимнинг кўплиги туфайли Абу Яҳё, яъни ўлим фариштасининг улушига тушган экан. Ҳавосининг ҳаддан зиёд ўзгариб туриши ҳақида ушбу китоб муаллифи [шундай] деган:

Мен учун Журжонда қанчадан-қанча бемаъни кунлар бўлмадимми? Унинг хулқидан таажжубланиб кўлдим.

Ҳавосининг ўзгариб туришидан жоним учун қайғураман, йиғит учун тангри ҳукмидан қочиш [йўли] йўқ.

Қор ва иссиқ билан алмашиб турадиган, кейин олов бўлиб ёнадиган расво куннинг яхшилиги бўлмайди.

114 У [кун]нинг бошланиши пўстин [иссиғи] ва ёлвираб турган чўғ учун, охири эса қор ва чодирлар тикиш [учун]дир. Ал-Маъмун Хуросондан Ироққа қайтаётиб Журжон орқали юрганда, у ерда бир ойга яқин тўхтовсиз жала қуйибди, токи ал-

Маъмунининг диққати ошиб, жаҳл билан дебди: «Бу челақдан [сув қуяётган] жойдан чиқиб кетинглар». Журжоннинг ўзига хос [нарсаларидан қора кийимлари, йиғлари, нозик ва чиройдиллиги билан аъло даражали ҳисобланган шалдираб турадиган кўйлақларидир, [бу кўйлақлар] Найсобурда шухрат қозонган.

**НАЙСОБУР [НИШОПУР].** Айтишларича, Собур исми билан қайд қилинган шаҳарларнинг ҳаммаси машҳур ва нафисдир, масалан, Форсдаги Собур<sup>45</sup>, Аҳводдаги Жундийсобур<sup>46</sup>, Ҳиндистондаги Фурсобур ва ниҳоят Найсобурки, бу Хуросоннинг киндиги ва [пешонасидаги] ғуррадир. Ал-Маъмуи айтар экан: «Шомнинг кўзи—Дамашқ, Румнинг кўзи — Қўстантана, ал-Жазиранинг кўзи — ар-Раққа, Ироқнинг кўзи — Бағдод, ал-Жиболнинг кўзи — Исфаҳон, Хуросоннинг кўзи—Найсобур ва Мовароуннаҳрнинг кўзи—Самарқанддир». Амр ибн Лайс деган экан: «Гиёҳи рибос<sup>47</sup> бўлган, тупроғи — нуқл ва тоши — фируза [бўлган] шаҳарга қарши жанг қилмайман». «Нуқл» [дейиш] билан унга ўхшаши ер юзнда бўлмаган гилватани кўзда тутилади. У Найсобур Завзанидан // узоқ 115 шаҳарлар ва уларнинг чекка ўлкаларига олиб кетилади ва уни подшоҳ ҳамда бошлиқларга туҳфа қилишади. Баъзан унинг бир ритлини Миср ва Мағриб шаҳарларида бир динорга сотадилар. Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий унинг фойдали [томон]ларини зикр қилиш учун латиф бир китоб тузди. Абу Толиб<sup>48</sup> уни тавсифлаб [шундай] деган:

Менга нуқлни тақдим эт, у шундай [нарсалар]ки, биз ундан яратилганмиз ва унга қайтиб борамиз.

У кўзга ташланганда, худди хушбўй кофурнинг тошларига ўхшайди<sup>49</sup>.

Фирузага келсак, у Найсобурдан бошқа жойда бўлмайди. Баъзан ундан ишланган узук кўзининг қиймати // агар унинг вази бир мисқолдан<sup>50</sup> ортиқ бўлса, яшил ва ширбомия<sup>51</sup> барги [рангини] олган бўлса, эговни қайтариб юборса ва иссиқ сувда ўзгармаса — икки динордан ҳам ортиқ туради. Унинг яхши [томон]ларидан бири шуки, унинг номида нима бўлса, яхшилик аломатидир ва унинг мавқеи подшоҳлар ва буюк кишилар ҳузурда яхшидир, чунки у ўзида яхши манзарани жамлаган. Одамларнинг энг афзаллари яхши деб аталган нарсагина яхшилик аломатининг мақталгани бўла олади. Айтишларича, унда назар ташлаганда қалбни бақувват қилиш хусусияти бор [эмиш], худди ёқутда руҳни шод этиш хусусияти бўлгани каби. Найсобур фирузаси Сарандиб<sup>52</sup> ёқути, Уммон марвариди, Миср забаржади, Яман ақиқи, Балҳ бажожийси<sup>53</sup> ва Бадахшон<sup>54</sup> лаъли қатори нафис жавоҳирлардан ҳисобланади. Исмоил ибн Аҳмад ас-Сомоний Нишопурга кириб келганда, уни жуда яхши [шаҳар] деб мақтаб, [шундай] деган экан:

«Агар унинг иккита айби бўлмаса, қандай машҳур шаҳар бўларди». У [шаҳар] ери остидаги сувининг юзага чиқиб қолишини ва унинг [ери] юзасидаги қарияларининг ери остида бўлишларини хоҳлаган эди. Найсобурнинг ўзига хос [нарсала]ридан: ҳафийя<sup>55</sup> либослари, асирийя<sup>56</sup>, тохтаж, рохтаж<sup>57</sup> ва пишиқ рўмолларидир. Хулла, йўллик товланадиган ипак матолари ва сақлатунларига<sup>58</sup> келсак, буларда [Нишопур] билан фақат Бағдод ва Исфаҳон тенглаша олади. Собирий<sup>59</sup> бу ҳамма кийимлардан нафис, мулойимдир. Унинг асли Найсобурга нисбат берилиб, арабчалаштирилган ва собирий деб аталган. Тоҳирийлардан<sup>60</sup> бирига тегишли [байт]-ни келтираман:

Ер юзиде Найсобур каби чиройли шаҳар йўқ, парвардигор мағфират этувчидир.

У ерда яшаган [шоир] ал-Муродий<sup>61</sup> [қуйидаги] сўзида унинг аҳолисидан шикоят қилган:

Нишопурнинг султони билан боғлайдиган воситанг бўлмаса, у ерда мусофир сифатида тўхтай кўрма.

117

У ерда на бир фойдали одоб, на арзирлик фазилат ва на инсонга нисбатан ҳурмат йўқ.

Яна унинг сўзи:

Ал-Муродий [сизларга] шубҳали бўлмаган сўзни айтди, ақлли кишидан чиққан насиҳат қабул этилиши керак-да:

Мусофир сифатида Нишопурда тўхтай кўрма, ҳақиқатан ғариб [киши] Нишопурда эътиборсиздир<sup>62</sup>.

ТУС. Унга хос нарсалардан бири шуки, Али ибн Мусо ар-Ризонинг шаҳид [бўлиб қўйилган] қабри ўша ерда. Шоирлардан бири у [шаҳар] ҳақида [шундай] деган:

Эй Тус замини, тангри сенга ўз раҳматини ёғдирсин, Эй Тус, қандай яхшиликларни ўзингда қамраб олгансан.

Сенинг ерларинг дунёда ёқимли бўлсин ва уни Синободда дафн этилган доно бир шахс<sup>63</sup> зийнатласин.

Эй қабр, сен [шундай] қабрсанки, уни илм, донолик, поклик ва муқаддаслик фахр билан қамраб олган.

Сен унинг жасади билан бахтлисан ва у [жасад] мўътабар малоикалар томонидан муҳофаза этилган.

118 Туснинг қандайдир кекса кишисидан [шундай] деганини эшитганман: «Ҳорун ар-Рашид // одамлар ар-Рашид деб тушунган қабрда, ар-Ризо эса одамлар ар-Рашид деб тушунган қабрда». Бу икки [фикр] бир-бирига яқин ва бу ал-Маъмуннинг тадбирларидан, тангри энг донодир. Тусга хос [нарсалардан] қора маржон бўлиб, у ердан бошқа ерда бўлмайди ва уни бутун дунёга олиб кетадилар. Яна унга хос нарсалардан оқ тош [бўлиб], ундан қозон, това ва манқол ясайдилар. Ундан яна шишадан олинадиган қадаҳ ва кўзалари каби ҳамма нарсалар ясалади. Абу Жаъфар

Муҳаммад ибн Мусо ал-Мусавий ат-Тусийнинг<sup>64</sup> [шундай] деганини эшитгандим: «Абу Мансур Муҳаммад ибн Абдурраззоқ<sup>65</sup> дер эди: «Буюк тангри Тус аҳолисига тошни мулойим қилиб қўйди, Довуд алайҳиссаломга темирни мулойим қилиб қўйгани каби».

ҲИРОТ. Абу Бакр ал-Хоразмийнинг [шундай] деганини эшитгандим: «Ҳирот аҳолисига фақат учта мақбара туфайлигина хасад қиламан, улар орасида Абдуллоҳ ибн Муовния ибн Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Абу Толиб<sup>66</sup> [борлигига], улар учун кишмиш шаробини олиннишига ва улар орасида Абу-л-Қосим ад-Довудий<sup>67</sup> оромгоҳининг [борлигига]». У [ер] аҳолисидан бўлмиш ас-Сомий деган шоир [шеърини] менга айтиб беришганди.

Ҳирот фаровонлиги кенгу мўл замин, унинг ўсимликлари луффоҳ<sup>68</sup> ва нарғисдир.

Бирор киши йўқки, у ердан бошқа [шаҳар]га қоққуруқ бўлиб чиқиб кетмаган бўлса. 119

Ҳиротга хос [нарса]лардан кишмиш ва тоифий майзидир, булар [дунёнинг] у чеккасидан бу чеккасигача олиб кетилади. Ал-Маъмуний тоифий майизи тавсифидаги [шу шеърини] менга айтиб берганди:

Майиздан [олинган] тоифий [шароби]ни аралаштирилганда, ичувчилар ҳам [унга] аралашиб кетади.

Идиш ичида у асал билан тўлдирилган ёқут идишларга ўхшайди<sup>69</sup>.

Яна Ҳиротга хос [нарса]лардан унинг буюмлари, улар Миср ва Абисқунийяниқидан яхшироқдир. Ҳиротдан турли томонларга юпка қоплар, йиғлар, шойилар ва мис олиб кетилади.

МАРВ. Айтишларича, уни Зулқарнайн<sup>70</sup> бино қилган экан. Пайғамбар Узайр у ерда ибодат қилган экан. То Абдуллоҳ ибн Тоҳир у ердан Найсобурга [тахтни] кўчириб, уни ўзининг қароргоҳи қилгунга қадар, Марв Хуросондаги ислом ҳукмдорларининг қароргоҳи бўлиб келди. Араблар Хуросондан келтирилган ҳамма қалли либосларни Марвники деб атардилар, у ердан олиб келинган ҳамма юпка либосларни эса «Шоҳжаҳоний» деб атардилар. Чунки Марв улар наздида Хуросоннинг онаси ва уни Шоҳжаҳон деб атаганлар. То ҳозирги кунга қадар юпка либосга [қўйилган] Шоҳжаҳон исми сақланиб келмоқда. Марвга хос нарсалардан [бири] // мулҳам<sup>71</sup> кийимидир. Бир кун менга Абу-л-Фатҳ ал-Бустий ал-Котиб<sup>72</sup> [шундай] деганди: «Номининг аввали «мим» [ҳарфи] бўлган ундан ҳадия сифатида бошқа мамлакатларга олиб кетиладиган тўртта нарсанинг ҳаммаси исмининг аввали ҳам «мим» [бўлган] шаҳрни биласанми?» Унда дедим: «Бирдан [жавоб бериш] бўлса, билмайман, лекин эҳтимол фикр қилиб ва эслаб кўрарман». «Бу Марв, у ердан мулҳам, мулаббан<sup>73</sup>, муррий<sup>74</sup> ва микнаса [супурги] олиб кетилади. Марв ҳақида эшитганим энг яхши нарса қайсидир котиб шоирнинг [шеъридир]:

Ажойиб шаҳар, сувлари зилол, хушбўй ҳидининг кўплиги эса абирни босиб тушади.

Агар одам уни ташлаб кетишга қарор қилса, у ўз номи билан у [одам]ни кетишдан қайтариб қолади<sup>75</sup>.

121 БАЛХ. Хуросоннинг она шаҳарларидан бири Балхдир. Хуросоннинг она шаҳарлари тўртта: Найсобур, Марв, Ҳирот ва Балх. Балх муқаддас шаҳарлардан ва подшоҳлик жиҳатдан уларнинг энг илғорларидан. Айтишларича, Балхда Ироққа, Хуросон ва Ҳиндистонга ўхшашлик бор, Амударё унга нисбат берилиб, Балх дарёси деб аталади. Шаҳид ибн ал-Ҳусайн<sup>76</sup> айтган эди: «Ёзда Балхда яшаш худди унинг тасҳифи кабидир»<sup>77</sup>. Яҳё ибн Муозар-Розийнинг<sup>78</sup>, тағри уни раҳмат қилсин, // Балхдан Хутталга<sup>79</sup> чиқиб кетгандаги [шеърини] менга айтиб беришганди:

Эрталаб Балх аҳолисидан [ажраб] Балхга қарши томонга йўл олдик, унда яшовчилар саломат бўлсин.

[У ерда] турдик, қандай хурсандлик ва яхшилик билан яшадик, улар ҳақиқатан карамли кишилардир.

Агар бирор қавм ерида [ўзингга] қароргоҳ ахтарсанг, сенга энг яхши қароргоҳ фақат Балхдир.

Унга хос [нарса]лардан ёқут, нилуфар, совун ва эслаёлмаётганим улардан ҳам кўп нарсалардир.

БУСТ. Айтишларича, унинг ҳавоси Ироқ ҳавоси каби, суви Фурот суви кабидир. Шаҳарлар ҳақида тарқалиб кетган яхши нарсаларни жамладим. Мендан дўстларимдан бири Буст ҳақида сўраган эди, жавоб бердим: «Унинг сифати унинг тасниясини, яъни Бўстондир»<sup>80</sup>. Кейин амир қўшин бошлиғи Абу-л-Музаффар Наср ибн Носируддинга<sup>81</sup> қисса ва лафзини зикр қилдим. У бунга ва у [шаҳар] зикрининг кўпчилигига ажабланди. Абу-л-Фатҳ ал-Бустий ал-Котибнинг [шундай] деганини эшитганман: «Абу Наср ал-Муқаддасий<sup>82</sup> айтган экан: «Биз қўлга киритган шаҳарларимиз орасида Буст каби чиройли, ёқимли, озиқ-овқат, хурмо, райҳон ва бўстонларда [ўсувчи] гилёҳлари ҳаддан зиёд бўлган [шаҳарни] кўрмадим ва шундай бир тўғри фикрни ҳаёлимга келтирдим: агарким у ерда мағфират билан ўлса, фақат бир жаннатдан бошқа жаннатга ўтган бўлади, холос. Унга хос [нарса]лардан нок [бўлиб], унга ўхшаши мамлакатлардан бирортасида учрамайди. [Бошқа] ўлкаларга хос бўлган меваларнинг нафислари ҳақида ҳам ҳикоя қилинган, китоб охирида [ўша] жой билан бирга бу ҳақда маълумот берамиз. Анжирга келсак, уни Сижистонга хос дейдилар, лекин Бустники авлороқдир. Бу ҳам унга хос [нарса]лардан [бўлиб], Хуросон шаҳарларига ва бошқа [ерлар]га олиб кетилади. Бустнинг энг фахрли нарсаси унинг шон-шарафлигидир, чунки у замонанинг яғонаси, асрининг тожи, дунёнинг нуктадони, энг буюкларнинг гурусси ва донолар қуёши ас-Соҳибни етиштириб чиқарди. Бизга [шундай] зикр қилинган:

Бир шаҳрики, сен унинг қўлидан ушлаб олган бўлсанг ва у сени осмони осмонига даъват этса, ажабланарли эмас.

122 Ушбу китоб муаллифи бу шарафли ва юксак шаҳар тавсифи ҳақида байтлар [тўқиган], улардан:

Сахийликни ниҳоят севдим, у сенинг табъинг ва Буст тупроғини ўпдим, бу сенинг баҳорги манзилинг.

Бу замонга менинг ҳосилимни хоҳламайди, чунки мен одобликда сенинг сочган уруғингман.

ҒАЗНА. Ҳавонинг софлиги, тупроқнинг яхшилиги ва сувнинг ширинлиги бу [шаҳар]га хосдир. У шимолий тоғли [шаҳар], у ерда умр узоқ ва касаллик кам. Унда олтин унадию илон, чаён ва азият берадиган ҳашаротлар туғилмайдиган бир заминни хаёлингга келтирмаганмисан? Бу заминнинг энг яхшиси ва энг тозасидир. Унга хос [нарсалардан] одамларнинг энг кучли ва энг жасурининг етишиб чиқишидир. Абу Муслим Абу Довудга<sup>83</sup>: «Менга Зобулистон<sup>84</sup> кишиларидан, Тахористон<sup>85</sup> отидан, Ғазна фозилларининг энг шарафлиси ва энг яхши хислатлисидан юбор»,— деб ёзган экан. У Султон Абу-л-Қосим Маҳмуд ибн Носируддиннинг<sup>86</sup> туғилган жойидир. Ушбу китоб муаллифи у ер ҳақида шундай дейди:

Эй ҳамма гўзалликни биз унда кўрадиганимиз ва атрофидан замонга бахт-саодати намоен бўлиб турадиган подшоҳлик қароргоҳи,

Агар у [қароргоҳ] ўз эгаси [подшоҳ] учун шошилиб Ғазна заминига тушиб қолса, у жаннат боғи [бўлади].

Журжон сардори Абу Саъд Муҳаммад ибн Мансурнинг [шундай] деганини эшитгандим: // «Ғазнадан бошқа ёзда ёқимли, баҳорда [унга] энг муносиб ва ҳашаротлардан пок шаҳарни кўрмаганман». У яна деганди: «Меваларининг озлиги унинг фазилатларидандир, чунки меванинг кўплиги касалликнинг кўпайишига сабаб бўлади. Ҳар вақт шаҳарда мевалар кам бўлса, у ерда касаллик ҳам кам бўлади». Яна у деганди: «Ғазнада унга ўхшагини [бошқа] мамлакатларда кўрмаганим тўртта нарсани кўрганман: амири олмаси, қайсики, уни жола деб атайдилар, рибос<sup>87</sup>, дўғбож<sup>88</sup>. Мана шулар Ғазнага хос нарсалардандир. Амири олмаси ҳақида ушбу китоб муаллифи шундай деган:

Ғазна олмаси ҳам фойдали, ҳам хушбўй, у шаҳду-шакар, райҳон ва май кабидир.

[Ғазна] суви ой сўлагини<sup>89</sup> эслатса, ёноғида доимо атиргул ва олма.

СИЖИСТОН. Унинг ҳақида осори [атиқа]лардан бирида қандайдир ўтиб кетган кишининг сўзида ривоят қилинишича, суви томчидай, меваси хурмоннинг энг ёмони, қароқчиси эса жасурдир. Агар у ерда қўшин озайиб қолса, инқирозга учрайди; кўпайиб кетса очдан ўлади. Амр ибн Лайс Форсдалик вақтида ал-Муваффақ<sup>90</sup> уни қидириб борганда [Амр] Қирмонга кетганди. Ал-Муваффақ унинг кетидан борди, Амр уни Сижистон томонга чалғитиб юборди. Ал-Муваффақ юришни Сижистон орқали ўтиб тугатмоқчи бўлганда, унга: «Қум ва заҳарли илонлар макони бўлган сувсиз саҳроларни кесиб ўтишга эҳтиёж нима?»,— дейишибди.

Ал-Муваффақ отнинг жиловини Ироққа бурибди, кейин Ибн

Абу-л-Асбағни<sup>91</sup> Амр билан [тўланадиган] маблағ масаласида сулҳ тузиш учун юборибди. Ҳикоя қилишларича, [Ибн Абу-л-Асбағ] Дажла сувидан саночларга тўлдириб ўзи билан олиб кетган экан. // У Сижистоннинг Ҳиндманд [дарёси] сувига етиб келганда, **124** унга [бу сув] жуда ширин татиб, ёқиб қолибди. Уни Дажла сувига солиштирган экан, улар орасида ширинлик роҳат бахш этишда ҳеч қандай фарқ сезмабди. Ўзи билан Дажладан олиб келган сувларни тўкиб юбориш ҳақида буйруқ бериб, дебди: «Бу сувда унга қараганда фойда кўпроқ». Абу Алн ал-Масиҳий ал-Қозий ал-Басрийнинг<sup>92</sup> [шу шеърини] менга Ҳозир ибн Муҳаммад ат-Тусий<sup>93</sup> айтиб берганди:

Менинг Сижистонда тўхташим бахтсизликлардан бири, у ерда туришим эса ажойиботларнинг ажойиби.

Сижистонда унинг чиройли наргиси ва хурмосидан бошқа ҳеч қандай фойдали нарса йўқ.

Шабиб ибн Шайба<sup>94</sup> Сижистон заҳарли илонларини тавсифлаб, [шундай] деган: «Уларнинг кичкинаси қилич бўлса, каттаси ўлимдир. Сижистон заҳарли илонлари Мисрнинг заҳарли қора илонлари, Аҳвознинг сариқ чаёни ва Шаҳразурнинг<sup>95</sup> чаёни қатори зикр қилинади. Унинг ҳунармандлари Юнон ҳақимлари, Ҳаррон заргарлари, Яман тўқувчилари, Савод<sup>96</sup> котиблари, Жундийсобур табиблари, Тарасус қароқчилари, турк мерганлари ва ҳинд афсунгарлари қатори зикр қилиниши ҳам худди шундай. Сижистонга хос [буюм]лардан тослар, бургутларга [осиладиган] қўнғироқчалар, тантаналарда чалинадиган ноғаралар ва [уйларга] солинадиган парчалардир.

**ҲИНДИСТОН.** Тавсифловчи Ҳиндистонни васф қилиб, [шундай] деган: «Денгизи дур, тоғи ёқут, дарахти уд,<sup>97</sup> [дарахтнинг] барги эса атирдир. Ҳиндистон уди [турли жойларга] нисбат берилган энг яхши хушбўй нарсалардан тибет мушки, Шихр<sup>98</sup> анбари кабилар қатори зикр қилинади, гўё Ибн Матрон аш-Шоший<sup>99</sup> алой<sup>100</sup> ҳада қилишни сўраб айтганидай:

Икки кафтинг менга кўк, тарам-тарам ва юмалоқ нарсани ҳада қилсин.

Уч мамлакат уни ўзида жамлади: Ҳиндистон, Турк [диёри] ва Ироқ<sup>101</sup>.

**125** Ҳиндистон мамлакати бошқа ерларда бўлмайдиган энг кўп ўзига хос [нарсаларга] эга бўлган диёрдир. Улардан фил, каркидон, йўлбарс, товус, тўти, курка, товуқ ва бизда каркар<sup>102</sup> ва шорик<sup>103</sup> деб аталадиган яна иккита қуш, қалампирмунчоқ, қизил ёқут, оқ сандал [дарахти], фил суяги, уд, тўғиё, сунбул, жавзабобо, бахмал либослар ва бошқалардир. Демак, у ерга хос нарсалар Румдагига нисбатан кўпроқдир. [Румда] парча, мастак дарахти смоласи, сақмунья, муҳр лойи, нозик шойи, буни базюн деб атайдилар ва турли-туман либослар навлари тайёрланади, холос.

**САМАРҚАНД.** Қутайба ибн Муслим у ерга яқинлашиб қолганда, кўзларни қамаштириб юборадиган ниҳоятда гўзал бир

манзарани кўриб, ёнидагиларга [шундай] деган экан: Уни [бирор нарсага] ўхшатишлар». Улар ҳеч нарса хаёлга келтиришолмабди. Шунда у деган экан: «У гўё мовий осмон, унинг қасрлари гўё порлаб турган юлдузлар ва анҳорлари худди Сомон йўлининг ўзидир». Бу ташбихни жуда яхши деб ҳисоблаб, унинг ҳақиқийлигига ажабландилар. Самарқанднинг ўзига хос [нарса]ларидан қоғоз [бўлиб], у Миср қоғозини ва авваллари хат ёзишган териларни орқада қолдириб кетади. Чунки [Самарқанд] қоғози энг яхши, энг нафис, энг мулойим ва энг қулайдир. У фақат шу ерда ва Хитойдагина бўлади. «Йўллар ва мамлакатлар китоби»нинг муаллифи<sup>104</sup> зикр қилишича, Зиёд ибн Солиҳ Хитойдан асир олганлар орасида қоғозларни ясайдиган бир киши Самарқандга келиб қолади<sup>105</sup>. Сўнгра Самарқандда [қоғоз] санъати кўпайиб ва [ишлаш] одати зўрайиб кетади. Ҳатто Самарқанд аҳли учун у савдо маҳсулоти бўлиб қолади. Унинг хайрлиги умумий тус олиб, у [қоғоз]дан дунёнинг ҳамма томонларида фойдаланадиган бўлишди. Самарқандга хос [нарса]лардан новшадил, тикилган либослар, симоб, фундуқ ва қулларидир. Тоғир ибн Абдуллоҳ ибн Тоҳир бир вақт ўз вакилларига имзо чекилган [шундай] фармонни чиқарган экан: «Агар Таҳористоннинг саман оти, // Бардаанинг хахири, Миср эшаги ва Самарқанд қулини учратсангиз, бу ҳақда бизнинг раъйимизни сўраб ўтирмай, сотиб олаверинг».

127

**ХИТОЙ.** Араблар айтарди: Идиш ва шунга ўхшашларнинг ҳар бир ноёб учрайдиганида Хитой санъати [мавжуд], ноёб нарсалар Хитойга хосдир. Бу ном ҳозирги вақтгача машҳур чинни идишларга нисбатан сақланиб келмоқда. Қадимдан ҳам, ҳозирги кунда ҳам ноёб ва малиҳ [нарса]лар ишлашда қўл санъати ва моҳирлик Хитой аҳолисига хосдир. Улар: «Дунё аҳолисининг биздан бошқа ҳаммаси кўрдир, бундан Бобил аҳолиси мустаъно»,— дейдилар. Уларнинг кўзлари кўр, лекин ҳайкалларни талошда жуда фаройиб, нақш ва тасвирлар ишлашда жуда бадийдир. Агар уларнинг рассомлари инсон тасвирини чизса, унда жондан бошқа ҳеч нарсани қолдирмайди. Кейин бунга кўнгли тўлмай, уни кулиб турган қилиб чизади, сўнг бунга ҳам кўнгли тўлмай, уни кулиб, жаҳлланиб ва хижолатдан кулиб турган, табассум қилиб ва ўринсиз кулиб турган, хурсандликдан кулиб ва мазаҳ қилиб кулиб турган ҳолда тасвирлайди. Шундай қилиб, сурат устига сурат ва сурат устига сурат тахлаб қўйилади. Уларнинг юлқа сопол идишлари бўлиб, унда овқат тайёрланади. Ундан биттаси бир марта қозон вазифасини ўтаса, иккинчи марта това бўлади ва бошқаси товоқ сифатида ишлатилади. Хитой идишларининг энг яхшиси нозик, мусаффо, овози жарангли мишмиший [ўрик рангли] деганидир. Кейин худди шу тавсифдаги забадий<sup>106</sup> деганидир. Уларда яна энг яхши шамшир ва [бошқа томонларда] учратилмайдиган ичига суратлар яширилган ипак ҳарирлар бўлиб, буни камжор деб атайдилар. Уларда яна сув ўтмайдиган // 128  
плашлар ҳам бўлиб, ҳар қанча ёмғир ёғса ҳам, ҳўл бўлмайди. Уларда қора катта рўмоллар бўлиб, агар кирланиб кетса, ўтга

ташлайдилар, у тоза бўлиб чиқади ва ҳеч қаери куймайди. Хитойликлар тайёрлаган темирдан кўзгу, тумор ва бошқалар ясалади. Кўпинчи уни вазни ундаи бир неча марта ортиқ кумушга сотиб олинади. Уларда мўйнаси энг нафис кулранг формоний олмахони ҳам [машҳурдур]. Уларда яна намат [машҳур бўлиб], Мағриб наматларида ҳам афзалдир. Ал-Жоҳиз «Савдогарчиликни яхши билиш» китобида зикр қилади: «Энг яхши намат Хитойникидир, кейин Мағрибнинг қизил, сўнг Толиқоннинг<sup>107</sup> оқ [наматидир]». Бошқаларнинг зикр қилишича, энг яхши жун Миср жуни, сўнг Арманистон жуни, кейин Такрит<sup>108</sup> жуни, сўнгра Руён<sup>109</sup> жунидир.

**ТУРК ДИЁРИ.** Турк диёри унга хос нарсаларнинг кўплиги жиҳатидан Ҳиндистон диёри билан бир хилдир. [Ундай нарсалардан] мушк, соболь, олмахон, оқсусар, фанак<sup>110</sup>, қора тулки, оқ қувён, хутув<sup>111</sup>, оқ терак, яшим<sup>112</sup>, оқ лочин, от, қул, оҳу боласи, унинг сочидан ва думидан еллуғич ва пашша ҳайдайдиган асбобнинг дастаси ясалади. Турк диёрининг Тибет<sup>113</sup> [ўлкасига] келсак, унга машҳур жавҳар ва карамли бир эзгулик хосдир. Жавҳарга келсак, у олтиннинг бир [тури] бўлиб, ўша ерда битади ва у ерда жуда кўп. Эзгуликка келсак, ким у ерда истиқомат қилса, уни бир хурсандлик қоплаб олади, бунинг сабабини у ҳеч билолмайди. У то у ердан чиқиб кетгунга қадар хурсанд бўлиб, кулишдан тўхтамайди.

129

**ХОРАЗМ.** // Уз муносабати, хусусиятлари ва савдо-сотиғи жиҳатидан Турк диёрига яқин туради. У ердан қул, қўйлар, мўйна, айниқса, қизил ва қора тулки [мўйналари], ажойиб ёйлар, тузланган балиқлар, раҳқин,<sup>114</sup> бу Марвнинг муррийси кабилар олиб кетилади. Хоразмга хос [нарса]лардан у ерда боранж номи билан юритиладиган қовундир. Айтишларича, у қовунларнинг энг ширини ва яхшисидир. Уни қўрғошин қолипларда музга ўраб авваллари [халифа] ал-Маъмунга, кейин эса ал-Восиққа олиб боришган. Агар яхши сақланиб етиб келса, бир донаси етти юз дирҳам турар экан. Унга хос [нарса]лардан яна Кирбос,<sup>115</sup> уни оранж деб атайдилар. Зикр қилинишича, ундаи амирлар учун [ишланган] кийимлар Найсобурнинг ҳафийсидан,<sup>116</sup> Райннинг мунайиридан,<sup>117</sup> Журжоннинг хашшошийсидан<sup>118</sup> ва Мисрнинг дабиқийсидан<sup>119</sup> кам бўлмаган. Хоразм тангрининг энг совуқ жойларидан биридир. Ҳатто у ерда қишда Амударё музлайди ва унинг тепасидан фил, карвонлар ва аскарлар ўтади. У қирқ кундан икки ойгача музлаган ҳолда қолади. Хоразмшоҳ Маъмун иби Маъмун ушбу китоб муаллифидан у ер кишининг қаттиқлиги ҳақида сўз айтишни сўраган эди, у шундай деди:

Худо ҳақи, агар Хоразмнинг совуғи қутуриб тишласа, баданларимиз момақалдироққа ўралиб қолади.

Қуёш юзи беркитилган, шамол эса [бадандан] қон чиқариб юборади, одамларнинг терилари сабр ва тоқатни йўқотган. Сув тошга айланган, ит инига кириб кетган, қиш қаттиқ совуқ ва изғиринни ҳайдаб келмоқда.

Агар севган маъшуқни ўладиган бўлсанг, оғзинг унинг оғзида музлаб қолганини кўрардим.

Абу-л-Ҳасан ал-Лаҳҳомнинг<sup>120</sup> Хоразм аҳли ҳақидаги [шеър]: 130  
Хоразм аҳли Одам [ато] авлодларидан эмас, худо ҳақи,  
улар ҳайвоннинг ўзи.

Уларни бошлари, тили, сифат ва кийимига ўхшашни олам-  
да кўрганмисан?

Агар отамиз Одам уларни болам деб қабул этса, отамиз  
Одамдан мен воз кечаман<sup>121</sup>.

## [ЎН БИРИНЧИ БОБ]

ДОНОЛИҚ БИЛАН АЙТИЛГАН  
ИБОРАЛАР ВА ЕРҚИН ИФОДАЛАР

*Турли мамлакатлар зикри  
ҳақидаги [ривоятлар]*

[Ҳорун] ар-Рашид Антокияда тўх-  
ташни хоҳлаганда, у ернинг аҳолиси буни истамабди. Улардан кек-  
са бир киши унга дебди: «Эй мўъминлар амири, бу сенга [ҳос]  
шаҳарлардан эмас». — «Нима учун?» — дебди [ар-Рашид]. «Шу-  
нинг учунки, фахрли яхши [нарса] ўзгариб кетяпти, ҳатто унда  
фойдали бирор нарса йўқ. Агар шамшир ҳиндистонликнинг қин-  
дан чиқариши ва яманликнинг табиатига ҳос бўлса ҳам, у ерда  
занглаб қолади. Баъзан унинг ёмғири уланиб кетса, икки ой давом  
этади, у ерда булутсиз бир кунни кўрмайсан».

Абдулмалик ибн Солиҳ ал-Ҳошимийдан<sup>1</sup> ар-Рашид Манбиж<sup>2</sup>  
[шаҳри] ҳақида сўраганда, у [шундай] деган экан: «Ҳавоси яхши,  
суви мазали, касалликлар кам». — «Кечаси қанақа?» — дебди [ар-  
Рашид]. — «Кечанинг ҳаммаси тонгдан иборат», — жавоб берибди.

Ал-Жоҳиз ҳикоя қилади: «Ким Баҳрайнда бир муддат исти-  
қомат қилса, қора жигари кенгайиб, // қорни шишиб кетади». У 131  
ер аҳолисининг сўзига қараганда, у ерда хурмоннинг хомини сиқиб,  
май тайёрланса ва уни оқ кийимдаги киши ичса, ундан чиққан тер  
унинг кийимини худди қизил шойи кўйлакка ўхшатиб кўяр эмиш.

[Ал-Жоҳиз] яна [шундай] деган: «Кимки ёз кунлари ал-Масси-  
сда<sup>3</sup> рўза тутса, унинг сафроси кўзгалиб кетади ва шундай ис-  
сиқда [куйиш]дан у ер аҳолисининг кўпчилиги жинни бўлиб қо-  
лади».

У айтган: «Ироқ томондан занжилар<sup>4</sup> юртига қадам қўйган  
ҳар бир киши, токи у ерда яшаб турар экан, шубҳасиз, доимий  
қаттиқ ғазабга дучор бўлади. Кимки норжил<sup>5</sup> шаробидан кўп [ис-  
теъмол] қилса, бу унинг ақлини кетказди ва ҳатто у билан ақл-  
дан озганнинг орасида деярли ҳеч нарса қолмайди».

Абу Занбур ал-Модаройийнинг<sup>6</sup> ҳикоя қилишича, унинг Таба-  
риядаги Муняти Ҳишом номи билан машҳур бўлган ерида бир  
булоқ бўлиб, етти йил кетма-кет оқиб турган ва етти йил кетма-

кет тўхтаб қолган. Бу ном билан [ўша булоқ] ҳар вақт маълумдир.

Арманистон ва Озарбайжон бошлиқларидан баъзисининг ҳикоя қилишича, у ерда шундай бир жой бор экан, агар унинг аҳолиси минг жариб [ерга] экин экса, улар муҳтож бўлгани миқдориди сув оқиб келаркан ва уларнинг экинларини суғорар экан. Агар улар бундан озроқ экин экишса, шунинг миқдорича [сув] келиб, зиёд ҳам, кам ҳам бўлмас экан. Агар экин кўпайса, сув ҳам кўпаяр экан, камайса, камаяр экан, бунинг сабаби маълум эмас экан. Сув экилган экин эҳтиёжи миқдоридан ошиб кетмас ва ундан камаймас экан.

Ал-Қозий Абу-л-Ҳасан Али ибн Абдулазиз ал-Журжонийнинг<sup>7</sup> «Бошлиқлар ва машҳур кишилар китоби»да ўз хати билан ёзилганини ўқиганман, у шундай деган: «Абдуллоҳ ибн Тоҳир [ҳалифа] ал-Восиққа ёзишича, Тахористонда бир узумзор ер бўлиб, кечаси бир жойдан иккинчи жойга бир юзу йигирма газга кўчиб турар экан».

Абу-л-Фатҳ ал-Бустийнинг Самарқанд ҳақидаги [шеърини] менга айтиб беришган эди:

У дунёда одамлар учун жаннат [бор], бу дунёнинг жаннати эса Самарқанддир.

Эй Балх заминини унга тенглаштирган киши, ахир Абу Жаҳл тарвузи билан қандни тенглаштириб бўладими?

Абу Рабиъ ал-Балхий<sup>8</sup> [шеър]:

132

Шош ёзда жаннатдир ва ҳарорат азобидан сақловчидир.

Абу-л-Ҳасан Али ибн Аҳмад ал-Масисий ар-Ромий аш-Шоир<sup>9</sup> менга ҳикоя қилиб, [шундай] деган эди: «Шерозда Азудуддавла Фанно Хусрав ҳузурдаги дўстлик мажлисида Абу Али ал-Ҳоим<sup>10</sup> билан Абу Дулаф ал-Хазражий<sup>11</sup> ўртасида мутойиба, ҳазилкашлик, муҳозара ва музокара бўлиб турган экан, Абу Али Абу Дулафга дебди: «Тангри Шом вабосини, Хайбар<sup>12</sup> иситмасини, Баҳрайн талоқ яллиғланишини, ал-Ҳазира чипқонини, Даҳистон<sup>13</sup> ришта [касабини] сенга юборсин ва сени Форс куйдиргиси билан куйдирсин». Абу Дулаф унга дебди: «Эй мискин, Абу Лаҳаб ҳалок бўлсин деб ўқийсанми, қуруқ хурмони Ҳажарга<sup>14</sup> ташиб олиб борасанми ва миршабларга қора либос кийгизасанми?»<sup>15</sup> Аксинча, тангри сенга Миср заҳарли қора илонини, Сижистон заҳарли илонини, Шаҳрзур чаённи ва Аҳвоз сариқ чаённи юборсин. Менга эса Яман чакмонларини, Миср кимхобини, Рум шойисини, Суснинг ипакли матоларини, Хитой ипагини, Форс либосларини, Исфаҳон кийимларини, Бағдод сақлотунини, Убулла салласини, Тавваж<sup>16</sup> таввазийсини<sup>17</sup>, Рай мунаййирини, Найсобур этигини, Марв мулҳамини, Хархиз<sup>18</sup> олмахони терисини, Булғор соболини, хазарларнинг тулкиларини, Кошғар фанакини<sup>19</sup>, тағазғаз<sup>20</sup> оқусарини, Ҳирот ҳосилларини, Арманистон иштонбоқларини ва Қазвин пайпоқларини ёғдирсин; Арманистон гиламларини, Қолиқло зилолийсини<sup>21</sup>, Майсон<sup>22</sup> тўшақларини, Бағдод бўйраларини менга тўшасин; Румнинг бичилган турк ғуломларини, Бухоро чўрилари ва Самарқанднинг ёш қизларини менга хизматкор қилиб берсин;

олий навъ сахро отлари, Хижознинг<sup>23</sup> зотли туялари, Тахористоннинг саман отлари, Миср эшаклари ва Бардаа<sup>24</sup> хачирларини менга улов қилиб берсин; Шом олмаси, Ироқнинг янги хурмоси, Яман банани, Ҳиндистон ёнғоғи, Куфо лўяси, Аҳвоз шакари, Исфаҳон асали, Москон<sup>25</sup> ҳолваси, Қирмоннинг қуруқ хурмоси //, Арражон<sup>26</sup> 133  
шинниси, Ҳулвон<sup>27</sup> анжири, Бағдод узуми, Журжон унноби, Буст олхўриси, Рай анори, Ниҳованд<sup>28</sup> ноки, Найсобур беҳиси, Тус ўриги, Марв мулаббани ва Хоразм қовунини менга едирсин; Тибет мушки, Ҳиндистон уди, Шихр анбари, Фансур<sup>29</sup> кофури, Табаристон лимони, Басра нордон пўртаҳали, Журжон наргиси, Сирван<sup>30</sup> нилуфари, Жур атиргули, Бағдод мансури<sup>31</sup>, Қум заъфарони, Самарқанд райҳонини менга ҳидлатсин. Фанно Хусрав унинг сўзидан ажабланиб, Шарқ ва Ғарб шаҳарларига хос [нарса]лар ҳақидаги ахборотидан таажжубланиб: «Эй Абу Дулаф, подшоҳ подшоҳ билан суҳбатлашади»,— деди ва унга чопон ҳамда инъомлар [бериб юборишга] буюрди».

«Латиф ал-Маориф» китоби поёнига етди ва тугатилди.



# ИЗОҲЛАР



## [СЎЗ БОШИ]

1. Ас-Соҳиб Абу-л-Қосим ибн Аббод (936 й. атрофида туғилиб, 995 й. вафот этган) — Бувайҳийлар сулоласининг машҳур вазири. Кўпроқ ас-Соҳиб лақаби билан юритилади. Ҳзи адиб ва шоир бўлиши билан бирга саройига жуда кўп олим ва шоирларни тўплаб, уларга ҳомийлик қилган ва илм-фан тараққиёти йўлида замонасига нисбатан анчагина хизмат қилган. Саолибий «Иттиҳат ад-даҳр» тазкирасининг учинчи қисмида унга алоҳида боб ажратган («Иттиҳат ад-даҳр», III, 88—287-бетлар).

2. Фурут (Евфрат) — Арманистон тоғларидан бошланиб, Туркия, Сурия ва Ироқ территориясидан оқиб ўтайдиган йирик дарё.

3. Араб халқ мақоли.

4. Арабчада «синади» (панкасиру) ёзилган. «Латиф ал-маориф» бобларининг Саолибий сўз бошида кўрсатган номлари асарнинг ўзида берилгандан қисман фарқ қилади.

5. Ас-Саолибий ўзини айтаяпти.

## ИККИНЧИ БОБ

1. Ал-Мураққиш ал-Акбар Авф ибн Саъд ибн Молик — исломдан аввал яшаган араб шоири (ваф. 552). Ал-Мураққиш ал-Асғар (ваф. 560) номли ҳам шоир бўлган. Булар ошиқ ва маъшуклар ҳақидаги шеърларнинг қаҳрамонлари ҳам бўлишган (Крачковский, II, с. 661; Ханна аль-Фахури, I, с. 249).

2. Ал-Мураққишнинг бу байтидаги «чизиб қўйган» (раққаша) феъли сабабли «чизиб қўювчи» (ал-Мураққиш) лақаби берилган.

3. Ал-Мумаззиқ Шаъс ибн Наҳор ал-Абдий — исломдан аввал ўтган араб шоири.

4. Ал-Мумаззиқнинг бу шеъридаги «ёрилиб кетмайман» (ло умаззиқу) сўзи сабабли унга «ёрилиб кетувчи» (ал-Мумаззиқ) лақаби берилган.

5. Ал-Мухарриқ Аббод — исломдан олдин яшаган араб шоирларидан.

6. Бу байтдаги «йиртиб ташловчи» (муҳарриқ) сўзи туфайли шоирга ал-Мухарриқ лақаби берилган. «Мумаззиқ» ва «муҳарриқ» сўзларининг маъноси бирдир.

7. Ал-Муталламмис Жарир ибн Абдулмасиҳ аз-Зубаъий (ваф. 580) — араб шоири, келиб чиқиши Баҳрайдан, шоир Тарафа ибн ал-Абднинг (543—569) тоғаси. Унинг кўпчилик шеърлари ўзи ва қабиласини мақташ (фахр) ёки ҳажвлардан иборатдир (Ханна аль-Фахури, I, с. 149).

8. Байтдаги «суртилувчи, қўтир» (муталаммис) сўзи сабабли унга ал-Муталламмис лақаби берилган.

9. Ан-Набиға Абу Умома Зиёд ибн Муовия аз-Зубеъий (535—604 атрофи) — машҳур араб шоири, сарой адабиётининг VI аср иккинчи ярмидаги энг йирик вакили. Араб шеърлятида уни биринчи мадҳғўй шоир деб юртишади (қар. Ханна аль-Фахури, I, с. 101—120).

10. Бану-л-Қайн ибн Жавр — Араб яримороли жанубидаги араб қабиласи. Улар темирдан найза ва қилич ясаш ҳунари билан машғул бўлиб, Сурия ва Ироққа кўчиб кетишади. Христиан динида бўлиб, Муъта, Ярмук жангларида мусулмонларга қарши курашишган. Кейин исломни қабул этишган («Мунжид фи-л-адаб», 426-бет).

11. Байтдаги «бошланди, йўли очилди» (набоғат) феъли сабабли шоир «ан-Набиға» лақабланган.

12. Уфнун Сурайм ибн Маъшар ат-Тағлиби — қадимги араб шоирларидан.

13. Байтдаги «шоҳчадир» (уфнун) сўзи туфайли шоир Уфнун лақабланган.

14. Тааббата Шаррон Собит ибн Жобир (ваф. 530) — қайс қабиласидан бўлиб, машҳур араб қароқчи шоирларидан биридир. Қабиласидан қувилгандан кейин, ўзига душман бўлган кўчманчиларга ҳужум қилиш билан шуғулланган ва бадавий араблар ҳаётини тараннум этиб, ажойиб шеърлар ёзган (қар. Фильштинский, Арабская классическая литература, с. 28—29).

15. Мисрадаги «ёмонликни қўлтиқлаб олди» (тааббата шарран) сўзи сабабли шоир Тааббата Шарран лақабланган.

16. Аъсур Мунабих ибн Саъд — исломдан олдин яшаган араб шоирларидан.

17. Умайма — араб шоирлари шеърларида учрайдиган маҳбуб.
18. Байтдаги «асрлар» (аъсур) сўзи туфайли шоир Аъсур лақабланган.
19. Ал-Муставғир Умар ибн Рабиъа ибн Каъб — исломдан олдин ўтган араб шоирларидан.
20. Байтдаги «қайнеб тошиб кетгани» (вағир) сўзи туфайли шоир ал-Муставғир деб лақабланган.
21. Ал-Асър Марсад ибн Абу Ҳумрон ал-Жўъфий — исломдан олдин яшаган араб шоирларидан.
22. Байтдаги «олов ёқмаганман» (лам асару) сўзи туфайли шоир ал-Асър лақабини олган.
23. Матнда Умар ёзилган: бошқа нусхада Амр деб изоҳ берилган.
24. Тарафа Амр ибн Абд (543—569) — машҳур араб шоири, муаллоқа муаллифларидан (қар. Ханна аль-Фахури, 1, с. 82—92).
25. Байтдаги «тарк этилган» (мутарриф) сўзи туфайли шоир Тарафа лақабини олган.
26. Ал-Мусайяб Зуҳайр ибн Алас — исломгача яшаган араб шоири. Мунтақайёт деб аталувчи қасида муаллифларидан.
27. Байтдаги «ташлаб қўйилган [киши]га» (ли-л-мусайяб) сўзи сабабли шоир ал-Мусайяб лақабланган.
28. Увайф ал-Қавофий ибн Муовия ибн Уқба — исломгача яшаган араб шоирларидан.
29. Шеърдаги «қофиялар» (қавофи) сўзи учун шоир ал-Қавофий лақабланган.
30. Ал-Музаррид Язид ибн Зирор — исломнинг аввалларида яшаган араб шоирларидан.
31. Шаммоҳ аз-Зирор (вафоти 22/643) араб шоири. Машубот («қораланган», «булганган») номли қасида ёзган еттита шоирдан бири.
32. Байтдаги «ютувчи» (музаррид) сўзи сабабли шоир ал-Музаррид лақабланган.
33. Ал-Баъис Хидош ибн Башир — исломгача яшаган шоирлардан.
34. Шеърдаги «узоклашди» сўзи учун шоир ал-Баъис лақабланган.
35. Зу-р-Румма Ғайлон ибн Уқба ал-Адавий (77/696—117/735) — машҳур араб шоири, уржуза жанрида шеър ёзишда, айниқса, табиат маъзарасини тасвирлаганда машҳур бўлган (Ханна аль-Фахури, 1, с. 245).
36. Мисрадаги ип (румма) сўзи сабабли шоир Зу-р-Руммо лақабланган.
37. Жийрон ал-Авд ал-Муставрид ал-Уқайлий — исломгача яшаган араб шоирларидан.
38. Байтдаги «барака келиб» (жийрон ал-авд) сўзлари туфайли шоир Жийрон ал-Авд деб лақабланган.
39. Ал-Қутомий Амр ибн Шатим — исломгача яшаган араб шоирларидан.
40. Шеърдаги «бургут» (қутом) сўзи сабабли шоир ал-Қутомий лақабланган.
41. Мусо Шаҳавот Мавло Қурайш — умавийлар халифаси Язид ибн Муовия даврида яшаган араб шоири. Умавийларга қарши ёзилган ҳамма манбаларда халифа Язид поноклик ва исёнкорлик каби жиноятларда айбланади. Ибн Қутайбанинг «Китоб аш-ъёр» асарида ёзишича, шоир Муса Шаҳавот озарбайжонлик мавлолардан бўлиб, Мадинада яшаган ва шу ердаги тақводор гурӯҳ вакилларидан бўлган («Латонф», инглизча таржима, 54-бет, 20-изоҳ).
42. Язид ибн Муовия — умавийлар халифаси (60/680—64/683).
43. Байтдаги «шаҳватлар учун» (ли-ш-ша-ҳавот) сўзи сабабли шоир Мусо Шаҳавот лақабланган.
44. Ал-Ажжож Абдуллоҳ ибн Рўъба (ваф. 97/715) — араб шоири. Уржуза жанрини такомиллаштирган, уни шеърятнинг ҳамма жанрлари: васф, ғазал, мадҳ, фахр, ҳажв кэбиларда биринчи бўлиб қўллаган (Ханна аль-Фахури, 1, с. 242).
45. Арабча «ажъажа» феъли «й» харфи ўрнида «ж» талаффуз этишни билдиради, масалан «роъий» сўзини роъиж талаффуз этиш. Ана шу сўз учун шоир ал-Ажжож лақабланган.

46. Матнда Абдуллоҳ, изоҳда Убайдуллоҳ, бу шоир исми ҳақиқатан Убайдуллоҳ бўлган.

47. Руқайёт Убайдуллоҳ ибн Қайс (ваф. 75/694) — қурайш қабиласи шоири, унга Руқайя исмли қизни куйлагани учун ар-Руқайёт лақабини олган. Ҳазрат қабиласини мақтаган ва уни бирлашишга чақирган, умавийларни ёқтирмаган (қар. Ханна аль-Фахури, I, с. 239).

48. Ал-Ахзар ал-Фазл ибн ал-Аббос ибн Утба ибн Абу Лаҳаб — пайгамбар амакиси Абу Лаҳаб авлодидан бўлмиш шоир бўлса керак.

49. Қўнғир (ахзар) сўзи сабабли шоир ал-Ахзар лақабланган. Бу шеърда шоир ўзининг араб аждодлари билан фахрланиб, қўнғир (қорамтир) рангли бўлганини ҳақиқий араблар қонидан эканига нисбат бермоқда.

50. Онд ал-Калб Мусъаб ибн Абдуллоҳ аз-Зубайрий — қадимги араб шоирларидан.

51. Байтдаги «Итнинг касал бўлса эди, мен бориб кўрган бўлардим» жумласи туфайли «Онд ал-калб» («Итни кўрувчи, зиёрат қилувчи») лақабини олган.

52. Саръ ал-Ғавоний Муслим ибн ал-Валид ал-Ансорий (130/747—208/823) — араб шоири, Куфада туғилиб ўсиб, Журжонда вафот этган, кўпроқ ҳоким табақаларни мадҳ этган, айш-ишратни тараннум қилган (қар. Ханна аль-Фахури, I, с. 333).

53. «Ладай ал-Ғавоний сариъан» («Гўзаллар ҳузурда ақлдан оздирди») жумласи туфайли Саръ ал-Ғавоний лақабини олган.

54. Марвон ал-асғар ибн Яҳё ибн Марвон Абу-с-Симт Ғубор ал-Аскар — халифа ал-Мутаваккилни шоири бўлган. Унинг тўла номи ва қасидасидан парча кўйида келтирилган (49-бет).

55. «Аскарлар чангидан» (ғубор ал-аскар) сўзи туфайли шоир Ғубор ал-Аскар лақабини олган.

56. Муқаббил ар-Риҳ — қадимги араб шоирларидан.

57. Байтдаги «шамолни ўпган» (қаббала ар-риҳ) сўзи сабабли шоирга Муқаббил ар-Риҳ лақаби берилган.

## УЧИНЧИ БОБ

1. Марвон ибн ал-Ҳакам — умавийларнинг Яприк лашкарбониларидан. Жамал жангида Али билан жанг қилган, 684 й. Тоунда вафот этган.

2. Хайт ботил — бўш (керакисиз) ил.

3. Абдулмалик ибн Марвон — умавийлар халифаси (65/685—86/705).

4. Абу-з-зиббон — пашшалар отаси демакдир.

5. Рашъ ал-ҳажар — тошнинг тери демакдир. Тош резгилари демакдир. Асли «тош қатралари» бўлиши керак.

6. Абу Усмон Амр ибн Баҳр ал-Жоҳиз (ваф. 869) — машҳур араб ёзувчиси.

7. Латим аш-шайтон — шайтон унинг юзига урган, демакдир.

8. Амр ибн Савд ибн ал-Ос ал-Ашдақ — Макка ва Мадина ҳокими бўлган. Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр билан Миср ва Фаластинда жанг қилиб, Марвон халифалигига ёрдам берган. Кейин халифаликни эгаллаш учун интилганда Абдулмалик ибн Марвон уни 689 й. қатл этган («Мунжид фи-л-адаб», 258-бет).

9. Ваҳб ибн Мунаббих (646—733) — асли эронлик бўлиб, Яманининг аз-Зимор деган жойида туғилган. Турли халқлар ҳақидаги хабарларни яхши билш билан шўхрат қозонган.

10. Абдуллоҳ ибн Зубайр — Абу Бакр Сиддиқ қизи Асмоннинг ўғли. Африкага фатҳ этишда иштирок этган. Язд ибн Муовия ўлгандан кейин (685 й.) ал-Хажжон Маккани қўраб олади ва Абдуллоҳни ўлдиртиради.

11. Ажуз ал-Яман — Яманининг бурушган чоли.

12. Абдуллоҳ ибн Ҳомид ибн Усайд — шу ердаги маълумотга қараганда Абдуллоҳ ибн аз-Зубайрнинг яқин кишиларидан бўлган.

13. Умм Жамил — пайғамбар амакиси Абу Лаҳабнинг хотини, булар исломни қабул қилмаган.
14. Ал-Ҳорис ибн Абдуллоҳ ибн Абу Рабиъа — шу ердаги маълумотларга қараганда Басра ҳокими бўлган.
15. Микёл — 8 қадоқ ёки 16,5 литрга тенг ўлчов бирлиги.
16. Бану Муғира — араб қабилаларидан.
17. Марвонийлар — халифа Марвон I ибн ал-Ҳакам (684—685) тарафдорлари.
18. Зубайрийлар — Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр (685 й. ўлдирилган) тарафдорлари.
19. Абдуллоҳ ибн ал-Ҳорис ибн Нўвфал ибн Ҳорис ибн Абдулмутталиб — шу ердан маълум бўлишича, нуфузли кишилардан ва давлат арбобларидан бўлган.
20. Ал-Фараздақ Абу Фирос Ҳаммом ибн Ғолиб ибн Саъсаъ ад-Дорамий ат-Тамимий (20/641—114/732) — машҳур араб шоири.
21. Мўсъаб ибн Зубайр ибн Аввом — саҳобалардан аз-Зубайр ибн Аввоннинг (656 й. Жамал жангида ўлдирилган) ўғли.
22. Абдурахмон ибн Муҳаммад ибн ал-Ашъас — киндий қабиласи бошлиғи. Ал-Ҳажжож уни лашкар билан Сижистонга юборди. Абдурахмон ал-Ҳажжожга қарши 700 й. ғалаён кўтаради ва Кобулистон подшоши Ратбил билан шартнома тузади. Лекин у Дайр ал-Жаможам жангида енгилди, ўзини қалъанинг тепасидан ташлаб ўлади («Мунжид фи-л-адаб», 337-бет).
23. Ал-Ҳажжож ибн Юсуф (тахминан 661—714) — умавий халифалари Абдулмалик (685—705) ва ал-Валид (705—715) давридаги қўмондон ва Ироқ ҳокими.
24. Зилл аш-шайтон — шайтоннинг сояси демакдир.
25. Ал-Ҳонк ибн ал-Ҳонк — тикувчи ўғли тикувчи демакдир.
26. Қутайба ибн Муслим — Хуросон ва Урта Осиёни забт этиб, исломни тарқатган араб фотиҳ ва лашкарбошиси. Уз юришларида Қутайба кўп шаҳарларни вайрон этиб, маданий ёдгорликларни йўқ қилган. Қўшинда кўтарилган ғалаён натижасида 716 й. ўлдирилган.
27. Умар ибн Абдулазиз ибн Марвон — умавийлар халифаси Марвон I ал-Ҳакамнинг набираси, халифа Абдулмаликнинг биродари Абдулазизнинг ўғли. 24 ражаб 101/9 февраль 720 й. вафот этган.
28. Умар ибн ал-Хаттоб — «тўғри йўлдан борган халифалар»нинг иккинчиси (3/634—26/644).
29. Латим ал-Ҳимор — яғир эшак.
30. Язид ибн ал-Муҳаллаб ал-Аздий (672—720) — Хуросон ҳокими. Умавийларга қарши ғалаён кўтаради ва куч билан Восит шаҳрига кириб келади. Муслим ибн Абдулмалик билан бўлган жангда ўлдирилган («Мунжид фи-л-адаб», 547-бет).
31. Муслим ибн Абдулмалик ибн Марвон (ваф. 740 й.) — умавийлар саркардаларидан, Румни забт этиб, Константинополь қўлтиғигача етиб келади ва Арманистонни босиб олади («Мунжид фи-л-адаб», 498-бет).
32. Язид II ибн Абдулмалик — умавийлар халифаси (101/720—105/724).
33. Язиднинг музика, ашула ва баэм ишратга берилгани аббосийлар тарихига оид кўп манбаларда келтирилади. Буларнинг ҳаммасида Салома ва Ҳабоба ҳам тилга олинган. Ривоятларга қараганда, Язид Ҳабоба вафоти муносабати билан қайғу чекиб вафот этган эмиш («Арабский аноним», с. 210).
34. Валид II ибн Язид II — умавийлар халифаси (125/743—126/744).
35. Язид ибн ал-Валид II — умавийлар халифаси (126/744—126/744).
- 36., Асад ибн Абдуллоҳ ал-Қасрий — 106—109/724—727 ва 117—120/735—738 йиллари Хуросон ҳокими бўлган.
37. Халид ибн Абдуллоҳ ал-Қасрий — Ироқ ҳокими (724). Тинчликни сақлаш ва деҳқончилик билан шугулланувчиларни рағбатлантиришга савий қилади, жуда катта бойлик тўплайди. Дин ақидаларини қиёс қилувчилар уни ёқтирмайдилар, бошқа динларга хайрхолик билдириб, исломга фугур етказиш ва хазина молини ўзлаштириб олишда уни айблаб, мансабдан туширадилар, қамоққа ташлаб, азоблаб Куфада 743 й. қатл этадилар («Мунжид фи-л-адаб», 172-бет).

38. Ал-Ямома — Араб яриморали ўртасидаги мамлакат, чегараси аниқланмаган. Араб ривоятларида жуда кўп зикр қилинади. Исролдан аввал унда Бану жадис қабиласи яшаган («Мунжид фи-л-адаб», 575-бет).

39. «Муқаввим ан-ноқа» — «урғочи туяни баҳоловчи» демакдир.

40. Марвон ибн Муҳаммад ибн Марвоннинг халифалиги 127/744—132/750 йиллар.

41. Ҳимор — эшак.

42. Абу-д-Давониқ — («Дониқлар отаси») — «Дониқ кўллиги «давоник» — форсча ўлчов бирлиги бўлиб, дирҳамнинг олтидан бирига тенг. Аббосийлар халифаси ал-Мансур (136/754—158/775) бахил бўлиб, шундай майда пуллар ҳада қилгани учун шу лақабини олган. Кейин бу лақабдан қутулиш мақсадида миллионлаб дирҳам ҳада қилган.

43. Абу Жаъфар ал-Мансур Абдуллоҳ ибн Муҳаммад — аббосийлар халифаси (136/754—158/775).

44. Мусо ал-Ҳодий ибн ал-Маҳдий ибн ал-Мансур — аббосийлар халифаси (169/785—170/786).

45. Утружжа — лимоннинг бир тури, цитрон.

46. Шаҳм ал-ҳазин — қайғули семиз.

47. Каъб ал-бақар — молнинг тўпиги ёки товони.

48. Абдуллоҳ ибн ал-Муътаз (861—908) — машҳур араб шоир, адиб ва тилшунос. Аббосийлар халифаси ал-Муътазнинг (866—869) ўғли. Халифа ал-Муктафий (902—908) вафотидан кейин Ибн ал-Муътаз халифаликка кўтарилади, лекин шу куннинг ўзидаёқ кечаси қатл этилади. Шунинг учун у «бир кунлик халифа» деб юритилди. Ибн ал-Муътаз «Китоб ал-адаб» («Адаб ҳақида китоб»), «Фусул ат-тамсин фи табошир ас-сурур» («Хурсандлик тонги [май] ҳақида ўхшатишлар турлари») — асари «Май ҳақида китоб» номи билан юритилади ва «Китоб ал-бадиъ» («Янги услуб ҳақида китоб») асарлари муаллифидир. Булардан «Китоб ал-бадиъ» машҳур асар бўлиб, араб шеър санъатини ўрганишда жуда катта аҳамиятга эга. Бу асарлар танқидий матни, рус тилига таржимаси, изоҳ ва тўла тадқиқотлари билан И. Ю. Крачковский томонидан нашр этилган (қар. Крачковский, Ибн ал-Муътаз).

49. Ал-Муктафий — аббосийлар халифаси (289/902—295/908).

50. Карб ал-даво — даво қайғуси.

51. Арақ ал-мавт — ажал тери.

52. Жарода — чигиртка.

53. Ибн Бассом Али ибн Муҳаммад ибн Наср (ваф. 914) — араб шоири.

54. Абу-л-Аббос Муҳаммад ибн Язид ал-Мубаррад (826—898) — машҳур араб адиби ва тилшуноси.

55. Мубаррад — совутилган, музлатилган.

56. Бу байт юқорда матнда 32-бетда ҳам келтирилган эди.

57. Ал-Мугаваккил — аббосийлар халифаси (232/847—247/861).

58. ал-Муътаз Абу Абдуллоҳ аз-Зубайр ибн Жаъфар — аббосийлар халифаси (252/866—255/869).

59. Абу Нувос Ҳасан ибн Ҳоний (145/762—198/813) — машҳур араб шоири.

60. Самиж — кўримсиз, балбашара.

61. Сазоб ёки садаб — газак ўти.

62. Ал-Варроқ Фаням (ваф. 913) — араб наҳвшуносларидан.

63. «Сен борсан» дегани ал-Мубаррад («яъна, муздай нарса, яъни яхна гўшт) бор дегани, «сенинг устингда менман» дегани эса ал-Мубаррад устида сазоб (яъни газак ўти) бор деганидир.

64. Нифтавайҳ Абу Абдуллоҳ Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Арафа ан-Наҳвий (859 атрофи — 937) — араб наҳвшунос ва адиби. Воситда туғилди, Бағдодда яшаган («Мунжид фи-л-адаб», 536-бет).

65. Сибавайҳ Амр ибн Усмон (вафоти — 770) — машҳур араб наҳвшунос олими.

66. Бу ерда шоир сўз ўйини ишлатиб, «вайҳ» келиши унга «вайҳ» — ғам-қайғу бўларди, деяпти.

67. Агар «нифтавайҳ» сўзининг ярни олиб ташланса, «вайҳ» қолади. Бу ифво қилиш, васваса солиш, галамслик, ғам-ғусса маъноларига эга.

68. Ибн ал-Амид Абу-л-Фазл Муҳаммад ибн ал-Хусайн (ваф. 360/970 й.) бувайҳийлар вазири ва шоир.

69. Мабрамон — нахвшунос (грамматик) олим Абу Бакр ал-Азалий лақаби («Қомус Фирузободий», 4-ж., 80-бет). Инглизча таржима изоҳида бу олим номи Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ал-Аскарий (ваф. 345/956—957) деб кўрсатилган ва Ғошунинг «Иршод ал-ариб» (VII, 42—43) асарига ишора қилинган. «Мабрамон» сўзини эса эҳтимол, у араб жонли тилидаги «барам» (беҳуда сўзловчи, ғийбатчи) сўздан бўлса керак, дейилган («Латиф», Инглизча таржима, 64-бет, 54-изоҳ). Бу шеър «Иттиҳат ал-даҳр»да берилган (II, 355-бет).

70. Ибн Лангак ал-Басрий. Абу-л-Ҳасан Муҳаммад ибн Муҳаммад (X аср) — басралик араб шоири. Унинг ҳақида Саолибий «Иттиҳат ал-даҳр»да маълумот бериб, шеърларидан намуналар келтирган (II, 348—359-бетлар. Яна қар. Сулейтӣ, Буғйат ал-вуот, 24-бет; Ғошун, Муъжам ал-удабо, 6-ж., 19-бет).

71. Абу-л-Ҳасан Аҳмад ибн Жаъфар ибн Мусо ибн Яҳё ибн Халид ал-Бармакий — Ҳорун ар-Рашиднинг вазири, надими ва ўғли ал-Маъмуннинг тарбиячиси, 803 й. ар-Рашид унн қатл этган.

72. Жаҳза — «жаҳиз» сўздан олинган бўлиб, чақчаймакўз, олакўз, уккикўз маъноларига эга.

73. Абу-л-Ҳасан Али ибн ал-Аббос ибн Журайж (ёки Журжис) Ибн ар-Румий лақаби билан юритилади (22/835—283/896) — машҳур арабийнавис шоир ва олим. Тили заҳар бўлиб, кишилар айбини фош қилган. Шунинг учун кўпчиликка ёқмай, унинг ҳақида латифалар тўқинган ва уни мазах қилишган. Аббосийлар вазири Қосим ибн Убайдуллоҳ томонидан заҳарлаб ўлдирилган (қар. Ханна аль-Фахури, 2, с. 39—57).

74. Абу Аҳмад ибн Абу Бакр ал-Котиб — Бухорода яшаган арабийнавис шоир. Унинг ҳақида Саолибий «Иттиҳат ал-даҳр»да маълумот берган ва шеърларидан намуналар келтирган (IV, 64—69-бетлар; Ўзбекча таржима, 104—106-бетлар).

75. Исмоил ибн Аҳмад Абу Иброҳим — сомонийлар амири (900—907).

76. Наср ибн Аҳмад Абу-л-Ҳасан — сомонийлар амири (914—943).

77. Ал-Жайҳоний Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад — сомонийлар вазири (914—922).

78. Ал-Балъамий Абу-л-Фазл Муҳаммад ибн Убайдуллоҳ — сомонийлар вазири (922—938).

79. Ал-Атавий Муҳаммад ибн Атиъа — II аср ҳижрийда яшаган араб шоири.

80. Абу Мансур ал-Абдуний Аҳмад ибн Абдун — X асрда Бухорода яшаган арабийнавис шоир. Унинг ҳақида Саолибий «Иттиҳат ал-даҳр»да маълумот бериб, шеърларидан намуналар келтирган (4-ж., 76—78-бетлар. Ўзбекча таржимаси, 113—115-бетлар; «Бухоронинг арабийнавис шоирлари», 15—16-бетлар).

81. Бу шеър «Иттиҳат ал-даҳр»да берилган (IV, 65—66-бетлар; Ўзбекча таржимаси, 103-бет).

82. Омул — ҳозирги Чоржў шаҳрининг қадимги номи.

83. Абу Аҳмад ибн Абу Бакр ар-Котиб ҳақидаги бу ерда келтирилган маълумотлар ва унинг шеъри «Иттиҳат ал-даҳр»да берилган (64—65-бетлар; Ўзбекча таржима, 101—102-бетлар).

84. Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Аббос ас-Сулий (84/783 ёки 93/792 туғилиб, 243/857 вафот этган) — адиб, шоир ва котиб. Аббосий халифалари томонидан турли мансабларга ҳам тайинланган.

85. Тимос — ғилай, узоқни кўриб, яқинни кўрмайдиган киши.

86. Ал-Бухтурий Абу Убода ал-Валид ибн Убайд ибн Яҳё (206/821—284/897) — машҳур араб шоири.

87. Ҳошимий — Муҳаммаднинг катта бобоси Ҳошим ибн Абдуманноф авлодларидан бўлган киши.

88. Харо наҳд — хурмоннинг ахлати.

89. Лиҳят ат-тайс — эчки соқол.

90. «Тўхтанг бир йнглайлик» Имруулқайсининг муаллақа номи қасидасининг бошланиши. Бу ерда қасиданинг ҳаммаси кўзда тутилади.

91. Имруулқайс (вафоти 530—540-йиллар ораси) — исломгача яшаган маш-хур араб шоири. Муаллақа муаллифларидан бири.

92. Ҳариса — ғушт ва буғдойдан тайёрланган овқат, ҳалим. Бу ерда келтирилаётган лақаблар умумий бўлгани учун таржимасини бериш билан кифояланамиз.

93. Қуфл ал-асир — қийин [очиладиган] қулф.

## ТҶРТИНЧИ БОБ

1. Усмон ибн Аффон — «тўғри йўлдан борган халифаларнинг» учинчиси (23/644—35/656).

2. Али ибн Абу Толиб — Муҳаммаднинг амакиваччаси ва куёви, Маккада 600 йиллар атрофида туғилиб, 661 й. Куфада ўлдирилган.

3. Талха ибн Убайдуллоҳ (ваф. 656 й.) — саҳобалардан.

4. Абу Суфён ибн Ҳарб ибн Умайя ал-Қураший (ваф. 652 й. атрофи) — саздогар, пайғамбарнинг душмани, Бадр ва ʼУхудда унга қарши жанг қилган. Мадина қалъасига ҳужум қилган катта қўшиннинг бир қанотига бошчилик қилади, кейин жангни тўхтатиб, Муҳаммад билан ярашади. Ярмуқ жангида иштирок этган («Мунжид фи-л-адаб», 256-бет).

5. Язид ибн Абу Суфён (ваф. тахм. 640 й.) — қурайший саҳобалардан, халифа Муовиянинг биродари, Абу Бакр унн Шом армиясига қўмондон этиб, Умар эса Фаластин ҳокими қилиб тайинлайди.

6. Абдуллоҳ ибн Саъд ибн Абу Сарҳ (ваф. 65 й.) — саҳобалардан ва умавийлар лашкарбошиларидан. Мисрни фатҳ этишда иштирок этган, ер ва хазина ишларини бошқарган, Муовияга Кипрни босиб олишда ёрдам берган, Византияни олишда қатнашган («Мунжид фи-л-адаб», 335; Массэ, Ислом, 73—74-бетлар).

7. Муовия ибн Абу Суфён — умавийлар халифаларининг биринчиси (4/66—60/680).

8. Ал-Мугайра ибн Шуъба (ваф. 666 й.) — Куфадаги сақафий қабиласидан бўлиш саҳобалардан. Умар унн Басра ҳокими этиб тайинлайди. Ярмуқ жангида бир кўздан айрилган, Ниҳованд ва Қодисийя жангларида иштирок этган. Кейин Куфа ҳокими бўлиб, шийʼалар ва хорижийлар орасида юз берган фитналарни бостирган («Мунжид фи-л-адаб», 506-бет).

9. Беруний «Ҳиндистон» китобида Ҳиндистоннинг жанубий шаҳарларида хурмо ва наржил дарахтларига ўхшаш бўйи узун дарахт бўлиб, эни уч бармоқ келадиган яроқлари бўлиши ва ёзувларини шу яроқларга ёзишларини айтган (Беруний, «Ҳиндистон», 38—39-бетлар). Саолибий эса Ҳижоз хурмосининг яроқсиз шоҳларига ёзилганини айтаяпти.

10. Зайд ибн Собит ибн Собит — ансорлардан. Абу Бакр амри билан Қурʼонни тўплаган уч кишининг бири, 647 й. Мадинада вафот этган.

11. Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Абу Толиб — Али биродарининг ўғли. Ҳабашистонда туғилиб, отаси билан Мадинага келиб яшаган, 700 йиллар атрофида вафот этган.

12. Знёд ибн Абиҳ ас-Саҳафий — Муовия давридаги давлат арбобларидан. Ироқда халифа нонби бўлган, 675 й. Куфада вафот этган.

13. Абдуллоҳ ибн Омир ибн Курайз (636—679) — муҳаддислардан, халифа Усмоннинг амакиваччаси, форс вилоятини фатҳ этган, Ойшанинг Алига қарши курашида унга ёрдам берган, Дамашқда яшаб, кейин Басра ҳокими бўлган («Мунжид фи-л-адаб», 335-бет).

14. Абдуллоҳ ибн ал-Аббос ибн Абдулмуталлиб, Абу-л-Аббос деб ҳам юртилади — Муҳаммад пайғамбар амакиваччаси, 688 й. Тонфада вафот этган.

15. Хорижа ибн Зайд ибн Собит ал-Ансорий — Мадинадаги еттига маш-хур фақихнинг бири, тобнийлардан, Усмон давригача яшаган («Мунжид фи-л-адаб», 70-бет).

16. Абдуллоҳ ибн Мутъ — Мадинанинг Язид I ибн Муовия давридаги бошлиқларидан бири, Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг Куфадаги вакили, 692 йили Маккада ўлдирилган («Мунжид фи-л-адаб», 335-бет).

17. Саъид ибн Жубайр — машҳур традиционалист. Муҳаммад ибн ал-Ашъоснинг 81/700—701 йилги қўзғолонида фаол қатнашган. Қўзғолон бостирилгандан кейин ал-Ҳажжож таъқибидан қочиб, Эрон ва Озарбайжан шаҳарларини кезиб юради. Кейин Маккада яширинади. Ал-Ҳажжож буйруғи билан Халид ал-Қасрий уни қўлга олади. Ал-Ҳажжож буйруғи билан 94/113 й. қатл этилади («Арабский аноним XI в.», с. 153).

18. Шурайх ибн ал-Ҳорис ал-Киндий ал-Қозий — пайгамбар саҳобаларидан, Умар уни Куфага қозн қилиб тайинлайди, бу ерда Усмон ва Али замонларида ҳам 60 йил қозилик қилиб, Ҳажжож ибн Юсуф замонида истеъфо беради ва 87/705—706 йили 100 ёшида вафот этади («Қомус ал-аълом», 4-ж., 2855-бет).

19. Ал-Ҳасан Абу Саъид ибн Абу-л-Ҳасан Жаъфар ал-Басрий (21/642—110/728) — исломдаги диний мазҳаблардан бири муътазиллийлар мазҳабининг асосчиси («Қомус ал-аълом», III, 1945-бет).

20. Рабиъ ибн Зиёд ал-Ҳорисий — Муовия замонида Сижистон, кейин Хуросон ҳокими бўлган, туркларга қарши бир қанча жанглар қилган, Ҳасан Басрий бу зотнинг котиби бўлган («Қомус ал-аълом», 3-ж., 2266-бет).

21. Муҳаммад ибн Сирин (ваф. 728) — муҳаддис — тобиъийлардан, Ҳасан ал-Басрийнинг ҳамасри бўлиб, Басрада яшаган («Мунжид фи-л-адаб», 482-бет).

22. Анас ибн Молик ал-Ансорий (вафоти 100, 718—719 йиллар атрофи) — Муҳаммаднинг саҳобаларидан, 10 ёшидан 20 ёшигача унинг хизматини қилган, 100 йил умр кўрган, жуда кўп ҳадислар ривоят қилган («Қомус ал-аълом», II, 1048).

23. Ал-Жаҳшперий Абу Абдуллоҳ Муҳаммад (ваф. 942 й.) — адиб, «Китоб ал-вузаро ва-л-кутуб» («Вазирлар ва котиблар ҳақида китоб») асарининг муаллифи. Бу асарда араблар, ажамликлар, византиялик ва бошқаларнинг суҳбатларидан мунгта суҳбат танлаб олиб ёзилган («Мунжид фи-л-адаб», 143-бет). Бу китоб номини Саолибий «Китоб ахбор ал-вузаро» («Вазирлар хабарлари китоби») деб атаяпти.

24. Абу Исҳоқ ас-Сулий ҳақида 3-боб 84-низоҳга қаранг.

25. Саолибий ўзининг «Патнмат ад-дахр» («Замонанинг дурдонаси») асарини кўзда тутаяпти.

## БЕШИНЧИ БОБ

1. Шируйа ибн Парвиз — сосонийлар подшоси Қубод ибн Хусравнинг лақаби. 628 йили отаси Хусрав II Парвизни ўлдириб, 6 ой юрт сўраган.

2. Гўр-Сосонийлар подшоси Баҳром ибн Яздигарднинг (420—438) лақаби, матида «Гўр» ўрнида арабча талаффуз билан «Жўр» ёзилган.

3. Ал-Мунтасир Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жаъфар — аббосийлар халифаси (247/861—248/862).

4. Парвиз — сосонийлар подшоси Хусрав II нинг (590—628) лақаби.

5. Ан-Нўмон ибн ал-Муизир, лақаби «Абу Қобус» — Ҳирадаги Бану Лаҳм подшоҳларининг охиригиси (580—602).

6. Фируз ибн Яздигард III ибн Шаҳриёр — охириги сосонийлар подшоси Яздигард III ибн Шаҳриёр ибн Хусрав Парвиз (632—651)нинг ўғли, юрт сўрамаган.

7. Ал-Муқтадир Абу-л-Фазл Жаъфар ибн ал-Муътаз — аббосийлар халифаси (295/908—320/932).

8. Ал-Қоҳир Абу Мансур Муҳаммад ибн ал-Муътаз — аббосийлар халифаси (320/932—322/934).

9. Ал-Муътазид Абу-л-Аббос Аҳмад ибн ал-Муваффақ — аббосийлар халифаси (279/892—289/902).

10. Ал-Муҳтадий Абу-л-Аббос Муҳаммад ибн Ҳорун — аббосийлар халифаси (255/869—256/870).

11. Ал-Муътаmid Абу-л-Аббос Аҳмад ибн Жаъфар — аббосийлар халифаси (256/870—279/892).

12. Ал-Ибозийя — хорижийларнинг Шимолий Африкадаги бир фирқаси. Улар Абдуллоҳ ибн Йеъ ал-Муррийнинг тарафдорлари бўлиб, Муовия билан Али ўртасидаги ҳақамалар судидан олдин Алидан ажралиб чиқиб, VIII асрда Шимолий Африкага кириб келган («Мунжид фи-л-адаб», 3-бет).

13. Қудайд — Макка ёнидаги жой. 130/747 йили бу ерда Мадина аҳолиси билан хорижийлар раҳнамоси Абу Ҳамза ўртасида жанг бўлиб ўтган («Тарих Табарий», II, 2006-бет).

14. Дайр Жосалик — Сурра ман рао (Самарра) жанубидаги Ҳарбо яқинида жойлашган католиклар монастири. Бу ерда Мусъаб билан Абдулмалик ўртасида 72/691 йили жанг бўлиб ўтган («Латиф», инглизча таржима, 74-бет, II-изох).

15. Аз-Зубайр ибн Авом — қурайший саҳобалардан, онаси Сафия Муҳаммад амакиси Абдулмуталибнинг қизи бўлган. Ҳабашистонга кетиб қолади, Бадр, Ярмук жангларида қатнашиб, Мисрни босиб олган. Жамал жангида 656-йили ўлдирилган («Мунжид фи-л-адаб», 232-бет).

16. Жамал жанги — Муҳаммаднинг хотини Ойиша билан Али ўртасида 656 й. бўлиб ўтган жанг. Бундай аталишига сабаб Ойиша тез юрадиган туяга (арабча «жамал») миниб олган, орқасидан саф тортиб аскарлари борган ва уларни Алига қарши ташлаган. Жамал қавмлари инқирозга учраб, Ойиша Алига асир тушади, Али унинг гуноҳини ўтиб юборади («Мунжид фи-л-адаб», 141-бет).

17. Водий ас-Сибоъ — Басрадан Макка томонга кетган йўлдаги бир водий, Жамал жанги шу водийда бўлган («Қомус ал-аълом», VI, 4653).

18. Фижжор уруши — қурайшийлар билан уларнинг душманлари Қинона ва Ҳавозил қабилалари ўртасида бўлиб ўтган уруш. Уруш ман қилнган ойларида содир бўлгани учун бу урушни «фижжор» («ноғуғри, ярамас, ифлос») уруш деб аталади («Мунжид фи-л-адаб», 383-бет).

19. Хузоба уруши — жанубий араб қабилаларидан бири Хузоба ибн Амр Яманни ташлаб Маккага юриш қилади ва жанг қилиб, Маккани эгаллайди. Каъбани бошқариб, ҳаж маросимларини тиклайди. Бу ҳижратдан (622 й.) олдин бўлган («Мунжид фи-л-адаб», 176-бет). Бу ерда шу уруш кўзда тутилади.

20. ал-Маҳдий Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ — аббосийлар халифаси (158/775—169/785).

21. Савворнинг отаси Абдуллоҳ бўлган, Саввор эса унинг бобоси бўлган, бу ерда отасининг қозилиги ҳақидаги жумла тушиб қолган бўлса керак.

22. Абу Ҳанифа (ваф. 767) — исломдаги тўрт асосий мазҳабнинг энг машҳур ханафий мазҳаби асосчиси.

23. Фазл ибн ар-Рабиъа (ваф. 823) — халифа ал-Аминнинг (193/809—198/813) вазири. Бармакийларга ҳасад қилиб уларга қарши фитналар уюштиради, ал-Амин ва ал-Маъмун орасини бузишга уринади («Мунжид фи-л-адаб», 390-бет).

24. Ал-Амин Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Ҳорун — аббосийлар халифаси (193/809—198/813).

25. Ҳорун ар-Рашид — аббосийлар халифаси (170/786—193/809).

26. Аббос — «қовоғи солиқ», «хўмрайган» демакдир. Шоир сўз ўйини ишлатиб, Аббоснинг доим қовоғи солиқ деяпти.

27. Ал-Фазл ўз номига муносиб, фазли, карамли демоқчи.

28. Рабиъ — баҳор демакдир, бу ерда ҳам сўз ўйини, Рабиъ доим баҳордай қулиб-яшнаб турган, демоқчи.

29. ал-Ашъас ибн Қайс ибн Маъд Карб — Қинда амирларидан. Юқоридаги Абдурахмон ибн Муҳаммад ибн ал-Ашъас ибн Қайс ибн Маъдий Карбга бобо бўлади. Қодисийя, Мадонн жангларида ва эронликлар билан Наҳвоанда бўлган урушда, византияликлар билан бўлган Ярмук жангида, Али билан Муовия ўртасидаги Сиффин жангида иштирок этган («Мунжид фи-л-адаб», 23-бет).

30. Убайдуллоҳ ибн Зийд — умавийлар ҳукмдорларидан. Басра ҳокимлиги-

га тайинланади (680 й.), Қуфани ҳимоя қилишни ўз зиммасига олади, Қарбалода Ҳасан ибн Алини ўлдирди (680 й.), Роҳим яйловида армиянинг чап қанотини бошқаради (684 й.), Мавсил яқинида Хазар дарёси олдида Иброҳим ал-Уштур ҳужумидан қочиб, 686 й. ўлдирилади («Мунжид фи-л-адаб», 238, 342-бетлар).

31. Ал-Ҳорис ибн Каъб — Яман қабилалари шаҳобчаларидан бири. Нажрон поҳиясида жойлашган, баъзилари насронийлар бўлган.

32. Мурод (Бану Мурод) — жанубий араб қабилаларидан, улар ерлари Наржон ва Маъриб ўрталари бўлган, «Еғус» санамига сиғинишган, 631 й. исломга киришган («Мунжид фи-л-адаб», 490-бет).

33. Маҳра — Араб яриморлида Ҳинд океанининг жанубий шарқи соҳили билан Ҳазрамавт ва Уммон ўртасида жойлашган мамлакат.

34. Ал-Мубаррад Абу-л-Аббос Муҳаммад ибн Язид ибн ал-Акбар ал-Аздий (210/826—285/898) — машҳур араб тилшунос ва адиби. Бағдодда туғилиб, шу ерда вафот этган. Энг йирик асарини «ал-Қомил фи-л-адаб» («Адабиёт ҳақида мукаммал [китоб]») асаридир.

35. Саолибий Ҳассон хонадонини шоирлари ҳақида нимагадир ҳеч нарса ёзмаган. Бу хонадоннинг энг машҳур шоири Ҳассон ибн Собит ал-Ҳазражийдир (ваф. 54/674). Ҳассон ижоди Дамашқдаги ғассоний сулоласи билан боғлиқ бўлиб, уларни ўз шеърларида кўкларга кўтарган, кейин исломни қабул қилиб, Муҳаммаднинг хос шоири бўлиб, унинг ҳимоясида яшайди, сўнг Усмонни куйлаб, умри охирида Муовия қўл остида яшаган (Ханна аль-Фахури, 2, с. 181—187).

36. Мавло — озод қилинган қул.

37. Дор жанги — араб жангларидан бирортаси бўлиши керак.

38. Маъмун ибн Ҳорун ар-Рашид Абу-л-Аббос Абдуллоҳ — аббосийлар халифаси (198/813—218/833).

39. Ал-Муътасим Муҳаммад ибн Ҳорун — аббосийлар халифаси (218/833—227/842).

40. «Гуноҳсиз (маъсум) сўзи билан «муътасим» сўзи бир ўзакдан олинган. Бу ерда шоир «гуноҳсиз» деб ал-Муътасимни кўзда тутди.

41. Абу Жаҳл ибн Ҳишом, ибн Ҳанзалия номи билан машҳур — пайғамбарга қарши курашган лашкарбошилардан бири. Бадр жангида ўлдирилган.

42. Бу ерда 658 й. Али билан Муовийя ўртасида яраш битими тузиши учун икки киши иштирокида бўлиб ўтган ҳакамлар судига ишора қилиняпти. Бунда Абу Мусо ал-Ашъарий Али томонидан, қўшин қўмондони Амр ибн Ос эса Муовия томонидан суд ишида қатнашганлар. Лекин ҳакамлар суди натижа бермаган.

43. Муҳаммад — халифа ал-Мунтасирнинг исми.

## ОЛТИНЧИ БОБ

1. Бу ерда Юсуф ҳақидаги афсонага ишора қилинади. Юсуфнинг гўзаллигига ва отаси Яъқуб уни кўпроқ севишига акалари рашк қилиб, уни йўқотиш пайига тушганлар. Бир кунни овга чиқиб, қудуққа ташлаб юборадилар ва қўйлагини қонга белаб келиб, оталарига укамизни бўри еб кетди дейдилар. Юсуфни йўловчилар қутқариб, мисрлик ал-Азизга сотганлар, у Юсуфни тарбия қилган.

2. Сафуро бинт Шуъайб — афсонавий Шуайб пайғамбарнинг қизи.

3. Мусо бир одамни ўлдиргандан кейин қочиб Мадян деган бир қудуқ олдида келиб қолади. У қудуқдан кучли одамлар сув олишарди, лекин Шуайбнинг иккита қизи сув олишда қийналарди. Улар Мусога илтимос қилиб, отамиз қари киши бизга сув олишга ёрдам бер, дейди. Мусо уларга қудуқдан сув олиб беради ва ўзи бир сояга бориб ўтиради. Қизлардан бири келиб, отамиз сени ҳузурига даъват этипти, бизга сув олиб берганинг учун сени ўзинга ёллаб олмоқчи дейди. Мусо Шуайб олдида келиб воқеани айтиб беради. Шуайб унга, «Қўрқма, золим кишилардан қутулдинг», — дейди. Унинг қизларидан би-

ри Шуайбга: «Эй ота уни [Мусони] ёллаб ол, чунки у сен ёллаб олган кишиларнинг энг яхшисидир, у ишончли ва кучли кишидир», — дейди.

4. Абу Бакр Абдуллоҳ ас-Сиддиқ (ваф. 634) — тўғри йўлдан борган халифалар» деб аталган халифаларнинг биринчиси (11/632—13/634), Муҳаммаднинг хотини Ойишанинг отаси.

5. Аз-Зубайр ибн Баккор Абу Абдуллоҳ (786—870) — мадиналик олимлардан. Маккада қозилик қилган, унинг «Насаб қурайш ва ахборухум» («Қурайшлар насаблари ва улар ҳақидаги хабарлар») деган китоби бўлиб, Оксфордда чоп этилган («Мунжид фи-л-адаб», 224).

6. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Саллом ал-Жумаҳий ал-Байрий (ваф. 232/846) — машҳур араб адиби ва тилшуноси. Унинг «Табақот аш-шуаро» («Шоирлар табақалари») номли китоби араб адабиёти тарихи бўйича биринчи асар ҳисобланади. Бунда исломгача ва ислом аввалида яшаган араб шоирлари таржимаи ҳоли берилган ва ижоди таҳлил қилинган (Ханна аль-Фахури, 2, 213—244).

7. Муҳаммад ибн Фазл ал-Жумаҳий — инглизча таржимада ал-Ҳошимий деб тўғриланган.

8. Аббон ибн Усмон (ваф. 724) — халифа Усмоннинг ўғли, ҳадис олимларидан. Жамал жангида Ойишани ҳимоя қилган, Абдулмалик ибн Марвон уни бир озгина вақт Мадина ҳокими этиб тайинлаган.

9. Ал-Аббос ибн Абдулмутталиб — Муҳаммад пайғамбарнинг амакиси.

10. Ҳамза ибн Абдулмутталиб — пайғамбарнинг амакиси, лақаби Асадуллоҳ, Бадр жангида 627 й. ҳалок бўлган («Мунжид фи-л-адаб», 166).

11. Абдуллоҳ ибн Умар ибн Усмон ибн Аффон — «чаҳарёрлар»дан учинчиси халифа Усмоннинг (233/644—35/656) набраси.

12. ал-Валид ибн Абдулмалик — умавийлар халифаси (86/705—96/715).

13. Сулаймон ибн Абдулмалик — умавийлар халифаси (96/715—99/717).

14. Ҳишом ибн Абдулмалик — умавийлар халифаси (105/724—125/743).

15. Халид ибн Язид ибн Муовия (ваф. 704) — умавийлар амири. Роҳиб Мориюсдан кимё илмини ўрганади. Араб тилида шу илмга оид биринчилар қатори китоб ёзган.

16. Иброҳим ибн ал-Валид II — умавийлар халифаси (126/744—127/744)

17. Ибн Абу Ҳафса — юқорнда (48-бет) зикр қилинган шоир Марвон ибн Сулаймон ибн Яҳё ибн Абу Ҳафса (721—798).

18. Зубайда умм Жаъфар — Хорун ар-Рашиднинг сеvimли хотини.

19. Абу-л-Айно Муҳаммад ибн Қосим ал-Ҳошимий (190/805—283/896) араб адиби ва шоири. Аҳводда туғилиб, Басрада таълим олган, 40 ёшида кўр бўлиб қолган. Латифлик, сўзамоллик ва ҳозиржавобликда шухрат қозонган. Унинг «Китоб ахбор Абу-л-Айно» асари машҳурдир («Қомус ал-ълом, I, 745; «Мунжид фи-л-адаб», 364).

20. 366 йилги ҳаж ойн (зу-л-ҳижжа) 21/VII—18/VIII — 977 йилга тўғри келади.

21. Табарзад — бу жойни аниқлай олмадик. Эҳтимол, Табаристон кўзда тутилгандир.

22. Савиқ — буғдой ва арпадан йирик қилиб янчиб олинган ун, шу ундан хурмо ёки қанд қўшиб тайёрланган атала, ёвгон, шароб. Кўпроқ сув қўшилса, ичимлик сифатида яхши бўлади («Арабский аноним», с. 206; «Мунжид», 365-бет).

23. Мавсил — Ироқда Дажла дарёси қирғоғида жойлашган шаҳар, «ал-Ҳадбоъ» («Буқри») деб лақабланади.

24. Арабчада ضرب الدهر ضربانه жумласи «замон ўз вақтини ўтишга мажбур қилган эди, яъни бир қанча вақт ўтиб кетганди» деб таржима қилинади (Гиргас, Словарь, 461).

25. Азуд ад-давла Фанно Хусрав (936—983) — бувайҳийлар амири (338/949—372/983). Ҳикоя қилинаётган Жамила Азуд ад-Давлага амакивачча бўлади.

26. Абу Мансур ал-Баридий — Саолибийнинг ровийларидан.

27. Умсон — Араб яриморолда жойлашган вилоят (ҳозир мустақил давлат, пойтахти Масқат). Халқи хурмо, дон, мевали дарахтлар етиштириш ва марғарид овлаш билан шуғулланади.

28. Аҳваз — Эрондаги вилоят номи, ҳозирги кунда Хузистон деб юритилади. Абадон унинг энг йирик шаҳри. Нефтга ниҳоятда бой ўлка.

29. Абу Муҳаммад ал-Ҳасан ибн Ҳамдон Носир ад-Давла — юқорида зикр қилинган аёл Жамиланинг отаси.

30. Диёр Рабиъа — Мавсил билан Раъс ал-айн ўртасида янги дарё оралиғи шимолида жойлашган ўлка. Бу исм араб қабиаларидан Рабиъа қабиласи аждоди Рабиъа ибн Назар ибн Маъд ибн Аднон номига нисбат берилган («Мунжид фи-л-адаб», 202).

31. Диёр Бакр — Бу Омид деб ҳам аталади. Дажла дарёсининг чап қирғоғида жойлашган шаҳар. Ипак, пахта ва тери ишлаб чиқиш билан машҳур. Уни Фиёс ибн Ғаном ан-Наҳрий 640 йил босиб олган («Мунжид фи-л-адаб», 202).

32. Вушмгир ибн Зиёр Абу Тоҳир — Узоқ вақт Нишолур ҳокими бўлган (935—963). Шимолий Эрондаги Зиёрийлар сулоласи асосчиси Мардовижнинг биродари ва вориси. Бедана овлаш ва беданабозлик билан шуғуллангани учун Вушмгир («беданабоз») лақабини олган. Ов вақтида қабон ҳамласига учраб, 356/967 й. вафот этган (Ибн ал-Асир, 8-ж., 207—208-бетлар).

33. Журжон — Эронда Қазвиннинг шарқи-жанубида жойлашган иқлим. Язид ибн Муҳаллаб 716 й. у ерни босиб олиб, Журжон шаҳрига асос солган («Мунжид фи-л-адаб», 134-бет).

34. Абу Али Ҳасан ибн Баҳоуддавла ибн Бувайҳ — лақаби Шарафуддавла. Бувайҳийлар амири, 372/983—380/990 йиллари Форс ва Хузистонда тахт сўраган. 376/987—379/989 йилларида эса Ироқ ҳам унинг қўл остида бўлган.

35. Абҳар — Эронда Қазвин ва Занжон йўлида жойлашган қадимий шаҳар Ҳозир ҳам мавжуд. X асрда курдлар ва дайламийлар ҳужумидан шаҳар анча вайрон бўлган (Бартольд, VII, с. 201; «Арабский аноним», с. 192).

36. Занжон — Эроннинг шимолида жойлашган шаҳар. Ўрта асрларда унча аҳамиятга эга бўлмаган, XIX асрда Бобийларнинг марказларидан бири бўлган (Бартольд, VII, с. 199—204).

37. Қум — Эронда Ироқи Ажамда жойлашган шаҳар. Шийъаларнинг ҳаж қиладиган муқаддас жойи бўлиб, уларнинг бир қанча авлиёлари қабри шу шаҳарда жойлашган.

38. Қошон — Эронда Исфаҳон ва Қум орасида жойлашган шаҳар. Унга Ҳорун ар-Рашиднинг хотини Зубайда асос солган дейишади, X асрда кичик бўлса ҳам, бой шаҳар бўлган. Чунки қадахлар ва мис идишлар ишлаб чиқариш билан ҳозиргача шуҳрат қозониб келмоқда (Бартольд, VII, с. 175—177).

39. Жабал ёки Жибал — Эроннинг тарихий тоғли вилояти. Рай, Ҳамдон, Исфаҳон ва бошқа шаҳарларни ўз ичига олган. Ўрта аср араб географлари Ҳамдондан шимолдаги то Озарбойжон чегарасигача бўлган тоғларни ҳам Жабалга қўшганлар (Бартольд, VII, с. 198).

40. Жибал аш-Шурот — Эронда Жибал вилоятидаги жойлардан бири бўлиши керак.

## ЕТТИНЧИ БОБ

1. Абу-л-Аббос Маъмун ибн Маъмун — Хоразм шоҳларидан (399/1009—407/1017). Унинг саройида Ибн Сино, Беруний каби бир қанча буюк олимлар яшаган. Шулар жумласидан Саолийий ҳам.

2. Араб ҳарфларидан «айн»нинг унли белгисини ўзгартириб, «у» ва «и» шаклида ҳам талаффуз этилаверадн. Умардаги «у» ҳам «айн» ҳарфидир.

3. Абдуллоҳ ибн Умар ибн Абдулазиз — умавийлар халифаси Умар ибн Абдулазизнинг (717—720) ўғли. 126/744 й. халифа Язид ибн Ал-Валид (744—744) уни Ироқ ноибн қилиб тайинлади. Кейинги халифа Марвон ибн Муҳам-

мад ал-Ҳиморни тан олмагач, Марвон уни лавозимдан бўшатади. 747 й. Восит шаҳрни олишда Абдуллоҳ асир олинади ва қамоқда ўлади («Арабский аноним», с. 210).

4. Абу Абдумалик — халифа Марвон ибн Муҳаммад ибн Марвоннинг (27/744—32/750) куняси.

5. Саҳр ибн Ҳарб ибн Умайя Абу Суфён (ваф. 652 й. атрофи) — савдогар, пайгамбар душмани, Бадр ва Уҳудда унга қарши жанг қилган. 627 й. Мадина қалъасига ҳужум қилган катта қўшиннинг бир қанотига бошчилик қилди, кейин жангни тўхтатиб, Муҳаммад билан ярашади. Ярмуқ жангида ҳам иштирок этган («Мунжид фи-л-адаб», 256-бет).

6. Абдуллузо ибн Абдулмуталиб — Муҳаммад пайгамбарнинг амакиси, исломни қабул қилмаган.

7. Қатарий ибн ал-Фужоа — Хорижий азрақийларнинг энг охириги олимларидан ва йирик шоирларидан. Уруш вақтида Абу Наома, тинчлик даврида эса Абу Муҳаммад куняси билан аталган. Ироққа бостириб кириб, Аҳвозни ишғол қилади. Ўз номини ёздириб пул зарб қилган, 694 й. Амир ал-Муъминин лақабини олган. Азроқийлар тарқатилиб юборилиб, таълимотлари йўқ қилинади ва Қатарий қатл этилади («Мунжид фи-л-адаб», 418-бет).

8. Кос — Хоразмнинг ўша вақтдаги йирик шаҳарларидан, Афрағийлар сулоласининг (305/917—385/995) пойтахти бўлган. Саолибий бу ерда бутун Хоразмни Кос деб атаётти (баъзи адабиётларда Кят, Кот деб ёзилади).

9. Нуҳ ибн Наср — Сомонийлар амири (331/943—343/954).

10. Абу Али Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Сағоний — Сомонийларнинг Хуросондаги ноиб ва сипоҳсолар (329/940—344/955). Абу Али 947 й. январда Нуҳга қарши исён кўтариб, Бухорони босиб олади, амир пойтахтни ташлаб, Самарқандга қочади, лекин Абу Алининг ҳукмронлиги фақат икки ой давом этиб, 947 й. март ойида у Бухорони ташлаб, ўз юрти Сағониёнга қайтади (Бартольд, II, ч. 2, с. 498). Саолибий шу воқеани кўзда тутяпти.

11. Нуҳ ибн Мансур — сомонийлар амири (365/976—387/997). Амир ар-Ризо лақаби билан машҳур.

12. Абу Али Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Симжур — Сомонийларнинг Хуросондаги ноиб ва лашкарбони (378/989—383/994 ёки 387/997). Лақаби Имод ад-Давла бўлган. Отаси Абу-л-Ҳасан Симжур вафотидан кейин сомонийларга қарши курашади. 982 й. Мовароуннаҳрга ҳужум қилган Бугроҳон Ҳарун ибн Мусо томонига ўтиб, амир Нуҳ ибн Мансурга қарши курашади ва Амударёнинг жануб томонидаги вилоятларига ҳукмронлик қилиш учун Бугроҳон билан келишади. Кейин Нуҳ билан битим тузади, лекин унинг Нуҳга қарши исёни яна такрорланади. У Маҳмуд Ғазнавий томонидан тор-мор этилади (Бартольд, I, с. 320—327; VII, с. 477—478). Саолибий шу воқеаларни кўзда тутяпти.

## САККИЗИНЧИ БОБ

1. Абу Лаҳаб Абдулузо ибн Абдулмуталиб — Муҳаммад пайгамбарнинг амакиси, исломни қабул қилмаган. Қуръоннинг масал [111] сураси унинг ҳақида айтилган.

2. Ад-Дажжол — ислом динида гўё қиёмат олдида юзага чиқиб, инсонларни йўлдан оздирадиган афсонавий махлуқ. Бу қадимги ёвуз кучлар ва христиан динидаги Исонинг душмани (антихрист) ҳақидаги диний ривоят асосида исломга ҳам кириб келган.

3. Зиндиқийлар — зиндиқ форсча сўз бўлиб, даҳрий, диний ақидаларга қарши чиқувчи, дуалист маъноларига эга. Зиндиқийлар шундай оқим тарафдорлари.

4. ал-Валид ибн Муғайра ал-Маҳзумий (ваф. 622) — Макканинг машҳур аёнларидан, Муҳаммаднинг ашаддий душмани бўлган («Мунжид фи-л-адаб», 563-бет).

5. Дор ан-надва (Маслаҳат уйи) — Каъбанинг сифатларидан. Бу ерда қу-

райшилар ўз ишлари ҳақида маслаҳатлашиш учун тўпланганлар. Шунинг учун шу ном билан аталган.

6. Қулайб Воил — Воил қабиласидан бўлиб, арабларнинг Музорийлар номи билан аталган бир неча қабиласига бошлиқ бўлган.

7. Абу Толиб Абдуманноф ибн Абдулмутталиб — Муҳаммаднинг амакиси, Алининг отаси. Исломини қабул қилмаган.

8. Утба Абу-л-Валид ибн Рабиа ибн Абд Шамс — қурайшийлар бошлиқларидан, 623 йили Бадр жангида ўлдирилган («Мунжид фи-л-адаб», 342-бет).

9. Антара ибн Шаддод (525—610) — исломгача даврининг машҳур араб шоири ва баҳодир. Онаси ҳабаши чўриси бўлган. Антаранинг урушлардаги қахрамонлиги, халқига қарамлиги ва шеърятдаги балоғати машҳур бўлиб кетган. Унинг ҳақида жуда кўп жозибали қахрамонлик ривоятлари тўқилган. Шеърлари кучли, муаллақа ҳам ёзган.

10. Анушервон (Нушервон) Хусрав — Сосонийлар сулоласи подшоҳларидан (531—579). Анушервони одил деб шуҳрат қозongan.

11. Яздигард (Яздигард) — Сосонийлар подшоҳларидан (399—420), золимлиги учун Яздигард «гуноҳкор» деб лақабланган.

12. Ғассонийлар — исломдан олдин Хурон, Урдуннинг шарқ томони, Финикия ва Фаластин заминларида ҳукм сурган араб сулоласи. Асли Ямандаги Ғассон қабиласидан келиб чиққан. Улар масиҳийлар бўлиб, кейин кўпчилиги исломни қабул қилган.

13. ал-Ҳорис ал-Асғар ибн Жабла — Ғассонийлар подшоҳларидан (529—569 атрофи), ал-Аъраж («чўлоқ») деб ҳам лақабланган.

14. Жузайма ал-Ваззоҳ ал-Абраш Молик ибн Фаҳм — Ҳира подшоси. Абраш деб лақабланишининг сабаби у пес бўлган, лекин одоб жиҳатидан «Абраш» («пес») демай, Абраш деб аташган («Муҳит ал-муҳит», 1-ж., 328-бет).

15. Акраъ — кал демакдир.

16. Ал-Мураққиш ал-Ақбар (ваф. 552) — 2-боб, 1-изоҳга қаранг.

17. Ҳасан ал-Басрий — 4-боб, 19-изоҳга қаранг.

18. Восил ибн Ато ал-Ғаззал (699—748) — муътазиллийлар раҳнамоси. Мадинада туғилиб, Басрада яшаган ва у ернинг машҳур кишилари, шу жумладан Ҳасан ал-Басрий билан яқин муносабатда бўлган. Ип йиғирувчилик билан шуғуллангани ва қалава бозорига жуда кўп бориб, у ердаги камбағал йиғирувчилар билан дўстлашгани учун «ал-Ғаззол» (йиғирувчи) лақабини олган. Ўз замонидаги олимлар шуғулланган масалалар ҳақида «Рисоалар» асарини бор.

19. Алқама ал-Фаҳл ибн Қайс (ваф. 598) — исломгача яшаган араб шоирларидан. Ҳирада сиёсий воқеалар билан боғланган, ғассонийларни мадҳ этган. Унинг кичик девони бизгача етиб келган ва 1867 йили Лейпцигда нашр этилган («Мунжид фи-л-адаб», 355-бет).

20. Ато ибн Абу Рибоҳ (ваф. 732) — фақиҳ ва муҳаддис. Яманда туғилиб, Маккада яшаган ва у ерда диний фатво ва ҳаж ишларини бошқарган («Мунжид фи-л-адаб», 351-бет).

21. Адий ибн Ҳотим ат-Тоий Абу Тариф — Алининг ёрдамчиларидан, насроний бўлиб, 630 йили исломни қабул қилган. Жамал жангида қатнашган.

22. Халил ибн Аҳмад ал-Фароҳидий (100/718—719—170/786—787 ёки 175/791—792) — машҳур араб адаби ва тилшуноси, аруз вазнининг асосчиси.

23. Тоҳир ибн ал-Ҳусайн ибн Мусъаб ал-Бушайжий (775—822) — халифа ал-Маъмуннинг лашкарбошиси бўлиб, кейин Хуросонда тоҳирийлар сулоласига асос солган.

24. Амр ибн Лайс — Хуросондаги саффорийлар сулоласи амирларидан (265/879—288/901).

25. ал-Бароа ибн Озиб — ислом лашкарбошиларидан, Ойиша ва Али раҳбарлигида жуда кўп жангларда иштирок этган.

26. Ҳассон ибн Собит ал-Хазражий ал-Ансорий (ваф. 54/674) — машҳур араб шоирларидан. Мадинада туғилган, Дамашқда яшаб, ғассоний подшоҳларининг мадҳ этиб шеърлар ёзган (Ханна аль-Фахури, 1, с. 181—187).

27. Уқайл ибн Абу Толиб (ваф. 664) — Алининг биродари. Бадр жангида маккаликлар билан жанг қилиб асир олинади. Сиффин жангида эса Муовияга ёрдам бериб, Алига қарши курашган.

28. Саъд ибн Абу-л-Ваққос — саҳоба ва лашкарбошиялардан. Эронни фатҳ этишда қатнашган, Куфа шаҳрига асос солган, 670 й. атрофида вафот этган («Мунжид фи-л-адаб», 254-бет).
29. Башшор ибн Бурд (96/714—167/784) — машҳур араб шоири (Ханна аль-Фахури, 1, 287—301).
30. «Кўзига сурма суртилган» (мақҳул) сўзи бу ерда ва китобнинг бошқа ўринларида «нил тортилган», яъни кўр қилинган демакдир.
31. Ҳурмуз ибн Анушервон — Сосонийлар подшоҳларидан (590—628).
32. Ал-Муттақий Иброҳим ибн Жаъфар — аббосийлар халифаси (329/240—333/944).
33. Ал-Мустакфий Абу-л-Қосим Абдуллоҳ ибн Али — аббосийлар халифаси (333/944—384/946).
34. Самсом ад-давла Абу-л-Жор ибн Фанно Хусрав — бувайҳийлар амири (372/983—388/998).
35. Жабала ибн ал-Айҳам ал-Ғассоний (ваф. 644) — оҳирги Ғассонийлар подшоси, Ярумук жангида румликларга ёрдам берган, халифа Умар даврида исломни қабул қилган («Мунжид фи-л-адаб», 131-бет).
36. Ал-Ҳутайъа Жарвал ибн Авс (ваф. 52/679) — машҳур араб ҳажвчи ва қасидагўй шоири (Ханна аль-Фахури, 1, 153—157).
37. «Ал-Ҳутайъа» — жуда хунук, бадбашара, пакана демакдир.
38. Кусаййир Аззати (вафоти 723) — Мадинада яшаган араб шоири. Шайъа мазаҳида бўлиб, имом Маҳдийнинг чиқишини тарғиб қилган, гўзал қиз Аззани куйлагани учун «Кусаййир Аззати» (Аззанинг Кусаййири) деб юритилган («Мунжид фи-л-адаб», 431).
39. Абу-л-Ҳасан Собит ибн Синон ас-Собий (вафоти 365/975) — табиб ва тарихчи, бувайҳийлар амири Муъиз ад-давланинг (936—949) табиби, машҳур астроном, математик ва табиб Собит ибн Қурранинг (221/836—288/901) набираси. Унинг «Тарих китоби» бувайҳийлар ва сомонийларнинг 295/907—363/974 йиллардаги тарихини ўз ичига олган (Бартольд, I, 52).
40. Аз-Заҳҳок ибн Музоҳим (вафоти 723) — адабга ўргатувчи — тарбиячи. Куфада жинниларни ўқитиш учун мактаб очган.
41. Ҳарим — эски, қартайган, туриб қолган.
42. Молик ибн Анас ал-Асбаҳий ал-Маданий (715—795) — исломдаги тўрт мазҳабдан бири моликий мазҳабининг асосчиси. Унинг «Мавтаъ ал-имом ал-Молик» («Имом ал-Молик суянчғи») номили китоби бўлиб, бу Моликий мазҳабининг асоси ҳисобланади («Мунжид фи-л-адаб», 39-бет).
43. Ал-Воқидий Абу Абдуллоҳ Муҳаммад (744—822) — Мадинада туғилиб, ар-Расофада қози бўлган, Ҳорун ар-Рашид ва унинг вазири Яҳёларга бош бўлиб ҳаж қилган. Унинг «ал-Мағози» («Ғазавот»), «Футуҳ аш-Шом» («Шомнинг фатҳ этилиши»), «Футуҳ Миср» («Мисриянг фатҳ этилиши») деган китоблари бор («Мунжид фи-л-адаб», 563—564-бетлар).
44. Аш-Шаъбий Абу Омир ибн Шароҳим (642—723) — пайгамбарнинг тобиийларидан, муҳаддис ва равий, халифаларнинг маслаҳатчиси («Мунжид фи-л-адаб», 289-бет).
45. Маъбад ибн ал-Аббос — 647 йили Усмон халифалиги даврида Шимолий Африкага қилинган юришда қатнашган ва ўша ерда 35/655 йили ўлдирилган («Арабский аноним XI века», с. 147).
46. Тус — Эроннинг шимол-шарқда Қашафруд дарёси водийсида жойлашган вилоят, ҳамда шу вилоятдаги иккита йирик шаҳар.
47. Тарасус — Туркиядаги шаҳар.
48. Ас-Саффоҳ Абдуллоҳ ибн Муҳаммад — аббосийлар халифаси (132/749—136/754).
49. Ал-Восиқ Абу Жаъфар Ҳорун ибн Муҳаммад — аббосийлар халифаси (227/842—232/847).
50. Иброҳим ибн Нуҳ — бу шахснинг кимлигини аниқлай олмадик.
51. Ҳулла — икки қисм: изор — пастки томонни беркитувчи ва ридо — тананинг юқори томонини беркитувчи, либосдан иборат тўла кийим, баъзан уч қисмдан, кўйлак, изор ва ридодан иборат бўлади.

52. Батонп — бу ерда Саолибий келтирган маълумотларга қараганда, бу жуда ингичка ва нозик ипақдан тўқилган ҳарир мато. Дози бунн муслин (матонинг бир тури) деб атайди ва уни Ҳиндистонда ишлаб чиқариб, бамбуқларда бошқа томонларга олиб кетилган, деб ёзади. Сўнгра Дози «Латонф»нинг шу бетига ишора қилади (Dozy, Supplement, I, 97).

53. Бўрон — аббосийлар халифаси ал-Муъминнинг энг севиқли хотини.

54. Бараквозо — инглизча таржимада (100-бет) Бузургвор ёзилган ва шундай изоҳ берилган: «Бу номнинг аниқ шакли номаълум. Еқут «Муъжам ал-булдон»да (I, 410) Баққувор-ал-Мутавакқилнинг Самарра (Сурра ман рао)даги қасрининг асосий қисми. Бунн Ҳерэфельд ҳам тасдиқлайди ва Самарранинг шимолидан уч мил наридаги жой деб ёзади. Кресвелл «Илк мусулмон архитектуралари: умавийлар, аббосийлар ва тулунийлар» китобида (Оксфорд, 1932—40, II, 265—70) Балкувор ёзган.

55. Фаму-с-силах — Бағдод яқинида Дажла дарёси соҳилида қурилган шаҳар.

56. Ҳамдуна — аббосийлар халифаси Ҳорун ар-Рашиднинг қизи.

57. Абу Муҳаммад — Бўроннинг отаси — ал-Ҳасан ибн Саҳлнинг куняси бўлса керак.

58. Ҳасан ибн Ҳоний — Абу Нувоснинг исми ва отасининг исми (3-боб, 59-изоҳга қаранг).

59. Ригд (ратл) — бир қадоқ ҳажмидаги оғирлик ўлчови (Батафсил, қар. Хинц. Мусульманские мера, с. 34—38).

60. Марофиз — баланд нарса, бу ерда баландроқ хонтахта маъноснда бўлса керак.

61. Исмоил ибн Иброҳим — Иброҳим пайгамбарнинг ўғли.

62. Мусо ибн Жаъфар ал-Қосим (127/745—183/799) — шийъаларнинг еттинчи имони. Бағдод қамоқхонасида ўлган (Қаранг: Петрушевский, Ислам в Иране, с. 251—252).

63. Али ибн Мусо ар-Ризо (вафоти сафар охириги 203/818 сентябрь боши, 818 й.) — шийъаларнинг саккинчи имони (Қаранг: Петрушевский, Ислам в Иране, с. 252—254).

64. ал-Мунтасир Муҳаммад ибн Жаъфар — Аббосийлар халифаси (247/861—248/862).

65. Ар-Розий Муҳаммад ибн Жаъфар — Аббосийлар халифаси (322/934—329/940).

66. ал-Мутиз Фазл ибн Жаъфар — Аббосийлар халифаси (334/946—363/974).

67. ат-Тоиб Абдулкарим ибн Фазл — Аббосийлар халифаси (363/974—381/991).

68. ал-Қодир Аҳмад ибн Исҳоқ — Аббосийлар халифаси (381/991—422/1031).

69. ал-Мадоний Али — ас-Саолибий ровийларидан, сўз бошига қаранг.

70. Язид ибн Муҳаллиб ибн Абу Суфра ал-Аздий (672—720) — машҳур қўмондон, Хуросон ҳокими (82/702—85/704 ва 97/715—99/717). 101/720 й. халифа Язид II ибн Абдулмаликка ва Умавийлар сулоласига қарши қўзғолон кўтарган, лекин тор-мор этилиб, 102 й. сафар оини (720 й. август)да қатл этилган («Арабские анонимы», с. 210).

71. Саъид ибн ал-Мусайяб ал-Қураший ал-Маҳзумий ат-Тобъий (вафоти 712) — Мадинанинг еттига машҳур фақиҳларидан бири. Мадина аҳли уни «фақиҳ ал-фуқоҳо» («фақиҳлар фақиҳи») деб атаган («Мунжид фи-л-адаб», 498-бет).

72. Абу Ҳанифа Нўмон ибн Собир (699—767) — исломдаги тўрт маъзаблардан бири ханафий маъзабининг асосчиси.

73. Варроқ — қоғоз ва китоблар билан савдо қилувчи, китобларни кўчирувчи.

74. Абу Салма ал-Халлол (вафоти 750 й.) — ҳошимийларнинг исломга даъват этувчиларидан, Абу Муслим билан Хуросонга келган ва умавийлар учун кизмат қилган. Аббосийлар тахтга чиққандан кейин қатл этилган («Мунжид фи-л-адаб», 259-бет).

1. Собур (Шопур) II ибн Хурмуз Зу-л-

Актоф — сосонийлар подшоши (310—379).

1 а. Наср I ибн Аҳмад ал-Қабир — сомонийлар амири (250/864—279/892).

2. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ироқ — Хоразмдаги африғийлар сулоласи ҳукмдорларидан, тахтга чиққан йили номаълум, 385/995 йилгача ҳокимлик қилган.

3. Мосабазон (Мосабодон) — Эрондаги бир вилоят.

4. Салм ибн Амр — аббосий халифаларидан ал-Маҳдий, ал-Ҳодий ва Ҳорун ар-Рашидлар даврида Басра ва Бағдодда яшаган шоир. Башшор ибн Бурднинг шоғирди бўлиб, ал-Жоҳиз уни истеъдодли шоирлардан деб атаган («Латиф», инглизча таржима, 105-бет, 4-изох).

5. Иброҳим ал-Маҳдий — аббосийларнинг фақат Бағдоднинг ўзидаги халифаси (817—819).

6. Ал-Қосим ибн Убайдуллоҳ — аббосийлар халифаси ал-Муътазид (892—902) ва ал-Муктафий (902—908)лар вазири.

7. Абдуллоҳ ибн Тоҳир — тоҳирийлар сулоласи амири (213/828—230/845).

8. Тоҳир ибн Абдуллоҳ ибн Тоҳир — тоҳирийлар сулоласи амири (230/845—248/862), Абдуллоҳ ибн Тоҳирнинг ўғли.

9. Муҳаммад ибн Тоҳир — тоҳирийлар сулоласи амири (248/862—259/873), Тоҳир ибн Абдуллоҳнинг ўғли.

10. Ал-Муваффақ Биллоҳ Талҳа ибн ал-Мутаваккил ибн ал-Муътасим — аббосийлар халифаси ал-Мутаваккилнинг ўғли, биродари халифа ал-Муътамиднинг валиаҳди бўлиб, ундан олдин вафот этгани учун халифаликка кўтарилмайди, лекин биродари замонда бутун идора ишларини бошқарган («Қомус ал-аълום», VI, 4486).

11. Мелодий 13 сентябрь 786 йил.

12. Ал-Мағриб — Шарқ жуғрофия олимлари Шимоли-ғарбий Африка мамлакатлари (Тунис, Жазоир ва Марокаш)ни шундай ном билан атаганлар.

13. Ас-Сугур ва ал-Авосим — Сурия шимолида мусулмонлар билан византияликлар чегарасида душман ҳужумидан сақланиш учун IX асрда аббосий халифалари қурдирган қалъалар. Улардан муҳимлари Тарсус, Адна, Маръаш, Малтия.

14. Муҳобит Бобак — Бобак қурдирган ёки ўша ерда турган бирорта шаҳар бўлса керак.

15. Бобак — хуррамийлар фирқасининг раҳнамоси. Йигирма йил давомида исломга қарши курашган. Халифа ал-Муътасим 638 йили Бобак қўзғолонини бостириб, уни азоблаб ўлдирган.

16. Ал-Бурқуъий Али ибн Муҳаммад — ўз мавқени кўтариш мақсадида ўзини халифа Али авлодларидан қилиб кўрсатиб, исломнинг аввалги йилларида ҳокимият учун курашганлардан.

17. Афшин Абу-л-Ҳасан — ал-Муътасимнинг Кичик Осиёдаги Рум мамлакатига қилган ғазовот жангидаги лашкарбошиси. Қофирликда айбланиб, 341 йили қамоқда очликдан ўлган («Мунжид фи-л-адаб», 28-бет).

18. Бармакийлар — аббосийлар халифалари давридаги машҳур вазирлар сулоласи: Халид (ваф. 782), Яҳё ибн Халид (738 атрофи — 805), ал-Фазл ибн Яҳё (765—?) Жаъфар (767—803). Буни Ҳорун ар-Рашид қатл эттиради ва бармакийлар сулоласи тугайди.

19. Ал-Фурот хонадони — аббосийларнинг тўртта вазирга мансуб сулоласи: Абу-л-Фатҳ ал-Фазл (892—939), Абу-л-Фазл Жаъфар (901—1001), Абу Абдуллоҳ Жаъфар (908—910-йиллар вазир бўлган), Абу-л-Ҳасан Али (855—924).

20. Ҳорун ар-Рашид халифалигининг ўн еттинчи йили 186/802 йил бўлган.

21. Ал-Муқтадир халифалигининг ўн еттинчи йили 311/923—924 йил бўлган.

22. Ал-Ҳира — Ироқда Куфадан бир неча километр жануброқдаги қадимий шаҳар. Лаҳмийлар подшоҳлари даврида қурилган. Абдуллоҳ ибн Умар ибн Абдулазизнинг (7-боб, 3-изохга қараи) қароргоҳи бўлган.

23. Ҳусайн ҳижрий 61 йил 10-муҳаррамда, мелодий 10 октябрь 680 йил ўлдирилган.

24. Надд — хушбўй, исриққа ўхшаш гнёҳлардан; алой.
25. Муовия II ибн Язид — умавийлар халифаси (64/683—64/684).
26. Ҳажар — Араб яриморалининг жанубида яшовчилар одатига «шаҳар» маъносини билдирган ва бу сўз охирига одатда бошқа сўз (шаҳар номи) қўшганлар: Ҳажар Нажрон, Ҳажар Жозон, Ҳажар Ҳозин, Ҳажар Таймо, энг машҳури Ҳажар Баҳрайндиар («Мунжид фи-л-адаб», 550-бет).
27. Амр ибн ал-Лайс — сафорийлар сулоласи амири (265/879—288/901).
28. Мелодий 997—998-йиллар.
29. Бу ривоят ва қуйида таржимаси берилган шеър Абу Наср Утбийнинг «Тарих ал-Иаминий» асарига киритилган («Комил фи-т-тарих» ҳошиясида, 10-ж., 91—92-бетлар; И. Абдуллаев, Абу Мансур ас-Саолибий, 12—14-бетлар).
30. Нуҳ II ибн Мансур ар-Ризо — сомонийлар амири (365/976—387/997).
31. Сарахс — Хуросонда Марв билан Машҳад орасида жойлашган қадимий шаҳар.
32. Мансур II ибн Нуҳ — сомонийлар амири (387/997—389/999).
33. Жибол — Эроннинг марказий ва ғарбий қисмидаги вилоят. Мусулмон муаллифлари уни Ироқ Ажамий (Эрон Ироқи) номи билан юритганлар (XIII асрдан бошлаб). Ироқ арабий деб Дажла ва Фурот оқими бўйлаб жойлашган Ироқ вилоятини атаганлар. Жибол вилоятининг бош шаҳри Исфаҳондир.
34. Жузжон — Афғонистонда Мурғоб ва Амударё орасида жойлашган қадимий минтақа.
35. Фоиқ ибн Убайдуллоҳ ал-Хосса (вафоти 999) — сомонийлар даврининг сиёсий арбобларидан бири, ўша давр давлат ишлари ва сиёсий воқеаларда муҳим роль ўйнаган.

## УНИНЧИ БОБ

### 1. Ал-Убулла — Ироқдаги шаҳар.

2. Баввом — бу жойни аниқлай олмадик.
3. Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Аббос ал-Хоразмий (323/935—383/993) — хоразмлик машҳур адиб ва шоир. Унинг ҳақида Саолибий «Иатимат ал-дахр»да кенг маълумот бериб, насрий ва назмий асарларидан парчалар келтирган («Иатимат ал-дахр», IV, 194—242; Ўзбекча таржима, 227—273-бетлар; «Берунийга замондош шоирлар» 10—16-бетлар).
4. Ар-Руҳо (Эдесса) — Юқори Месопотамиядаги шаҳар.
5. Ҳаррон — Месопотамиянинг шимоли-ғарбидаги шаҳар.
6. «То» ҳарфи билан бошланадиган иккита сўз: «итоаткорлик» (тоат) ва «бўйсунувчилар» (тоуна). Шом халқи шу икки хислатга эга, яъни итоаткор ва бўйсунувчи демоқчи.
7. Али билан Муовия I ибн Абу Суфён орасида бўлиб ўтган жангларда шонлиқлар Муовияга итоаткорлик қиладилар, ироқликлар эса Алига хонлиқ қиладилар ва у Куфада ўз аскарни томонидан ярадор қилиб ўлдирилади. Саолибий шу воқеага ишора қилаяпти.
8. Абу Зуръа — машҳур ҳадис олимларидан, 375/985—986-йилда Макка томонларда вафот этган.
9. Абу-л-Хаттоб Ҳамза ибн Али ал-Аздий — VIII аср иккинчи ярмида яшаган тарихчи. Асарлари сақланиб қолмаган, лекин Хуросонда Абу Муслим қўзғолони тарихи учун Табарийга асосий манба бўлган. Абу-л-Хаттоб маълумотлари асосан оғзаки сақланиб қолган («Арабский аноним», с. 173—174).
10. Ҳимл — «бир туя юк». Ироқда 243, 75 кг. Мисрда 135 кг ун, 249 кг чигитсиз пахта, 270 кг каноп, сурул каби матоларга тўғри келган. Умуман, ўртача 250 кг ни ташкил этади (Хини, Мусульманские меры и веса, с. 44).
11. Сурраманрао (Самарра) — Ироқда Дажла дарёсининг шарқий томонида жойлашган шаҳар. Қадимги номи Самира бўлган, халифа ал-Муътасим биллоҳ уни ўзгартириб, «Сурра ман рао» (Кўрган киши хурсанд бўлади) деб атаган («Қомус ал-аълом», IV, 1554-бет).

12. Жариб — сатҳ ўлчови, тахминан 1,09 гектарга тенг.
13. Бишр ал-Марисий — бу шахс ҳақида маълумот тополмадик.
14. Абу-л-Ҳасан Муҳаммад ибн Али ал-Мосаржисий — машҳур фақиҳ ва имомлардан. Хуросон, Ироқ, Ҳижоз ва Мисрда яшаган. 444/955 й. Хуросонга қайтиб, Нишопурда мударрислик билан шуғулланган ва бир қанча шоғирдлар етиштирган. 384/994 й. вафот этган («Қомус ал-аълом», VI, 4108). Саолибий Нишопурда Мосаржисий билан бевосита мулоқотда бўлган.
15. Абу Маъшур ал-Мунажжим (ваф. 885 й.) — Балхда туғилган. Ҳадис илми ва астрономия билан шуғулланган. Унга «Мадҳал ал-кабир» («Қатта йўл-йўриқ») ва «Аҳком синий ал-маволид» («Туғилганлар ёшларига ҳукм чиқариш») китоблари нисбат берилди.
16. Абдулмалик ал-Асмаъий (122/739—216/830) — машҳур араб тилшунос олим. Басрада туғилиб, шу ерда таълим олган. Бадавий тили ва унинг лаҳжаларини ёдлаган. Унинг «ал-Фурс» («Баҳодир»), «ал-Арожиз» («Ражазлар») ва «ал-Майсир» («Қимор») каби асарлари ва «ал-Асмаъийёт» номли мажмуаси бор.
17. Варс — тўқ қизил тусли бир нарса бўлиб, заъфароннинг янчилганига ўхшайди. Бу Ямандан келтирилади. Айтишларича, бу ўша ердаги дарахтлардан йўнилан қириндидир (Ибн Сино, Тиб қонунлари, II, 215-бет). Варс ҳақида Беруний муфасссал маълумот берган (Беруни, IV, № 1071, с. 855—858).
18. Мирбад — Ироқдаги Басра шаҳрининг машҳур маҳаллаларидан бири. Қадимги даврда у ер туя бозори бўлган. Кейин аҳолиси буюк кишилар бўлган йирик маҳаллага айланиб кетган. У ер шоирлар учун фахрли жой ва хатиблар учун мажлисоҳ бўлган («Мунжид фи-л-адаб», 490).
19. Анас — Муҳаммаднинг саҳобаси ва ходими Абу Ҳамза Анас ибн Молик (ҳижратдан 10 й. аввал/612—93/712) ёки моликий мазҳаби асосчиси Молик ибн Анас номига қурилган қаср бўлса керак.
20. Жаъфар ибн Яҳё ал-Бармакий — Ҳорун ар-Рашиднинг вазири ва суҳбатдоши, унинг ўғли ал-Маъмуннинг тарбиячиси ва синглиси Аббосанинг эри. 187/803 йили Ҳорун уни қатл этган.
21. Абу Исҳоқ Иброҳим аз-Зужжож (вафоти 311/923 й.) — грамматика олим, ойнасозлик қилгани учун «аз-Зужжож» лақабини олган, ал-Мубаррад ва Қосим ибн Сулаймонларга таълим берган. Грамматика ҳақида китоби бор («Мунжид фи-л-адаб», 232).
22. Абу-л-Фараж Абдулвоҳид ал-Баббағо (вафоти 398/1007) — араб шоири. Ас-Саолибий «Ятимат ад-даҳр»да унга тўла боб ажратиб, унинг ҳақида мукаммал маълумот берган ва шеърларидан парчалар келтирган (I қисм, 252—286-бетлар).
23. Абу Наср Саҳл ибн Марзубон — X аср охири, XI аср бошида Нишопурда яшаган арабийнавис шоир. Ас-Саолибий унинг ҳақида «Ятимат ад-даҳр»да маълумот бериб, шеърларидан намуналар келтирган (IV қисм, 391—394; ўзбекча таржима, 411—413-бетлар).
24. Ибн Зурайқ Абу-л-Ҳасан Али (Еқут ал-Хамавий унга ал-Куфий нисбасини ҳам қўшган) — V аср ҳижрий I-ярми (XI аср бошида) Бағдодда яшаган шоир ва котиб (Brockelmann, GAL, I, 82; Supp., I, 133).
25. Умора ибн Ақил — шоир Жарирнинг набираси, араб кўчманчи шоирларидан. Ал-Восиқ (842—847) ва ал-Мутаваккил (847—861)лар ҳузурда бўлиб, аббосийларни мадҳ этган ва уларнинг туҳфаларини олган. Басра грамматиклари ундан дарс олганлар («Мунжид фи-л-адаб», 357-бет).
26. Исообод — Бағдод ташқарисдаги жойлардан бири.
27. Ал-Ҳасанийя — Ироқ шаҳар ёки қишлоқларидан бўлса керак.
28. Кўзига сурма суртилди — яъни кўр қилинди (8-боб, 30-низоҳга қаранг).
29. Дайр ал-Оқул — Ироқда Бағдоднинг жанубидаги қадимги шаҳар.
30. Ас-Сарий Абу-л-Ҳасан Аҳмад ал-Киндий ал-Мавсилиий (вафоти 362/972 ёки 366/976) — ар-Раффоа номи билан шуҳрат қозонган машҳур араб шоири. Бу шоирни Саолибий «Ятимат ад-даҳр»га киритган, унинг ҳақида кенг маълумот бериб, шеърларидан намуналар келтирган («Ятимат ад-даҳр», II, 117—182-бетлар).

31. Анбаж (манго) — иссиқ мамлакатларда ўсадиган катта дарахт. Барги ёнроқ баргига ўхшайди, ҳиди ёқимли, меваси шингил бўлиб ўсади, лаззатли бўлиб, ёнроқ ва бодомга ўхшайди. Уни парварши қилишади, мевасини ейишади, ундан сиқиб шароб олишади ва сиркага солиб ҳам қўйишади. Пўстловидан нордон шарбат олиб, у билан ва пўстловнинг қовургани билан ич суриш касалини даволашади. Беруний анбаж ҳақида муфассал маълумот берган (Беруний, IV, с. 237, № 102).

32. Жуланжубин — форсча «гулангубин» — «гул асал» сўзининг арабийлашган шакли. Бундай гуласал (мураббо)ни тайёрлашни қаранг: Ибн Сино, V, 121; Беруний, IV, с. 861, пр. 19.

33. Доробжард — кайёнийлар сулоласидан саккизинчи подшоҳ Дороб номига қўйилган шаҳар (Гаффаров, Персидско-русский словарь, с. 317). Тарихда бундай сулола ҳукм сурмаган.

34. Али ибн Ҳамза ибн Умор а-л-Исфаҳоний — Беруний «Сайдана»сида ҳам унинг асал ҳақидаги «Рисола»си эслатилган (Беруний, IV, с. 631). Брокель-маниннг кўрсатишича, у а-л-Бухтурий ва Абу Тамоннинг девонларини тартибга солган (Brockelmann, I, 80, 85).

35. Абу-л-Ҳасан Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Таботбао — исфаҳонлик адиб ва шоир. «Айёр аш-шеър» («Шеър айёри»), «Таҳзиб ат-табъ» («Таъбини тарбиялаш»), «Китоб ал-аруз» номи учта асари бор. 322/934 й. Исфаҳонда вафот этган.

36. Қолиқло — бу ерда Кичик Осиёнинг жануби-ғарбида жойлашган Қилиқия шаҳри кўзда тутилаётган бўлса керак (Беруний, IV, с. 457, пр. 14).

37. Мийсон — Ироқ жанубидаги Шаттуларабда жойлашган мамлакат. Унинг зикри қадимги миҳхатларда келтирилган. Искандар у ерда пойтахт қуриб, уни Искандарийя деб атаган. У ҳозир ал-Михиммара шаҳридир. Селивкийлар даврида у ер халқининг тили юнонча бўлиб, кейин арабий тилига, исломдан сўнг араб тилига алмашган («Мушжид фп-л-адаб», 524-бет).

38. Бурда ёки бурд — йўл-йўл матоларининг парчаларидан тикилган уст кийим, чакмон деса ҳам бўлади.

39. Адан — жанубий Ямандаги йирик шаҳар, ҳозир ЯХДРнинг пойтахти.

40. Мунаййир — кийимлардан бири. Ипак ва зардан тўқилган мато, яъни парчадан тикилади («Мушжид», 850-бет).

41. Таҳарруж — «маст қилиш» маъносини билдиради. Қизил, нордон бўлиб, винога ўхшагани учун анорнинг бирор турига шундай ном берилган бўлиши керак.

42. Амлисй — «амлис» гиёҳсиз саҳро маъносини билдиради. Амлисй гиёҳсиз саҳрода ўсган анор нави бўлиши керак.

43. Абу Иброҳим Исмоил ибн Аҳмад аш-Шоший ал-Омирий — X аср иккинчи ярмида яшаган шош (Тошкент)лик шоир. Қандайдир сабаб билан бувайҳийлар вазир Соҳиб ибн Аббод ҳузурига Райга кетади ва у ерда анча ҳурмат қозонади. Саолибий уни «Ятимат ад-даҳр»нинг учинчи қисмига киритиб, унинг ҳақида қисқа маълумот берган ва тўртта қасидасидан парчалар келтирган («Ятимат ад-даҳр», III, 385—391).

44. Қатуно — Исроғул. Форс тилида «харгул» (эшак қулоқ) ва аслағул (отқулоқ) шаклида ҳам учрайди (Беруний, IV, 720, № 850).

45. Собур (Шопур) — Сосоний подшоҳларидан бир нечасининг исми: Шопур Ардашир (241—272), Шопур II Зу-л-актоф (310—379), Шопур III (383—378). Саолибий келтираётган шаҳарлар номи шу Шопурлар номига қўйилган. Араблар Собур деб талаффуз қиладилар.

46. Жундийсобур — Хузистондаги шаҳар, унга сосонийлар подшоси Собур I Ардашир (241—272) асос солган ва Юнондан асир олган халқларни у ерга жойлаштирган. Мусо ал-Ашъари уни 638 й. халифа Умар даврида босиб олган. Жундийсобур ўзининг тиббий шифохоналари билан шуҳрат қозонган («Мушжид фи-л-адаб», 142-бет).

47. Рибос — равоч. Беруний «Сайдана»сида «форс равочи» (ревень персидский) деб таржима қилинган ва унинг ҳақида Беруний кенг маълумот берган (Беруний, IV, с. 480, № 478).

48. Абу Толиб Абдуссалом ал-Маъмуний — машҳур араб шоири, васф жанрининг етук намоёнчаси. Бухорода ўттиз йилча яшаган ва шу ерда 383/994 йили вафот этган. Саолибий уни «Патимат ад-даҳр»га киритиб, таржимаи ҳолини, қасидаларидан намуналар ва юздан ортиқ васфий шеърларини келтирган.

49. Абу Толиб ал-Маъмунийнинг бу шеъри қуйидагича сал ўзгарishi билан «Патимат ад-даҳр»га киритилган (IV, 161—193; ўзбекча таржима, 193—224).

«Нима учун ундан яратилганим ва ўшанга қайтиб борадиганим нарсани газак қиласизлар.

Бу шундай нарсани, кўринишидан кофурнинг абир суртилган бўлакчалари деб гумон қилинади».

(«Патимат ад-даҳр», IV, 187; ўзбекча таржима, 219).

50. Мисқол — ислом давлатларида энг кўп қўлланган оғирлик ўлчови. Унинг ҳажми ҳар жойда ҳар хил бўлган. Ироқда бир мисқол олтин 20 қирот

(ҳар қайсиси 3 ҳаббога) тенг, яъни 4,464 г бўлган. Мисқолни  $\frac{3}{7}$  дирҳамга тенг ҳам дейилган. Урга Оснѐда мисқол 6 дангга, 12 нимдангга, 24 нўхатга, 96 жав (ҳабба ва арлага) тенг бўлган (Қаранг: В. Хинц, Мусульманские меры и веса, с. 11—18, 94—96).

51. Ширбомия — бомия отқулоққа ўхшаган, ейиладиган гиѐҳ (Гаффаров, Персидско-русский словарь, 93). Ширбомия шу гиѐҳнинг сутли шираси бўлиши керак.

52. Сарандиб — Цейлон, ҳозир Шри-Ланка деб аталади.

53. Бажозий — Беруний «Сайдана»сида «бажорий» деган сўз келтирилиб, зарнаб деган ўсимликининг бир тури деб аталган (Беруни, IV, с. 492, № 493).

54. Бадахшон — Хуросоннинг шимоли билан Синд мамлакатларига туташ тоғли диѐр. Ҳозирги вақтда Тожикистонга қарайди, маркази Файзобод.

55. Ҳафийя — либослардан бир тури бўлиши керак.

56. Асирийя — Нишопурга хос кийимлардан бўлса керак.

57. Тохтаж, рохтаж — булар ҳам Нишопурда тикилган кийимлардан.

58. Сақлотун — қизил ёки кўк рангли нозик жун мато («Персидско-русский словарь», с. 49).

59. Собирий — Эрондаги Собур вилоятида тайѐрланган юпқа нозик кийим. Уша жойга нисбат берилиб, собирий деб аталган (Гиргас, Словарь, с. 346).

60. Тоҳирийлар — Хуросонда 52 йил тахт сўраган сулола (205/821—259/873). Улар пойтахти Нишопур бўлиб, сиѐсий жиҳатдан Бағдодга — аббосий халифаларига итѐат этган.

61. Абу-л-Ҳасан Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Муродий (вафоти 940—942 йиллар ораси) — Бухорода яшаган арабийнавис шоир, Рудакийнинг яқин дўсти, Саолибий «Патимат ад-даҳр»да унинг ҳақида қисқа маълумот бериб, шеърларидан парча келтирган («Патимат ад-даҳр», IV, 74—76; ўзбекча таржима, 111—113-бетлар).

62. Ал-Муродийнинг бу ерда келтирилган тўрт байт шеъри «Патимат ад-даҳр»да ҳам берилган (IV, 75-бет; ўзбекча таржима, 112-бет).

63. Шийъалар имоми Али ибн Мусо ар-Ризо 203/898 йил вафот этиб, Тус яқинидаги Синобод деган жойда Ҳорун ар-Рашид ёнига дафн этилган (Қаранг: Петрушевский, Ислам в Иране, с. 252—254). Бу ерда шунинг кўзда тутилган.

64. Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Мусо ал-Мусавий ат-Тусий — Саолибий ровийларидан. Сўз бошига қаранг.

65. Абу Мансур Муҳаммад ибн Абдулраззоқ — амир Абдулмалик ибн Нуҳ (954—961) даврида Сомонийларнинг Хуросондаги ноибни (960—962) бўлиб, 962 йили Абу-л-Ҳасан ибн Симжур аскарлари томонидан қатл этилган (Бартольд, I, с. 310—311).

66. Абдуллоҳ ибн Муовия ибн Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Абу Толиб — Алининг биродари Жаъфарнинг эвараси. Тангрининг руҳи менда мужассамлашган деган ғоя билан ўзини шийъалар имоми, ҳатто пайгамбар деб даъво қилади. 127/744 й. Куфада қўзғолон кўтариб, ўзини халифа деб эълон қилади. Абу Муслим Хуросоний 126/746 йили уни қатл этган. Лекин унинг тобелари у ўлмаган ва тезда чиқади деб ишонганлар («Арабский аноним», с. 210).

67. Абу-л-Қосим ад-Довудий — ҳиротлик арабийнавис шоир. Саолибий ун «Иатимат ад-даҳр» тазкирасига киритиб, қисқа маълумот ва шеърларидан парчалар берган («Иатимат ад-даҳр», IV, 345; ўзбекча таржима, 369-бет).

68. Луффоҳ (мандрагора) — жанубда ўсадиган, катта-катта баргли, илди-зи йўғон, заҳарли ўсимлик. Луффоҳ ва унинг турлари ҳақида Беруний «Сай-дана»да муфассал маълумот берган (Беруний, IV, с. 787—789, № 950).

69. Абу Толиб Абдуссалом ал-Маъмунийнинг тонвий майизи ҳақидаги уш-бу васфи «Иатимат ад-даҳр»да берилган (IV, 179; ўзбекча таржима, 212-бет).

70. Зу-л-қарнайн — македониялик Искандарнинг (милодгача 356—324) ла-қаби. Нима сабабдан бундай лақаблангани ҳақида Беруний кенг маълумот берган (Беруний, Едгорликлар, 73—78-бетлар).

71. Мулҳам ёки мулҳим — ипак матонинг бир тури (Гаффаров, Словарь, с. 816).

72. Абу-л-Фатҳ Али ибн Муҳаммад ал-Бустий ал-Қотиб (360/971—400/1009) — бустлик машҳур шоир, адиб ва қотиб. Унинг ҳақида Саолибий «Иати-мат ад-даҳр»да кенг маълумот бериб, насрий ва назмий асарларидан намуна-лар келтирган («Иатимат ад-даҳр», IV, 302—334; ўзбекча таржима, 329—359. Қаранг: «Берунийга замондош шоирлар», 31—40-бетлар).

73. Мулаббан — «Сайдана»да Беруний қуюқ узум шарбатидан ун қўшиб ва қўшмай тайёрладиган ширинлик турларидан фурута ёки мулаббад ҳақи-да маълумот берган. Изоҳда уни мулаббан шакли ҳам кўрсатилган (Беруний, IV, с. 676—677, № 769).

74. Муррий — «Сайдана»да «балиқ қайласи ва бошқалар» дейилган. Изоҳ-да уни арпа унига ялпиз, туз, арпабодиён ва бошқалар қўшиб тайёрланиши кўрсатилган (Беруний, IV, с. 809, № 990).

75. Бу икки байт шеър шоир Абу Али ас-Сожий қаламига мансуб бўлиб, унинг ҳақида «Иатимат ад-даҳр»да қисқа тўхтаб ўтилган ва ушбу шеър ҳам берилган («Иатимат ад-даҳр», IV, 80; ўзбекча таржима, 116—117-бетлар).

76. Шаҳид ибн ал-Хусайн — Саолибийга замондош илм аҳлларида бўли-ши керак.

77. Агар Балх сўзи тасҳиф қилинса, «талх» бўлиши мумкин. Яъни ёзда у ерда яшаш аччиқ демоқчи бўлса керак.

78. Яҳё ибн Муоз ар-Розий Абу Закарё — йирик машойих ва воизлардан. Асли Райдан бўлиб, Нишопурда ваъз, насиҳат ва йўл-йўриқ кўрсатиш билан машғул бўлган; 258/871—872 й. вафот этган. Панд-насиҳатга онд машҳур асари бор («Қомус ал-аълום», VI, 4794).

79. Хуттал (ёки Хутталон) — Амударёнинг юқори оқимида Панж ва Вахш дарёлари орасидаги вилоят, ўзининг отлари билан машҳур бўлган. Амирлари «Хутталон шоҳ» деб лақабланганлар. Араб фотиҳлари 750 й. забт этгандан кейин Хуттал подшоҳи аввал Фарғонага, сўнг Хитойга қочиб кетган (Бартольд, I, с. 119 и сл. Он же, III, с. 555—557). Бу ерда Бартольд Хуттал ҳақида кенг маълумот берган.

80. Бу ерда сўз ўйини. Агар буст сўзини тасния қилинса, яъни икки марта орттирилса, бўстон бўлади. Буни бўстон деб ўқиш мумкин.

81. Абу-л-Музаффаар Наср ибн Носируддин Сабўктегин (вафот: 412/1021) — Маҳмуд Газнавийнинг биродари, лашкарбоши. Саолибий унинг қўл ости-да бир неча вақт яшаган ва унга ўзининг «Ажнос ат-тажнис» («Тажнис тур-лари») номли асарини бағишлаган. Унинг буйруғи билан «Фурар ахбор мулуқ ал-фурс ва снйрўҳум» («Эрон подшоҳлари ҳақида хабарлар ва уларнинг тари-хи») номли асарини ҳам ёзган. Бу китоб «Шоҳномаи Саолиби» номи билан машҳур.

82. Абу Наср ал-Муқаддасий ал-Бустий — X аср иккинчи ярмида яшаган бустлик арабийнавис олим ва адиб Мутаххир ибн Тоҳир ал-Муқаддасий бўлса керак (Крачковский, IV, 845, 846).

83. Абу Довуд Халид ибн Иброҳим аз-Зухлий — Хуросондаги кўзга кў-ринган кишилардан. Келиб қиқши жиҳатдан Бақр ибн воил қабиласининг Марв яқинида Фанин қишлоғида яшаган амр ибн шайбон ибн зуҳл уруғидан. Хуросон шийбаларининг раҳнамоси бўлган. Абу Муслимни қўллаб-қувватлаган ва Абу Муслим уни Тоҳаристон ҳокими қилиб тайинлаган, кейин ўз ўрнида

Хуросон ҳоқими этиб тайинлайди. 7 рабъ аввал 140/29 июль 757 й. қўзғолон кўтарган шийталар томонидан ўлдирилади («Арабский аноним», XI в., с. 165).

84. Зобулистон ёки Зовулистон — Жанубий Афғонистондаги тоғли вилоят. 85. Тахористон — Хуросондаги вилоят (Қадимги Бактрия). Амударёнинг юқори оқимида жойлашган, пойтахти Балх. Толиқон ҳам унинг шаҳарларидан. Ёқут уни зикр қилиб, юқори Тахористон ва қуйи Тахористонга ажратган.

86. Абу-л-Қосим Маҳмуд ибн Носируддин Ғазнавий, Ямийн ад-Давла номи билан машҳур бўлган Ғазнавийлар султони (388/998—421/1030).

87. Рибос ҳақида шу бобнинг 47-изоҳига қаранг.

88. Дўғбож — дуғ — форсча сўз бўлиб, сузма ва қатиқдан тайёрланган муздек ичимлик, яъни айрон (Беруни, IV, 394, № 347; Гаффаров, Персидско-русский словарь, 354). Дўғбо — мостоба («Фарҳанги забони тоҷики», 411).

89. «Сайдана»да «ой сўлагиги» (риқ ал-қамар) сўзининг синоними «бусоқ ал-қамар» ёзилган ва «селенит» деб таржима қилинган. «У оқ, ингичка, ранги ҳамма томонини қоплаган. Батъи жойларда араблар уни «маҳв» деб атайдилар». Изоҳда бошқалар уни «ой тоши» («ҳажар ал-қамар») деб ҳам атаганлар дейилган (Беруни, IV, с. 273, № 154).

90. Ал-Муваффақ Биллоҳ — 9-боб, 10-изоҳга қаранг.

91. Ибн Абу-л-Асбағ — сомониёлар давлатига хизмат қилган нуфузли кишилардан бўлиши керак.

92. Абу Али ал-Масихий ал-Қозий ал-Басрий — араб шоири, бир муддат Балхда, кейин Слжистонда қозилик қилган. Саолибий уни ўз тазкирасига киритиб, унинг ҳақида қисқа маълумот берган ва шеърларидан парчалар келтирган («Иятимат ад-даҳр», IV, 146—147; ўзбекча таржима, 179—180-бетлар).

93. Ҳозир ибн Муҳаммад ат-Тусий — Саолибийнинг ровий (мунишид)ларидан, ўша давр адабий муҳитига алоқадор киши, эҳтимол шоир ҳам бўлган. Унинг номи «Иятимат ад-даҳр»да ҳам бир неча марта учрайди.

94. Шабоб ибн Шайба (VIII аср) — адиб ва шоир, Бану Тамим қабиласидан.

95. Шаҳразур — Ғарбий Курдистондаги жой бўлиб, чиройли ва ҳосилдор текисликдан иборат. Авромон тоғлари силсиласининг ғарбида жойлашган (И. Ю. Крачковский, Шаҳразур в географическом словаре Пакута и в Записке Абу Дулафа, Избранные сочинения, IV, с. 283—288).

96. Савод — Ироқдаги ҳосилдор соҳиллар номи. Қадимдан Дажла билан Фурот орасидаги текисликка шундай ном берилган. Ироқ сўзининг синоними сифатида ҳам қўлланилади («Мунжид фи-л-адаб», 267-бет).

97. Уд — бу ерда хушбўй алой дарахти маъносига ишлатилапти. Беруний «Сайдана»да алой дарахтининг бир неча навлари борлигини ёзиб, улардан энг яхшиси Ҳиндистонники, у қора, ёғли ва оғир бўлади, дейди (Беруни, IV, с. 657, № 740).

98. Шихр (Шаҳр) — Жанубий Яманда денгиз соҳилида жойлашган шаҳар. У ерда лубон (бухўр) дарахти ўсади.

99. Ибн Матрон Абу Муҳаммад ал-Ҳасан ибн Али ал-Матроний аш-Шоший — X аср ўрталарида Бухорода яшаган шошлик арабийнавис шоир. Саолибий «Иятимат ад-даҳр»да унинг ҳақида маълумот бериб, шеърларидан намуналар келтирган («Иятимат ад-даҳр», IV, 115—122; ўзбекча таржима, 149—157. Яна қаранг: «Бухоронинг арабийнавис шоирлари» 41—45-бетлар).

100. Бу ерда «алой» сўзининг арабчаси «уд» эмас, балки унинг синоними «надд» ёзилган.

101. Ибн Матрон аш-Шошийнинг бу шеъри етти байтдан иборат бўлиб. «Иятимат ад-даҳр»да тўла берилган. Лекин у ерда «алой ҳада қилишни» сўзлари ўрнида «узум ҳада қилишни» ёзилган. «Иятимат ад-даҳр» Ленинградда сақланаётган иккита қўлёзмасида «алой» ёзилган («Иятимат ад-даҳр», IV, 117; ўзбекча таржима, 151, 499, изоҳ 160).

102. Каркар — қора баллиқчи қуш (чайка).

103. Шорак — чуғурчиқ (скворец), форсча сўз, қора хушовоз кичик қушча («Фарҳанги забони тоҷики», 598-бет).

104. Бу ерда Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Жайҳоний (914—922 йиллари сомониёлар вазири бўлган), Абу-л-Қосим Убайдуллоҳ ибн Абдул-

лоҳ ибн Хўрдабҳ (820—913) ва Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Истаҳрӣ (X аср ўрталарида яшаган)лардан бирортасининг «Иўллар ва мамлакатлар китоби» («Китоб ал-масолик ва-л-мамолик») устида гап борапти.

105. Беруний «Ҳиндистон»ида (138-бет) «Асир олинган бир киши Самарқандда қозғош ишлаш санъатини ижод этди» деб ёзган. Демак, ҳар икки олим бир хил манбадан фойдаланганлар.

106. Забадий — кўпиксимон ёки денгиз чиғоноқсимон, ўша рангдаги маъноларга эга. Агар «зубдий» ўқилса, «сариеғ ранг» маъноси чиқади.

107. Толиқон — Дайламда Қазвин билан Абҳар орасида жойлашган шаҳар. Исфаҳон яқинида ҳам Толиқон шаҳри бор. Таҳористонда Балх ва Марваруд орасида ҳам Толиқон шаҳри бор.

108. Такрит — Дажла дарёсининг ўнг қирғоғида, Самарранинг шимолида жойлашган шаҳар. Исломогача аҳолиси насорийлар бўлган.

109. Руён — Эронда Табаристон тоғларида Гилондан 12 тош масофада Рай чегарасига яқин қадимий йирик бир шаҳар. Халифа Усмон даврида фатҳ этилган, ислонинг аввалларида обод бўлиб, кейин харобаликка юз тутган («Қомус ал-аълом», III, 2382—2383).

110. Фанак — тулкилар овласига мансуб ҳайвон.

111. Хутув — каркидон шохи. У ва унинг бошқа маънолари ҳақида Беруний «Сайдана»да муфассал маълумот берган (Беруни, IV, 417, № 384).

112. Яшм — «Сайдана»да «яшб» сўзининг синоними қилиб кўрсатилган ва «нефрит» («оқ тош») деб таржима қилинган. Туркларда бун «ғалаба тоши» деб аталган, уни турклар ғалаба қозониши ва ошқозонлари оғир ҳазмли таомлардан касал бўлмаслик учун ишлатганлар...

Терминликларда у «яшб»; бухороликларда — «машб» ва «яшб» деб аталган. Бу оқ хитой тоши (Беруни, IV, 880, № 1113). Бу ерда яшмининг ҳамма хусусиятлари ва турлари ҳақида ёзилган.

113. Саолибий нима учундир Тибет (Туббатни) турк диёрига қўшапти. Эҳтимол, унинг Шарқий Туркистон билан чегарадошлиғи сабабли шундай атагандир. Туркий халқлар яшаган жойларда бошқа Туббат бўлганлиги маълум эмас.

114. Раққин — пишлоқ, Саолибий қуйида Марв муррийсига ўхшатапти (муррий ҳақида 74-изоҳга қаранг).

115. Қирбос (кўплиги: каробис) — пахтадан ишланган юлқа газлама, дока бўлса керак.

116. Ҳафий ёки ҳафийя ҳақида 55-изоҳга қаранг.

117. Мунаййир — икки арқоқ билан тўқилган мато. Пишиқ ва узоқ чндайдиган бўлган.

118. Ҳашхоший — хашхош (кўкнор) қўшиб тайёрланган таом. Ҳашхош — Жужонда тайёрланадиган матонинг бир тури маъносини ҳам билдиради («Персидско-русский словарь», с. 554). Бу ерда кейингиси тўғри бўлиб, Саолибий «хашхош»ни «хашхоший» ёзган бўлса керак.

119. Дабиқий — Мисрда тайёрланадиган зарноб мато, парча («Персидско-русский словарь», с. 611).

120. Абу-л-Ҳасан Али ибн ал-Ҳасан ал-Лаҳҳом ал-Ҳарроний (970 йиллар атрофида вафот этган) — араб халифалиги марказидан Бухорога келиб, сомонийлар саройида яшаб ижод этган шоир. Ҳажвиеъ жанрида замонасининг яктоси бўлган. Сомоний амирлари ва вазирларини аёвсиз ҳажв тиғи билан отган. Саолибий бу шоир ҳақида «Иатимат ад-даҳр»да кенг маълумот бериб, шеърларидан намуналар келтирган («Иатимат ад-даҳр», IV, 102—115; ўзбекча таржима. 136—149; «Бухоронинг арабийнавис шоирлари», 38—41-бетлар). Ушбу китобда унинг лақаби ал-Лажжом ёзилган, тўғрилаб кетдик.

121. Бу шеър «Иатимат ад-даҳр»да берилган (IV, 111-бет).

## [УН БИРИНЧИ БОБ]

1. Абдулмалик ибн Солиҳ ибн Али ал-Ҳошимий (вафоти 812) — аббосий халифаларидан ас-Саффоҳ (749—754) ва ал-Мансур (754—775)ларнинг амакиваччаси. Византияликларга қарши жанг-

ларда (791—798) иштирок этган, Мадина, Миср, Шом ва Ироқ ҳокими бўлган («Мунжид фи-л-адаб», 340).

2. Манбиж — Сурияда Ҳалабнинг шимол-шарқидаги қадимги шаҳар.

3. Ал-Массиса — Амударё қирғоғида Тарсус яқинидаги шаҳар («Мунжид фи-л-адаб», 501); Кичик Осиёдаги шаҳар (Гиргас, Словарь, 759).

4. Занжи — негр, ҳабаш.

5. Норжил — норжил (кокос) пальмаси, норжил ёнғоғи. Унинг ҳақида «Сайдана»да тўла маълумот берилган (Беруни, IV, с. 838—839, № 1037).

6. Абу Занбур ал-Модароий — Саолибий ровийларидан. Халифа ал-Муқтадир Миср ва Сурияда тахт сўраган даврларида маълумотли ва нуфузли кишилардан бўлган, унинг оиласи вазир Али ибн Исоини ижарачиси ва мавлоси бўлган («Латиф», инглизча таржима, 144-бет, 170-изоҳ).

7. Абу-л-Ҳасан Али ибн Абдулазиз ал-Журжоний — машҳур адиб, шоир ва фақиҳлардан. Фақиҳ сифатида Абу Исҳоқ Шерозийнинг «Табақот ал-фуқоҳо» асарига зикр қилинган. Саолибий унинг ҳақида «Ятимат ад-даҳр»да кенг маълумот бериб, унинг «ал-Васатат байн ал-Мутанаббий ва хусумуху фи шеърихи» («ал-Мутанаббий ва унинг шеърятини ҳақидаги душманлари ўртасида воситачилик») номли китобидан ва шеърларидан парчалар киритган. Абу-л-Ҳасан Журжоний 366/976—977 й. вафот этган («Ятимат ад-даҳр», IV, 3—26-бетлар).

8. Абу Рабиъ ал-Балхий — X асрда яшаган арабийнавис шоир. Бухородан бошқа шаҳарларга сомониёлар амири томонидан шикоятларни текшириш учун юборилган. Унинг шеърларидан «Ятимат ад-даҳр»да етти байт, шу жумладан, қуйида келтириладиган Шош ҳақидаги байт ҳам киритилган («Ятимат ад-даҳр», IV, 350—351; ўзбекча таржима, 374-бет).

9. Абу-л-Ҳасан Али ибн Аҳмад ал-Массисий ар-Ромий аш-Шоир — Саолибий ровийларидан. Сўз бошига қаранг.

10. Абу Али Аҳмад ибн Али ал-Ҳоим ал-Мадоний — Азуд ад-давла саройида яшаган кишилардан. Таниқли олим Қозий ал-Муҳассил ибн Али ат-Танухийнинг дўсти бўлган («Латиф», инглизча таржима, 145-бет, 177-изоҳ).

11. Абу Дулаф Мисъар ибн Муҳалхил ал-Хазражий (X аср) — машҳур сайёҳ, географ ва шоир. Асли Мадинанинг хазраж қабиласидан бўлиб, X аср биринчи чорағида Бухорога келади ва 914—942 йиллар давомида Наср ибн Аҳмад саройида хизмат қилади. Унинг тарихий географиясига оид «Рисолат ал-аввал» («Биринчи рисола») ва «Рисолат ал-ухро» («Иккинчи рисола») асарлари муҳим аҳамиятга эга. Шеърларидан парчалар «Ятимат ад-даҳр»да сақланиб қолган (III қисм, 356—358. Унинг ҳақида яна қаранг: Brockelmann, GAL, I, 228—229; Бартольд, II, ч. 1, 494, 496; «Вторая записка Абу Дулафа»).

12. Ҳайбар — Араб яриморотида Ҳижознинг шарқий чегарасида Мадинадан 170 км шимолда бир қадимий қасаба (шаҳарча). Мевалари ва хурмоси билан машҳур, пайғамбар амири билан Али бу шаҳарни фатҳ этган («Муъжам ал-булдон», III, 495—497, «Қомус ал-аълом», III, 2071—2072).

13. Деҳистон — Мозандарон томонида, Хоразм билан Журжон яқинида бир қасаба (шаҳарча): Кирмонда ҳам шу исмли бир қасаба ва Ҳирот яқинида бир ноҳия бор («Қомус ал-аълом», III, 2199).

14. Ҳажар — Баҳрайндаги бош шаҳар, 9-боб, 26-изоҳга қаранг.

15. Абу Дулаф Абу Али ал-Ҳоимга Қуръоннинг масад сурасидаги «Абу Лаҳабнинг қўллари қурсин» оятини «Абу Лаҳаб ҳалок бўлсин» деб ўқийсанми, Ҳажарда хурмо бўлатуриб, у ерга хурмо олиб борасанми? каби сўзларни киноя қилиб айтяпти.

16. Тавваж (ёки Туз) — Форсда Қосирун яқинида Шероздан 32 фарсаҳ масофада бир кичик қасаба бўлиб, юпқа ва нафис матоси билан машҳурдир. Чуқур ерда бўлгани учун ҳавоси жуда иссиқ («Қомус ал-аълом», III, 1680).

17. Таввазий (ёки тузий) — Тавважда тукиладиган нозик суруп мато («Персидско-русский словарь», I, с. 409).

18. Хархиз — Енисей дарёси бошланиш жойларида яшаган қадимги туркий халқлар (Беруни, IV, с. 418, пр. 6).
19. Фанак — 10-боб, 110-изоҳга қаранг.
20. Тағазғаз — турк қавмларига мансуб бир қавм бўлиб, араб китобларида зикр қилинган. Қирғиз қавмидан иборат бўлиши мулоҳаза қилинади («Қомус ал-аълом», III, 1656).
21. Зилолий — Кичик Осиёнинг жануби-ғарбида жойлашган Қалиқло (10-боб, 36-изоҳга қаранг) шаҳрига нисбат берилган мато номи бўлиши керак.
22. Майсон — Басра билан Восил орасидаги қадимий катта бир ноҳия («Қомус ал-аълом», VI, 4512).
23. Ҳижоз — Араб яриморидаги вилоят.
24. Бардаъа — Озарбайжоннинг Тертер дарёси қирғоғидаги қадимги шаҳар.
25. Мосакон — Сижистон орқасидаги машҳур шаҳар, ўзининг ҳалвоси билан шуҳратланган (Еқут, Муъжам ал-булдон, VII, 365-бет). Демак, Еқут ҳам бу шаҳар ҳалвосининг машҳурлигини қайд қилипти.
26. Арражон — Эрондаги Форс вилоятининг ғарб томонида денгиз соҳилидаги бир бекат ва Шероздан 60 фарсаҳ нарида жойлашган шаҳар («Қомус ал-аълом», II, 823).
27. Ҳулвон — Эронда Ҳулвончой дарёси қирғоғида Жибол ва Ироқнинг қадимги чегарасида жойлашган вилоят ва шаҳар.
28. Ниҳованд — Эроннинг ғарбидаги шаҳар.
29. Фансур — Хитойдан жануб томонда жойлашган вилоят («Арабские источники», с. 383. Бу ерда Фансурдаги «сод» ҳарфи «син» ёзилган).
30. Сирвон — Сижистонда Бустдан икки бекатли масофадаги бир қасаба. Узум, хурмо ва мевалари билан машҳур («Қомус ал-аълом», IV, 2557).
31. Мансур — Ироқ аҳолиси шаббуй (хири)нинг ҳар хил турларини «мансур» деб атаган (Беруни, IV, 416, № 381).



# КЎРСАТКИЧЛАР



## ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЕТЛАР

### 1. Ленин В. И. Давлат тўғрисида.

Асарлар, 29-том, 1953.

2. Ленин В. И. О литературе, М., 1957.

3. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси программаси, Тошкент, Ўздавнашр, 1962.

4. «Арабский аноним» — Арабский аноним XI века. Издание текста, перевод, введение в изучение памятника и комментарии П. А. Грязневича, М., 1960.

5. «Арабские источники» — Арабские источники VII—X веков. Подготовка текстов и переводы Л. Е. Куббеля и В. В. Матвеева, Издательство АН СССР, М.—Л., 1960.

6. Бартольд, I — Бартольд В. В. Сочинения. Т. I. Туркестан в эпоху монгольского нашествия, М., Издательство восточной литературы, 1963.

7. Бартольд II, ч. 2 — Бартольд В. В. Сочинения. Т. II. ч. 2. Работы по отдельным проблемам Средней Азии, М., Наука, 1964.

7а. Бартольд III — Бартольд В. В. Сочинения. Т. III. Работы по исторической географии, М., Наука, 1965.

8. Бартольд, VII — Бартольд В. В. Сочинения. Т. VII. Работы по исторической географии и истории Ирана, М., Наука, 1971.

9. Бейхаки — Абу-л-Фазл Бейхаки, История Масъуда, 1030—1041. Вступительная статья, перевод и примечания А. К. Арендса. Ташкент, Издательство АН Узбекской ССР, 1962.

10. Беляев, Арабы — Беляев Е. А. Арабы, ислам и арабский халифат в раннее средневековье, М., 1960.

11. Беруний. Хиндистон — Абу Райхон Беруний, Танланган асарлар, II, Хиндистон, Тошкент, ЎзССР «Фан» нашриёти, 1965.

12. Беруний, IV — Абу Райхан Беруний. Избранные сочинения. Т. IV. Фармакогнозия в медицине. Исследование, перевод, примечание и указатели У. И. Каримова, Ташкент, Фан ЎзССР, 1973.

13. Беруний. Ёдгорликлар — Абу Райхон Беруний, Танланган асарлар, I, Қадимги халқлардан келган ёдгорликлар, Тошкент, Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1968.

